

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ФЕРУЗА МУХИДДИНОВА

# СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

(Жаҳон мамлакатлари сиёсий-ҳуқуқий  
таълимотлари тарихи мисолида)

Тошкент-2006

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

**ТДЮИ ўқув-услубий Кенгашининг 2006 йил 25 май 10-сон мажлис баённомасига кўра нашрга тавсия этилган.**

**Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ**

**Феруза Мухитдинова. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. Ўқув қўлланма /: ТДЮИ нашриёти, 2006. – Б-306**

**Тақризчилар : ю.ф.д., доц. : А.Ш Жузжоний  
ю.ф.н., проф: О.А. Каримова**

**Мазкур қўлланмада сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, Қадим давр сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг шаклланиши ва ривожланиши, ўрта аср сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг асосий хусусиятлari, жаҳон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг асосий ғояси адлолатли давлат бошқаруви, одил ҳукмдор, суд ва судлов, қонунчилик ҳақидаги ғояларнинг ривожи, янги давр сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ва ҳозирги давр Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ масалаларининг ўрганганлиги қайд этилган.**

**Қўлланма ўқув дастурига мос равишда тузилган.**

**Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ўқув фани  
сифатида: мавзуи, тизими, услуби**

**РЕЖА:**

- Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи тушунчаси.
- Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
- Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети ва ўрганилиш усуллари.

**Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи тушунчаси**

Миллий давлатчилик илдизлари уч минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси XXI аср бўсафасига келиб ўз миллий мустақиллигини қўлга киритди. Бой миллий-маънавий меросимизни қайтадан кашф этиш, ўзликни англаш, аждодларимиздан мерос миллий қадриятларни, узоқ тарихга эга бўлган миллий давлатчилигимиз анъаналарини таҳлилдан ўтказиш кун тартибига чиқсан долзарб вазифалардан бўлиб қолди. Миллий қадриятлар ва маънавий-илмий меросни замонавий умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш миллий истиқлолни мустаҳкамлаш ишининг муҳим бир қисмидир. Айни пайтда, миллий давлатчилигимиз тарихини, юртимизда давлат ва қонунчилик борасидаги сиёсий-ҳуқуқий билимларнинг ривожланиши жараёнларини яхши англаб, билиб олиш учун жаҳон тарихидан, дунё мамлакатларида бу соҳада кечган жараёнлардан яхши хабардор бўлиш зарур.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек: "Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб этиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этиш лозим"<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-том. –Т. , “Ўзбекистон”, 1999, 304-бет.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

---

Бинобарин, вақт ўтган сари инсоният орттирган тарихий тажриба ва билим, маънавий-маданий мерос қўлами ортиб бораркан, ўз навбатида тарихнинг ҳам давр учун бўлган аҳамияти кучайиб боради. Тарихнинг бундай умуминсоний маърифий, маънавий-тарбиявий қадриятлари жаҳон мамлакатлари сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихига ҳам тўла тегишилдири.

“Таълимотлар” деганда турли шакллардаги назарий қарашларнинг моҳияти, тегишли билимларнинг тарихан майдонга келиши ва ривожланиши, сиёсий-ҳуқуқий кўринишларни билиш чуқурлашиб борган назарий концепциялар, ғоялар ва қоидалар назарда тутилади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг вазифаси дунё сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари, йўналишларини ёритишдан иборатdir.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи инсоният маънавий маданиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Уларда ўтган аждодларнинг улкан сиёсий-ҳуқуқий тажрибаси мужассамлашган бўлиб, озодлик, ҳуқук, қонунчилик, сиёсат, давлатчилик муаммолари борасидаги қадим тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ва натижалари ўз ифодасини топган. Бу кўп асрлик тажрибалар, ғоялар ва қўлга киритилган натижалар замонавий сиёсий-ҳуқуқий қарашларга ва йўналишларга, ҳозирги кундаги назария ва амалиётга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кун муаммоларини англаб етиш ва келажак сари маъқул йўл топиш мақсадида кишилар доимо мозийга мурожаат қилишган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу ўтмишга, унинг анъана-ларига кўр-кўrona сифиниш натижаси бўлмай, балки инсониятнинг тарихий маконда ўзлигини англаш, ўтмиш ва келажак ўртасида ўз ўрнини топиш йўлидаги зарур воситадир.

Шу маънода инсониятнинг тарихий манбаларда ўз ифодасини топган сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ва маданиятининг тараққиёт йўли, умуминсоний сиёсий-ҳуқуқий қадриятларнинг шаклланиш ва қарор топиш жараёнлари муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи турлича қарашлар ҳамда муносабатларнинг ўзаро кураши давомида давлат ва ҳуқук, қонун ва қонунчилик, тегишли давлат ва жамият тузуми табиатини англаш, шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шакллари, тамойиллари тўғрисидаги тасаввурларнинг чуқурлашиб бориши жараёнини тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

## Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг тегишли билимлар ва таълимотларга айланиши жуда узоқ давр мобайнида рўй берган. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар илк синфий жамиятлар ва давлатлар шаклланиши жараёнида пайдо бўлган. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар инсонлар томонидан дунёни билишнинг дастлабки диний-афсонавий шаклидан босқичма-босқич рационал-мантикий, фалсафий шаклига ўтиб борган.

Умуман инсоният тарихи сингари сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланишини ҳам қуидаги асосий даврларга бўлган ҳолда ўрганиш мумкин.

Улардан биринчиси — қадимги дунёнинг илк сиёсий-ҳуқуқий тасаввурлари шакланган давр. Бунда инсон тафаккури, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари эртак ва диний афсоналар шаклида ривожланган. Афсонавий тафаккур тарих ривожини худоларга боғлиқ деб билган. Инсоният тарихи, дунё тартиблари, ердаги ҳокимият ва мавжуд қонунлар худолар мадади ва иштирокида яратилган деган назария пайдо бўлган.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ривожланишининг иккинчи даври (ўрта асрлар)да илмий таълимотлар, тарихий, фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлар диний мафкура таъсирида ривожланган. Шунинг учун ҳам бу даврда ижод қилган кўплаб мутафаккирлар асарларида ижтимоий тараққиёт жараёнлари идеалистик нуқтаи назардан асосланган.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг янги даври кўплаб файласуфлар ва мутафаккирлар томонидан худо тарих ва тараққиёт, жамият тартиб ва қонунларининг ижодкори деган ақидадан воз кечилиши билан бошланган. Дунёдаги воқеа-ҳодисаларни, ижтимоий муносабатларни моддий дунёнинг ўзидан келиб чиқиб ўрганила бошланди.

Кисқача айтганда, афсоналар, фалсафа ва фан сиёсий-ҳуқуқий кўринишларни билиш йўлидаги ёндашувнинг уч асосий тури саналади ва уларни илмий билиш натижаларини белгилаш шакли хисобланади.

Дастлаб барча халқларнинг сиёсий-ҳуқуқий тасаввурлари бирдай диний-афсонавий хусусиятга эга бўлган. Бунда давлат ва ҳуқуқ

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

тартибот муносабатларининг илоҳийлиги, худо томонидан ўрнатилганлиги ҳақидаги тасаввурлар ҳукмронлик қилган. Дунё, бутун олам худо иштирокида ва унинг ҳаракати билан тартибга солинган, ердаги тартиблар ҳам шу бутун олам тартибининг бир бўлаги деб ҳисобланган.

Сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг рационаллашуви ўз навбатида бундай афсонавий қарашлардан узоқлашишни билдиради. Бу жараён афсона мазмунини афсонавий қобиқдан ажратиб олиниши, афсоналарни шарҳлашга фақат руҳоний-коҳинлар эмас, балки бошқаларни ҳам кенг жалб этилиши, давлат-ҳуқуқ масалаларини кенг доираларда муҳокама қилиш оммалашуви билан бир вактда давом этди.

Турли давлат шаклидаги жамиятларда бу жараён турлиса суръатларда кечди, улар хилма-хил шаклларга эга бўлди ва турли хил оқибатларга олиб келди. Умуман олганда, дунёқарашдаги, жумладан, давлат ва ҳуқуқ масаласида дастлабки диний-афсонавий тасаввурлардан маълум бир маънодаги рационал қарашларга ўтиш жараёни эрамиздан аввалги VIII-VI асрларда кузатилган. Бу жараён Хитойда Конфуций, Мао-цзи, Лао-цзи ва легистлар таълимоти, Ҳиндистонда Буддачилик, Эрон ва Марказий Осиёда Зардуштийлик, Юнон донишмандлари ва Рим ҳуқуқшунослари таълимотлари сифатида намоён бўлган.

Ўз-ўзидан равшанки, “сиёсат” ва “давлат” тушунчалари бир-бирларидан ўзаро фарқланади. Уларнинг ўзаро мувофиқлиги даражаси ҳақидаги тасаввур турли даврларда ва турли муаллифларда турлича бўлган. Масалан, сиёсий кўринишларни полис тажрибаси асосида ишлаб чиқиши бошлаган Қадимги Юнон мутафаккирлари “давлат” атамасини қўллашган эмас. Бу атама орадан бир неча асрлар ўтгач, Макиавелли замонасидагина илмда қўллана бошлаган.

Қадимги юнонистонликлар “сиёсат” деганда давлатчиликнинг факат фуқаролари озод бўлган эллинларга хос ва анча ривожланган алоҳида шаклини тушунишган.

Янги даврда ва ундан кейинги босқичларда “сиёсат” ва “давлат” тушунчалари ўртасидаги фарқ анча ойдинлаштирилган. Бунда “сиёсат” атамаси Қадимги Юнон мутафаккирларидан фарқли ўлароқ, “давлат” тушунчасидан кўра кенгроқ маънода талқин қилинган.

**Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг  
ҳуқуқшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги**

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ҳуқуқшунослик фани ҳисобланади. Лекин бу фан ривожланишига ҳуқуқшунослардан ташқари файласуфлар ҳам катта ҳисса кўшишган. Пифагор, Гераклит, Демокрит, Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур, Конфуций, Августин, Гоббс, Кант сингари бир қатор файласуф ва мутафаккирлар қарашлари айни чоғда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида ҳам муҳим ўрин тутади.

Маълумки, сиёсат, давлат, ҳуқуқ, қонунчилик соҳалари юрис-пруденция, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, этика сингари турли гуманитар фанларнинг ўрганиш обьекти ҳисобланади. Айни чоғда бошқа фанлар билан ўзаро алоқада бўлган ҳар бир фан ўзининг ўрганиш предмети ва усусларидан келиб чиқсан ҳолда бу умумий соҳаларга нисбатан ўзига хос илмий ёндашувга, алоҳида предмети ва мавзуига эга бўлади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани ҳуқуқшунослик фанлари тизимида бир вақтининг ўзида ҳам тарихий, ҳам назарий йўналишдаги мустақил илмий-ўқув фани ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий фан доирасида давлат, ҳуқуқ, сиёсат ва қонунчиликнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши тарихи сиёсий ва ҳуқуқий назарияларнинг тарихий шаклланиш жараёнлари билан боғлиқликда тадқиқ этилади.

Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тизими назарий расмийлашган фан мажмуи сифатида, илмий билиш даражаси ва хусусиятига кўра сиёсий ва ҳуқуқий воқеликнинг тасаввур, туйғу, ишонч, кайфият, фикр сингари бошқа шаклларидан фарқланади. Назария даражасига кўтарилимаган кундалик онгнинг бундай шакллари, гарчи сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи предмети доирасида бўлмаса-да, ҳам тегишли назарияларнинг шаклланиши билан боғлиқ маълум бир вазиятни тушуниш ва идрок этишда муҳим ҳисобланади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ягона ҳуқуқшунослик фани доирасида бирлаштирилганига сабаб сиёсий ва ҳуқуқий кўри-нишларнинг ва тегишли тушунчаларнинг ўзаро яқин алоқдорлигига. Бу нарса айниқса, давлатшунослик ва ҳуқуқшуносликнинг яхлит ўқув мажмуидан иборат бўлган ҳуқуқшунослик фанининг ўзига хос улубий ёндашувида яққол кўринади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихига ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ёндашув сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети, яъни ўрганадиган масалалар доирасини англашга

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ёрдам беради. Масалан, сиёсатшунослик фанида ўтмиш сиёсий таълимотлари бизнинг фанимиздан кўра бошқача ёндашувда, яъни сиёсатшунослик фанининг предметидан, мақсад ва вазифа-ларидан келиб чиқиб ўрганилади. Бу ҳолда сиёсий воқелик билан узвий алқадор бўлган ҳуқуқий таълимотлар фақат қисмангина кўриб чиқилиш мумкин. Чунки ҳуқуқий таълимотларни чуқур таҳлил қилиш бу фаннинг мақсад ва вазифаларига кирмайди. ҳуқуқшунослик ва сиёсатшунослик сиёсий кўринишларнинг турли соҳаларини ва хилма-хил жиҳатларини ўрганади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳуқуқшунослик фани сиёсий кўринишларни ҳуқуқий кўринишлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганади ва сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг ҳуқуқ шаклида ифодаланишини тадқиқ қиласди.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани давлат ҳақидаги таълимотларнинг тор мутахассислик масалаларини ёки ўтмишдаги сиёсий таълимотларни давлатшунослик тарихи сифатида ўрганмайди. Шунинг учун ҳам сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг асосий вазифаси давлатчилик назарияси муаммолари турли илмий оқимлар ва йўналишлар вакиллари томонидан қай тарзда ва қай даражада ўрганилганини кўриб чиқишидан иборат бўлади. Демак, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанида ҳуқуқ ва қонунчилик борасидаги назарий қарашларнинг шаклланиши тарихи ўрганилади.

Давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганувчи ҳуқуқшунослик фанларидан фарқли ўлароқ, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани пайдо бўлаётган ва шаклланаётган сиёсий-ҳуқуқий муассасаларни эмас, балки уларни назарий билишнинг тегишли шаклларини ўрганади.

Шу билан бирга, бир томондан, сиёсий-ҳуқуқий гоялар тарихи ва иккинчи томондан давлат ва ҳуқуқ шакллари, муассасалари тарихи бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Зотан, давлат ва ҳуқуқ тарихини билмай туриб, тегишли сиёсий-ҳуқуқий назариялар мазмун-моҳиятини англаш қийин кечади. Ўз навбатида, давлат ва ҳуқуқ борасидаги у ёки бу назарий қарашларни яхши билмай туриб, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг тарихий шаклланиш жараёнини илмий тушуниш мумкин эмас.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани ҳуқуқшуносликнинг бошқа умумназарий фанларига нисбатан тарихий фан сифатида намоён бўлади. Унинг предмети ва вазифалари сиёсий-ҳуқуқий назарияларнинг юзага келиши ва ривожланиши тарихини,

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

давлат, ҳуқуқ ва сиёсат ҳақидаги назарий билимларнинг тарихий шаклланишидаги қонуниятларни ўрганишдан иборатdir.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг бошқа ҳуқуқий ва фалсафий фанлардан фарқи шундаки, ўтмишдаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг ўзи эмас, балки уларнинг тарихи биз кўриб чиқадиган фаннинг предмети ҳисобланади.

### **Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети ва ўрганиш усуллари**

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани таркибан назарий ва тарихий йўналишдаги тадқиқотлардан иборат бўлгани учун ушбу фанда таълимотларни ёритиш хронологик ҳамда муаммоли усул ва воситалар орқали олиб борилади.

Бундай хронологик ёндашув Афлотун, Арасту, Фома Аквинский, Кант сингари давлат ва ҳуқуқ борасидаги янги концепцияларни асослаган мумтоз мутафаккирларнинг ғояларини, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлардаги аҳамиятли бўлган илмий оқимлар ва қарашларни ёритишга, уларнинг пайдо бўлиши ва тадрижий ривожланишини англашга ёрдам беради. Бу ҳол у ёки бу назарий қарашларнинг, таълимотларнинг ўзига хос шаклланиш ва алмашиниш жараёнларини тарихий жиҳатдан аниқ, тўлиқ ва изчил ўрганиш имконини беради.

Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўзлаштиришда, материални шундай изчил хронологик тарзда ўрганиш билан бирга, тарихий-қиёсий тадқиқот усулларини ҳам қўллаш катта аҳамият касб этади. Чунки турлича назария ва ғояларни ўзаро таққослаб кўриш бу ғояларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари борасидаги билимларимизни янада чукурлаштиришади, айни чоғда уларни ўзаро фарқловчи аниқроқ мезонларни очиб беради.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи мустақил юридик фан бўлиб, у бошқа юридик фанлар каби гуманитар фанлар сирасига киради. Унда ҳам бошқа замонавий гуманитар фанлардаги сингари фаннинг, олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда фалсафий ва маҳсус-илмий усулларнинг бой воситаларидан фойдаланилади. Бу борада, энг аввало, расмий-мантикий, диалектик, тизимли, қиёсий-тарихий тадқиқот усуллари муҳим ўрин тутади.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

У ёки бу усул (бинобарин, фойдаланилаётган усуллар мажмуи) - бу, шубҳасиз, бирдан-бир мақсад, изланган ҳақиқат эмас, балки билиш йўли ва тадқиқот воситаси, холос. Қўлланувчи усулнинг илмий аҳамияти ва ўрганиш борасидаги қиммати пировардида бу усулнинг фанни ўрганилаётган обьект ҳақидаги янги билимлар билан бойитишга, тадқиқ қилинаётган муаммолардаги янги ҳолатларни кашф этишга, уларни янада мазмунлироқ ва теранроқ тушунтиришга қанчалик қодирлиги билан белгиланади.

Билиш усулларининг ривожланиши билан ички боғлиқликда бўлган илмий таълимотлар тараққиёти ўз моҳиятига кўра тарихий жараёндир. Сиёсий-ҳуқуқий тафаккур соҳасидаги назарий билимлар ва билиш усуллари тараққиёти сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанида тушунтириб берилган. Шу билан бирга айни биз ўрганаётган фан (яъни сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи) назариялар тарихи сифатида сиёсий-ҳуқуқий билиш усулларининг ҳам ўзига хос тарихи ҳисобланади. Айни чоғда бу тарих умуминсоний, умумбашарий аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳам у бизга таълим тизимимизни жаҳон цивилизациясининг илфор ютуқларидан баҳраманд қилиш имконини беради. Бундай баҳрамандлик, ўз навбатида, ҳар қандай зуғумлардан холи, озод ва эркин шахсни тарбиялашга, истиқлолча янги онг, янги тафаккур, янги дунёқарашни шакллантиришга, энг муҳими — янги инсонни камол топтиришга муайян даражада хизмат қилиши шубҳасиз.

### **Эътибор беринг :**

### **Ушбу фан бўйича маъruzada қуйидаги асосий жиҳатлар:**

Мазкур мавзуни ўрганишни сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг мустақил юридик фан эканлиги, уни ҳуқуқшунослик ва барча ижтимоий фанлар тизимидағи тутган ўрнини аниклашдан бошлаш зарур.

Сиёсий –ҳуқуқий таълимотлар тарихини давлат ва ҳуқуқ тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсатшунослик фанлари билан чамбарчас боғликлигини, уларнинг мавзуларини ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тўла тасаввур қилишга эътиборини қаратиш лозим. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи фанининг мавзуси ва уни ўрганишнинг усулларини алоҳида эътибор билан ўрганиш талаб килинади.

**Конституциявий** ҳуқуқ ,жиноий, фуқаролик, оила ва никоҳ, хўжалик ҳуқуқи, халкаро ҳуқуқ, молия ҳуқуқи каби алоҳида ҳуқуқ тармоқларини ривожлантиришда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг салмоқли ўрни борлигини алоҳида кайд этиш керак.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганишда қуидаги қоидаларига риоя килишни унутмаслик даркор.**

**Биринчидан:** у ёки таълимотни, назарияни, концепцияни ёки бирор-бир мутафаккирнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, фикрлари, тасаввурларини ўрганиш учун ўша давр шарт-шароитлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўрганмок зарур. Акс ҳолда жуда кўп ғоя ва фикрлар бугунги кунда унчалик аҳамиятсиз кўриниши мумкин. Шу боисдан давлат, ҳуқуқ ҳақидаги қарашларни қандай шарт-шароитларда шаклланиб, ривожланганлигини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга лойик.

**Иккинчидан:** мутафаккирнинг умумий фалсафий қарашларини ўрганиш зарур. Унинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари, фикрлари қандай фалсафий йўналишлар ва қарашлар билан уйғунлигини билиш ҳам талаб этилади.

**Учунчидан:** юристлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат, ҳуқуқ, қонунийлик тўғрисидаги назарий билимларини келиб чиқиши, тўғрисида алоҳида мутафаккир ёки назариётчиларнинг аниқ фикрини ғояларни билиш ҳам муҳимдир.

**Тўртинчидан:** муайян назариётчи, мутафаккирнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари давлат сиёсати, мафкурада қандай ўрин тутгани, кимларнинг манфаатини химоя қилишга қаратилганлигини аниқлаши эътибордан четда колмаслиги зарур.

**Бешинчидан:** сиёсий-ҳуқуқий мафкура тарихида мутафаккирнинг, назариётчи, давлат арбоби, сиёсий арбобнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари улардан аввалгисига нисбатан қандай янгиликлар билан фарқланишини аниқ тасаввур этиш шарт. Уларни жамият тараққиёти учун қандай аҳамиятга эга бўлишигини ўрганиш ҳам муҳимдир.

### Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингиз.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи даганда нималар тушунилади?**
- 2. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар қачон пайдо бўлган ва пайдо бўлиш сабаблари ?**
- 3. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани ҳуқуқшунослик ҳамда ижтимоий фанлар билан қандай алоқадорликда ?**

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

- 4. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предметига нималар киради?**
- 5. Ушбу фанни ўрганиш усуллари ҳақида фикрингиз.**
- 6. Сизнингча, давлат ва сиёсат тушунчалари қачон фанда пайдо бўлган ?**
- 7. Бугунги кунда ушбу фанни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида фикрингиз.**
- 8. Сизнинг-ча, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда илгари сурилган ушбу мавзу бугути кунда илмий изланиш олиб бориш аҳамиятлами?**
- 9. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар, суд-ҳуқуқ ислоҳотларга оид муаммоларни ҳал сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлардан қандай фойдаланишимиз мумкин деб ўйлайсиз?**

## Қадимги дунё давлатларидағи сиёсий-ҳуқуқиي таълимотлар тарихи

### Қадимги Шарқ давлатларидағи сиёсий ва ҳуқуқиий таълимотлар

- Қадимги Шарқ давлатларида диний-афсонавий, сиёсий ва ҳуқуқиий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши.
- Қадимги Мисрда сиёсий ва ҳуқуқиий таълимотлар.
- Қадимги Бобил (Вавилон)да сиёсий ва ҳуқуқиий таълимотлар. Ҳаммурапи қонунларидағи сиёсий ва ҳуқуқиий ғоялар.
- Қадимги Ҳиндистондаги сиёсий ва ҳуқуқиий таълимотлар. Брахманизм сиёсий-ҳуқуқиий ғоялари, Будда динининг сиёсий ғоялари, Ману қонунларидағи сиёсий ва ҳуқуқиий ғоялар.
- Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқиий таълимотлар. Конфуцийнинг давлат, ҳуқуқ ва сиёсат түғрисидаги ғоялари. Легизм таълимоти.

“...Мана, Конфуций ва Махатма Гандини, Форобий ва Баҳоуддин НАҚШбандни олайлик. Бу зотлар умумбашарий тараққиёт миқёсида танилган, теран инсоний ғоялар, маънавий бойликларнинг қадр-қимматини чуқур англайдиган донишманд одамлар бўлган”.<sup>2</sup>

### Қадимги Шарқ давлатларида диний-афсонавий, сиёсий ва ҳуқуқиий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши

Маълумки, инсоният маданий тараққиёти сарчашмалари дастлаб қадимги Шарқ мамлакатлари – Миср, Хитой, Ҳиндистон ва бошқаларда кейинчалик Қадимги Юноистонда пайдо бўлган. Сиёсий ва ҳуқуқиий таълимотлар тушунчаси ўзининг бугунги кундаги маъносига турли хил жамиятлар ва давлатчилик шаклларининг узок муддатли ривожланиши мобайнида эга бўлган. Сиёсий-ҳуқуқиий таълимотларнинг назарий билим сифатида вужудга келиши илк афсонавий тасаввурларнинг босқичма-босқич рационаллашуви мобайнида кечган. Бу жараёнларни билишда, айниқса Қадимги Ҳиндистонда

<sup>2</sup> Каримов.И.Миллий истиқлол мафкураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Т.: “Ўзбекистон”.2000.21-бет.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

яратилган “Веда” ва “Упанишад”лар, Марказий Осиё халқларининг қадимий маънавий-тариҳий мероси бўлмиш “Авесто” асарларида сақланиб қолган маълумотлар ғоят қимматлидир.

Сиёсий-ҳуқуқий тафаккурнинг пайдо бўлиши барча қадимги халқларда дастлабки диний афсоналарга бориб тақалади ҳамда инсоннинг дунёдаги ўрни ҳақидаги афсонавий тасаввурларга суюнади. Факат шартли равишда сиёсий-ҳуқуқий деб аташ мумкин бўлган ушбу қарашлар ўз тараққиётининг ilk босқичида бир бутун диний-афсонавий дунёқарашнинг таркибий қисми ҳисобланиб, ҳали инсон тафаккурининг алоҳида шакли ва илмининг алоҳида соҳасига айланмаган эди.

Фазо, ибтидоий бетартибликлардан фарқли ўлароқ, маълум бир тартибга солинган бўлади, афсоналарга кўра, бу тартиб худолар томонидан ўрнатилади. Ердаги тартиблар (шу жумладан инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби ҳам) бутун олам, яъни фазо тартибининг ҳосиласи ва ажралмас қисмидир. Одатда, бу диний афсоналарда худолар иштирокида содир бўлган воқеалар, худоларнинг оламшумул ишлари ҳақидаги маълумотлар кишилар томонидан албатта ҳисобга олиниши керак бўлган меъёрлар тарзида ҳикоя қилинади.

Ердаги тартиблар, диний афсоналарга кўра, худолар томонидан ўрнатилган илоҳий умумфазо тартибларининг бир қисмидир. Одамлар ҳаёти, ердаги жамият ва давлат қурилиши, кишиларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда худолар билан муносабатлари, одамларга нималар рухсат этилганию нималар таъқиқлангани сингари деярли барча ҳуқуқ ва бурчлар айнан шу тасаввур орқали тушунтирилган.

Мавжуд ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий тартибларнинг ilk манбаи бўлмиш илоҳийлик қадимги афсоналарнинг асосий ғояси ва мавзусидир. Қадимги халқларнинг афсоналарида бу илоҳийликнинг хусусиятлари, унинг ердаги тартиб ва муносабатлар билан қандай алоқадорлиги турлича ифодаланади. Бундай ҳар хиллик турли халқларнинг афсоналари пайдо бўлган заминдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тартибларнинг ўзига хослиги билан изоҳланади. Чунки афсоналар мавжуд тузумни, ўрнатилган тартиб-қоидаларни қўллаб-қувватловчи, уларни оқловчи нуқтаи назар ва таълимот сифатида намоён бўлади. Маълум бир афсонавий қараш мавжуд бўлган тегишли тартибни энг олий, энг нуфузли қоида сифатида кўрсатади, айни пайтда бу тартиб қонунийлиги (легитимлиги)нинг дахлсиз амал

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

қилишининг таъминланишига, тамойил ва меъёрларининг сақланишига хизмат қиласи.

Ердаги ҳокимият ва тартибнинг илохий илдизга эгалиги ҳақидаги у ёки бу афсонавий қараш тегишли давлат тузилишини барча учун мажбурий қолип сифатида намоён этади. Айни дамда у бошқача тасаввурлар, қарашлар ва нуқтаи назарлар шаклида бирон-бир муҳолифати бўлмаган ҳукмрон мағкура ролини ҳам ўйнайди.

Турли афсонавий қарашлар, энг аввало тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда турлича бошқариш усулларини англаш ва тушунишнинг афсонавий шакли сифатида қизиқиш ўйғотади.

Бир қанча халқларнинг афсоналарида дастлаб ердаги тартиблар худолар томонидан ўрнатилгани ва бошқарилгани ҳақида сўз боради. Уларда айтилишича, худолар кейинчалик одамларга бошқариш санъатини ўргатишади ва ҳокимиятни ердаги ҳукмдорларга топширишади. Геродотнинг “Тарих” асарида маълумот берилишича, Мисрнинг биринчи подшоҳи давридан то Геродот Мисрга ташриф буюрган давр (эрамиздан аввалги В аср)гacha бўлган 11340 йил мобайнида юқори мартабали коҳинлар ва подшоҳларнинг 341 авлоди ўтган ва бу вақт ичидаги Мисрни одамлар бошқарган. Бу давргача, коҳинларнинг айтилишича “Мисрда худолар ҳукмдорлик қилишган, улар одамлар орасида яшашган, худоларнинг бири уларнинг энг қудратлиси ҳисобланган”. Худоларни дастлабки ҳукмдорлар ва қонун ўрнатувчилар сифатида тасаввур қилиш Қадимги Юнон афсоналарига ҳам хос бўлган. Кронос, Зевс, Афина сингари худолар ҳукмдорлиги ҳақидаги афсоналар бунга мисол бўла олади.

Қадимги Бобил ва Қадимги ҳинд диний афсоналарига кўра, худолар ҳукмдорлар ҳокимиятининг манбаи бўлиш билан бирга ердаги ишлар ва кишилар тақдирини ҳал қилишда давом этганлар.

Қадимги яҳудийларнинг диний-афсонавий қарашлари ҳам ўзига хос бўлган. Уларнинг қилишларича, ҳақиқий худо бутун яҳудий халқи билан алоҳида бир шартномавий муносабатда бўлиб, у яҳудий халқининг подшоҳи (олий қонун чиқарувчи ҳукмдори ва суд ҳаками) ҳисобланади. Яҳудийларнинг илохий қарашларига кўра, яҳудий халқининг қонунлари Мусога (Моисейга) бевосита худо томонидан берилган. Бу ерда таъкидлаб ўтилган ҳокимиятнинг шартномавий хусусияти ҳақидаги тасаввурлар айниқса эътиборлидир.

Қадимги Хитой афсонасида ҳам ердаги ҳокимиятнинг келиб чиқиши илохийлиги илохий хусусиятларга эга эканлиги тўғрисида

гап боради. Унда айтилишича, Осмоности олий ҳукмдорининг (яни Хитой императорининг) шахси, шахсий салоҳияти ва ички қуввати кўкдаги олий кучлар билан алоқанинг ягона воситасидир. Қолган барча мансабдорлар ва давлат маъмурияти бор-йўғи императорнинг шахсий ҳокимияти кўмакчилари деб ҳисобланган.

Умуман олганда, ердаги тартибларининг илоҳийлик хусусияти ҳақидаги бундай қарашлар ҳокимият, бошқарув, ҳуқуқ, судлов борасидаги кейинги бирмунча аникроқ дунёқарашларга асос бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

### Қадимги Мисрда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

Қадимги Мисрдаги кишиларнинг жамият ва давлат хусусидаги қарашлари, уларнинг умумий дунёқарашлари каби, диний-афсонавий кўринишда бўлган. Плутархнинг таъкидлашича, мисрликлар Ра (қуёш худоси)ни дунёнинг яратувчиси деб ҳисоблашган. Ра кейинчалик Осирис, Исида, Сет ва бошқа худоларни ҳамда одамларни яратган.

Қадимги Миср диний-афсонавий қарашларига мувофиқ, **Маат (Ma-at)** худоси ҳақиқат, адолат ва одил судлов тимсоли сифатида намоён бўлади. Судьялар бу худо тасвирини тақиб юришган ва ўзларини Маат худоси фидоийлари деб ҳисоблашган. Фиръавн, коҳинлар ва зодагонлар ҳокимиятининг, шунингдек, расман қўллаб-қуватланган урф-одатлар, қонунлар, суд қарорлари сингари ўша даврнинг асосий ҳуқуқ манбаларининг илоҳийлиги - уларнинг барчаси Маат тартибларига, яни табиий-илоҳий адолат қоидаларига мувофиқ эканлигидан далолат берган. Зоро, “ма-ат” тушунчasi илоҳий “адолат-ҳақиқат” маъноларини ўзидаифода этган.

Илоҳий адолатни ердаги ижтимоий-сиёсий тартиблар, қонунлар ва инсонлараро муносабатлар қоидаларининг асоси сифатида улуғлаш бир қатор Қадимги Миср манбаларида учрайди. Эрамиздан аввалги XXVIII асрга мансуб “Птахотеп ўғитлари”да барча озод кишиларнинг табиатан тенглиги ҳақида тасаввурлар мавжуд. Унда инсон ҳулқ-атворининг **ка** тамойилига, яни фозил ва адолатли ҳулқ атворнинг ўзига хос мезонига мувофиқ бўлиши зарурлиги асосланади.

Қадимги Мисрда коҳинлар охират - нариги дунё ҳақидаги барча нарсалардан хабардор кишилар сифатида катта обрў-эътибор қозонишган. Шунинг учун ҳам улар эрамиздан аввалги XXB-XXIV асрларда битилган “Мурдалар китоби”да охиратда бўладиган

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

саргузаштлар ва охират суди тўғрисидаги зарур билимларнинг соҳиблари сифатида улуғланганлар. Шунингдек, асарда коҳинлар фиръавнларнинг илоҳийлиги тўғрисида таълимотлар яратганлари, аҳолини Куёш худоси - Ра фарзандлари саналмиш фирмъавнларга қатъий итоат этишга чорлаганлари атрофлича ёритилади.

“Гераклеопол шохи ўгитлари”(эрамиздан аввалги XXII аср охири)да худолар ва фирмъавннинг илоҳий ҳокимияти шаънига ҳамду сано ўқиш ва улуғлаш билан бир қаторда, одамларни ҳеч қандай адолатсизликка ва қонунсизликка йўл қўймасликка ундовчи даъватлар ҳам ўрин олган. Фақат шундагина нариги дунёда - охиратда худолар марҳаматига ноил бўлиш мумкинлиги айтилади унда. Ҳукмдор “ҳақиқатни яратувчи” ва адолатга интилевчи инсон сифатида тасвирланади. “Ўгитлар” муаллифи бўлмиш шоҳ Ахтой ўз вориси бўлган ўғлига мурожаат қиласа экан: “Аъёнларингни ўстир (мансадба), шунда улар сенинг қонунларингни охиригача бажарадилар”, деб маслаҳат беради.

Юқорида баён этилган адолат ва қонунлар ҳақидаги фикрмуроҳазалар Қадимги Миср жамиятидаги ҳукмрон синфларнинг кўп ҳолларда идеаллашган қарашларини акс эттиради. Уларда ҳукмдорларнинг мавжуд тартиблар илоҳий ва адолатли эканлиги, бу тартибларнинг мангу событ ва ўзгармас эканлигини уқтиришга бўлган интилишлари яққол сезилиб туради. Аслида эса воқеълик бундай идеаллашган тасавурлардан анча йироқ эди. Жамиятдаги қуий табақаларнинг аслзодаларга қарши чиқишлиари ҳам шундан гувоҳлик беради. Масалан, “Ипусернинг муроҳазалари”да эрамиздан аввалги 1750 йилларда рўй берган мана шундай курашлардан бири ҳақида ҳикоя қилинади. Сарой аъёнларидан бўлган Ипусер бу воқеани “қонунсизлар” томонидан уюштирилган “даҳшатли ўзгариш” деб атайди. У суд палаталари вайрон қилингани, уларда сакланётган қонунлар тўплами қўчаларга улоқтирилгани ва оёқ-ости қилингани ҳақида афсусланиб ёзади.

Кисқача айтганда, гарчи Қадимги Мисрда давлат ва жамият ҳақидаги фикрлар, сиёсий-ҳуқуқий қарашлар шаклланган таълимот даражасига кўтарила олмаган бўлса-да, балки кишиларнинг ижтимоий руҳиятида ишонч, урф-одат, қарашлар сифатида амал қилган.

**Қадимги Бобил(Вавилон)да сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.  
Ҳаммурапи қонунларидаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар**

Бобил тарихи Миср тарихига нисбатан жангуда жадалларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерда дастлаб келиб чиқиши номаълум бўлган шумерлар ҳукмронлик қилишган. Бу худудларда турли хил мустақил шаҳар-давлатлар жойлашган ва улар кўп замонлар ўзаро курашиб келган. Бобил империяси пайдо бўлгач, Бобил худоси Мардук бошқа шаҳар худолари орасида худди Юонон худолари орасида Зевс эга бўлгандек юксак мавқега эришган<sup>3</sup>.

Эрамиздан аввалги II асрга келиб Бобилда ҳам қабул қилинган Қадимги Шумер афсонасида Шамаш худоси адолат раҳномаси ва ожизлар ҳимоячиси сифатида тасвирланади. Шамаш худоси ёвузилик ва ёмонликни, ёлғон ва адолатсизликни қаттиқ қоралайди ва жазолайди. Кимки “Шамаш стези” - адолат, ҳақиқат ва ҳукуқ йўлига ғов бўлса, ўша даврдаги ҳуқуқий тасаввурларга биноан, муқаррар оғир жазога йўлиқади. “Шамаш стези”ни бузиш жиноят содир этишга тенг ҳисобланиб, ҳукуқбузарликни билдирган.

Шумер ва Бобил ҳукмдорлари ҳамда қонун чиқарувчилари ўз ҳокимиятларининг илохийлигини, улар худоларнинг ўзгармас илоҳий кўрсатмаларига ва адолатга мувофиқ эканлигини таъкидлашган.

Бу қарашлар эрамиздан аввалги XVIII асрдаги машҳур Қадимги Бобил сиёсий-ҳуқуқий ёдгорлиги - **Ҳаммурапи Қонунларида** ўзининг батафсил ифодасини топган. Маълумки, эрамиздан аввалги 1792-1750 йилларда ҳукмронлик қилган Бобил подшоҳи Ҳаммурапи Месопотампия жанубини тўла эгаллаб, Ассирияни ҳам ўзига бўйсиндиради. Кучли подшоҳлик ҳокимиятига эга бу қудратли давлатнинг янги тузилган қонунлари Ҳаммурапи Қонунлари деган ном олган. Мардук худоси ибодатхонасидаги тош деворларга ўйиб ёзилган бу қонунлар асосида “қонга қон, жонга жон” тамойилидаги семитик ҳуқуқий меъёрлар ётган<sup>4</sup>. Ҳаммурапи Қонунлари 280 параграфдан иборат бўлиб, аҳолининг баъзи озод табақалари аҳволини яхшилашга интилишлар сезилиб туради. Масалан, қонунга кўра, ўзгалардан қарздор бўлиб қолган озод кишиларни аввалги пайтдагидек қулга айлантириш мумкин эди.

Ҳаммурапи Қонунларида шарҳланган адолат одамларнинг озод кишилар ва қулларга бўлинишини, шунингдек, озод кишилар ҳам ўзаро тенг бўлмаган турли табақаларга бўлинишини назарда тутади.

<sup>3</sup> Рассел Б. История западной философии. Москва, изд.: “Академический проект”, 2000. Стр.20.

<sup>4</sup> Всемирная история// учебник для Вуз// под общей редакц. академика Г.Б. Поляка.- Москва, изд. “Юнити”. 2000. Стр.30.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

Бобил жамиятининг ижтимоий таркиби қуидагида кўрсатилган: тенг ҳуқуқли эркин фуқаролар - жамият аъзолари; ҳуқуқий эркин (яъни қул бўлмаган), лекин жамият аъзоси ҳисобланмайдиган, подшоҳлик хўжалигида хизматдаги тенг ҳуқуқсиз одамлар; қуллар. Чунончи, қуллар ҳам подшо қуллари, ибодатхоналар қуллари, хусусий эгаликдаги қуллар каби тоифаларга бўлинганлар. Қуллар, гарчи ижтимоий қатламнинг энг қуий табақасини ташкил этсалар-да, Ҳаммурапи Қонунларида қулдорларнинг хусусий мулки сифатида қаттиқ ҳимоя қилинганлар.

Ҳаммурапи Қонунларида ҳарбий жангчиларнинг алоҳида мавқеи расмийлаштирил иб қўйилган. Улар подшоҳ талаби билан жанговар юришларга жўнашга мажбур бўлишган. Жангчилар хизмат эвазига давлатдан авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтувчи ер олишган. Жангчи қарздор бўлиб қолган ҳолда ҳам бу ерларни ундан тортиб олиш мумкин бўлмаган. Айни чоғда Ҳаммурапи ҳарбийларнинг жанговар қобилиятларини мустаҳкамлаш мақсадида қаттиқ интизомий чораларни ҳам белгилаган. Айтайлик, агар жангчи юришларда қатнашишдан бош тортса, ўлим жазосига маҳкум этилган, унга берилган барча мол-мулклар тортиб олинган ёки агар жангчи ўз ўрнига жанговар юришларга ўринбосарини жўнатса, бу ҳолда ҳам унга ўлим жазоси тайинланган ва бор мол-мулки унинг ўрнига жангга борган ўринбосари тасарруфига ўтказилган ва ҳоказо.

Умуман олганда, Ҳаммурапи Қонунлари ҳуқуқнинг муайян соҳаларига тегишли суд жараёнларини, мулк ҳуқуқи, мулкнинг турли кўринишлари, ерга эгалик, никоҳ-оила, мерос ҳуқуқи каби қатор масалаларни ўз ичига олган.

Ўз қонунларининг яратилишини худолар амрининг ижро этилиши билан изоҳлаган Ҳаммурапи шундай дейди: “Ер ва кўкнинг буюк ҳаками Шамаш амрига биноан мамлакатда менинг адолатим тантана қилгувчидир, менинг паноҳим Мардук айтганидек, ушбу битикларимни ўзгартирувчи ва бекор қилувчи топилмагайдир”.

**Қадимги Хиндистондаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимот-лар.**

**Брахманизм сиёсий-ҳуқуқий ғоялари. Будда динининг сиёсий ғоялари. Ману қонунларидағи сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар.**

Қадимги Хиндистоннинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари ҳам Қадимги хинд фалсафасининг таркибий қисми сифатида диний-афсоный тасаввурлар таъсирида шакллана борган. Шу сабабли ҳам Қадим-

ги ҳинд жамияти ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида кўп асрлар мобайнида руҳоний браҳманлар катта нуфузга эга бўлишган.

**Браҳманизм** мағкураси илдизлари эрамиздан аввалги II аср ёдгорликлари бўлган Ведалардан бошлаб учрайди. Эрамиздан аввалги ХВ асрда Ўрта Осиё, Волгабўйи ва Эрондан Ҳинdistонга келган орийлар томонидан яратилган диний-фалсафий рисолалар **Веда** (санскритча “веда” сўзи “билим”, “таълимот” маъносини беради) деб аталган. Анъанага кўра барча Веда адабиётлари тўрт гурухга, Самхитлар, Браҳманлар, Араняклар ва Упанишадларга бўлинган. Тор маънода уларнинг энг қадимиysi бўлган Самхитлар, кенг маънода эса бу тўрт гурухга мансуб адабиётларнинг барчаси Ведалар деб юритилган. Кейинги уч гурухга мансуб асарлар Самхитларга шарҳлар ва тўлдиришлардан иборат бўлган.<sup>5</sup>

Ведаларда Қадимги ҳинд жамияти браҳманлар, кшатрийлар, вайшийлар ва шудралар деб аталувчи тўрт варнага (тоифага) бўлиниши кўрсатиб ўтилган. Варналар – кишиларнинг бошқа тоифалар учун бир қадар ёпиқ бўлган гуруҳи ҳисобланниб, жамиятда ўзининг қатъий белгиланган ўрнига, жумладан, ҳуқуқий мақомига, аъзоларининг маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган.

Никоҳ факат варна аъзолари ўртасида тузилган, варнага мансублик туғилишга қараб белгиланган ва авлоддан-авлодга ўтган. Илк ҳинд варналари аъзолари озод бўлишган, чунки қуллар ҳар тўрт варнадан ташқари ҳисобланган. Лекин бу варналарнинг иккитаси қолган иккисига нисбатан устувор мавқеда бўлган. Ақлий меҳнат юқори табақа варналарга, яъни руҳоний браҳманларга тегишли бўлган. Ҳарбий соҳада кшатрийлар, дехқончилик, хунармандчилик ва савдода вайшийлар банд бўлган. Энг оғир ва қора меҳнат шудраларнинг зиммасида бўлган<sup>6</sup>.

Браҳманизм кейинчалик эрамиздан аввалги IX—VI асрларда пайдо бўлган бошқа бир Қадимги ҳинд ёдгорлиги – Упанишадларда янада ривожлантирилган ва аниқлаштирилган. Турли браҳманлик мактаблари томонидан яратилган дхармасутру ва дхармашастру деб аталувчи кўп сонли ҳуқуқий тўпламлар браҳманизмнинг мағкураси билан суғорилган эди.

Қадимги ҳинд таълимотига кўра, одамзод худо томонидан яратилган ва Ману инсон зотининг дастлабки аждоди ҳисобланган. “Ману қонунлари” деб номланган машҳур сиёсий-ҳуқуқий ёдгорлик

<sup>5</sup> История философии. Ростов-на Дону, изд.: “Феникс”, 2000. Стр.13.

<sup>6</sup> Чанышев А. Философия древнего мира. – Москва, “Высшая школа”, 2001.Стр.34.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

тахминан эрамиздан аввалги II асрларга мансубдир. Унда Веда ва Упанишадларнинг жамиятнинг варналарга бўлиниши, уларнинг но-тенглиги сингари тегишли қоидалари ўз ифодасини топган. Дастрлаб қонунлар ва одил суд худоси дхарма дейилган бўлса, кейинчалик қонуннинг ўзи дхарма деб юритила бошлаган. ҳар бир варнанинг ўз дхармаси (яъни урф-одати, турмуш тарзи қонунлари) бўлган. “Ману қонунлари”да браҳманларнинг мавқеи, уларнинг дхарма ўрнатишга, қонунларни шарҳлашга бўлган мутлақ ҳуқуқларини асослашга кенг ўрин берилган.

“Ману қонунлари”га кўра, подшоҳ ҳам ўзининг юксак ва илоҳий мақомига қарамай, браҳманларни ҳурмат қилиши, уларнинг маслаҳатига юриши, улардан Веда таълимоти ва бошқарув санъатини ўрганиши шарт бўлган.

“Ману қонунлари”да жазолаш борасида ҳам бир қанча фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган. Унда келиб чиқиши илоҳий ҳисобланган жазо барча жонзотлар, одамлар ва худоларнинг ҳимоячиси сифатида тасвирланади. “Жазо —подшоҳ, у доҳий ва жазоловчи”dir. Бутун олам жазо воситасида бошқарилади. Жазо бўлмаса, барча варналар бузиларди, барча чегаралар вайрон бўларди, ҳалқ ғазабга тўларди. Қаердаки жиноятчиларни йўқ маҳв этишга қаратилган жазо амал қилса, подшоҳ буни яхши кузатиб турса, ҳалқ дарғазаб бўлмайди”, дейилади бу қонунларда. Турли варналар аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенгсизлиги уларнинг жиноят ва жазо масалаларида ҳам тенгсизликларини келтириб чиқарган.

**Будда дини** (Буддизм) эрамиздан аввалги VI асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган диний-фалсафий таълимотdir. Бу таълимотнинг асосчиси кейинчалик Будда (санскритча: “буддҳа” — “нурланган”, яъни “уйғоқ”, “тафаккури ёрқин”) деб ном олган Сиддҳартдҳа Гаутама бўлган<sup>7</sup>.

Будда Веда, Упанишадлар ва умуман Браҳманлар мафкурасининг асосий қоидаларини танқид қилиб чиқди. У худони дунёning ҳукмдори ва олий зоти, қонунлар ижодкори сифатида тасвирловчи фикрларни инкор қилган. Будданинг таълимотига кўра, кишиларнинг тақдири уларнинг ўз саъй-ҳаракатларига боғлиқдир. Барча одамларнинг ахлоқий-маънавий тенглигини эътироф этган Будда ва унинг издошлари Варна тизимини ҳам, унинг тенгсизлик тамойилларини ҳам танқид қилганлар.

<sup>7</sup> Философия. – Москва, изд. “Приор”, 2001. Стр.25.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Буддачилар назарида имтиёзли варнага мансуб шахс эмас, балки ўзининг шахсий ҳаракатлари билан комилликка эришган ҳар бир киши, қайси варнага мансублигидан қатъи назар, брахман бўлиши мумкин. Масалан, милоддан аввалги IV—III асрларга мансуб Будда қонунлари тўплами “Дҳаммапада”да: “Мен кишини фақат туғилишига (варнасига) ёки онасига қараб брахман деб атамайман”, - дейилади.

Ўша даврдаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг ва мафкуранинг асосий тушунчаси бўлган дхарманинг браҳманлар томонидан анъанавий диний-илоҳий шарҳланишига Будда таълимоти ўзининг кўп жихатдан рационал ёндашувини қарама-қарши қўйган. Буддачилар талқинида дхарма дунёни бошқарувчи табиий қонуният ва табиий ҳуқуқ сифатида намоён бўлади. Унга кўра, онгли инсон бу қонунни билмоғи ва унга амал қилмоғи керак. Ушбу талқинга инсонпарварлик, бошқаларга яхши муносабатда бўлиш, ёмонлика ёмонлик билан жавоб қилмаслик ғоялари сингдирилган: “ҳеч қачон дунёда нафрат нафрат билан йўқотилмайди, нафрат бўлмагандагина нафрат йўқолади. Мана шу мангу дҳаммадир”.

“Дҳаммапада”да браҳманизмга зид ва буддизмга хос бўлган жазо кўламини камайтиришга интилиш яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам унда айбиззлик ҳолатларида жазо кўллаш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланади. Будда таълимотида дҳаммани улуғлаш қонун ва ҳаётдаги қонуний йўлни улуғлаш билан баробардир.

Будда динидаги комилликка ва нирвана(илоҳий рух)нинг олий даражада шодланишига эришишнинг алоҳида йўли ҳақидаги таълимот бу диннинг реал сиёсий-ҳуқуқий масалаларга эътибор қаратмаганлигидан гувоҳлик беради. Лекин буддизм пайдо бўлган дастлабки давраноқ мазкур диннинг кўплаб ғоялари ўз моҳиятига кўра долзарб ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб келган. Бу ғоялар буддизм тарафдорлари кўпайиб, уларнинг мавқеи мустаҳкамланган сари кучайиб борди. Аста-секин будда ғоялари, шу жумладан дҳамма ҳақидаги қарашлар давлат сиёсатига ва қонунчиликка кучли таъсир кўрсата бошлади. Ҳиндистонни бирлаштирган ҳукмдор Ашоки бошқаруви даврида (эрамиздан аввалги 268-232 йиллар) буддизм Ҳиндистоннинг давлат дини мақомини олган. Вақт ўтиши билан унинг таъсири Жанубий-Шарқий Осиёдаги бир қанча мамлакатларга кенг ёйилди, эрамизнинг ПИ асрига келиб эса Хитойда ҳам тарқалди.

**Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.  
Конфуцийнинг давлат, ҳуқуқ ва сиёсат тўғрисидаги ғоялари.**

**Легизм таълимоти**

Хитой бой маънавий-фалсафий меросга эга қадимги цивилизация бешикларидан биридир. Қадимги Хитой сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи эрамиздан аввалги И минг йилликка бориб тақалади. Умуман, Хитойда ижтимоий-фалсафий тасаввурларнинг шаклланиши мураккаб ижтимоий шароитларда кечган, десак янгишмаган бўламиз. Мураккаб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар устидан давлат назоратининг қучайиши Хитой давлатчилигининг ўзига хос томони ҳисобланади. Қулдорлик тузуми ва феодал муносабатлар уруғ-аймоқчилик, аждодларга эҳтиром анъаналари билан биргаликда ривожланиб борди. Бу эса давлатга худди катта оиласа қарагандек муносабатда бўлишининг вужудга келишига сабаб бўлди. Шаклланиб келаётган илмий-назарий тасаввурлар асосан афсонавий тушунчалар негизида шаклана борган. Бу ерда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши Қадимги Юнонистон ёки Ҳиндистондагидек ҳукмрон синфлар орасида фаолият доирасининг аниқ бўлинишига олиб келмади. Чунки Хитойда мутафаккирлар ва турли таълимот асосчиларининг кўпчилиги ҳокимият вакиллари эди. Бу ҳол назарий қарашларни бевосита сиёсий амалиётга бўйсиндириш имконини берди. Мамлакатни бошқариш, турли табақалар ўртасидаги муносабатлар, этика масалалари Хитой фалсафасининг асосий йўналишига айланиб, жамият ҳаётига амалий ёндашувга асос солди. Шунинг учун Хитой мутафаккирлари турли ижтимоий утопияларни яратдилар, энг қадимги давларни иделлаштирувчи жамият лойиҳаларини ишлаб чиқиши билан шуғулландилар.<sup>8</sup>

Конфуций таълимоти Хитой сиёсий-ҳуқуқий ва фалсафий таълимотларининг пойдевори ҳисобланади. Бу таълимотнинг асосчиси эрамиздан аввалги 551-479 йилларда яшаган асли исми **Кун-цзи** бўлиб, Хитой ташқарисида Конфуций номи билан машҳур бўлган. Конфуций- буюк устоз деган маънони англатган. Лу подшоҳлигида туғилган бўлиб, у аслзода, лекин камбағал уруғ вакили эди. Конфуций фақат 15 ёшидан ўқишини бошлаган ва 50 ёшида ўзининг мактабини ташкил этган. Унинг кўплаб ўқувчилари устознинг, шунингдек, ўзларининг мулоҳазаларини батафсил ёзиб боришган. Конфуцийликнинг яхлит тизимга солинмаган ва қарама-

<sup>8</sup> История философии. //учебник для ВУЗ// -Ростов-на Дону, изд.: “Феникс”, 2000. Стр.24.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

қаршиликларга бой бўлган асосий китоби “Лун юй” “Сұхбат ва мулоҳазалар” шу тарзда яратилган<sup>9</sup>.

Кўп асрлар давомида бу китоб хитойликлар дунёқарашига ва турмуш тарзига улкан таъсир кўрсатиб келган. Мазкур китобнини болалар ёддан билишган, катталар оиласиб сиёсий ишларни ҳал қилишда ҳамиша унга мурожаат қилишган.

Анъанавий дунёқараашга суянган Конфуций давлатчиликнинг патриархал-патерналистик ғоясини илгари сурган. Конфуцийнинг “Олижаноб эрлар” тўғрисидаги қарashi жуда муҳим бўлиб, у жамиятнинг идеал ижтимоий-сиёсий қурилишининг асосидир<sup>10</sup>. Давлат унинг талқинида катта бир оиласдан ташкил топган. Конфуций жамиятдаги муносабатлар худди яхши оиласидаги катталарга ҳурмат, императорга тавозе руҳида қурилмоғи керак деб ҳисоблаган. Қадимги Хитой афсоналарида “осмон фарзанди” саналувчи Императорнинг ҳокимияти отага, бошқарувчи ва бошқарилувчилар муносабатлари эса оиласиб муносабатларга тенглаштирилган. Конфуций тасвирлаган ижтимоий-сиёсий табақалар одамларнинг тенгсизлигига асосланган. “Оддий”, “паст”, “кичик” одамлар “олижаноб эрлар”га, “яхши” ва “юксак” кишиларга бўйсенишлари лозим.

Конфуцийнинг уқтиришича, ҳамма нарса мутассил ўзгара боради, лекин жамиятдаги табақаланиш тартибини сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Жамиятни бошқаришни эса фақат кўпроқ маърифатли ва қобилиятли кишиларга ишонмоқ мумкин<sup>11</sup>. Кўриниб турганидек, Конфуций бошқарувнинг аристократик шакли тарафдори, чунки, унинг ғоясига кўра, оддий ҳалқ давлат бошқарувида қатнашишдан четлаштирилган.

Шу билан бир қаторда, давлат бошқарувида фазилат тамойилларига амал қилиш борасидаги конфуцийликнинг талаблари Қадимги Хитой сиёсатидаги истибодд тузум бошқаруви амалиётидан ва бундай амалиётни хаспўшловчи назарий қарашларидан тубдан фарқ қиласди. Зулм-зўравонликсиз бошқарув тарфдори бўлган Конфуций ҳукмдорлар, амалдорлар ва оддий ҳалқни ўзаро муносабатларни эзгулик асосида қуришга чақиради.

Конфуцийнинг сиёсий этикаси жамиятнинг юқори ва қуйи табақалари ўртасида тотувликка эришишга ҳамда бошқарувни барқарорлаштиришга қаратилгандир.

<sup>9</sup> Чанышев А.Н. Философия древнего мира. Москва, изд.: “Высшая школа”, 2001. Стр.110.

<sup>10</sup> История философии. //учебник для ВУЗ// -Ростов-на Дону, изд.: “Феникс”, 2000. Стр.29.

<sup>11</sup> Горбачев В.Г. История философии.- изд. “Курсив”, 2000. Стр.14.

Конфуций: “Бошқарувчи раҳбар қандай бўлиши керак?”, деган масалага ҳам катта эътибор қаратади<sup>12</sup>. Унинг таълимотига кўра, раҳбар одам императорга бўйсунмоғи, Конфуцийлик таълимотига амал қилиши керак. У етарли билимга эга бўлмоғи, давлат ва халққа фақат яхшилик йўлида хизмат қилмоғи шарт. Юксак ватанпарварлик аҳоли ва мамлакат фаровонлигини ўйлайдиган бошлиқнинг асосий фазилати бўлмоғи лозим.

Конфуций таълимотида аҳолининг ўта даражада бой ва қашшоқларга табақаланишига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланади: “Бойлик тенг тақсимланганда қашшоқлик бўлмайди. Мамлакатда мувофиқлик, уйғунлик ҳукмрон бўлса, халқ камайиб кетмайди. Тинчлик барқарор бўлса (юқори ва қуи табақалар ўртасида), ҳукмдорни ағдариш хавфи юзага келмайди”.

Конфуций ҳокимиятни қўлга киритиш йўлидаги қуролли қўзғлонларга, ташқи урушларга, Хитой подшоҳликларининг босқинчилик юришларига ҳар доим қарши турган.

Конфуций таълимоти сиёсий муносабатларни эзгулик воситасида тартибга солишини қонун асосида бошқаришга кескин қарши қўяди. Конфуцийнинг фикрича, агар раҳбар халқни қонун воситасида бошқариб, жазо ёрдамида мамлакатда тартиб сақласа, халқ жазодан қочишга ҳаракат қиласди ва бундан уялмайди. Борди-ю раҳбар халқни эзгулик воситасида бошқарса ва тартибни сақласа, у ҳолда халқ уялади ва ўз камчилигини тузатади.

Конфуций позитив, яъни инсонлар томонидан яратилган қонунларга салбий муносабатда бўлган. Бунинг сабаби, позитив қонунлар одатда жазоловчи хусусиятга эга бўлиб, улар амалиётда ва назарий қарашларда оғир жазолар бериш билан боғлиқ эди. Гарчи Конфуций қонунга эзгуликнинг шунчаки қўмакчисидек қараса-да, қонуннинг аҳамиятини бутунлай инкор қилмайди.

ҳеч қанча ўтмай Конфуцийлик Хитойдаги таъсирчан сиёсий, фалсафий ва этик таълимот оқимиға айланди. Эрамиздан аввалги II асрга келиб Конфуцийлик Хитойнинг расмий мафкураси сифатида тан олинди ва у давлат дини вазифасини бажара бошлади.

**Дао таълимоти** Қадимги Хитойдаги йирик фалсафий ва ижтимоий-сиёсий оқимларидан бири бўлиб, у Конфуцийлик билан деярли бир пайтда пайдо бўлган. Унинг асосчиси эса эрамиздан аввалги VI асрда яшаган Лао-цзи (маъноси “кекса донишманд”) ҳисоб-

<sup>12</sup> Философия. //конспект лекций// Москва, изд.: “Приор”, 2001. Стр.21.

ланади. Унинг қарашлари “Дао дэ цзин” (“Дао ва дэ ҳақида китоб”) асарида ифодаланган.

Дао (маъноси “йўл”) – Дао таълимоти ва умуман Хитой фалса-фасидаги марказий категорияларидан бири. Конфуций уни осмоннинг олий қонунлари тимсоли деб билган ва уни инсонпарварлик, фарзандларча эҳтиром сингари тушунчалардан ташкил топишини кўрсатиб ўтган. Дао таълимотида эса дао — табиатнинг умумий қонунидир<sup>13</sup>.

Даони “осмоннинг иродаси” сифатида тасвирловчи анъанавийдиний қарашлардан фарқли ўлароқ, Лао-цзи таълимотида дао осмон ҳукмдорига боғлиқ бўлмаган табиий қонуният деб кўрсатилади. Дао осмон, табиат ва жамият қонунларини белгилайди. У — юксак эзгулик ва табиий адолат тимсоли. Унинг учун ҳамма тенг, баробардир.

Ўша давр маданий ҳаётидаги камчиликлар, кишилар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий тенгсизлик, халқнинг ночор аҳволини Лао-цзи асл даодан чекиниш туфайли келиб чиқсан деб ҳисоблайди. У мавжуд аҳволдан норозилигини ифодаларкан, адолатни тиклаш қурдатига эга деб саналган даога умид боғлади: “Осмон даоси бойлардан ортиқчасини тортиб олади ва муҳтожларга беради. Одам даоси эса, аксинча, камбағаллардан тортиб олади ва бойларга беради”. Бундай талқинда дао бевосита амал қилувчи табиий ҳуқуқ сифатида намоён бўлади.

Табиий бўлмаган барча нарса-ҳодиса (маданият, бошқарув, қонунчилик соҳасидаги инсон ўрнатган тартиб-коидалар), Дао таълимотига кўра, даодан чекиниш ва хато йўл деб қаралади.

Дао таълимотида фаолиятсизлик ва фаол ҳаракатдан воз кечиш тамойиллариға кенг ўрин берилган. Ушбу таълимотда фаолиятсизлик, аввало, ҳукмдорлар ва бойларнинг халқقا қарши фаолиятини танқид қилиш, халқни сикувга олишдан воз кечишга даъват сифатида янграйди.

Даога амал қилган донишманд ҳукмдор давлатни одамлар яратган, яъни позитив қонунлар, урф-одатлар билан бошқармаслиги лозим, аксинча, у табиийликка суюнмоғи керак.

Дао таълимоти тарғиб қилган бундай фаолиятсизлик ижтимоий пассивликни келтириб чиқаради. Шунга кўра маданият ва тараққиёт ютуқларини танқид қилган Лао-цзи ўтмишдаги тарқоқ қишлоқ ва шаҳарлардаги патриархал тузумга қайтишга, меҳнат воситалари, ёзув ва барча янгиликлардан воз кечишга чақиради.

<sup>13</sup> История философии. //учебник для ВУЗ// -Ростов-на Дону, изд.: “Феникс”, 2000. Стр.32.

***Мао-цзи сиёсий-ҳуқуқий ғоялари.*** Маоизм асосчиси **Мао-цзи** (эрамиздан аввалги 479–400 йиллар) барча одамларнинг табиий тенглиги ғояси билан чиққан. Бу таълимот давлат келиб чиқишининг шартномавий-келишув хусусиятига эгалигини ва бунда олий ҳокимият халқга тегишли эканини асослаб берган. “Адолатнинг яхлит намунаси”ни излаган Мао-цзининг ғоясига кўра, қадимда бошқарув ва жазолаш бўлмаган. Адолатни ҳар ким ўзича тушунган, одамлар ўртасида душманлик авж олган. Тартибсизлик ва кулфатлар сабаби ҳисобланган бошқарув ва бошчиликнинг йўқлигини англаган одамлар энг фозил ва донишманд одамни “осмон фарзанди” этиб сайлашган. Шундан сўнг “осмон ости”да тартиб ўрнатилган.

Барча учун бир хил бўлган ягона адолат ва ягона қонунчилик ҳокимияти ҳақидаги бу ғоя қаттиқ жазо чораларига ва зулм-зўравонликка суюнган ҳолда ўз тартибларини ўрнатувчи хукмдорлар, бойлар ва амалдорларга қарши қаратилган. Бу ўзбошимча тартиблар, Мао-цзи таълимотига кўра, олий ҳокимият тўғрисидаги келишувга ва ҳамма учун умуммажбурий бўлган ягона адолатга зиддир.

Мао-цзи таълимотида давлат бошқарувида оддий одамлар манфаатларини ҳисобга олиш ҳақидаги талаблар ҳам муҳим ўрин тутади. У барча билдирилган мулоҳазалар мамлакатни бошқаришда татбиқ этилиши керак, бунда “осмон ости”даги оддий одамлар манфаатларидан келиб чиқиш керак деб ҳисоблаган. Шу мезондан келиб чиққан Мао-цзи ўз қарашларида конфуцийчиларни танқид қилган. Унинг таъкидлашича, конфуцийчиларнинг батафсил таълимоти дунё қоидаси бўлолмайди, чунки улар кўп мулоҳаза юритишади, аммо оддий халққа бирон-бир амалий ёрдам беришаолмайди.

Мао-цзи қатъий равишда жамиятнинг қуий табақаларини зулмдан, очлик ва азобдан қутқариш тарафдори бўлиб майдонга чиқади. Умуман, у сиёсий-ҳуқуқий воқеликка “камбағаллик – бошқарувдаги барча тартибсизликларнинг илдизи” деган фикр асосида ёндашган.

Қадимги Хитойдаги муҳим ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлардан яна бири **Легизм** (қонунийлик мактаби) бўлган. Унинг асосчилари **Шан Ян** (эрамиздан аввалги 390-338 йиллар) ва **Хан Фэй** (эрамиздан аввалги 288-233 йиллар) бўлишган.

Легизмнинг асосий ғоялари **Шан Яннинг “Шан цзюнь шу”** (“Шан вилояти ҳукмдори китоби”) асарида ифодаланган.

Легизм таълимоти диққат марказида ҳам асосий мавзу худди Конфуцийлик таълимотидаги сингари жамиятни қандай бошқариш масаласи турган. Легизм тарафдорлари жамиятни қонунга суюнвчи

кучли давлат ҳокимияти воситасида қаттиққўллик билан бошқариш тарафдори бўлишган. Легизмнинг биз ўрганаётган фанга алоқадор бўлган қуидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- алоҳида индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар манфаатлари одатда бир-бирига қарама-қарши бўлади;
- ўзаро душманлик ва зулм-зўравонликка йўл қўймаслик учун ижтимоий муносабатларга давлат аралашуви лозим;
- давлат (армия ва мансабдорлар тимсолида) қонунга амал қилувчи фуқароларни рағбатлантириши ва айборларни қаттиқ жазолаши керак;
- нима тўғри, нима нотўғрилигини кўрсатувчи ва жазо қўллашнинг мезони қонун бўлиши даркор;
- қонун ҳамма учун, оддий халқقا ҳам, катта мансабдорга ҳам бирдай тенг бўлиши керак;
- давлат ҳокимияти авлоддан-авлодга ўтмай, балки тегишли билим, ижобий фазилатга эга кишилар бошқарувни эгаллашлари лозим;
- давлат жамиятни тартибга солувчи асосий механизм, шу боисдан ҳам у ижтимоий муносабатларга, иқтисодиёт масалаларига, фуқароларнинг шахсий ҳаётларига аралашишга ҳақлидир<sup>14</sup>.

Легизмнинг йирик назариётчиси ҳисобланган Хан Фей ўзининг “Хан Фэй-цзи” асарида даочилар ва конфуцийчилар қарашларига мурожаат этар экан, уларнинг баъзи ғояларини Легизм таълимоти тасаввурлари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилган.

Хан Фейнинг нуқтаи назарича, эски қонунлар давр талабларидан келиб чиқиб ўзгартилиши лозим.

**“Ўтган ҳукмдорларнинг ҳар қандай қонуни,— дея таъкидлайди Хан Фей,— ўз даври учун муҳим бўлган. Вақт ва қонун бирдай кечмайди ва ривожланмайди. Эски қонунлар бизгача етиб келган бўлса-да, улардан нусха кўчириш мумкин эмас. Ўтган ҳукмдорларнинг қонунларидан лозим топилганларинингина намуна учун олиш керак”.**

Қонунларга бундай тарихий ёндашув Легизм таълимотининг ўзгариб борган сиёсий амалиёт ва қонунчилик жараёнига мослашувига кўмаклашган, шу билан бирга Дао ва Конфуций таълимот-

<sup>14</sup> История философии. //учебник для ВУЗ// -Ростов-на Дону, изд.: “Феникс”, 2000. Стр.32.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

ларининг бошқарув учун таъсирчан қатор ғояларини марказлашган ҳокимият манфаатига мувофиқ тарзда талқин қилишга ёрдам берган.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қадимги Шарқ давлатларида диний-афсонавий, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамда ривожланиши ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз.
2. Қадим Мисрда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг асосий ғоялари нималардан иборат.
3. Гераклеополь шоҳи ўгитларининг асосий ғояси ҳақида нималар биласиз?
4. Қадимги Бобил (Вавилон)да сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари қачон пайдо бўлган ва уларнинг асосий хусусиятлари.
5. Ҳаммурапи қонунларидаги асосий сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар ҳақида фикрингиз.
6. Қадим Ҳиндистондаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлишига эътибор беринг.
7. Брахманизм сиёсий-ҳуқуқий ғоялари нимага қаратилган?.
8. Будда диининг сиёсий ғояларидаги асосий ғоялар –чи?
9. Ману қонунларидаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар.
10. Қадимги Хитойда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларга эътибор беринг. Ушбу сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар Шарқ давлатларидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялардан нимаси билан фарқ қиласи?
11. Конфуцийнинг давлат, ҳуқуқ ва сиёсат тўғрисидаги ғоялари.
12. Легизм таълимотининг асосий ғоялари ва уларни ўрганишнинг аҳамияти.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. - 109 б.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 31 б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашар эди. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. История политических и правовых учений. Под общей редакцией Нерсесянца В.С. –М.: “Приор”, 2000.
7. История политических и правовых учений. Под общей редакцией Лейста. –М.: Юриздат, 2004.
8. Горбачев В.Г. История философии. -Брянск, “Курсы”, 2000.
9. Философия // конспект лекций. –М.: “Приор”, 2000.
10. Бобоев. Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 205 б.
11. Бобоев. Ҳ.Б. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Дарслик. –Т.: Фан, 2004. – 294 б.
12. Чанўшев А. Философия древнего мира. – Москва, “Высшая школа”, 2001.703 с.
13. История политических и правовых знаний. Под общей редакцией Нерсесянца В.С. –М.: изд. “Норма-Инфра”, 1999. - 736 с.
14. Всемирная история//учебник для Вуз//под общей редакц. академика Г.Б. Поляка. –М.: изд. “Юнити”. 2000. Стр.30.
15. Ф.Муҳиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўкув кўлланма. 2002.
16. Ф.Муҳиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Маъruzalар матни.2006.

## Қадимги Юноnistон (Греция) сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари

- Қадимги Юноnistон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг асосий йўналишлари ва ривожланиши.
- Афлотуннинг давлат, қонунчилик ва сиёсат ҳақидаги таълимоти. Унинг “Давлат” ва “Қонунлар” асарларидағи давлат лойиҳалари тўғрисида.
- Арастуниинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти. У давлатнинг пайдо бўлиши, вазифаси ва шакли ҳақида. Унинг сиёсат, ҳуқуқ ва ижтимоий адолат ҳақидаги қарашлари.
- Эллинизм даври (эрамиздан аввалги IV асрдан II асргача) сиёсий –ҳуқуқий таълимоти.

“Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?”...<sup>15</sup>...

### Қадимги Юнон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг асосий йўналишлари ва ривожланиши

Қадимги Юноnistон фалсафаси, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари деганда қадимги даврда ҳозирги Греция, шунингдек, Кичик Осиё, Ўрта ер денгизи ва Қора денгиз бўйларидағи қадимги Юнон шаҳар-давлатлари, Осиё, Африка ва Рим империясидаги эллин давлатлари ҳудудида яшаган юнон мутафаккирилари томонидан яратилган илмий-назарий қарашлар тушунилади<sup>16</sup>.

Қадимги Юноnistонда давлатчилик эрамиздан аввалги 1 минг йиллик бошларида савдо-хунармандчилик билан шуғулланувчи мустақил шаҳар-давлатлар сифатида пайдо бўлган. Бу шаҳар-давлатлар мустақил полислар деб юритилиб, бу полислар шаҳар ҳудуди билан бир қаторда чор-атрофдаги қишлоқларни ҳам ўз таркибига олган.

Ибтидоий жамоа тузумидан дастлабки синфий жамият ва ижтимоий тузумнинг сиёсий шаклларига ўтилиши аҳолининг

<sup>15</sup> Каримов.И.Миллий истиқлол мағқураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. –Т.: Ўзбекистон,. 2000. 27-б.

<sup>16</sup> Философия. –М.: изд. “Приор”, 2001. С.26.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ижтимоий табақаланиши кучайиб борган шароитда кечган. Бу даврда жамиятнинг турли табақалари – ҳукмдорлар уруғи ва камбағаллашган мулкдорлар, бойлар ва камбағаллар, эркин хизматкорлар ва қуллар ўртасидаги курашлар ниҳоятда кескинлашган эди.

Бу шароитда барча Қадимги Юнонистон полисларида аристократия (эски ёки янги киборлар, имтиёзга эга шахслар ҳокимияти), олигархия (бойлар ва мулк эгалари ҳокимияти), ёки демократия (халқ ҳокимияти, яъни полиснинг вояга етган барча эркин аҳолиси ҳокимияти), тирания (зулмкор ҳокимияти) сингари бошқарув усулларидан бирини ўрнатишга қаратилган ҳокимият учун курашлар авж олади.

Бу курашлар оқибатида эрамиздан аввалги VI—V асрга келиб турли полисларда маълум бир бошқарув усули ўрнатилади. Жумладан, Афина ва Аберда демократия, Фива ва Мегарада олигархия, Спартада аристократияга яқин турувчи давлатчилик қарор топади. У ёки бу полисларда (масалан, Сиракузда) вақти-вақти билан **тирания** ўрнатилади.

Бу жараёнлар эса, табиийки, Қадимги Юнонистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларида, назарий қарашларида ўзининг ўчмас изини қолдиради. Қадимги Юнонистон сиёсий-ҳуқуқий таълимоти пайдо бўлиши ва ривожланишида уч давр алоҳида ажralиб туради. Илк давр (эрамизгача бўлган IX—VI асрлар) Қадимги Юнонистон давлатчилигининг барпо бўлиши билан боғлиқ. Бу даврда сиёсий-ҳуқуқий тасаввурларнинг сезиларли рационаллашуви кузатилади. Бу жараён Гомер, Гесиод ва айниқса машҳур “етти донишманд” ижодида ўз ифодасини топади. Пифагор ва унинг издошлари, Гераклит ижодида давлат ва ҳуқуқ муаммоларига фалсафий ёндошув шаклланади

Иккинчи давр (эрамиздан аввалги V-IV асрлар) – Демокрит, софистлар, Суқрот, Афлотун ва Арастулар назарияларида ўз ифодасини топган Қадимги Юнонистон фалсафаси ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг гуллаб-яшнаш даври бўлди.

Учинчи давр – (эрамиздан аввалги IV—II асрлар) Қадимги Юнонистон давлатчилигининг инқирозини бошлаб берган эллинизм давридир. Юнонистон полислари дастлаб Македония, кейинроқ эса Рим ҳукмронлиги остида қолган ушбу даврнинг қарашлари Эпикур, стоиклар ва Полибий таълимотларида намоён бўлди.

Одамлар озод кишилар ва қулларга бўлинган шароитларда пайдо бўлган антик сиёсий-ҳуқуқий қарашлар озод кишиларнинг

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

мафкураси сифатида ривожланди. Эркинлик Қадимги Юнонистон сиёсий назарияси ва амалиётининг асосий ғояси бўлган.

Сиёсат ва унга боғлиқ бўлган амалий маънавий машғулот эркинлик ва озод кишилар иши сифатида, меҳнат эса (энг аввало, жисмоний меҳнат) қулларнинг вазифаси сифатида эътироф этилади.

Қадимги Юнонистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари ривожланиши жараёнида дастлабки афсонавий қарашлар ўрнини Пифагор, Гераклит, Демокритларнинг шаклланиб келаётган фалсафий ёндашувлари, софистларнинг рационал талқинлари, Суқрот, Афлотунларнинг мантикий таҳдиллари, Полибийнинг давлат ва ҳуқуқ борасидаги тарихий-сиёсий тадқиқотлари эгаллади.

Юнонистон полислари ўз мустақиллигини бой берган эллинизм даврида аввалги қадриятларни қайта кўриб чиқиши бошланди. Ахлоқий бир бутунлик, полис ва жамоавий полис ҳаётининиг устиворлиги ғоялари алоҳида кишининг маънавий эркинлиги, ахлоқий автономлиги (эпикуризм, стоицизм) нуқтаи назаридан шубҳага олинди. Шу сабабли одамларни озод ва қулларга ажратиш танқид қилинади.

Қадимги афсоналар қисман орфик шеъриятда, кейинроқ Гомер ва Гесиод достонларида этик ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан талқин қилина бошлайди.

Гомернинг эрамиздан аввалги XIII аср воқеалари ҳақидаги “Илиада”, “Одиссея” достонларида Зевс худоси умумий адолатнинг ҳимоячиси, зўравонлик ва адолатсизликка йўл қўйганларни шафқатсиз жазоловчи сифатида намоён бўлади. Гомер тилга олган адолат (“дике”), одат, одатий ҳуқуқ (“темис”) тушунчалари ўша давр ҳуқуқий таълимотларини англашда муҳим аҳамият касб этади. Гомер фикрига кўра, одатий ҳуқуқ мангу адолатнинг аниқлаштирилган шакли, унинг мавжудлиги, инсоний ва илоҳийларнинг муносабатларда амал қилишидир.

Ҳуқуқ ва адолатли ижтимоий тузум ғоялари Гесиоднинг (эрамиздан аввалги VII асрлар) “Теогония” ва “Мехнатлар ва кунлар” достонларида янада кўпроқ ўрин тутади. “Теогония”да ҳикоя қилинишича, Зевс (мукаммаллик тимсоли) ва Фемида (мангу табиий тартиб тимсоли) никоҳидан икки маъбуда қиз: Дике (адолат) ва Эвномия (қонунийлик) туғилган. Дике табиий-илоҳий адолатни ҳимоя қиласиди ва ёлғонни жазолайди. Эвномия ижтимоий тузумдаги қонун ибтидосининг илоҳийлигини, қонунчилик ва полис тузумининг ички боғлиқлигини билдиради.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Гомер ва Гесиод достонларига хос бўлган, инсоний муносабатлардаги ахлоқий-ҳуқуқий тартиблар борасидаги тасавурларни рационаллаштириш Қадимги Юноистон “етти донишманд”и ижодида янада ривож топди. (эрамиздан аввалги VII—VI асрларда яшаган **Фалес, Питтак, Периандр, Биант, Солон, Клеобул ва Хилонларни** “етти донишманд” деб аташ одат бўлган).

Донишмандлар адолатли қонунлар устуворлиги полис ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлашган. Уларнинг фикрига кўра, қонунларга амал қилиш фаровон полисни бошқалардан ажратиб туради.

“Қонунларга бўйсин”, — деган чақириқ Дельфадаги Апполон ибодатхонасига ўйиб ёзилган “Ўз ўзингини англа” деган машҳур ҳикматли сўз муаллифи бўлмиш спартанлик Хилоннинг шиори эди. У Қадимги Юноистон тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган. Хилон фуқаролари нотиқлардан кўра кўпроқ қонунларга ишонган (бўйсинган) жойни энг яхши полис деб ҳисоблаган.

Эрамиздан аввалги 638-559 йиллар атрофида яшаган афиналик таниқли ислоҳотчи, давлат арбоби **Солон** ҳам “етти донишманд”лар сирасига киради. Афина демоси ва киборлар, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги кескин кураш шароитида у ҳар икки томоннинг ишончини қозонган. Уларни муросага келтирувчи шахс сифатида танилган. Солон полис тартибини саклаш ва қонун чиқариш бўйича кенг ваколатларни ўз қўлига олгач, эрамиздан аввалги 594 йилда янги қонунлар (“Солон Қонунлари”)ни чиқарган ва Афина полиси ижтимоий-сиёсий тузумини сезиларли ислоҳ қилган.

Мулкий (ижтимоий) аҳволини ҳисобга олиб, Солон Афина халқини тўрт синфга: пентакосиомедимлар, суворийлар, зевгитлар ва фетларга бўлган. Солон Қонунларига кўра, дастлабки уч тоифа учун барча давлат мансабларига йўл очик, фетлар эса фақат халқ йиғинлари ва судларда иштирок этиши мумкин бўлган. Янги ташкил этилган тўртлар Кенгаши (ҳар тоифадан юз кишидан иборат) аристократлар мавқеини анча пасайтирган. Шу туфайли ҳам кейинроқ Арасту: “Афинада демократия айнан Солондан бошланган”, деб таъкидлаган эди.

Эрамиздан аввалги VI—V асрларда Пифагор ва унинг Архит, Лизис, Филолай сингари издошлари, шунингдек, Гераклит ҳам ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий тартибларни фалсафий асосларда янгилаш ғояси билан чиқишиган.

**Пифагор** (эрамиздан аввалги 571-497 йиллар) сиёсатда аристократик дунёқараши эди. У ахлоқли, ақл-заковатли, эзгу ниятли одамлар бошқаруви тарафдори бўлган. Пифагор тартиб ва қонунчиликни улуғлаган, тартибсизликни танқид қилган. Пифагорчилар (Архит, Лизис, Филолей ва бошқалар)нинг бир қадар мистик дунёқарашида уларнинг рақамлар ҳақидаги таълимоти катта ўрин тутган. Уларнинг назарида, рақам дунёнинг ибтидоси ва моҳиятидир.

Пифагорчиларadolатли қонунлар ҳукмронлик қилган полисни идеал полис деб билишган, қонунга бўйсинишни фазилат ҳисоблашган. Қонунчиликка янгиликлар киритишга интилишни танқид қиласар экан, “гарчи номукаммал бўлса-да, оталар одати ва қонунида” яшашни “эзгу иш” деб санашган.

Пифагорнинг фикрича, Тангридан кейин, ота - онани ва қонунларни ҳурмат қилиш керак, уларга ички ишонч билан бўйсуниш керак. Қонунга итоаткорлик энг яхши фазилат, қонунларнинг ўзи эса - катта бойлиkdir.

Полис ҳаёти учун энг ёмони - бу ҳоқимиятнинг йўқлиги, парокандаликдир, чунки инсон ўз табиатига кўра, бир етакчига, раҳбарга, тарбиячига муҳтождир.

Шунинг учун инсонлар таълим-тарбияга, билим олишга интилишади.

**Фалей Халкедонский** барча ички тартибсизликлар мулкка тегишли масалалардан келиб чиқишини таъкидлаган. Шу боисдан ҳам полис ҳаёти мукаммал бўлиши учун барча фуқароларнинг ер мулкини тенглаштириш, мавжуд тафовутларни бартараф этиш керак деб ҳисоблаган.

**Гераклит** (эрамиздан аввалги 544-483 йиллар) ҳам аристократияга хос қарашларни ривожлантирган. У “оломон бошқарадиган ва сафида яхшиларга ўрин бўлмаган” демократияни танқид қиласар экан, ҳоқимиятни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан “яхшилар” (аслзодалар) бошқариши кераклигини таъкидлаган. Унинг фикрича, яратилган қонунни халқ йиғини қўллаб-қувватлаши шарт эмас, муҳими — қонун умумий мантиққа мос бўлса бас.

Пифагор ва Гераклит учун умумий бўлган ва кейинги мутафаккирларга катта таъсир кўрсатган ёндашув шундан иборат эдики, улар аслзодалик келиб чиқишига эмас, одамнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ деган тушунчани илгари суришган.

Гераклитниг фикрича, полисдаги ҳаёт умумий “логос”га, яъни ҳаммани бошқарадиган тафаккурга бўйсуниши керак, чунки “барча инсоний қонунлар ягона илоҳий қонундан озиқланади ва бу илоҳий қонун исталган жойда ўз таъсирини ўтказади, полис ҳаётида барчадан ва ҳар қандай нарсалардан устун туради”. Гераклит позитив қонунларнинг оқилона табиатини назарда тутган холда, “халқ қонун учун, унинг барчага бирдек амал қилиши учун курашиши лозим” деб таъкидлайди.

Шоир **Феогнид Мегарский** (эрамиздан аввалги VI аср охири — V аср боши) эса, аксинча, аслзодалик айнан келиб чиқиши билан белгиланади, деб ишонган. Аристократлар бошқарувдан четлатилган ва демос ҳукмронлиги ўрнатилган давлатни Феогнид бошқариб бўлмайдиган кемага ўхшатган.

Эрамиздан аввалги В асрда давлат ва жамият, сиёsat ва ҳуқуқ муаммоларини фалсафий-ижтимоий жиҳатдан таҳлил қилиш кучайгани сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланишига кўмаклашди.

**Демокрит** (эрамиздан аввалги 460-370 йиллар) биринчилар қаторида одамнинг пайдо бўлиши ва жамият шаклланишини дунё тараққиётининг табиий бир қисми сифатида кўриб чиқсан. Унинг фикрига кўра, одамзод узоқ давом этган эволюция жараёнининг ҳосиласидир, жамият, полис, қонунлар сунъий яратилган бўлиб, табиат (худо) томонидан берилмаган.

Демокритнинг фикрича давлатда умумий манфаат ва адолат ўз ифодасини топган. Давлат манфаатлари ҳамма нарсадан устун туради, шунинг учун ҳам фуқаролар фаолияти давлат тузумини ва бошқарувни яхшилашга қаратилмоғи лозим. “Яхшилар”, донишманднинг назариясига кўра, ўтмишдаги аслзодалар ва бойлар эмас, балки юксак ақлий ва аҳлоқий фазилат соҳиблари дирлар. Давлатни айнан шундай кишилар бошқаришлари керак. Қонунлар полисдаги кишилар ҳаётининг фаровонлигига хизмат қилмоғи лозим. Бироқ бундай натижага эришмоқ учун одамлар ҳам ҳаракат қилишлари керак, қонунга бўйсенишлари, итоат этишлари даркор.

Сиёсий-ҳуқуқий мавзуларнинг кенг муҳокама доирасига чиқиши V асрдаги антик демократиянинг гуллаб-яшнаган даврида майдонга келган **софистлар** (“софос” — “донишманд” сўзидан келиб чиқсан) фаолиятлари билан боғлиқдир. Улар маълум ҳақ эвазига кишиларни турли соҳаларда, жумладан, давлат ва ҳуқуқ масалаларида донишмандликка ўргатишган. Улар қандайдир ягона мактабни

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ташкил этишмаган, балки турлича фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларни ривожлантиришган. Воқеликка танқидий назар билан қараш, илмий исботланмаган эски анъана ва ақидаларни инкор қилиш, давлат ва ҳуқуқнинг шартлилиги номукаммаллигини исботлашга уриниш софистларга хос бўлган<sup>17</sup>.

Қадимги замонларда ёқ уларни икки авлодга — катта софистлар (Протагор, Горгий, Продик, Гиппий, Антифонт ва бошқалар) ва кичик софистлар (Фрасимах, Калликл, Ликофон ва бошқалар)га ажратиб талқин қилиш таомилга кирган.

Катта софистларнинг аксарияти демократик дунёқараш тарафдорлари бўлишган. Кичик софистлар орасида эса демократик қарашлар тарафдорлари билан бирга, аристократик, тираник бошқарув тарафдорлари ҳам бўлган.

Демократик қоидаларни ривожлантирган **Протагор** (эрамиздан аввалги 481-411 йиллар) жуда билимдон софист, буюк баҳсчи ва моҳир нотиқ сифатида шухрат қозонган. У барча кишиларнинг тенглигини тан олган. Протагорнинг демократик ғоясиға кўра давлатнинг мавжудлиги унинг барча аъзолари фуқаролик фазилатига эришган бўлишини назарда тутади. Афлотуннинг айтишича, Протагор, фазилат бор жойда жоҳилликка ўрин йўқ, акс ҳолда давлат бўлмайди, деб ҳисоблаган<sup>18</sup>.

Машхур софистлардан бири бўлган **Горгий** (эрамиздан аввалги 483—375 йиллар) инсоният маданиятига юксак баҳо берар экан, одамлар томонидан яратилган қонунларни ҳам шу маданиятнинг ютуғи деб ҳисоблайди.

**Гиппий** (эрамиздан аввалги 460—400 йиллар) ва **Антифонт** (эрамиздан аввалги 400 йиллар атрофи) табиий ва полис қонунларини кескин қарама-қарши қўйишишган. Уларнинг фикрига кўра, одамларнинг тенгсизлиги табиатдан эмас, балки инсоний қонунлардан келиб чиқади. Антифонт табиий қонунларни инсоний қонунлардан устун деб билади, унинг таъкидлашича, “адолатли ҳисобланган кўплаб инсоний қонунлар инсон табиатига душмандир”.

Халкедонлик **Фрасимах** кичик софистларнинг энг ёрқин вакили эди. Унинг таълимотига мувофиқ, сиёсат худолар фаолияти доирасида эмас, балки инсонлар қудрати ва манфаатларига тегишли соҳадир. ҳар бир давлатда ҳокимият тепасида бўлганлар қудратлидир, улар ўз фойдасига хизмат қилувчи қонунларни ўрнатади. Унинг


<sup>17</sup> Философия. Москва, изд.: “Приор”, 2001. Стр.32.

<sup>18</sup> Бу хақда каранг: Нерсесянц В.С. - Сократ.-Москва, “Наука”, 1977.Стр.44.

таъкидлашича, “кучлиларга фойда келтирадиган нарса адолатдир”. Шу тарзда Фрасимах давлат фаолиятида зўравонликнинг, сиёсат ва қонуннинг авторитар хусусияти аҳамиятини кўрсатган. Унинг фикрича, маънавий-ахлоқий соҳада ҳокимиятни эгаллаб турганларнинг қарашлари ҳукмронлик қиласди.

Софист **Ликофон** давлатни одамларнинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишуви натижаси сифатида таърифлаган. Унинг талқинига қўра, қонун ҳам шунчаки келишув-шартнома бўлиб, у “шахсий ҳуқуқларнинг оддий кафолатидир”.

Кичик софистларга мансуб **Алкидам Элейский** (эрамиздан аввалги IV асрнинг I ярми) барча одамларнинг, шу жумладан қулларнинг ҳам тенглиги ҳақидаги ғояни илгари сурган. Куйидаги эътиборга молик сўзлар ҳам унга тегишли: “Худо барчани озод қилиб яратган, табиат эса ҳеч кимга қулликни раво кўрган эмас”.



Инсоният маънавий ҳаётидаги энг машҳур ва ибратли зотлардан бири бўлган **Сукрот** (эрамиздан аввалги 469-399 йиллар) софистларнинг ашаддий танқидчиси эди. Шунга қарамай, у софистларнинг қатор ғояларини қабул қилган ва уларнинг маърифатпарварлик ишларини давом эттирган.

Сукрот қонун устуворлиги тарафдори бўлган. Яхши қонунлар билан бошқариладиган фаровон давлат сифатида аристократик Спарта ва Критни, маълум даражадаги олигархик Фива ва Мегарани кўрсатган. У ўз полисидаги “ашаддий” демократияга салбий муносабатда бўлган.

Сукротнинг фикрига қўра, давлатни билимдонлар бошқариши керак. Унинг бошқарув борасидаги сиёсий идеаллари на демократия, на туғма аристократия, на олигархия ва на тирания бошқаруви тамойилларига мос келмасди. У айниқса тиранияни қаттиқ танқид қилган.

Сукрот амалий сиёсат соҳасида давлатни биладиган, яъни бошқариш ишига қобилиятли бўлган, бошқариш илмини эгаллаган одамлар амалга ошириши керак деган фикрни илгари сурган.

Адолат, қонунчилик ва бошқарув борасидаги ўз сиёсий тасаввурларидан чекинмаган Сукрот демократияда ҳам, ўттиз тиран ҳукмронлиги даврида ҳам ҳокимият вакилларининг кўп қаршилигига учраган. Эрамиздан аввалги 399 йилда ҳокимиятга қайтган

демократиянинг таниқли вакиллари Суқротни даҳрийликда, қонунларни ва ёшлар тарбиясини бузишда айблаб чиқиши. Ўлимга ҳукм қилинган Суқрот қонунларни бузмаслик, адолатсизликка адолатсизлик билан жавоб қайтармаслик тўғрисидаги ўз тамойилларига содик қолди. У дўстларининг қамоқдан қочиш тўғрисидаги таклифларини рад этди.

Суқрот таълимоти ва унинг ҳаёти нафақат унинг замондошлари ва шогирдларида чуқур таассурот қолдирган, балки фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг кейинги тараққиётига ҳам улкан таъсир кўрсатган.

### **Афлотуннинг давлат, қонунчилик ва сиёсат ҳақидаги таълимоти. Унинг “Давлат” ва “Қонулар” асарларида давлат лойиҳалари тўғрисида**

Суқротнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари айниқса Афлотунга улкан таъсир кўрсатган. Идеалистик фалсафа йўналишининг асосчиси бўлган **Афлотун** (эрамиздан аввалги 427—347 йиллар) бутун инсоният тарихидаги буюк мутафаккирлардан бири ҳисобланади. Унинг антик давр фалсафаси, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларига қўшган ҳиссаси буқиёсdir. Афлотуннинг бой илмий-назарий мероси кейинчалик фақат Фарбагина ўрганилмай, балки Шарқ мутафаккирларида ҳам катта қизиқиш уйғотган. Масалан, унинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашлари Шарқда “Иккинчи муаллим” деб ном олган Ўрта аср мутафаккири Форобийнинг “Афлотун қонунларининг моҳияти” рисоласида кенг таҳлилдан ўтказилганини кўришимиз мумкин<sup>19</sup>.

Афлотун ёшлигига Суқротнинг шогирди бўлган. Суқрот ўзининг ушбу шогирдига Платон яъни Афлотун- кенг елкали, кенг дунёқарашли деган лақабни берган. Аслида унинг исми Аристокл бўлган.

Суқрот қатл этилгач, олимнинг бошқа шогирдлари билан Афинани тарк этган. У эрамиздан аввалги 387 йилда Афинага қайтгач, шаҳар атрофидаги қаҳрамон Академ номи билан аталувчи жойда машҳур Академияни ташкил этди.

Умрининг охиригача шу Академияга раҳбарлик қилган Афлотун дастлаб Суқротнинг қарашлари таъсири остида бўлган. Унинг

<sup>19</sup>Бу ҳақида маълумот учун қаранг: Мухиддинова Ф. Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари.- Тошкент.- “Адолат”, 2000. 54 б.

“Сүкрот апологияси”, “Протагор” сингари асарларида муаммоларга суқротча ёндашув яққол намоён бўлади. Асл афлотунча назарий қарашлар мутафаккирнинг кейинроқ ёзилган “Давлат”, “Сиёсатчи” ва “Қонунлар” сингари асарларида кўзга ташланади.

Афлотун ўз таълимотида давлат ва ҳуқуқ муаммолариға алоҳида ўрин бердики, бу жихати билан у ўзидан олдин ўтган мутафаккирлардан ажралиб туради. Афлотуннинг фикрича, одамларнинг озиқ-овқат, турар-жой, кийим-бош сингари қундалик эҳтиёжлари, ташқи душманлардан ҳимояланиш зарурияти туфайли бирга яшашлари давлатнинг келиб чиқишига асосий сабабдир.

Афлотун ўзининг “Давлат” асарида жамиятдаги ижтимоий тенгсизликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ҳаракат қиласди ва адолатли идеал давлат қуриш ҳақида мулоҳаза юритади. Асар давлатнинг муҳим аҳамиятини ёритиш билан бошланади. У юксак даражадаги ҳамжамият бўлиб, унинг вазифаси буюк фаровонликка эришишдир. Аввало асосан икки хил: эркак ва аёл, хўжайин ва қул муносабатларига қурилган оила пайдо бўлган. Бу ҳар икки муносабат ҳам табиийдир. Бир неча оилалар бирлашувидан аҳоли яшаш жойлари (қишлоқ ва шаҳарлар) ҳосил бўлган. Бу турар-жойлар бирлашувидан эса давлат келиб чиқсан. Факат давлатнинг юзага келиши учун зарур бўлган битта шарт бор, яъни давлатга бирлашган бу турар-жойлар (қишлоқ ва шаҳарлар) ўзини ўзи таъминлаш учун етарли даражада кўп бўлиши лозим<sup>20</sup>.

Афлотун жамиятни уч табақага: давлатни бошқарувчи файласуфлар, давлатни муҳофаза қилувчи соқчилар (ҳарбийлар), вазифаси жамият учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлган деҳқонлар ва ҳунармандларга бўлади. Унинг фикрига кўра, давлатни донишманд файласуфлар бошқарадилар, илмий назариялар ишлаб чиқадилар, дунёни англайдилар ва бошқаларга ўргатадилар. ҳарбийлар жисмоний машқ билан шуғулланадилар, давлатда тартибни сақлайдилар, зарур бўлганда урушда иштирок этадилар. Деҳқонлар ва ҳунармандлар эса оғир жисмоний меҳнат билан банд бўладилар, моддий неъматларни яратадилар, зарур ҳоллардагина чекланган миқдордаги хусусий мулкка эга бўладилар. Бошқарувчи донишмандлар ва ҳарбийлар хусусий мулкка эга бўлмайдилар.

<sup>20</sup> Рассел Б. История западной философии. – Москва, изд.: “Академический проект”, 2000. Стр. 184.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Идеал давлатда ҳар бир тоифа ўз вазифасини адо этиши ва бошқалар ишига аралашмаслигиadolat белгиси ҳисобланади.

Афлотуннинг ривоят қилишича, худо бошқарувчиларнинг зуваласига олтин, уларнинг кўмакчиларига кумуш, дехкон ва хунармандларга эса темир ва мис қўшиб яратган. Афлотун афсонасига кўра, яратилганда мис ва темир қўшилган хукмдор бошқарган давлат ҳалокатга учрайди.

Юқори табақалар ўз вазифаларини юксак даражада юритишлари учун уларнинг ҳаёти бирдамлик, тенглик, уюшқоқлик ва жамоа асосида ташкил этилиши керак. Улар худди жанговар юришлардагидек бирга яшашлари ва овқатланишлари лозим.

Афлотуннинг нуқтаи назарича, бошқарувчиларнинг хотин ва болалари умумий экани идеал давлат учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Идеал давлатда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларига кўра эркаклар билан тенг ҳисобланадилар. Дастлабки икки табақа учун одатдагидек оила бўлмайди. Болаларни давлат тарбия қиласди.

Учинчи табақа кишилари ҳаётининг никоҳ, мулкчилик, меҳнат масалаларини Афлотун идеал давлат ҳукмдорлари ихтиёрига қолдиради. Чунки бу табақалар давлатни бошқаришдан четлаштирилган бўлсалар-да, улар қуллар эмаслар, озод кишилардир.

Афлотун аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ўта табақаланишига, йирик бойлар ва камбағаллар орасидаги фарқ кучайишига қарши турган. У ўртаҳоллик тарафдори бўлган ва жамият мулкий табақаланишининг сиёсий аҳамиятини яхши тушунаган. Афлотун ўзи лойиҳалаштирган идеал давлатнинг бошқа давлатлардан ижтимоий-иктисодий соҳадаги фарқини камбағал ва бойларга ажраш барҳам топганида деб билади.

Афлотуннинг идеал давлати — яхшиларнингadolatли бошқарувидир. Шунга кўра у Сукротнинг “қонуний” ва “адолатли” деган тушунчалар айнан бир нарса деган ғоясига қўшилади. Унинг таъкидлашига кўра, яхшилар бошқарувидаги аристократик давлат тузуми идеал давлатdir.

Афлотун ўз лойиҳаси ғоят мураккаб бўлганига қарамай, уни амалга ошириш мумкинлигига ишонади. У агар идеал давлат қурилган тақдирда ҳам бундай давлат мангу турмаслиги мумкинлигини айтади. Чунки инсон табиатининг муқаррар бузилиши оқибатида бошқарув шакллари алмашиб туради.

Масалан, Афлотун идеал деб билган аристократик давлат тузумининг ҳалокати ер ва тураг-жойларнинг хусусий мулкка

айланишига, одамларни озод ва қулларга ажратишига олиб келади, натижада тимократик давлат ўрнатилади. Бундай давлат мутассил урушларга гирифтор бўлади. Урушлар ва тимократик давлатдаги қарама-қаршиликлар хусусий шахслар қўлида катта микдордаги бойлик тўпланишига олиб келади. Оқибатда давлат ҳокимиятини олигархия эгаллайди, камбағаллар бошқарувда иштирок этолмай қоладилар.

Олигархик давлатда мулксиз аҳолининг бойларга қарши нафрати кучайиб боради, бу эса давлат тўнтаришига олиб келади ва алал-оқибат демократия ўрнатилади.

Тиранияни давлат тузилишининг энг ёмон кўриниши деб таъкидлайди, чунки унда қонунсизлик, ўзбошимчалик ва зўравонлик ҳукм суради. Афлотуннинг фикрича, демократияда эркинлик суиистеъмол қилинади ва ундан демократиянинг акси бўлган тирания ўсиб чиқади. Афлотуннинг демократия ҳақидаги фикрларига унинг Афина демократияси билан бўлган тўқнашуви таъсир этган, албатта.

Умуман, демократияни Афлотун ёқимли ва ранг-баранг, лекин етарли даражада бошқариб бўлмайдиган тузум сифатида баҳолаганди.

Бундай давлатларнинг ҳар қайсисида нимаки эзгу иш деб ҳисобланган бўлса (тимократияда — ҳарбий зафарлар, олигархияда — бойликлар, демократияда — эрк), айнан шу нарса давлатнинг ҳалокатига сабаби бўлади.

Афлотун “Қонунлар” асарида “ўз қадр-қимматига кўра иккинчи ўринда турувчи” давлат тузумини тасвиrlайди. Унга кўра, иккинчи давлатнинг 5040 фуқароси чек тортиш йўли билан ер участкаси ва уй олади, улардан хусусий мулк сифатида эмас, балки фақат эгалик ҳуқуқи билан фойдаланадилар. Ушбу ер майдонлари давлатнинг умумий мулки ҳисобланади ва мерос сифатида оиласидаги болалардан фақат биттасига ўтиши мумкин.

Мулки оз-кўплигига қараб фуқаролар тўрт синфга бўлинадилар. Камбағаллик ва бойлик чегараси тўғрисида қонун мавжуд бўлади. Алоҳида шахсларнинг олтин ёки кумушга эгалик қилиш учун ҳуқуқи бўлмайди. Судхўрлик таъқиқланади. ҳар қандай ҳашамга йўл қўйилмайди. Дехқончилик, хунармандлик ва савдо билан шуғулланувчи қуллар ва чет элликлар 5040 фуқаро қаторига кирмайди. Бу фуқаролар етарли микдорда қул билан таъминланадилар.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Афлотун фуқаролар ва хўжайинлар истеъмол қилишига мўлжалланган қисм қуллар ва чет элликлар истеъмол қилиши учун ажратилган икки қисмдан ҳеч қандай фарқланмаслиги кераклигини уқтириб: “Шундай бўлиш керакки, ҳар уч қисмнинг миқдори ўзаро тенг, сифати бирдай бўлиши зарур”, дея таъкидлайди.

Иккинчи давлатнинг майший хаётига ҳам худди биринчи давлатдагидек, бирдамлик ва жамоа руҳи сингдирилган. Алоҳида оила тан олинса-да, тарбия иши қонунлар билан тартибга солинган ва кўп сонли мансабдорларга юклатилган. Аёллар юқори бошқарувчилар қаторига кирмасалар-да эркаклар билан тенг ҳуқуқли ҳисобланганлар.

Афлотун давлати тепасида кўп босқичли сайловлар воситасида сайланувчи 50 ва 70 ёш оралиғидаги 37 бошқарувчи туради. Уларнинг ҳокимиятда туриш муддати 20 йилдан ошмаслиги керак. ҳар бир синфдан 90 кишидан, жами 360 кишидан иборат сайланувчи Кенгаш салмоқли ҳокимиятга эга бўлади. Кўплаб фуқаро амалдорлар ва ҳарбий мансабдорларнинг сайланиши ҳам назарда тутилади.

Афлотуннинг “Сиёсат” асари ҳам ўзида қатор сиёсий-ҳуқуқий муаммоларни ифодалаган. Сиёсат бу подшолар санъати бўлиб, у одамларни бошқаришни билишни ва уддалашни тақозо этади. Агар ҳукмдор одамларни бошқариш санъатини яхши эгаллаган бўлса, у қонунга асосан ёки қонунга асосланмай давлатни бошқарадими, бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Бошқа давлатларда эса агар ҳукмдорлар одамларни бошқариш санъатини тўла эгалламаган, тегишли билим олмаган бўлса, албатта қонунларга асосланиши керак.

Афлотун қонун чиқарувчига мўътадиликка риоя этишни тавсия этиб, бир томондан, ҳукмдорлар ҳоқимиятини, иккинчи томондан эса, бошқарув остидагиларнинг эркинлигини маълум даражада чеклашни тавсия этади.

Афлотун қонунлар назариясига ҳам анча ҳисса қўшгани холда, барча илмлар ичida энг инсонни олийжаноб қиласиган илм бу - қонунлар ҳақидаги фандир, дейди. Қонунлар муҳофазаси билан эса, давлатда олий судлов шуғулланади.

Унинг фикрича, судлари юқори даражада бўлмаган давлатни адолатли давлат-полис деб бўлмайди. Ҳар бир ҳукмдор ҳам судья сифатида майдонга чиқиши мумкин. Афлотуннинг фикрича, олий судловни амалга оширишга барча фуқаролар дахлдор.

Афлотун қонун чиқарувчига, бир томондан, бошқарувчилар ҳокимиятини, иккинчи томондан, бошқарилувчилар эркини чеклаш учун муайян ўрталиқда туришини тавсия қиласди.

Афлотуннинг уқтиришича, қонун чиқарувчи, биринчидан, ўз қонунларини татбиқ қилишни, иккинчидан, буйруқ беришни уддалаши керак. Агар у яратган қонунини татбиқ қилолмаса ёки унга ўзи амал қилмаса, бу ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди ҳамда унинг сўzlари қўл остидагилар томонидан қабул қилинмайди<sup>21</sup>.

Қонун яратишда давлатнинг жойлашган ўрни, иқлими ва бошқа хусусиятлар ҳам ҳисобга олиниши даркор. Шундан келиб чиқиб: “Маҳаллий шароитларга зид қонун яратиш мумкин эмас”, дейди у. Афлотун қонун назариясини ишлаб чиқишига ҳам катта эътибор беради. Унинг фикрича, “қонун ҳақидаги фан инсонни бошқа фанлардан кўра кўпроқ камолотга эриштиради”.

Кисқаси идеал давлатда судлов қонунни ҳимоя қиласди. Шунга кўра, Афлотуннинг таъкидлашича, судлар етарли даражада тузилмаган ҳар қандай давлат ўзининг давлатлигини йўқотади, дейди Афлотун. Суд давлатчилик вазифаларидан холи алоҳида ҳокимият эмас. Шу билан бирга суд ишларида ҳимоячилар бўлиши ҳам назарда тутилади.

### **Арастуниң давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти.**

### **Арастуниң давлатнинг пайдо бўлиши, вазифаси ва шакли ҳақидаги қарашлари. Унинг сиёsat, ҳуқуқ ва ижтимоий адолат ҳақидаги фикрари**

Антик сиёсий-ҳукуқий тафаккурнинг янада ривожланиши Афлотуннинг шогирдларидан бири **Арастуниң** (эрамиздан аввалги 384-322 йиллар) номи билан боғлиқ. “Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан улуғроқ”, деган ҳикматли ибора Арасту қаламига мансубдир. У инсоният тарихидаги кўп қиррали мутафаккирлардан бири саналади.

Арасту ёшлигига Афлотун академиясида ўқиган ва кейинчалик дарс ҳам берган. Арасту томонидан эрамиздан аввалги 342-340 йилларда, Македония шохи Филипп II таклифига кўра, унинг ўғли, бўлажак саркарда Александр Македонский<sup>\*</sup> тарбияланган. Шундан кейин у Афинага қайтиб, ўзининг фалсафа мактаби — Ликей

<sup>21</sup> Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата: Наука, 1975.-146-бет.

\* У бизда «Искандар Зулқарнайн» номи билан машшур — муаллиф изохи.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

(лицей)ни очган ва қарийиб умрининг охиригача унга раҳбарлик қилган.

Сиёсий-ҳуқуқий мавзулар Арастунинг “Сиёсат”, “Афина политияси” ва “Этика” сингари асарларида батафсил ёритилган.

Арасту сиёсат ҳақидаги фанни ҳар томонлама таҳлил қилишга уринган. У сиёсатни этика билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқкан.

Арастунинг қарашларида ҳуқуқ, қонун ва ҳуқуқий давлатчиликнинг заминий ғоялари ўзининг ифодасини топган. Унинг фикрича, ҳар қандай ҳуқуқ бу сиёсий ҳуқуқ бўлиб, у табиий ҳуқуқга ва позитив ҳуқуқга ажралади. Ҳар қандай қонунни сиёсий характерли дейиш учун мезон бўлиб, унинг сиёсийadolatга ва ҳуқуқга мувофиқ келиши ҳисобланади. “Сиёсат” асарида у қонуннинг вазифаси ҳуқуққа мос харакат қилиш кераклигини уқтириб, мажбурий бўйсундиришга интилиш, албатта ҳуқуқ ғоясига зиддир дейди.

Арастунинг талқинича, сиёсий давлат тузилишининг турли хиллари, айнан ўзининг сиёсий характерга эгалиги боис ҳам,adolat ва ҳуқуқ ғоясига мос келади яъни, бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий характерга эга. Шунга асосланиб Арасту умумий, яъни барчанинг фойдасини ўйлайдиган давлат тузилиши шаклигина мутлоқadolat тамойили асосида тўғри давлатлар ҳисобланади; бироқ, худди шу шаклдаги давлатларда ҳукмдорларнинг шахсий фаровонлигигина назарда тутилса, бундай давлатлар нотўғри давлатлардир, улар деспотик тартибларга асосланганнир, давлат эса эркин инсонларнинг ўзаро бирлигидир, деб таъкидлайди.<sup>1</sup>

Арастуadolatнинг икки хил, яъни тенглаштирувчи ва тақсимловчи кўринишини фарқлади. Тенглаштирувчиadolat мезони “арифметик тенглик” бўлиб, бу тамойил фуқаровий-ҳуқуқий келишувлар, олди-сотдилар, заарни қоплаш, жазолаш сингари соҳаларда қўлланади. Тақсимловчиadolat мезони эса “геометрик тенглик”дан келиб чиқиб, етиширилган неъматларни ҳар кимнинг қўшган ҳиссасига қараб тақсимлашни билдирган. Бу ҳолда тегишли нарсаларга (ҳокимиятга, ҳурматга, моддий бойликка) бошқалар билан тенг ёки тенг бўлмаган миқдорда эгалик қилиш мумкин.

Арастунинг нуқтаи назарича, давлат табиий тараққиётнинг натижасидир. Бу маънода у оила, жамоа сингари дастлабки тузилмаларга ўхшайди. Лекин давлат барча тузилмаларни ўз ичига олевчи олий шаклдаги тузилмадир. Арасту хусусий мулк, оила ва идивидуал ҳуқуқ манфаатларидан келиб чиқиб, Афлотуннинг идеал

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

давлат тўғрисидаги ҳар икки лойиҳасини ҳам танқид қиласди. Унинг таъкидлашича, мулк, хотинлар ва болаларнинг Афлотун таклиф этгандек умумийлиги давлатнинг барҳам топишига олиб келади.

Арастуниң ғоясига кўра, давлат мураккаб тушунча бўлиб, унинг қандай шаклдалигини аниқлашда кимлар унинг фуқаролари хисобланиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу давлатнинг қонун чиқариш ва суд ҳокимиятида қатнашиш имкониятига эга бўлганларгина фуқаро хисобланадилар.

Давлатчилик шакли, шунингдек, ҳукмдорлар сони (якка ҳокимлик, озчилик, кўпчилик) билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари, Арасту давлатни тўғри ва нотўғри шаклларда бўлишини ҳам кўрсатади. Тўғри шаклларда бошқарувчилар умумий фойда йўлида ҳаракат қилишади, нотўғри шаклларда эса фақат ўзларининг шахсий манфаатларидан келиб чиқишади.

Давлатнинг тўғри шакли сифатида Арасту монархия бошқарувини (подшоҳликни), аристократия ва политияни кўрсатади. Шунга мувоғиқ равишда тирания, олигархия ва демократияни у нотўғри ва хато бошқарув шакллари деб ҳисблайди.

Арасту энг яхши ва идеал давлат шакли деб политияни кўрсатади. Политияда давлатни умумий манфаат йўлида кўпчилик бошқаради. Бу бошқарув олигархия ва демократиянинг уйғунлашган шаклига ўхшаш бўлади. Арасту Полития хос бўлган мулкдорлар ва мулксизларнинг, бойлик ва эркинлик каби манфаатларнинг бундай бирлашуви жуда кўплаб давлатларга хослигини таъкидлайди.

Арасту юқори ҳокимият қонунга эмас, халқга боғлиқ бўлган ўта демократияни танқид қиласди экан, бойлар ва камбағаллар муросасига, қонун устиворлигига асосланган мўътадил демократияни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун ҳам у Солон ислоҳотларига юксак баҳо беради.

Арастуниң политияси олигархия ва демократиянинг энг яхши жихатларини ўзида ифода этади. Айни чоғда бу полития уларнинг камчиликларидан ҳам холидир. Полития – давлатчиликнинг “ўрта” шакли ва унда “ўртачалик” ҳамма нарсада кўринади: ахлоқда – мўътадиллик, мулкда – ўртача фаровонлик, ҳукмдорликда – ўрта табақа ва ҳоказо. Арасту “ўртача” кишилардан иборат бўлган давлат энг яхши давлат тузумига эга бўлишини алоҳида таъкидлайди. Арастуниң ўрта бўғинга суюнган жамият афзалликлари ҳақидаги бундай қарашлари Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш учун ҳаракат бораётган ҳозирги пайтда айниқса

аҳамиятлидир. Мамлакатимизда кечаётган ушбу жараённи Президентимиз И.А.Каримов қуидаги аниқ ифодалаб берганди: «**Айни ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчиdir.**

Бу ўринда гап, агар мулк шакллари хилма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорларидан иборат кучли қатламнинг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлиги хақида бормоқда. Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликни ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолати ҳисобланади.

Шу сабабли биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди»<sup>22</sup>.

Зотан, Арасту фикрига кўра, лозим даражадаги тенгликнинг йўқлиги давлатни парокандалик сари етаклайди. Бундай ҳол одатда нисбий тенгликнинг ҳамда сиёсийadolat принципининг бузилиши оқибатида келиб чиқади (тенглик биринчи ҳолатда миқдор билан ўлчанса, иккинчисида – қадр-қиммат билан ўлчанади).

Арастунинг энг яхши давлат тузиш лойиҳасига кўра, идеал давлатнинг аҳолиси етарли миқдорда бўлмоғи керак. Яхши давлатнинг худуди денгиз ва материқда қулай жойлашган бўлиши шарт. Бундай давлатда хунармандлар, денгизчилар ва савдогарлар фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Ер икки қисмга бўлинган: бир қисм ер давлатнинг умумий тасарруфида бўлади, иккинчи қисм ер фуқароларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Арасту ўзининг ҳуқуқий қарашларида Сукрот ва Афлотунларнингadolat ва қонун айнан бир деган ғоясига қўшилади. ҳуқуқ ўзидаadolatни акс эттиради ва кишилар ўртасидаги сиёсий муносабатлар меъёри бўлиб хизмат қиласиди. Умуман, сиёсий маънодаги ҳуқуқни Арасту “сиёсий ҳуқуқ” деб атайди. Бу эса сиёсий

<sup>22</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., «Ўзбекистон», 1998, 167-168-бетлар.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

бўлмаган ҳуқуқ йўқлигини, сиёсий бўлмаган, яъни зулмга, истибододга асосланган бошқарув шаклларида ҳуқуқ бўлмаслигини англатади.

Сиёсий бошқарув, Арасту нуқтаи назарига кўра, одамлар томонидан эмас, балки қонун томонидан бошқарувдир. Чунки одамлар, ҳатто энг яхшилари ҳам, туйғу ва эҳтиросга мойилдирлар, қонун эса бирдай ўзгармасдир.

### Эллинизм даври (Эрамиздан аввалги IV асрдан II асргача) сиёсий-ҳуқуқий таълимоти

Қадимги Юнонистон давлатининг инқирози эллинизм даври давлат ва ҳуқуқ таълимотида яққол намоён бўлди. IV асрнинг сўнгги чорагига келиб Юнонистон полислари дастлаб Македония, кейинчалик Рим ҳукмронлиги остида қолди. Александр Македонскийнинг эрамиздан аввалги 336-323 йиллардаги юришлари эллинизм даврини, яъни эллинча монархлар даври ва эллинлашувни бошлаб берди. Маълумки, эллинизм қадимги дунё тарихида энг мураккаб ва қарама-қаршиликларга тўлиб тошган давр ҳисобланади. «Эллинизм конкрет тарихий ҳодиса, - деб ёзади профессор Ф. Сулеймонова ўзининг «Шарқ ва Ғарб» китобида, — иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ва маданий ҳаётда грек ва ерли хусусиятларни ўзида мужассамлантирган тарихий воқеъликдир...

... Эллинистик даврда фақат грек адабиётигина эмас, санъат, мафкура соҳаси — фалсафа ва динда ҳам кескин ўзгаришлар рўй беради. ҳар бир озод (яъни қул бўлмаган) инсон аввалги сиёсий эркинлигидан маҳрум бўлади, унинг ҳаёти, баҳт-саодати золим ҳоким, сиёсат, иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ, лекин бу ташқи кучларнинг биронтасини ўзгартиришга шахснинг қурби етмайди. Натижада шахс ўз қобигига ўралиб қолади. Ана шундай шароитда фалсафа даставвал шахс масаласи, ахлоқ, одоб, мавжуд жамият тузумида қандай йўл билан инсон умидсизликка тушмай, ўз мавқеини йўқотмай, ҳаёт йўлини босиб ўтиши мумкинлиги масалаларини ишлайди. Бу даврда табиат фанлари фалсафасидан ажралиб, мустақил ривож этади, тадқиқотлардан назарий хулосалар чиқармайди. Эллинистик давр файласуфлари, айниқса, буюк салафлар асарларини изоҳлаш, талқин этиш кўп шуғулланадилар»<sup>23</sup>.

<sup>23</sup> Сулеймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., «Ўзбекистон», 1997, 161,165-бетлар.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Биробар, бу даврда шаклланган фалсафий таълимотлар, бу даврнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари Эпикур, стоиклар ва Полибийнинг қарашларида ўз ифодасини топди.

Эпикур (эрмиздан аввалги 341-270 йиллар) ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари билан Демокрит таълимотининг давомчиси бўлиб қолди. Эпикурнинг фикрига кўра, табиат, худоларнинг инонихтиёрларисиз, ўз қонуниятлари бўйича мустақил ривожланиб боради.

Инсон эрки, Эпикур нуқтаи назарича унинг ўз турмуш тарзини онгли танлаб олиш маъсулиятидир. Узлатга чекиниш, фаол ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашмасликни тарғиб қилиш Эпикур таълимотига хос хусусиятдир. Унинг назарида, давлат ҳокимияти ва сиёсий мулоқотнинг асосий мақсади — кишиларнинг ўзаро хавфсизлигини таъминлашдан, бир-бирларидан хавфсирашдан халос этишдан иборатдир.

Эпикур таълимотига кўра, қонунлар бошқарувчи “донишманд”ларни (яъни комил инсонларни) “оломон”дан ажратиш ва муҳофаза қилишнинг, алоҳида шахс эркининг оммавий кафолатидир. **“Қонулар, — деб ёзади Эпикур, — донишмандлар ёмонлик қилмаслиги учун эмас, балки уларга бошқалар ёмонлик қилмаслиги учун яратилгандир”.**

Ҳақиқий индивидуалист бўлган Эпикур ўта демократияга қарши бўлган. Шунинг учун ҳам у «донишманд» кишини «оломон»га кескин қарши қўяди. У ҳеч қачон оломонга ёқишига интилмайди, аксинча, улар сезгиларидан йироқда бўлишга ҳаракат қиласди.

Эллинизм даври сиёсий-ҳуқуқий таълимотидаги яна бир оқим стоицизм бўлиб, Зенон (эрмиздан аввалги 336-264 йиллар) унинг асосчиси ҳисобланади. Стоицизмнинг ўзи ҳам уч даврга бўлинади. Стоицизм таълимотига кўра, дунёни тақдир бошқаради. Тақдир илоҳий хусусият касб этувчи “табиий қонун” сифатида намоён бўлади.

Табиий қонунларнинг универсал хусусиятига суюнган Зенон ва Хрисипп, кейинчалик уларнинг юнонистонлик ва римлик издошлари давлат ҳақидаги асарларида космополитик қарашларига биноан барча одамлар ўз табиатлари ва умуман олам қонунларига кўра яхлит бир дунё давлати — космополис фуқаролари деган ғояни кўтариб чиқишиди. Ушбу ғояга кўра, одамлар алоҳида давлатлар фуқаролари бўлмай, бутун олам фуқаролари дидирлар.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Табиий қонунларнинг универсаллиги ва қудратига ортиқча ургу берган стоиклар давлатчиликнинг алоҳида полис шаклларини, полис қонунлари ролини инкор қилишди. Индивидуал оила қуриш, суд, ибодатхоналар, мактаб, савдо, пул сингари ижтимоий ҳаёт ва сиёсий маданият институтлари ҳам стоиклар томонидан танқид қилинган.

Маълумотларга кўра, Зенон аралаш бошқарув шакли тарафдори бўлган: Шу сабабли ҳам у: “Энг яхши давлат тузуми – демократия, подшоҳлик ва аристократия уйғун бўлган тузумдир”, дея таърифлаган.

Стоиклар таълимоти таниқли юонон тарихчиси ва жамоат арбоби **Полибий** (эрамиздан аввалги 210-123 йиллар) дунёқарашига ҳам катта таъсир кўрсатган. Полибийга таълимотига кўра, ҳаммаси бўлиб давлатчиликнинг олти шакли мавжуд. Бу давлатчилик шакллари ибтидоси ва интиҳоси тартибига кўра қуидагича мутассил алмасиб туради: подшоҳлик — тирания — аристократия — олигархия — демократия — охлократия.

Полибийнинг назариясига мувофиқ, “санаб ўтилган барча бошқарув шаклларини ўз ичига олган бошқарув энг мукаммалдир”. Полибийнинг Арасту таъсири сезилиб турган бу қарашларидан кейинчалик бошқа олимлар идеал давлат “лойиҳа”ларини ишлаб чиқишида кенг фойдаландилар. Бундан ташқари, шу ўринда ҳокимият тармоқлари бўлиниши ҳақидаги замонавий назариянинг яратилишида ҳам бу ғоянинг таъсири ниҳоятда катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қадимги юонистонлик мутафаккирлар сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг ривожланишига, давлат ва ҳукуқ муаммоларининг назарий таҳлил қилинишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида тенгсиз ўрин тутишларининг сабаби ҳам ана шунда.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қадим Юонистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар қачон пайдо бўлган ва уларнинг асосий йўналишлари ?
2. Қадим Юонистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг ривожида “етти донишманд”нинг сиёсий-ҳуқуқий ғояларининг тутган ўрни?
3. Афлотуннинг давлатнинг пайдо бўлиши ва ривжланиши ҳақидаги қарашлари ҳақида фикрингиз?
4. Афлотуннинг қонунчилик ва сиёсат ҳақидаги таълимоти.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

5. Унинг идеал давлат лойиҳалари тўғрисида ғояларини таҳлил этинг.

6. Арастуниг давлатнинг пайдо бўлиши, вазифаси ва шакли ҳақидаги қарашлари.

7. Арастуниг сиёсат, ҳуқуқ ва ижтимоий адолат ҳақидаги қарашлари.

8. Эллинизм даври сиёсий –ҳуқуқий таълимоти ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз.

9. Бугунги маърузада кўтарилиган муаммолар бўйича ёзилган илмий ишларни ўрганганмисиз ? Уларнинг қиёсий таҳлили ҳақида фикрингиз.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998.

2. Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. - 109 б.

3. Каримов.И.А Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир-Т.:Ўзбекистон,2005.

4. Каримов.И.А Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашар эди. -Т.:Ўзбекистон,2005.

5. История политических и правовых знаний. Под обхей редакцией Нерсесянца В.С.- Москва, изд. “Норма-Инфра”, 1999. - 736 с.

6. Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата: Наука, 1975.

7. Нерсесянц В.С. Сократ. - Москва, “Наука”, 1977.150 с.

8. Муҳиддинова Ф. Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари.- Тошкент, “Адолат”, 2000. 55 б.

9. Бобоев. Ҳ.Б.Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2003. – 205 б.

10.Бобоев. Ҳ.Б.Ўзбек давлатчилиги тарихи. Дарслик. –Т.: Фан, 2004. – 294 б.

11.Ф.Муҳиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.ТДЮИ. 2002.

12.Рассел Б. История западной философии. – Москва, изд.: “Академический проект”, 2000. 765 с.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

- 13.Философия конспект лекций//- Москва, изд. “Приор” , 2001.  
224 с.
- 14.Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. — Т., «Ўзбекистон», 1997.
- 15.Холов.Б. Магистрлик диссертацияси. “Монтескье сиёсий-хуқуқий таълимотида ҳокимиятлар бўлиниши ва унинг Ўзбекистонда амалий ифодаси”.2003.
- 16.Самиев Б. Ҳуқуқий давлат: ғоялар тарихи ва ҳозирги замон. Магистрлик диссертацияси. 2003
- 17.Ф.Муҳиддинова. Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи.ТДЮИ. Маъruzalар матни.2006.
- 18.Ф.Муҳиддинова. Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти.Диссертация.2001.
- 19.Норматов А. Форобийнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари. БМИ. 2004.

## Қадимги Рим давлатида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар

- Қадимги Римдаги асосий сиёсий-ҳуқуқий оқимлар.
- Цицероннинг давлат, қонунлар ва сиёсат тўғрисидаги ғоялари.
- Рим ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқшунослик фанларининг ривожланишига қўшган хиссалари.
- Христиан динининг пайдо бўлиши ва унинг дин даражасига кўтарилиши. Дин ва давлат ўртасидаги муносабат.
- Августин ва Фома Аквинскийларнинг диний-сиёсий таълимотлари. Уларнинг илоҳий қонунлар ва инсоний қонунлар ҳақидаги ғоялари.

### Қадимги Римдаги асосий сиёсий-ҳуқуқий оқимлар. Цицероннинг давлат, қонунлар ва сиёсат тўғрисидаги ғоялари

Қадимги Рим сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи минг йилликлар билан ўлчанадиган даврни қамраб олади ҳамда ўзининг ривожланиш босқичида Қадимги Рим ижтимоий-иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни акс эттиради. Қадимги Рим тарихини уч даврга бўлиб кўриб чиқиш таомилга айланган: подшоҳлик даври (эрамиздан аввалги 754-510 йиллар), республика даври (эрамиздан аввалги 509-28 йиллар), императорлик даври (эрамиздан аввалги 27 йилдан эрамизнинг 476 йилигача). Эрамизнинг 395 йилига келиб ягона Рим империяси иккига бўлинди: яъни пойтахти Рим бўлган Фарбий ва пойтахти Константинопол бўлган Шарқий Рим империяларига ажралиб кетди. Шарқий Рим империяси то 1453 йилгача сақланиб қолди.

Қадимги Римдаги сиёсий-ҳуқуқий институтлар ва ғоялар аҳолининг турли табақалари — патрицейлар ва плейбейлар, нобилитетлар (патрицейлар ва бой плейбейлар) ва камбағаллар, оптиматлар (юқори табақа тарафдорлари) ва популярлар (қўйи табақалар эркинлиги тарафдорлари), озод кишилар ва қуллар ўртасидаги узоқ давом этган курашлар давомида шаклланиб, ривожланиб борди.

Қадимги Рим тарихида плебейларнинг асл “Рим халқи” деб ҳисобланувчи, барча сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини ўз қўлларига олган патрицейлар билан teng мавқега эришиш учун олиб борган

кураши муҳим из қолдирди. Бу кураси Римнинг олтинчи подшоҳи **Сервий Туллий** ислоҳотлари бошланишига олиб келди. Ушбу ислоҳотлар натижасида плебейлар мулкий (ижтимоий) аҳволига қараб беш тоифага бўлинувчи “Рим халқи” таркибиға киритилди. Ислоҳотлар давлат бошқарувида бойлар устунлигини таъминлади. Плебейлар халқ йифинида қатнашиш, жамоат мулки ва ердан ўз улушкига эга бўлиш ҳуқуқини олдилар. Лекин плебейлар патрицейлар билан teng ҳуқуққа эга бўла олмадилар, натижада улар патрицейларнинг имтиёзларига қарши яна кўп вақт курашишларига тўғри келди.

Эрамиздан аввалги 494 йилда ўз мавқеларидан норози бўлган плебейларнинг Римни тарқ этишлари натижасида хукмон доиралар ён беришга мажбур бўлди. Уларни бу қарордан қайтариш мақсадида плебей (халқ) трибуни лавозими таъсис этилди. Трибун плебейлар манфаатини ҳимоя қилиш учун анча кенг ваколатларга эга бўлди. Маълумки, халқ йифини томонидан ҳар йили Рим республикасининг юқори мартабали амалдорлари ҳисобланган икки консул сайланарди. Эрамиздан аввалги 367 йилга келиб халқ йифини томонидан сайланадиган икки консулнинг бири албатта плебейлардан бўлиши шартлиги ҳақида қонун қабул қилинди.

Плебейларнинг кўзга кўринган мафкурачилари ва ғоявий раҳномалари ака-ука **Тиберий** (эрамиздан аввалги 133 йил) ва **Гай Гракх** (эрамиздан аввалги 122 йил)лар бўлиб, улар халқ трибуналари бўлиб сайланган даврларда (тегишли равишда 123ларда) ортиқча ерларни тортиб олиш ва уларни ерсизларга тарқатиш, йўллар қуриш ва озиқ-овқат нархини пасайтириш ғояси билан чиқишиди. Бу чораларни амалга ошириш борасидаги уларнинг уринишлари юқори табақаларнинг қаттиқ қаршилигига учрайди ва оқибатда қуролли тўқнашувгаашга айланиб кетади, бу курасда ака-ука Гракхлар ҳам ҳалок бўлишиди.

Сиёсий жиҳатдан Гракхлар ҳаракати давлат ишларида сенат ва сенатдаги консерватив гуруҳлар таъсирини камайтиришга, оддий халқ иштирокини кўпайтиришга қаратилган эди. Гай Гракх саъи-ҳаракати билан қабул қилинган суд қонунига кўра шу пайтгача сенат ихтиёрида бўлган судьялар суворийлар, яъни отлиқ чавандозлар қўл остига ўтганди. Бу қонун Рим республикаси юқори табақаларига қарши курасда сенатга қарши кучларнинг бирлашишига ва демократик руҳдаги ҳаракатларнинг кучайишига хисса қўшди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Назарий жиҳатдан олганда, Қадимги Рим сиёсий-ҳуқуқий ғоялари Қадимги Юнонистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг сезиларли таъсири остида ривожланди. Диққатга сазовор томони шундаки, эрамиздан аввал В аср ўрталарида плебейлар ёзма қонунлар талаб қилишган бир пайтда Рим вакиллари Юнонистонга у ердаги қонунчилик, айниқса **Солон қонунлари** билан танишиш учун юборилган эдилар. Бу танишувнинг самаралари Қадимги Римнинг муҳим ҳуқуқ манбаи — машхур **ХИИ жадвал Қонунларини** тузишда фойдаланилган.

Сукрот, Афлотун, Арасту, Полибий сингари юонон мутафаккирларининг қарашлари Қадимги Рим муаллифларига катта таъсир кўрсатган. Масалан, Демокритнинг одамларнинг маълум тартибли сиёсий ҳаётга, давлат ва қонунлар яралтилгунга қадар бўлган тараққиёти ҳақидаги, Эпикурнинг давлат ва ҳуқуқнинг шартномавий (келишув) хусусияти тўғрисидаги мулоҳазалари **Тит Лукреций Карнинг** (эрамиздан аввалги 99-55 йиллар) “Буюмларнинг табиати ҳақида” достонида ривожлантирилган.

Рим олимлари ўзларининг назарий асарларида юонон мутафаккирларининг табиий-ҳуқуқий ғояларини,adolатли сиёсат, давлат шакллари, “бошқарувнинг аралаш шакли” тўғрисидаги тасаввурларига суюнишган. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, римлик муаллифлар ўзларидан олдин ўтган юнонистонлик мутафаккирларнинг ғояларини шунчаки кўчириб олган эмаслар, балки уларнинг назарияларини Рим воқелигидаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий шароитлар ва вазифалардан келиб чиқиб янада ривожлантирганлар. Сиёсат ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги Қадимги Юнонистон ғоялари Цицероннинг давлатни оммавий-ҳуқуқий жамият сифатида талқин этишида янгича маъно-мазмун касб этган. Юнонистон стоикларининг озод шахс (индивид) борасидаги тасаввурлари Цицерон ва бошқа Рим ҳуқуқшунослари томонидан моҳиятан янги концепцияни — юридик шахс тушунчасини яратиша қўл келган.

**Марк Туллий Цицерон** (эрамиздан аввалги 106-43 йиллар) – машхур римлик нотик, ҳуқуқшунос, давлат арбоби ва мутафаккир бўлган. Унинг ижодида давлат ва ҳуқуқ муаммоларига кенг ўрин берилган. Бу масалалар унинг “Давлат тўғрисида” ва “Қонунлар тўғрисида” асарларида ёритилган. Бир қатор сиёсий-ҳуқуқий масалалар Цицероннинг бошқа асарларида ҳам (масалан,

“Мажбуриятлар ҳақида” асарида) сиёсатга ва судга оид нутқларида кўриб чиқилган.

Цицероннинг давлатчилик ва ҳуқуқ борасидаги назарий қарашлари Қадимги Рим тафаккурининг, энг аввало, Афлотун, Арасту, Полибий ва стоикларнинг сезиларли таъсири остида бўлган. Шу билан бирга Цицерон чин ватанпарвар ва амалиётчи сиёсатчи сифатида бу “чет” таъсирни Рим давлатчилиги ва ҳуқуқий амалиёти анъаналари, бу ердаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг ўзига хос тарихи билан уйғун ҳолда бўлишига катта эътибор берган. Ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари Цицерон таълимотида давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги янги, оригинал қарашлар билан бойиган.

Цицерон давлатни халқнинг умумий иши сифатида баҳолайди. У: “халқ одамларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки манфаатлар умумийлиги ва ҳуқуқ масаласида ўзаро келишувга эришган кўпчиликнинг йиғиндисидир”, дея тарифлайди. Шу тарзда давлат, Қадимги Юнонистонда шаклланган назарияларида кўзда тутилганидек, фақат ўзининг озод аъзоларининг умумий манфаатлари ифодасигина бўлиб қолмай, айни чоғда бу аъзоларнинг келишилган ҳуқуқий муносабатлари, маълум бир ҳуқуқий тузилма, умумий ҳуқуқтарибот сифатида намоён бўлади. Цицерон давлат ҳақидаги бундай тасаввурлари билан кейинчалик майдонга келган кўплаб, назарияларнинг ҳатто “ҳуқуқий давлат” ғоясигача бўлган назарияларнинг ибтидосида туради. Цицерон фақат одамларнинг ожизлиги ва қўрқувини (Полибий ғояси) эмас, балки уларнинг туғилгандан бирга яшашга бўлган эҳтиёжларини давлат келиб чиқишининг асосий сабаби сифатида кўрсатиб берган.

Цицероннинг оилани жамиятнинг дастлабки бўғини сифатида талқин қилиши Арастунинг таъсирида рўй берган. Цицерон талқинига кўра, оиладан кейинчалик табиий йўл билан давлат пайдо бўлади. Цицерон давлат ва мулкнинг алоқадорлигини таъкидлайди ва стоик Панатиянинг, давлат пайдо бўлишининг сабаби мулкни ҳимоя қилишdir, деган фикрларига қўшилади.

Қадимги Юнонистон мутафаккирлари анъаналарига амал қилган Цицерон давлат тузумининг турли шакларини таҳлил қилишга катта эътибор қаратади. У бошқарувчилар микдорига кўра бошқарувнинг учта оддий шаклини ажратиб кўрсатади, булар: подшоҳлик ҳокимияти, оптиматлар (аристократлар) ҳокимияти, халқ ҳокимияти (демократия).

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Бу шаклларнинг ҳар бири ўз ютуқ ва камчиликларига эга. Подшоҳлик ҳокимиятида одамлар қонун ва қарорлар қабул қилишдан узоқлаштирилган, оптиматлар бошқарувида ҳам халқ ўз эркидан маҳрум қилинган. Демократияда эса барча тенг, аҳолининг ижтимоий ҳолатида табақаланиш йўқлиги сабабли у адолатсиздир, деб тушунтиради Цицерон.

Цицерон: “Ўз марҳамати билан подшоҳлик, — донишмандлиги билан оптиматлар, эркинлиги билан халқ бизни ўзига тортади”,-деб ёзади. Цицероннинг фикрича, санаб ўтилган бошқарув шаклларининг ижобий жиҳатлари давлат бошқарувининг аралаш (ва шу сабабли ҳам энг яхши бўлган) шаклида жамланмоғи даркор. “Давлатда,-дея таъкидлайди Цицерон,- шоҳона илфорлик бўлиши керак, бир қисм ҳокимият бошчилик қилувчи илфор кишиларга, бир қисми халқ ҳукмига топширилмоғи лозим”. У ёки бу томонга оғишлар рўй бермаслиги учун “магситратларда ҳокимият, бошчилик қилувчиларда таъсир, халқда эрк етарли бўлиши учун мажбуриятлар ва ваколатларни тенг тақсимлаш” зарурлигини уқтиради Цицерон.

У бундай давлат тузумининг энг муҳим томони давлатнинг мустаҳкамлигига ва фуқароларнинг ҳуқуқий тенглигига деб билади.

Цицерон ўз ижодида ва амалий сиёсий фаолиятида (квестор, сенатор, консул сифатида) изчил равища сенаторлик республикасини ёқлаб чиқди ҳамда алоҳида шахслар ва ҳарбий диктатура режимига қарши курашди. У республика анъаналарини ҳимоя қиларкан, Рим фуқаролари барча табақаларининг “умумий тартиб” доирасида “умумхалқ келишуви” шиорини кўтариб чиқди.

Цезарнинг шахсий яккаҳокимлигининг ўрнатилишини у, “республика туни”, “давлатда эркинликнинг барҳам топиши” ва тириания, деб баҳолади. Цицерон ҳаётининг сўнгги йиллари ҳарбий диктатура ва янги триумвирларнинг (Антоний, Октавиан, Лепидларнинг) пайдо бўлган хавфига қарши кураш билан ўтди. Триумвирлар ғалабасидан сўнг, яъни эрамиздан аввалги 43 йил 7 декабрда Цицерон триумвирлар тарафдорлари томонидан қатл қилинди.

Табиатга, унинг қонунларига мурожаат қилиш Цицероннинг ҳуқуқий назариясига хосдир. Табиий ҳуқуқ борасидаги қарашларида у Афлотун, Арасту ва стоикларнинг таъсирида бўлади. Табиий ҳуқуқнинг асосий тамойили бўлган адолатнинг асл моҳиятини у “хар кимга ўз ажрини бериш ва улар орасида тенгликни сақлаш”да кўради. Цицероннинг фикрича, табиий ҳуқуқ бошқа ҳар қандай қонунлар

яратилишидан, давлатлар пайдо бўлишидан олдин вужудга келган. Инсонлар яратган қонунларнинг табиат қонунларига мос келиши ёки мос келмаслиги уларнинг адолатли ёки адолатсизлиги мезонидир.

Цицерон табиий ҳуқуқни инсоний қонундан фарқлаш билан бирга, инсоний қонунларнинг ўзини хусусий ва оммавий ҳуқуқга ажратади. У халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларини бажариш зарурлиги ҳақидаги тамойилни шакллантиришга ҳам муваффақ бўлади.

Цицерон урушнинг тинч музокаралар натижа бермагандагина йўл қўйиш мумкин бўлган мажбурий чора эканлигини маҳсус таърифлайди. Шунинг учун ҳам у адолатли урушнинг сабаби давлатни ҳимоя қилиш зарурияти бўлса, унинг мақсади — тинчлик ўрнатиш деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, Цицероннинг мероси, унинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти инсониятнинг кейинги маданиятига, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари ривожига улкан ҳисса қўшди.

### 4.2. Рим ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқшунослик фанларининг ривожланишига қўшган ҳиссалари

Қадимги Римда ҳукуқ билан шуғулланиш дастлаб коҳинларнинг бир тури бўлган понтификларнинг иши бўлган. Дунёвий ҳуқуқшунослик **Гнея Флавия** номи билан боғлиқ. Флавия таниқли давлат арбоби Аппия Клавдия Цеканинг мирзоси бўлган ҳамда у ўз хўжаси тузган ҳуқуқий жараёнларда ишлатиладиган ҳуқуқий қоидалар тўпламини ўғирлаб олиб, эълон қилган. Бу тўплам кейинчалик Флавиянинг фуқаролик ҳуқуқи дея ном олган.

Эрамиздан аввалги 253 йилда плебейлардан чиқсан биринчи олий понтифик **Тиберий Корункий** шогирдлари олдида ҳуқуқий масалаларни ошкора мухокама қила бошлаган ва бу билан у ҳуқуқшуносликни оммавий ўрганишга асос солган.

Эрамиздан аввалги II аср бошларида **Секст Элий Пет** Флавия тўпламини янги қоидалар, яъни даъво қоидалари билан тўлдирди. У ХИИ жадвал Қонунларини ҳам ҳуқуқшунослар шарҳи ва даъво қоидалари билан тўлдирган ҳолда нашр этди.

Эрамиздан аввалги II аср ўрталарида ҳуқуқшунослик, айниқса фуқаролик ҳуқуқи ривожланишига **Манилий**, **Муций Сцевола**, **Юний Брутлар** муҳим ҳисса қўшганлар.

ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда ҳуқуқшуносларнинг вазифаси хусусий шахсларнинг ҳуқуқий саволларига жавоб бериш,

олди-сотди келишувларида керакли қоидаларни ошкор қилиш ва қўмаклашиш, суд ишларида керакли қоидаларни маълум қилишдан иборат бўлган. Мавжуд ҳуқуқий манбаларга суюнган ҳуқуқшунослар ишларни ҳал қилишда мавжуд қонунларниadolатга мувофиқ келиш-келмаслигини талқин қилишган, бу борада ноаниқликларга дуч келингандан эса эски меъёрларниadolатли ҳуқуқ ҳақидаги янги тасаввурлар асосида янгилаб боришган.

Рим ҳуқуқшунослиги республиканинг сўнгги даврида, айниқса империянинг дастлабки икки ярим асри давомида гуллаб-яшнаган. Дастлабки императорлар таъсири бенихоя улкан бўлган ҳуқуқшуносликнинг қўллаб-қувватланишига эришишга ҳаракат қилишган, имкони бўлса, уни ўз манфаатларига бўйсиндиришга интилишган. Шу ниятда император Август таникли ҳуқуқшуносларга император номидан махсус жавоб ёзиш ҳуқуқини берган. Бундай жавоблар катта нуфузга эга ҳисобланган, вақт ўтиши билан улар судлар учун мажбурий кучга эга бўлиб борган.

Ўша даврдаги кўплаб машҳур ҳуқуқшунослар орасида **Гай** (ИИ аср) ва II—III асрларда яшаган **Папиниан, Павел, Ульпиан, Модестинлар** айниқса шухрат қозонишганди. 426 йилда Валентин III махсус қонун билан шу беш ҳуқуқшуноснинг қоидалари қонуний кучга эгалигини белгилаб қўяди.

Рим ҳуқуқшунослари фаолияти асосан ҳуқуқий тажриба ва амалдаги меъёрларнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эди. Шу билан бирга улар ўзларининг алоҳида ишлар юзасидан шарҳ ва жавобларида, шунингдек, илмий асарларида бир қатор умумназарий қоидаларни ишлаб чиқишига муваффақ бўлишди. Умумҳуқуқий тамойил ва таърифларни ифодалашга Рим ҳуқуқшунослари жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишган. I—II асрларда яшаган ҳуқуқшунос **Яволеннинг**: “Фуқаролик ҳуқуқида хар қандай таъриф хавфлидир, чунки у (таъриф) инкор қилинмайдиган ҳоллар жуда кам”, деган мулоҳазалари асосида “хар қандай таъриф хавфлидир” деган машҳур ибора келиб чиқсан. Умумий қоидаларни ифодалашдаги бундай эҳтиёткорликнинг сабаби шунда эдики, ҳуқуқшуносларнинг бу хил ифодалари умумий ҳуқуқий қоидалар (ҳуқуқий меъёр, қоида ва тамойил) мавқеига эга бўларди. Бу борада Павел шундай дейди: “Қоида – мавжуд нарсанинг қисқача ифодаси; ҳуқуқ қоидадан эмас, балки қоида мавжуд ҳуқуқдан келиб чиқади”.

Рим ҳуқуқшунослари талқинида табиий ҳуқуқ улар тан оловчи барча ҳуқуқ турлари каби амалдаги ҳуқуқга тегишли ва унинг ўзига

хос таркибий қисмидир. Бу ҳол Рим ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқ ҳақидаги турли хил таърифлари ва турларга бўлишида яққол намоён бўлади. Масалан, Ульпиан ҳуқуқларни оммавий (“Рим давлати ҳолатига тегишли ҳуқуқ”) ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ (“алоҳида кишилар манфаатларига тегишли ҳуқуқ”) турларига ажратар экан, ўз ўрнида хусусий ҳуқуқ уч қисмга бўлинишини қўйидагича кўрсатиб ўтган: “Чунки у табиий ҳуқуқдан, халқлар томонидан яратилган ҳуқуқдан ёки фуқаролар ҳуқуқидан тузилган”.

Ҳуқуқнинг турли қисмлари бир-бирига алоқодорлиги, уларни том маънода ажратиб бўлмаслиги ҳақида Ульпиан шундай дейди: “Фуқаролик ҳуқуқини табиий ҳуқуқдан ёки халқлар ҳуқуқидан ажратиб бўлмайди. Агар биз умумий ҳуқуққа нимадир қўшсак ёки олсак, биз ўз ҳуқуқимизни, яъни фуқаро ҳуқуқини яратган бўламиз”.

Халқлар ҳуқуқи, Ульпиан нуқтаи назарига кўра, табиий ҳуқуқнинг бир қисми сифатида намоён бўлади: “Халқлар ҳуқуқи – барча инсоният фойдаланувчи ҳуқуқдир; уни табиий ҳуқуқдан осон фарқлаш мумкин, табиий ҳуқуқ барча жонзотлар учун умумий, иккинчиси эса фақат одамларнинг ўзаро муносабатларигагина хосдир”. Бу ўринда улар ўртасидаги фарқ моҳиятига ёки хусусиятларига кўра эмас, балки улар таъсир қилувчи субъектларга кўра фарқланади.

Рим ҳуқуқшуносларининг табиий ҳуқуқни умумий ҳуқуқ доирасига киритганлари уларнинг, ҳуқуқ, энг аввало, адолатли қўринишдир, деган тасаввурларига айнан мувофиқ келарди.

“Ҳуқуқни ўрганувчи,- дейди Ульпиан, аввало, ҳуқуқ сўзи қаердан келиб чиққанлигини билиши керак; у адолат, ҳақиқат деган сўздан пайдо бўлган, Цельс қойил мақом қилиб таърифлаганидек, ҳуқуқ билим ва қобилиятни амалга ошириш санъатидир, эзгулик ва тенгликдир”. Ульпианинг ғоясига кўра, ҳуқуқ ва адолат ҳар кимга ўз ҳуқуқини бериш йўлидаги муттасил ирода (ҳаракат) дир. Бу тарздаги умумий қарашдан Ульпиан қўйидаги батафсил “ҳуқуқ фармойишлари”ни келтириб чиқаради: “ҳалол яшаш, бошқалараага зарар етказмаслик, ҳар кимга ўз ҳақини бериш”.

**Папиниан** қонунга қўйидагича таъриф беради: “Конун — фармойиш, донишмандлар қарори, билиб-бilmай қилинган жиноятларга барҳам бериш, давлатнинг умумий аҳдиидир”. Ушбу таърифда қонуннинг келажакда муомалага кирадиган умумий императивлиги, ижтимоийлиги, давлат аҳамиятига моликлиги сингари хусусиятлари таъкидланади. Қонуннинг шунга ўхшаш

тавсифи Марцианда ҳам учрайди. У Юнонистонлик нотиқ Демосфеннинг қуидаги таърифига қўшилади: “Қонун турли сабабларга кўра, энг муҳими, барча қонунлар тафаккур маҳсули ва худонинг инъоми, донишмандлар қарори ва жиноятларга барҳам берувчи, жамиятнинг умумий келишуви бўлгани учун ҳам барча бўйсунадиган асосдир”.

Ҳуқуқшунос **Модестин**: “ҳуқуқнинг фаолияти амр этиш, таъқиқлаш, жазолаш”, деб кўрсатади. Цицерон руҳсат этиш ва таъқиқлаш ҳақида фикр билдиrsa, **Квинтилин** тақдирлаш, чеклаш, жазолаш, таъқиқлаш хусусида мулоҳаза юритган. Бунда ҳуқуқий императивликнинг бу хил турларга ажратиш адолатли ҳуқуқ ҳақида гап боргандагина мазмунга эга бўлиши назарда тутилган. Масалан, **Павелнинг** фикрича: “ҳуқуқнинг асл ибтидосига зид қабул қилинган нарса (қонун) оқибатни келтириб чиқармайди”. Яъни нимаки ҳуқуқий тамойилларга зид экан, демак, у юридик кучга эга бўлмайди. **Юлиан** ҳам шундай фикрни ривожлантирган.

Ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуқ турларига бўлиш Рим ҳуқуқий таълимотининг муҳим ютуғи ҳисобланади. Оммавий ҳуқуқ соҳасида Рим ҳуқуқшунослари авлиёлар ва коҳинларнинг ҳуқуқий аҳволи, давлат идоралари ва мансабдор шахслар ваколатлари, ҳокимият, фуқаролик, давлат ва маъмурий ҳуқуқнинг бир қатор институтлари тушунчаларини ишлаб чиқишиган.

Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида Рим ҳуқуқшунослари мулк, оила, васелик, шартнома, шахс мақоми сингари муаммоларни кенг таҳлил қилишган. Уларнинг мулкчилик муносабатларини ишлаб чиқишилари хусусий мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ўта синчков саъй-ҳаракат сифатида билан ажralиб туради. Рим ҳуқуқига кўра, ҳайвонлар ва бошқа моддий буюмлар қаторида қуллар ҳам мулк обеъктлари қаторига киритилган.

Рим ҳуқуқшуносларининг ижодлари кейинги ҳуқуқий таълимотлар ривожига катта таъсир кўрсатган. Бунга сабаб Рим юриспруденциясининг ҳуқуқий маданияти юқори, таҳлиллари ишонарли, талқинлари аниқ, ишланган умумназарий, тармоқ муаммолари доираси жуда кенг эди.

Ҳуқуқшуносликнинг қатор фундаментал қоидаларини мустақил фан даражасида ишлаган Рим олимларининг эришган натижалари ҳозирги кунга қадар замонавий тадқиқотчиларнинг диққат-марказида турибди. Бу тушунарли ва табиий ҳол бўлиб, жуда кўплаб замонавий

тушунчалар, атамалар ва ҳуқуқий қурилмаларнинг яратилиши тарихи Рим ҳуқуқи ва Рим ҳуқуқшунослари фаолиятига бориб тақалади.

### **Христиан динининг пайдо бўлиши ва унинг дин даражасига кўтарилиши. Дин ва давлат ўртасидаги муносабат**

Эрамизнинг бошларида Рим империяси худудида умумий тенгликни ва одамлар эркинлигини тарғиб қилувчи христиан дини<sup>\*</sup> пайдо бўлади. Илк христианлар барча бойлар ва ҳукмрон табақаларга тавқи-лаънат ёғдиришади, Рим тартибларини қаттиқ танқид қилишади, хусусий мулкни, одамларни бой-камбағалга, озод ва қулларга бўлишни инкор қилиб чиқишади, ўз мулкларини ўzlари мансуб секталар ва черковлар ихтиёрига ўтказишади.

68-69 йилларда яратилган “Иоанн Богослов ваҳийлари”да (“Апокалипсисда”) “йўлдан озган” Римнинг ҳалокати башорат қилинади. Унда Рим “барча ҳалқларга ўз бузуқлигининг қаҳрли шаробини ичирди ва ер подшоҳлари у билан ҳузурланди, савдогарлари унинг буюк ҳашаматидан бойидилар” дейилади. Камбағалларга ҳамдардлик ва бойларни танқид қилиш руҳи “Луки юборган Евенгалие” (“Евенгалии от Луки”)да ҳам яққол намоён бўлади, шунга кўра унда: “ҳузур-ҳаловатга зор-интизорлар, энди, тўйгайсиз... Вале, сизга мусибат, бойлар! Чунки сиз ўз овунчингизни олиб бўлдингиз”, дейилади. Бойларга қарши кескин муносабат “Апостал Иаковнинг Собор мурожаати”дан ҳам ўрин олган.

“Муқаддас апостоллар фаолияти”да маълум қилинишича, илк христиан жамоаларида ҳеч ким ўз мулкига эга бўлмаган, “уларда ҳамма нарса умумий бўлган”, жамоа аъзолари ҳаёти учун лозим бўлган нарсаларни “ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб” ўртада тақсимлашган. Мулкчилик, меҳнат ва тақсимлаш масалаларига ёндашишда илк христианлар барчанинг меҳнат қилиш мажбурияти ва ҳар кимнинг меҳнатига яраша тақдирланиши тамойилларини тарғиб қилишган. Бу талаблар: “ҳар ким қилган ишига яраша мукофатланади”, “Ишламаган, тишламайди”, деган қоидаларда ифодаланган.

Худонинг “эркинлик қонуни”га суянган илк христианлар янги дин нуқтаи назаридан ва талабларидан келиб чиқиб, ўзларининг аввалги табиий-ҳуқуқий ғоялари ва тасаввурларидан ижодий

\* Христианлик — Иисус Христос (Исо Масищ) номидан келиб чиққан былиб, кенг тарқалган монотеистик динлардан бири щисобланади, буддизм ва ислом динлари билан бир қаторда туради — муаллиф изоши.

фойдаланишган. Бунда барча кишиларнинг тенглиги ва инсонлараро муносабатларда бу тенгликка риоя қилиш тамойилига катта эътибор берилган. Илк христианликнинг ҳуқуқий мафкурасининг бир қатор қоидалари ана шу тенгликка бағищланган: “(Ўзгаларни) қандай суд қилсангиз, (ўзингиз ҳам) шундай судланасиз”; “Қандай ўлчовда ўлчасангиз, сизни ҳам шундай ўлчовда ўлчашади”.

Кишилар эрки ва тенглиги дини сифатида дунёда христианликнинг пайдо бўлиши ва ўрнатилиши дунёning янгиланишида зўр омил бўлди ва кейинги тарихий тараққиётга катта таъсир кўрсатди. Аммо янги диннинг реал амалиёти ва турмушдаги натижалари илк христианлар тасаввур қилгандан кўра бошқачароқ бўлиб чиқди. Пасрга келгандаёқ христиан жамоаларидаги ҳаёт анча ўзгаради. Жамоа раҳбарларининг ҳокимияти кучаяди, улар ўртасида алоқалар мустаҳкамланади, шу тариқа черков бюрократияси (руҳонийлар) шаклланади. Бир пайтнинг ўзида расмий диний таълимотлар ҳам шаклланиб боради. Черков ҳар қандай ҳокимиятнинг илоҳий хусусиятига ургу бера бошлайди, ҳокимиятга бўйсуниш лозимлигини тарғиб қиласи, зўравонликка қарши чиқишни қоралайди.

Хатто, биринчи апостол **Павел** ўзининг “Римликларга мурожаат”ида шундай деганди: “ҳар қандай зот юқори ҳокимиятга бўйсунмоғи шарт; чунки худо бермаган ҳокимият йўқ, мавжуд ҳокимиятлар худо томонидан ўрнатилгандир. Шу боис ҳокимиятга қарши бўлганлар худо иродасига қаршидирлар”. Павелнинг таъкидлашича, “бошлиқ худонинг хизматкоридир”, шунинг учун унга “жазодан қўрқандан эмас, вижданан бўйсуниш лозим”.

Черков иерархияси, епископлик ва ягона черковнинг шаклланиш жараёни, христианликни қонунийлаштириш “асл” диний таълимотдан чекинган турли хил оқимлар ва секталарга қарши кескин курашлар воситасида кечган. Бундай оқим ва секталар тарафдорлари, жумладан Кичик Осиёдаги “монтанчилар”, Шимолий Африкадаги “агонистлар” илк христиан ғояларини тезроқ амалга ошириш, қулдорликни, хусусий мулкни ва кишилар тенгсизлигини барҳам топтириш тарафдорлари сифатида майдонга чиқдилар.

Шаклланиб ва мавқеи кучайиб бораётган христиан черкоVI бундай курашлар чоғида расмий ҳокимият сиймосида кўпинча ўз иттифоқчисига эга бўларди. Тўғри, II—III асрларда черковнинг ўзи ҳам ярим яширин ҳолатда эди, қолаверса кўп ҳолларда христианлар қувғинга ҳам учрар эдилар. Лекин 311 йилдаёқ христианлик Римдаги

тeng ҳуқуқли динлардан бирига айланиб улгурган эди. 324 йилда эса христианлик давлат дини мақомига эришганди. Бу даврга келиб христианликнинг расмий доктринаси шаклланган бўлиб, христианлик мафкурасининг кўзга кўринган вакилларидан бири Аврелий Августин эди.

### Августин ва Фома Аквинскийларнинг диний-сиёсий таълимотлари. Уларнинг илоҳий қонунлар ва инсоний қонунлар ҳақидаги ғоялари

**Аврелий Августин** (354-430 йиллар) христиан черковнинг кўзга кўринган вакили, Рим империясининг Шимолий Африкадаги Гиппон шахри епископи, христиан динининг ўша пайтдаги бош йўналиши сифатида католикликка асос солган<sup>24</sup>. У дастлаб Афлотун ва афлотунчилар фалсафаси билан ҳамда Цицерон асарлари билан қизиқкан. Христанликни қабул қилгач, “асл” диндан чекинган мажусий ва еретикларга қарши ғоявий курашда фаол иштирок этган. У христиан фалсафаси асосий қонунларини ишлаб чиқсан сермаҳсул муаллиф эди. Унинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари “Эркин ирода ҳақида” (“О свободной воле”), “Худо шаҳари ҳақида” (“О граде Божием”) сингари асарларида ифодаланган.

Унинг “Худо шаҳри ҳақида” асарида давлат барча масалаларда черковга бўйсинган ҳолдагина худо шаҳри бўла олиши ҳақидаги ғоя ўртага ташланади. Кейинчалик ушбу ғоя черков таълимотидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Бутун ўрта асрлар давомида черков ҳокимияти кучайиб, унинг империялар билан зиддиятлари кескинлашиб борган сари Августин черков сиёсатини оқловчи шундай ғоялар билан таъминлаб турган<sup>25</sup>.

Августиннинг бизнинг фанимизга алоқадор бўлган қуйидаги қарашларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тарихий жараён ва жамият ҳаёти икки қарама-қарши дунё, яъни ердаги гуноҳли ва кўқдаги илоҳий дунёнинг курашидан иборат;
- илоҳий дунё ҳукмини худога яқин бўлган ва христиан черковига бирлашган руҳонийлар амалга оширади;
- шоҳ ва императорлар христиан черкоVI иродасини бажармоқлари, черковга ва Рим Папасига бўйсунмоқлари шарт ва ҳоказо<sup>26</sup>.

<sup>24</sup> Философия. – Москва, изд.: “Приор”, 2001. Стр.51.

<sup>25</sup> Рассел Б. История западной философии. Москва, изд.: “Академический проект”.-2000. Стр. 339.

<sup>26</sup> Философия. //конспект лекций// Москва, изд. “Приор”, 2001. Стр.53.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Инсоният тарихининг Августин Инжил қоидаларига суюнган ҳолда ривожлантирган христианча концепциясида барча ижтимоий муассасалар, давлат ва ҳуқуқ маҳкамалари инсон осийлигининг натижаси сифатида тушунтирилади.

Августин барча даврлардаги одамларни икки тоифага ажратар экан, шундай дейди: “бу тоифаларни биз рамзий маънода икки шаҳар, яъни кишиларнинг икки жамоаси деб атадик, улардан бирига худо билан мангуликка етишиш, иккинчисига шайтон билан мангу жазога маҳкумлик тайинлангандир”.

Августиннинг фикрича, “ўзига хос низомлар ва урф-одатлар” билан яшовчи халқлар ғоят кўп ва хилма-хил бўлишига қарамай, ҳамма даврларда ҳам “инсон жамоаси иккитадан ошмаган”. “Биз, - деб ёзади у, - ер шаҳрида икки турни кўрамиз: бири – шу шаҳарнинг асл воқелигининг тимсоли. Иккинчиси эса – шу воқелик воситасида кўкдаги шаҳар (худо) иродасига хизмат қиласи. Ердаги шаҳар фуқаролари гуноҳдан бузилган табиатдан, кўкдаги шаҳар фуқаролари эса эзгуликдан яралади”.

Августиннинг бу концепциясида, яъни кишилик жамиятини бир-бирига зид бўлган бундай икки хил жамоага ажратиб ўзига хос христианлашган шаклдаги қарашида аввалги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг таъсири яққол сезилиб туради. Хусусан, Августиннинг юқоридаги қарашларида Афлотуннинг барча давлатларда икки хил давлат (бойлар ва камбағаллар давлати) мавжудлиги, стоикларнинг икки хил полислар ҳақидаги тасаввурлари ўз ифодасини топган.

Августиннинг нуқтаи назарича, ердаги давлатчилик ва қонунчиликнинг гуноҳи мавжуд бошқарув ва бўйсуниш, ҳукмдорлик ва куллик муносабатларида, “инсон устидан инсоннинг” ҳукмронлик қилишида намоён бўлади, дунёдаги бу гуноҳкор тартиб вақтинчалик бўлиб, Исонинг иккинчи марта келишигача (қиёматгача) давом этади.

**Августин тархий тараққиётни ўзича талқин қиласи экан, инсоният тарихини олти даврга: гўдаклик ва болалик (хотиранинг шаклланиш даври), ёшлиқ (аҳлоқий онгнинг пайдо бўлиш палласи), етуклиқ (диний онгнинг пайдо бўлиш вақти), кексалик (қалбнинг, рухнинг худони англаб етиш мавриди) даврига бўлиб қарайди. Шундай қилиб Августин диний тушунчалар пайдо бўлиши инсониятнинг етуклиқ ва кексалик даврига мансуб эканлигини кўрсатиб беради. Бу назарияга мувофиқ, христианлик тантана қилиши учун кураш даври**

### (инсониятнинг етуклиқ ва кексалик даври) Исо туғилган даврдан унинг қайта туғилишигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Августин инсоний муштаракликнинг турли шакллари борасида мулоҳаза юритар экан, Цицероннинг давлат ҳақидаги таърифи кўпроқ черковга мос келишини айтади, яъни кишилар бирлиги ҳуқуқ адолат билан уйғун бўлган тақдирдагина ҳуқуққа асосланиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, римликлар том маънодаги халқ ва давлат бўлмаган, чунки улар ягона худони инкор этишар экан, адолатни ҳам инкор қилишган, чин адолат нимадалигини ҳам билишмаган.

Давлат бошқарув шакларини Августин юқори ҳокимиятга юкланган мажбуриятлардан келиб чиқсан ҳолда фарқлайди. Уларнинг орасидан энг муҳимлари сифатида ахлоқий ва диний мажбуриятларни, жумладан, худога ва инсонга ҳурмат билан қарашни ажратиб кўрсатади. Шунга мувофик равишда у антик давр файласуфларининг истилоҳларини янгича талқин қиласди. Августин адолатсиз ҳукмдорни ва адолатсиз халқни тиран деб атайди, адолат тимсоли бўлмиш ҳуқуқ назар-писанд қилинмаган давлатни ҳалокатга маҳкум деб баҳо беради. Унинг хулосасига кўра, агар давлатда адолат бузилмаса ва динга ҳурмат сақланса, бошқарувнинг ҳар қандай шакли, ҳокимият ваколатлари бўйсунишга лойиқдир.

Кўриниб турибдики, худо назари тушганлар жамоаси “ер шахри” тартибларига ва одатларига принципиал мухолифатда эканликларига қарамай, Августин назариясига кўра, улар билан бирга хаёт кечиришга, муроса қилишга қодирдирлар.

Ўзининг теологик назарияларини асослаш ва тарғиб қилишда Августин кўпинча ҳуқуқий масалаларга мурожаат қиласди. Унинг ҳуқуққа бўлган ёндашуви негизини худо томонидан юборилган ва инсоний муносабатларда ҳам амал қилувчи мангу собит қонун борасидаги мулоҳазалар ташкил этади. Бундай ёндашув унинг табиий, илоҳий ва инсон томонидан яратилган қонунлардан келиб чиқувчи мажбуриятлар ҳақидаги фикрларида ҳам намоён бўлади.

Августиннинг ҳуқуқий тасаввурлари кўп ҳолларда, айниқса, “табиий ҳуқуқ” борасида Рим стоиклари, ҳуқуқшунослари ва Цицероннинг қарашларига ўхшаб кетади. Бутун оламнинг ўзгармас тартибидан келиб чиқувчи “табиий ҳуқуқ”ни инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг идеал меъёри ва умумий қонун сифатида кўрувчи таълимот Августиннинг ягона худо томонидан ўрнатилган тартиб ҳақидаги христианча диний тасаввурлари билан мос келарди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Мангу қонун худо иродасининг ифодаси сифатида табиий тартибни белгилайди ва у мувофиқ равишда табиий ҳуқуқдир. Августин таълимотига кўра, табиий ҳуқуқ шу тарзда худога дахлор ҳисобланади.

Августин одамларнинг одамлар устидан ҳокимиятини танқид қилиш билан бир қаторда, “худога яқин”лар (худо шахри фуқаролари)нинг гуноҳкорлар ва худонинг иродаси билан содир бўладиган “адолатли уруш”да мағлуб бўлган рақиблари устидан ҳукмдорлик қилиш ҳуқуқини тан олади.

**Қилмиш ва жиноят ўртасидаги фарқни Августин қўйидагича изоҳлайди:** “Бўйсунмас эҳтирос рух ва вужудни бузса, бу — қилмишдир, агар у ўз хатти-ҳаракати билан бошқалар учун зарар келтирадиган бўлса, бу — жиноятдир”. Жазо ҳеч қачон ташқи зулм ҳисобланмайди, чунки адолатли жазо айбнинг ўзидан келиб чиқади.

Диндорлар мавжуд давлатларга қандай муносабатда бўлишлари керак, деган нозик масалани Августин, “ҳақиқий ва ягона худони улуғлаш” йўлида “ердаги дунё” билан муросаи-мадора қилиш лозим деган маънода ҳал қиласди. Бунда қонунлар, урф-одатлар, муассасалардаги турли-туманлик муҳим аҳамиятга эга эмас.

Августин таълимоти қадимги даврлардаёқ ғоят катта таъсирга эга бўлган. Рим католик черкоVI ўзининг теократик тасаввурлари ва ҳокимиятга бўлган даъволарини асослашда унинг ғояларидан кенг фойдаланган. Черков олдидағи хизматлари учун Августинга “черков отаси”, “хазрати Аврелий” деб номлари берилган. Унинг таълимоти этика, сиёсат ва ҳуқуқнинг христианча концепциялари ривожига катта ҳисса қўшган.

Умуман олганда, христиан дини ва Рим католик черковининг Европадаги сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида тўла ҳукмронлик қилган даври Ўрта асрлар (бу давр минг йилдан зиёдроқ вақтни ўз ичига олади — В—XVI асрлар)га, тўғри келади. Диний ақидаларни инсон тафаккури воситасида оқлашга қаратилган католик ғоялари тизимини яратиш XIII асрга келиб тугалланди. Унинг яратилишида доминиканлик монах, илоҳиётчи олим **Фома Аквинский (Аквинат)** (1225-1274 йиллар) ниҳоятда катта роль ўйнади. Унинг асарлари Ўрта асрлардаги расмий черков мафкурасининг ўзига хос қомуси бўлиб хизмат қилди. Аквинат ўзининг асарларида бошқа муаммолар қаторида давлатчилик, қонун, ҳуқуқ масалаларини ҳам таҳлилдан ўтказади. Бу борада унинг

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

“ҳукмдорларнинг бошқаруви ҳақида” (1265-1266 йиллар), “Илоҳиёт мажмуаси” (1266-1274 йиллар) асарлари аҳамиятлидир.

Уларда Аквинат Арасту қарашларини католик черкоVI ақидаларига мослаштиришга, шу йўл билан унинг мавқеини кучайтиришга ҳаракат қиласди. Аквинскийнинг давлат ҳақидаги тасаввурлари Арастунинг “Сиёсат” асари заминида давлатчиликнинг христианча доктринасини ривожлантиришга бўлган дастлабки уриниш ҳисобланади.

Арастуни синчковлик билан ўрганган Фома Аквинский сиёсий ҳокимиятнинг аристократия, олигархия, демократия, аралаш бошқарув шакллари ҳақида ҳам етарли маълумотга эга бўлган. Лекин уларнинг орасида энг маъқули монархия тузуми эканлигини алоҳида этироф этган этган. У монархиянинг икки хилини — абсолют монархия ва сиёсий монархияни ажратиб қўрсатган. Аквинский йирик феодаллар ва черков руҳонийлари муҳим мавқега эга бўлган сиёсий монархияни абсолют монархиядан кўра афзалроқ деб ҳисоблаган.

Давлатчиликнинг мақсади — “умумий фаровонлик”ка эришиш, муносиб ҳаёт шароитларини яратиш. Аквинскийнинг тушунтиришича, бу мақсадни амалга ошириш аҳоли табақаларининг мавжуд ҳолатини, бойлар ва ҳукмдорларнинг имтиёзларини сақлаб қолишини, ер эгалари, майда ҳунарманд ва савдогарларни сиёсатдан узоқлаштиришни, барчанинг худо иродасига бўйсунган ҳолда, давлат тимсоли бўлмиш юқори ҳукмронларга бўйсунишини тақозо этади.

Папалик манфаатларини ва феодализм асосларини схоластик усуллар билан ҳимоя қилиш маълум қийинчиликларни келтириб чиқарган. Масалан, “Барча хилдаги ҳокимият худодан” деган тушунчани мантиқий шарҳлаш дунёвий феодалларнинг (шоҳлар, князлар ва бошқалар) давлат бошқарувига бўлган мутлақ ҳуқуқини билдириши мумкин эди, яъни бу тезисни Рим католик черкоVI сиёсатига қарши қўллаш имконини берарди. Диний ҳокимиятнинг дунёвий ҳокимиятдан устунлигини исботлаш учун Аквинский ўз назариясида давлат ҳокимиятининг: а) моҳияти; б) шакли (келиб чиқиши); в) қўлланиши билан боғлиқ учта фарқланувчи хусусиятини келтириб ўтади.

Ҳокимият моҳияти — ҳукмдорлик ва бўйсуниш муносабатларининг тартиби ҳисобланиб, унда юқори табақада турувчи шахслар иродаси аҳоли қуий табақаларини ҳаракатга келтиради. Бундай тартиб худо томонидан ўрнатилган ва ҳокимият ўз

моҳиятига кўра илоҳийдир. Шу билан бирга айрим ҳолларда ҳокимиятнинг келиб чиқиши (қўлга киритилиши), тузумнинг у ёки бу шакллари бемаънилик,adolatsizlik маҳсули ҳам бўлиши мумкин. Баъзи вазиятларда ҳокимиятдан фойдаланиш уни сустеъмол қилишни келтириб чиқаради. Бундай ҳол ҳокимиятнинг иккинчи ва учинчи хусусиятлари илоҳийлик доирасидан четда келиши оқибатида келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Аквинскийнинг ғоясига кўра, хукмдор фаолияти худо иродасидан қанчалик чекинса, черков манфаатларига қанчалик зид бўлса, бўйсинувчилар унга шунчалик қаршилик кўрсатишга ҳақлидирлар. Лекин курашнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражасини аниқлаш ва ҳал қилиш черков ва Папа ваколатига киради.

Фома Аквинский сиёсий жиҳатдан расмийлашган жамиятдаги у ёки бу ҳолатларни изоҳлаш учун “қонун” тушунчасини кенг қўллаган. У қонуннинг ўзига хос назариясини ишлаб чиқсан. Унга кўра, барча қонунлар ўзаро бир-бирига бўйсиниш воситасида боғлиқдир. Қонунлар пирамидасининг энг юқорисида мангу қонун сифатида оламни бошқарувчи илоҳий тафаккурнинг умумий тамойиллари, универсал меъёрлар турди. Мангу қонун худога тенглаштирилади, бошқа қонунлар, энг аввало, табиий қонунлар, ундан келиб чиқсандир. Табиий қонунлар ўз-ўзини сақлаш ва зурриёд қолдиришга интилишни, худони англаш ва кишилар қадр-қимматини ҳурматлашни буюради.

Инсоний (позитив) қонунлар табиий қонунларни аниқлаштиришга хизмат қиласди. У куч ва қўрқитиш билан кишиларни ёмонликдан қайтариш ва эзгуликка эриштиришга мўлжалланган. Бу ўринда Аквинскийнинг инсоний қонунлар тўғрисидаги мулоҳазалари аслида феодал давлатлар қонунчилиги ҳақида борган. Унинг фикрича, феодал давлатларнинг қонунларига ҳам худо иродасига бўйсунгандек амал қилиш керак, факат бу қонунлар табиий қонунларга, худонинг иродасига қарши бўлмаслиги даркор.

Ниҳоят, қонунларнинг яна бир тури – илоҳий қонунлардир. У Инжилда келтирилган ва икки сабабга кўра зарур ҳисобланади. Биринчидан, инсоний қонунлар ёвузликни тўла бартараф қилишга ожиз. Иккинчидан, инсон тафаккури мукаммал бўлмаганидан кишилар ҳақиқатни тўғри англайолмайдилар ва бу борада уларга тўғри йўлни Инжил кўрсатади.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Рим ҳуқуқшунослари изидан борган Аквинский адолат ҳар кимга ўз ажрини бериш деб ҳисоблаган. “ҳар кимга ўз ҳаққини бериш” йўлида бирлаштирган ва бошқа бир ҳаракат билан мувофиқлашган ҳаракат ҳуқуқдир. Бу икки ҳаракатни мувофиқлаштирувчи омил табиий ҳуқуқдир. Агар мувофиқлашув инсон иродаси билан амалга оширилса, бу позитив, яъни инсоний ҳуқуқдир. Умуман, инсон иродаси позитив-ҳуқуқий бўлиши учун у табиий ҳуқуққа зид келмаслиги керак.

Фома Аквинский папалик ва феодал-монархлик тузумининг ашаддий ҳимоячиси, бу тузумнинг душманларига нисбатан аёвсиз курашчи бўлган. У айниқса бидъатчи еретикларга қаҳр-ғазаб билан қараган, ҳокимиятни дин бузғунчиларини шафқатсиз жазолашга, ҳатто қатл этишга даъват қилган. Аквинскийнинг тиришқоқлиги Рим католик черкоVI томонидан муносиб баҳоланганд, унга “Фаришта доктор” унвони берилган. 1323 йилда уни авлиёлар қаторига қўшишган. 1879 йилда эса Папа Лев XIII Фома Аквинскийнинг схоластик тизимини “католикликнинг ягона ҳақиқий фалсафаси” деб эълон қилган.

### Мавзу бўйича саволлар:

1. Қадим Римда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ушбу даврнинг шарт-шароитлари.
2. Қадим Римдаги асосий сиёсий-ҳуқуқий оқимлар.
3. Цицероннинг давлатнинг пайдо бўлиши ва асосий хусусиятлари ҳақидаги фикрлари нималардан иборат?
4. Цицероннинг қонунлар ва сиёсат тўғрисидаги ғоялари.
5. Римнинг буюк ҳуқуқшунослари кимлар?
6. Рим ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқшунослик фанларининг ривожланишига қўшган ҳиссалари ҳиқида фикрингиз.
7. Христиан динининг пайдо бўлиши ва унинг дин даражасига кўтарилиши. Дин ва давлат ўртасидаги муносабат.
8. Аврелий Августиннинг диний-сиёсий қарашлари.
9. Фома Аквинскийнинг диний-сиёсий таълимотлари.
10. Августин ҳамда Аквинатнинг илоҳий қонунлар ва инсоний қонунлар ҳақидаги ғояларини таҳлил этинг.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

11. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этишда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг тутган ўрни ва аҳамияти мавзуусида мустақил иш тайёрланг.

12. Мустакил мавзу сифатида Қадим давлатларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлардан бирини танланг ҳамда бугунги кун билан алоқадор жиҳатларини ёритинг.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. - 109 б.
3. .Каримов.И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир-Т.:Ўзбекистон,2005.
4. Каримов.И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашар эди. -Т.:Ўзбекистон,2005.
5. История политических и правовых знаний. Под общей редакцией Нерсесянца В.С.- Москва, изд. “Норма-Инфра”, 1999. - 736 с.
6. Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата: Наука, 1975.
7. Нерсесянц В.С. Сократ. - Москва, “Наука”, 1977.150 с.
8. Бобоев. Ҳ.Б.Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 205 б.
9. Бобоев. Ҳ.Б.Ўзбек давлатчилиги тарихи. Дарслик. –Т.: Фан, 2004. – 294 б.
10. Ф.Мухиддина. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.ТДЮИ. 2002.
11. Рассел Б. История западной философии. – Москва, изд.: “Академический проект”, 2000. 765 с.
12. Философия FFконспект лекций// - Москва, изд. “Приор” , 2001. 224 с.
13. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. — Т., «Ўзбекистон», 1997.
14. Ф.Мухиддина. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.ТДЮИ. Маъruzалар матни.2005.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

15. Холов.Б. магистрлик диссер. “Монтескье сиёсий-ҳуқуқий таълимотида ҳокимиятлар бўлиниши тамоили.
16. Самиев.Б. Ҳуқуқий давлат ғоялар тарихи ва ҳозирги замон. Магистр дис.2003.

## Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатларида сиёсий - ҳуқуқий таълимотлар

- Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатларида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларига умумий тавсиф.
- Ислом сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг шаклланиши ва ривожланиши.
- Давлат ва сиёсатни тушунушдаги икки хил: норматив-ҳуқуқий ва фалсафий ёндашув
- Ибн Рушд ҳамда Ибн Халдуннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.
- Ўрта асрларда Ғарбий Оврупа мамлакатларида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йўналишлари ҳақида.
- Уйғониш ва реформация даврига умумий тавсиф. Оврупа Уйғониш даври таълимотлари. Реформация даври тарафдорларининг сиёсий-ҳуқуқий фикрлари.
- Николо Макиавеллининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари.
- Жон Боденнинг давлат ва мустақиллик, суверенитет ҳақидаги ғоялари.

IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда содир бўлган ўта мураккаб сиёсий вазиятнинг ривожи, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар ушбу ҳудудларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг кейинги ривожига тутрки бўлган. IX асрда Бағдодда “Байт ул-ҳикма” (Донишмандлар уйи”) – ислом Шарқининг ўз давридаги Фанлар Академияси ташкил этилган эди. Мовароуннахрда эса янги мустақил Сомонийлар давлати вужудга келган бўлиб, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв ва Нишопур каби шаҳарларда илмий, маданий алоқалар ривожланган. Бухоро ва бошқа марказий шаҳарларда ислом дини таълимотининг асосий манбалари билан бирга шариат билимларини ўқитиши учун мадрасалар очилган. Уларда таълим олган кишилар фақатгина қози бўлиб қолмасдан, балки дунёвий илмлар билан ҳам шуғулланишган: яъни, табобат, ҳандаса, математика, кимё, фалсафа, мантиқ, тарих каби фанларни ўзлаштиришган.

Сомонийлар давлатининг ташкил топиши ва Хоразмнинг юксалиши сиёсий барқарорлик ва иқтисодий кўтарилиш ушбу ҳудудда маданий ҳаётнинг равнақига имкон берди. Бу даврда Абу

Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Наршахий, Рудакий, Абулқосим Фирдавсий каби жаҳон илмини ривожлантирган олимлар етишиб чиқкан. Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун анча билимли, маърифатпарвар ҳукмдор бўлиб, ўз даврида олим ва шоирларни қўллаб қувватлаган. Урганчда хоразмшоҳлар саройида замонасининг йирик мутафаккирлари Ибн Сино ва Берунийдан ташқари Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абул Хайр ибн Ҳаммор, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий каби олимлар тўпланишган. Хоразмшоҳ Маъмун ҳомийлигига “Билимдонлар уйи” ташкил этилган.

**Ушбу даврда диний ва дунёвий илмлар ривож топган ва бу давр Шарқ Уйғониш даври бўлиб қайд этилган.** Мусо Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний ва Ибн Синонинг жаҳон илмига қўшган ҳиссалари ҳақида сўз борганда, уларнинг ижтимоий фанлар ривожидаги хизматларини айниқса, фикҳ-Ислом ҳуқуқшунослигини равнақ топтиришдаги хизматларини алоҳида кўрсатиш лозим. Бағдодда илмий ижод қилган ватандошларимиз яратган оламшумул ихтиро ва кашфиётлар Шарқ Уйғонишига, шу орқали Оврўпа Уйғонишига катта таъсир этган.

Ўрта асрлар сўнггида Ғарбий Европа давлатларида содир бўлган муҳим воқеалар – Уйғониш (Ренессанс) даври ва Реформация (лотинча реформатио — ўзгартириш, ислоҳ қилиш) билан боғлиқдир. Реформация – XVI асрда Ғарбий Европада католик черкоVI ва Рим папаси ҳокимиятига қарши олиб борилган ижтимоий-сиёсий, диний-мафкуравий ҳаракатdir. Худди шу даврга келиб, феодал тузумнинг инқирозга юз тутганлиги аён бўлиб қолди. Жамият турмуш-тарзида тубдан янги бўлган меъёрлар тизими шакллана бошлади. Бу эса Уйғониш ва Реформация даврининг негизини ташкил этади. Уйғониш даврининг бошланиши Рим католик черковининг инқирози ҳамда маданият, санъат ва эркин дунёқараш ривожланишининг бошланиш давридир.

Уйғониш ва Реформация даври учун хос бўлган омиллар, феодал муносабатларнинг емирилиши ва ilk капиталистик муносабатларнинг куртак отиши, диний таълимотларнинг танқидий тарзда қайта кўриб чиқилиши каби жиҳатлар билан характерланади. Ўрта асрлар консерватив мафкурасига қарши кураш натижаси ўлароқ, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-фалсафий қарашлар тизими яратилди. Бундай қарашлар тизимининг негизининг шахс қадр-

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ


қимматининг ўсиб бориши, инсоннинг эркин ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беришдек юксак фазилатлар ташкил этади. Уйғониш даври идеологларининг таъбирларича, инсон тақдири унинг аслзодалиги, келиб чиқиши, унвони билан эмас, балки шахснинг фидокорлиги, фаоллиги, олижаноблиги ва вижданлилиги билан белгиланади.

Ўрта Осиё халқларининг машҳур алломалари; Мұхаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос-Хожиб, Замаҳшарий, Ахмад Юғнакий ва кўпгина бошқалар жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшганлар. Ушбу даврда файласуф-қомусчилари ижодида сиёsat, ҳуқуқ масалалари катта рол ўйнайди. Бу масалалар уларнинг асарларида асосан, хурфикрлилик, инсонпарварлик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Улар жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига, давлат ва унинг вазифаларига, ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, мохиятига катта эътибор беришган. Жамиятнинг пайдо бўлиши, уларнинг фикрича, ҳайvonлардан фарқли равища, онгли мавжудот бўлган инсон табиатидан келиб чиқади. Инсон учун ўзига ўхшаганлар билан мулоқотда бўлиш, бирлашишга интилиш хос хусусиятдир. Ўз моддий эҳтиёжларини қондириш учун одамлар бирлашадилар ва жамият ташкил этадилар. Жамият ўз тараққиётида эса яна ҳам мукаммал даражага кўтарилади. Бу мукаммаллик давлатга хосдир. Давлатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Шарқ Уйғониш даврида Абу Наср Форобий сиёсий-ҳуқуқий таълимотида юқори даражада илмий ўрганилган.

Ўрта Осиёлик қомусий олим, мутафаккирлардан бири Абу Наср Форобийдир. Ул зотнинг тўлиқ исми-шарифлари - Абу Наср Мұхаммад ибн-Мұхаммад ибн-Тархон ибн-Ўзлуғ ал-Форобий ат-Туркий бўлган.

Форобий 873 (ёки 874) йилда Арис сувининг Сирдарёга қўйиладиган жойидаги Фороб туманида таваллуд топган (950 йилда Дамашқда вафот этган).

Айнан шу шаҳарда Форобий ҳам ўз билимини такомиллаштирган ҳамда кенг билимдонлиги, қадим юнон олимлари Арасту (Аристотель) ва Афлотун (Платон)нинг кўплаб асарларини мукаммал билгани боис, ўз даврида Шарқда ал-муаллим ас-соний, яъни Иккинчи муаллим, Шарқ Арастуси, унвонига мушарраф бўлган. Форобий умрининг охирини Алеппо ва Дамашқда ўтказади ҳамда



ҳамадонийлар хукмдори, мусулмон динидаги исмоилийлик оқимига мансуб бўлган Сайф ад-Доулнинг ҳурмати ва эъзози остида яшаб-ижод қиласди. Форобий сиёсий-ҳуқуқий таълимотини тўла англаб етишда ушбу фактнинг муҳим роли бор.

Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига бағишлиланган қатор асарлари: «Фуқаролик сиёсати», «Фозил шахар аҳолисининг қарашлари», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида» ва бошқа қатор рисолаларини у яратган универсал ижтимоий тизимнинг якунловчи қисми дейиш мумкин. Умрининг сўнгги даврларида маромига етказган ушбу таълимотини Форобий қадим юони илмидан, айниқса, Арасту ва Афлотуннинг сиёсий-этик қарашларидан, шунингдек, қадимги Шарқ ижтимоий ғояларидан кенг фойдаланган ҳолда, қолаверса, ўз даврининг ижтимоий турмуши муаммоларини чуқур ўрганиш асосида яратган.

Форобий жамият пайдо бўлиши ҳақида ўз концепциясини илгари суради. Одамларнинг ўзаро бирлашишлари сабаблари сифатида қуйидаги энг муҳим шарт-шароитларни эътироф этади: аввало, инсонлар, бир-бирининг ёрдамига муҳтождирлар, шу нуқтаи назардан уларнинг ижтимоий вазият ва ҳолатлари бир хилдир; иккинчидан, бир жамиятга бирлашган одамларнинг ҳар бир инсон эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолияти ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал мукаммалликни кўлга киритишига хизмат қиласди. Шу боис ҳам кишилик жамиятининг пайдо бўлиши, Форобий фикрига қўра, эзгу мақсадларга асослангандир. Масаланинг шу тариқа англаниши фозил шахар (давлат)лар пайдо бўлиши заруратининг муҳим ижтимоий-фалсафий асосидир, зеро бундай шахар (давлат)лар Форобий томонидан кишилик бирлашмаларининг энг олий шакли деб эътироф қилинади.

Форобийнинг жамият ҳақидаги таълимотининг ўзига хослиги, қолаверса, янгилиги шу эдики, у жамият пайдо бўлишини, унинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини одамларнинг табиий, ижтимоий-моддий эҳтиёжлари асосида тушунтиришга, англаб етишга харакат қилган.

Форобий кишилик жамияти пайдо бўлишининг табиий ғоясини илгари сўради. Фақат ўзаро алоқадорлик, ўзаро ҳамкорлик орқали ҳамда ижтимоий груп таркибида инсон маънавий камолотга эришиши мумкин. Зеро, инсон ўз моҳиятига қўра ижтимоий мавжудоддир ҳамда у комиллика эришмоқ йўлида зарур барча

нарсаларни қўлга киритмоқни бошқа одамлар билан бирлашиш ва маълум бир ҳудудда яшаш орқали амалга оширади<sup>27</sup>.

Форобий кишилик жамияти моҳиятини очар экан, уни сон ва сифат жихатдан тафсифлайди. Шу асосда у жамиятни икки типга, яъни: тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган жамиятларга бўлади. Ўз навбатида тўлиқ жамиятлар уч қисмдан - хусусан: ўлкан (буюк), ўрта ва кичик жамиятлардан иборат деб кўрсатилади. Форобий бутун ер юзидағи инсониятни ўлкан (буюк) жамият сифатида эътироф этиб, унинг таркибиға барча қуи даражадаги жамиятлар киради, деб қайд этади. Унинг таълимотига кўра, ўрта жамият эса буюк жамиятнинг бир қисми бўлиб, ер юзининг маълум бир ҳудудини эгаллаб турган алоҳида бир халқ жамоасида ўз аксини топади. Кичик жамият ҳам ўз навбатида ўрта жамиятнинг (халқ бирлигининг) бир қисми бўлиб, ушбу халққа тегишли бўлган ҳудуддаги маълум бир шаҳар аҳолисидан ташкил топади.

Тўлиқ бўлмаган жамиятлар эса алоҳида олинган шаҳарнинг турли қисмларидан иборат: а) қишлоқлар ёки аҳоли яшайдиган овуллар, гарчи улар шаҳар ҳудудига кирмасалар ҳам ушбу шаҳарга хизмат кўрсатгандарни боис унинг бир қисми ҳисобланадилар; б) шаҳардаги маҳалла уюшмалари; в) кўча; г) оила<sup>28</sup>, мутафаккир фикрича, ўзаро бирлашган одамлар сонининг ортиши эвазига инсондаги, қолаверса, жамиятдаги мукаммаллик ўсиб боради.

Форобийнинг фикрича, халқлар: бир халқ иккинчисидан уч табиий нарсалар билан фарқ қиласди: табиий-маънавий хулқ-автор, табиий характери ҳамда, учинчидан, маълум маънода табиий бўлган ва инсоннинг характерли хусусияти ҳисобланган яна бир нарса - тил билан, яъни фикрни етказиш воситаси бўлган нутқ билан фарқланади.<sup>29</sup>

Форобий шаҳарларни моҳият ва мазмун жихатдан, улар аҳолисининг турмуш тарзи, хулқ-авторидан келиб чиқиб, асосан қутблашган икки гуруҳга, хусусан, фозил шаҳарлар (ал-мадина ал-фазила) ва уларнинг зидди бўлган жоҳил шаҳарлар (ал-мадина ал-жоҳилия)га бўлади. Унга кўра, адолатсизлик ва зулм ҳукм сурган шаҳарлар жоҳилдир. Одамларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлаш ва шу асосда баҳт-саодатга эришиш мақсадида бирлашиб қурган шаҳарлар эса фозилдир. Бир-бирига ёрдам қўлини чўза оладиган ва


<sup>27</sup> қаранг: Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. - Алма-Ата: Наука 1973. 108 С.

<sup>28</sup> қаранг: Аль-Фараби. Философские трактаты. - Алма-Ата: Наука. 1970. 304.С.

<sup>29</sup> қаранг: Аль-Фараби. Социально-этические трактаты .Наука. С 109-111.

ижтимоий моҳият-мазмундаги баҳт-саодатга эришувга биргаликда интиладиган ҳалқ (Форобий таъбири билан айтганда, тўлиқ типдаги ўрта жамият) ҳам фазилатли ҳалқдир.

### Беруний ва Ибн-Синонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари



Абу Райҳон Мұхаммад ибн Аҳмад, яъни бизга Абу Райҳон Беруний таҳаллуси билан танилган илк уйғониш даврининг буюк мутафаккирларидан бири 973 йилнинг 4 сентябрида Кат шаҳрида таваллуд топди. Беруний фаннинг барча соҳаларида самарали ижод қилган, унинг илмий мероси жуда кенг ва ранг-барангдир, олимнинг 160 дан ортиқ асарларига назар ташлаб буни билиб оламиз.

Берунийнинг илмий иш соҳасидаги зўр қобилияти унинг кўпчилик замондошлари ва кейинги олимлар томонидан эътироф этилган. Беруний зотан илмий қизиқишилари ниҳоятда кенглиги ва чуқурлиги ва илмий-назарий таҳлиллари-ю, таълимотининг беназирлиги, умумдунё тан олган ҳақиқатдир. Унинг иккинчи Птолемей дейишларининг ҳам сабаби – айнан шу ҳақиқат самарасидир.

Беруний 1010 йил «Ўтмиш авлоддан қолган ёдгорликлар» асарини ёзди. Беруний бу асарда биринчи манба асосида ва катта аниқлик билан қадимга греклар, римликлар, форслар, хоразмликлар каби бир қанча ҳалқларнинг дини, урф-одати, қонун-қоидалари ҳақида ёзди.

Умуман, Берунийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари унинг “Хиндистон”, “Минералогия”, “Геодезия”, “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар” каби асарларида қайд этилган.

Берунийнинг сиёсий ғояларидан бири унинг давлат пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларидир. Унинг фикрича, одамлар ўз душманида қарши курашиш ва ўзларининг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. Беруний «Минераллар» асарида эҳтиёжлар турли хил бўлиб, у фақат бир неча уюшсагина қониқтириши мумкин, деган ғояни илгари сўради. Шунинг учун одамлар шаҳарлар яратишга муштаракдирлар, дейди.

Беруний одамларнинг жамоа бўлиб яшашларининг асосий қоидалари бу ўзаро ёрдам, бир-бирлари билан тинч яшаш, умумий

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

манфаатлар учун ишлаш каби принципларга асосланган бўлиши керак. Инсоннинг асосий вазифаси – бу меҳнат қилишдир. Чунки барча нарсаларга меҳнат орқали эришилади. Кишиларнинг бой ва камбағал бўлишининг, эзувчи ва эзилувчиларга бўлинишининг асосий сабаби – мулкий тенгсизлик эканини тушунтиради ва фуқаролар ўртасида тузилган меҳнат ва айирбошлиш шартномаларини икки турга бўлади: 1-қонуний ёки адолатли шартномалар – бунда меҳнатга яраша иш ҳақи олади. 2-қонунсиз ёки адолатсиз шартномалар – бунда тенгсизлик, зўрлик, қаллоблик амал қилиб, бунда фақат бир томоннинг манфаатлари эътиборга олинади.

Беруний давлат ва ҳуқуқни пайдо бўлиши ва уларнинг вазифалари масалаларини Форобий каби, табиий эҳтиёжлардан қидиради. Берунийнинг фикрича, одамлар ижтимоий адолатли тартиб-қоида ўрнатиш учун, яъни шартномага асосланиб давлатга бирлашадилар ва Берунийнинг ғояларида диспотияга қаршилик ҳисси сезилиб туради. Маърифатли шоҳлар эса улуғлар экан, унинг фикрига кўра, жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши керак.


Беруний, ҳукмдорлар ўз давлатини идора қилиш сиёсатида адолатли қонунлардан тўғри фойдаланмасдан, уни бузиш орқали халққа хиёнаткорлик қилишларини, оқибатида эса, бундай сиёсат давлатнинг вайрон бўлишига ва тартибсизликка сабаб бўлишини, ёзади.

Шарқ илк уйғониш даврининг буюк тафаккур титани, иирик файласуф олими Абу Али ибн Сино - Оврўпада Авиценна номи билан машҳур мутафаккир 980 йил Бухоро вилоятининг Афшона қишлоғида туғилган.

Ибн Сино асарлари 450 дан ортиқ бўлиб, бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган. Китоб ул-инсоф, Инсоф китоби, Китоб ун-нажот Нажот китоби, Донишнома, Рисолаи тадбири манзил, тиббиётга оид Тиб қонунлари, Китоб ушифо каби асарлари дунёга машҳурдир.

У ўз даврида Шарқ ва Оврўпада Шайх-Ур-Раис, Олимлар бошлиги, Табиблар подшоҳи каби буюк номларга сазовор бўлган.

Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Форобий асарлари таъсирида шаклланган ва шу боис ўрта асрлардаги барча фанлар Ибн Сино эътиборидан четда қолмади. Ибн Синонинг асосий фалсафий



## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

асарлари «Китоб-аш шифо», «Донишнома», «Нажот», «Китоб-ул инсоф», «Уржуза», «Ичак санчиқлари», «Аҳд рисоласи», «Ахлоқ ҳақидаги рисола» асарлари инсон саломатлиги, инсон хулқини, феъл-авторини, ахлоқ илмини ўз ичидаги мужассамлаштирган.

Ибн Сино «Донишнома» китобида ўз даврида маълум бўлган илмларни иккига: амалий ва назарий илмларга ажратади. Биринчиси – бизни ўз хатти-ҳаракатларимиздан хабардор қилади. Унинг фойдаси шундаки, у шу дунёдаги илмларимизни йўлга солиш учун нималар қилишимиз лозимлигини ўргатади. Иккинчиси эса бизнинг жонимиз ўз шаклини касб этиши ва у дунёда баҳтиёр бўлиши учун буюмларнинг борлик ҳолати ҳақида бизни хабардор қилинади.

Амалий илмларнинг ўзини Ибн Сино яна уч турга ажратади:

*Биринчиси, мамлакатни идора қилиши;*

*Иккинчиси, уйни идора қилиши;*

*Учинчиси, ўз-ўзини идора қилиши.*

Демак, Ибн Сино амалий илмлар деганда. Инсоннинг амалий ҳаракати билан боғлиқ бўлган илмларни тушунади. Жамиятни, халқни, мамлакатни идора қилишни, уйни бошқаришни, оила муносабатларини тартибга солиш, кишиларнинг ўз-ўзига қандай муносабатда бўлишлари ҳақидаги Амалий билимларини Ибн Сино маънавият, одоб-ахлоқ ҳақидаги билим, деб қарайди.

Ибн Синонинг одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик ҳақидаги таълимоти катта илмий-амалий, тарбиявий аҳамиятга эга. Бу таълимот инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у буюк шараф ва ҳурматга лойикдир, деган фикрга асосланади. Унинг фикрича. Инсон оламдаги мавжудотлар ичидаги энг буюк зотдир. Шунинг учун ҳам аллома ҳар бир кимсадан инсон номига лойик бўлишини талаб қилади.

Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Форобий асарлари таъсирида шаклланган деб юқорида қайд этгандик, чунки унинг қарашларида Форобий таълимотининг таъсири кучли бўлган.

Жамиятнинг пайдо бўлиши тўғрисида Ибн Сино: «Инсон ўз шахсий эҳтиёжлари мустақиллиги маъносида алоҳида ажралган эмас, чунки уларни инсон зотининг бошқа вакиллари билан бирлашмай туриб қондирилмайди» деб айтган.

Ибн Сино фикрича, «Аъзолари учун умумий қонунлар қарор топган мамлакатда адолатсизлик бўлиши мумкин эмас. Жамият аъзосининг адолатсизлиги жазоланиши керак. Агар ҳукмдорнинг ўзи

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

адолатсиз бўлса, унга қарши ғалаён жамият томонидан маъқулланиши ва қўллаб-қувватланиши керак».

Ибн Сино ўзининг «Кўрсатмалар ва ўғитлар» китобида бундай ёзди: «Инсон ўз шахсий эҳтиёжларининг мустақиллиги маъносида алоҳида ажралган мавжудод эмас, чунки у ўз эҳтиёжларини инсониятнинг бошқа вакиллари билан мулоқотда бўлмай туриб коникирига олмайди».

Одамлар ўртасида қарор топадиган алмашиш ва ўзаро муносабатлар жараёнларида ўар бир киши ўзга кишини қандайдир эҳтиёждан халос этади, agar ҳар бир киши ҳама нарсани ўзи бошқарадиган бўлса, унинг зиммасига ўта мураккаб, қўлидан келиши гумон бўлган вазифа ишлатилган бўларди. Бунинг натижасида кишилар ўртасида битишув, адолат ва қонуннинг қарор топган нормалари зарур бўлади, қонуншунос эса бундай қонунга алоҳида белгиларга эга бўлганлиги туфайли мажбурийликни касб этиши керак.

Шунингдек, хайрли хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар учун ҳам, ёмон хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар учун ҳам буларнинг барчаси кимга маълум бўлса ва буларнинг барчасидан хабардор ҳамда ҳар нарсага қодир бўлгандан олинадиган мукофот назарда тутилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳакамнинг ва қонуншуноснинг устуворлигини тан олиш зарур ва одамларнинг ўз хатти-ҳаракатларида амал қиласидиган сабаблардан бири уни эслаш бўлиши керак.

Қомусий файласуфлар, мутафаккирлар комил ишончига кўра ўзбошимчалик ва зўравонликка асосланган жохил, адолатсиз ҳокимият абадий эмас, бундай давлат вақти келиб ўз ўрнини адолатпарварлик, қонунийлик, инсонийликка асосланган ҳокимиятга бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ҳокимият фактат хайриҳоҳ, адолатпарвар давлат ўз фуқароларига чинакам баҳт-саодатга эришишлари учун, мамлакатда тартиб, осойишталик ва тинчликни қарор топтириш учун ҳамда қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин.

Умуман олганда, саховатли давлат, унинг бошлиғи – ҳукмдорнинг асосий ички вазифалари ўз фуқароларининг моддий аҳволларини яхшилаш, уларни ақлий тарбиялаш, адолатни, ҳалқ маорифини қарор топтириш, эзгулик ва олий феъл-атворни жорий қилиш, ўз фуқаролари соғлиги, номуси, фазилатлари ҳамда мол-

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

мулкини ўғрилар, босқинчилар, жиноятчилардан ҳимоя қилиш, фаннинг турли тармоқларининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, илм аҳлига ҳомийлик қилиш, адолатли қонунлар чиқариш, тартиб ва қонунийликни таъминлаш, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилиб боришдан иборатдир.

Мамлакатнинг ташқи вазифаларига мамлакатни ташқи душманларда ҳимоя қилишни ташкил этиш, давлат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, қўшин ҳақида ғамхўрлик қилиш, бошқа давлатлар билан савдо, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш киради. Саховатли, адолатли давлат агар унда ҳокимият тегишли тартибда ташкил этилган ва у омилкор кишилар қўлида бўлган тақдирдагина ўзининг ички ва ташқи вазифаларини уddaлаши мумкин. Бу муносабатда мутафаккирлар мансабдор шахслар, энг аввало ҳукмдорнинг шахсий ва ишга оид сифатларига алоҳида аҳамият берадилар.

Шарқ сиёсий- хуқуқий тафаккури ривожида Ибн- Рушдининг қарашлари эътиборга сазовордир. 1126-1198 йилларда яшаб, ижод этган бу йирик олим Арастунинг издоши ҳисобланган, у Афлотуннинг “Давлат” асарига ёзган шарҳида ҳамда “Фалсафа ва дин ўртасидаги алоқадорликка доир фикр-мулоҳазалар” номли асарларида ўзининг ҳуқуқий қарашларини ҳам баён этган. Ибн Рушдининг идеал давлат ҳақидаги қарашлари давлат раҳбари иқтидорли фуқаролар орасидан сайлаб қўйилиб, бу ҳукмдор мукаммал ишловчи қонунлар тизимиға таяниб, давлатни бошқаради. ҳукмдор ҳеч қандай диний имтиёзлардан фойдаланмайди ва у оддий дунёвий ҳукмдор сифатида фаолият юргизади, <sup>1</sup> чунки рухонийлар тиранияси Ибн Рушдининг фикрича, -номаъқул давлат бошқарувининг энг ёмон кўринишидир.

### **Ибн Халдуннинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари.**

Ибн Халдун бошқа мутафаккирлардан фарқли равища давлатнинг келиб чиқишини таҳлил қилиш ва давлатни умумий шаклда ўрганишга ҳаракат қиласди.

Тунислик таниқли сиёсий олим-мутафаккир Ибн Халдун (1332 - 1406)нинг давлат ва ҳуқуқ масалаларига дунёвий ёндошганлиги, ҳамда унинг “давлатнинг моҳияти - унинг хусусий мулкни мухофаза

қилишидадир”, деб, хусусий мулкни ҳимоя қилмайдиган давлат сиёсатини қаттиқ қоралаганлиги ўша давр учун прогрессив аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда, шу давр давлат-ҳуқуқий қарашлари ривожига ҳам катта таъсир этган.

Адолатли, қонунларга асосланиб амал қиладиган давлат ҳақидаги қарашлар ривожига Марказий Осиё давлат-ҳуқукий фикри ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.

Иbn Халдун ҳар доим масалага бир социолог сифатида ёндашади. Шунинг учун у биринчидан давлатнинг келиб чиқиши, оддий жамият билан таққосланишини ўрганади. Унинг фикрича мулкчилик асосида инсонлар ўртасида табақалар пайдо бўлган, бунинг юксалиши оқибатида давлат юзага келган.

У жамиятларни иккига бадавий ва маданий жамиятни ажратиб кўрсатади. Лекин у бадавий жамиятни асл жамият, мадания жамиятни эса иккиламчи жамият деб кўрсатади. Чунки инсонларнинг асл табиий эҳтиёжлари бадавий жамиятида асосий ўринда туради, маданий жамиятда эса бу масаланинг ёнида қўшимча масалалар пайдо бўлади деб кўрсатган олим.

Мулк, яъни давлат раҳбарияти улуғ мансаб сифатида ифодалайди

Иbn Халдун давлат ва сиёsat ҳақидаги ўзининг асосий қоидаларини “Муқаддима” деб номланган машҳур асарида баён қилиб берган.

Иbn Халдун таълимотига кўра, инсоннинг табиати билан боғлиқ равища ҳар қандай жамият одамларнинг ёвузлик ва ўзаро бир-бирини қириб ташлашга “табиий” интилишларига тўсқинлик қиладиган “тийиб турувчи асос”нинг бўлишига муҳтождир. Давлат жамият аъзоларини бирлаштиради, ҳамда ўз фуқароларига нисбатан ҳам, шунингдек, ташқи доирада ҳам мажбурлов ҳокимиятини амалга оширади. “Ички” ҳокимият ҳукмдорнинг куч ёрдамида фуқароларни бошқариши, қонунларни ҳаётга жорий этиши, давлат ичидаги тартибни таъминлаши, солиқларни йиғиши ва армияни шакллантиришга ёрдам берувчи чексиз ҳукмронлигидан иборат. Давлатнинг “ташқи” олий ҳокимияти унинг бошқа ҳар қандай ҳокимиятга ёки мажбурловга бўйсунмаслигига намоён бўлади.

Иbn Халдун қарашларига кўра, давлат сиёсати фақат ҳукмдорларнигина ўз ичига олмай, балки барча фуқароларни ҳам жалб этиши керак.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

Ибн Халдун бошқарувнинг уч шакли – “табиий монархия”, “сиёсий монархия” ва ҳалифаликни ажратиб кўрсатиб, улардан ҳам диний, ҳам дунёвий қадриятларни ўзида мажассам этувчи ҳалифаликни афзал кўрарди.

Ибн Халдуннинг сиёсий назарияси мусулмон ҳуқуқий назариясининг чўққиси бўлиб, амалда ўз тараққиётида у кўп асрлар давомида тўхтаб қолди. XVI аср бошларида Усмонийлар империяси томонидан араб дунёси катта қисмининг босиб олиниши бунга сабаб бўлганди.

**“Шарқ Уйғониш даврида таълимотлари ва Жаҳон илми” мавзусида мустақил иш тайёрланг.**

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :**

- 1. Шарқ Уйғониш даври қачондан бошланган ва ушбу даврнинг асосий омиллари нималардан иборат?**
- 2. Шарқ Уйғониш даври таълимотларидаги асосий сиёсий ва ҳуқуқий гоялар жаҳон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларига қандай таъсир этган?**
- 3. Ушбу даврдаги сиёсий ва ҳуқуқий гояларини ривожлантиришда қомусий олимларнинг кўшган ҳиссаси нималарда кўринади?**
- 4. Фаробийнинг давлат пайдо бўлиши ва уни бошқариш хақидаги қарашлари.**
- 5. Форобий сиёсий-ҳуқуқий таълимотида юонон олимларининг таъсири ва улардаги фарқли жиҳатлар.**
- 6. Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари.**
- 7. Ибн Сино ва Берунийнинг сиёсий қарашлари.**
- 8. Ибн Халдуннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини таҳлил этинг.**

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. - 109 б.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

3. .Каримов.И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир-Т.:Ўзбекистон,2005.
4. Каримов.И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашар эди. -Т.:Ўзбекистон,2005.
5. История политических и правовых знаний. Под общей редакцией Нерсесянца В.С.- Москва, изд. “Норма-Инфра”, 1999. - 736 с.
6. Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата: Наука, 1975.
7. Великие ученые Средней Азии и Казахстана ( ЙІІ-ХІХ вв) Алма-Ата.»Казахстан»-1965, с238.
8. Ҳ.Б.Бобоев ва бошқалар. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик.2002.
9. Ф.Мұхиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.ТДЮИ. 2002.
10. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. — Т., «Ўзбекистон», 1997.
11. Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига. Т-1973.
12. Ибн Халдун.Муқадимма.
13. Ҳ.Бобоев. Ўзбекистон халқларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихидан услубий қўлланма..1996.
14. Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. ҲБобоев.,С.Хасанов.
15. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т-1993.
16. Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти. Ф.Мұхиддинова.
17. Ф.Мұхиддинова. Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари.
18. Ф.Мұхиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.ТДЮИ. Маъruzalар матни. 2005.
19. М.Турғунов. Форобийнинг давлат ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари. Ном.дис. ПА. 2002.
20. Норматов А.Форобийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.БМИ.2004.

## Ғарбий Европа давлатларида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар

- Ғарбий Европа давлатларида сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йўналишлари тўғрисида.
- Никколо Макиавеллининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари.
- Ж.Боденнинг давлат ва суверенитет ҳақидаги таълимотлари.
- Ғарбий Европа давлатларида сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йўналишлари тўғрисида

Ўрта асрларда, яъни XI асрда Дигест Юстинианнинг қўллётмалари топилгач, Шимолий Италия ва Ғарбий Европада рим ҳуқуқини кенг ўрганишга сабаб бўлди. Ушбу даврда Болонъяда глоссаторлар ( глосса- изоҳ, тушунтуриш, шарҳловчилар ) мактаби шаклланган.

Улар черков легист-глоссаторлари бўлиб, императорлар баҳсида қатнашиб ҳокимият масаласида фикр беришган. Айrim легистлар халқ императорга ҳокимиятни берган дейишса, айримлари Рим қонунига мурожаат қилиб, императорнинг хоҳиши олий қонун деб, қонунларни, дунёвий ҳокимиятни тан олишган.

XIV асрда постглоссаторлар шаклланиб, улар глоссаторларнинг ғояларини ўрганиб, янада улар ғоясини Юридик фани нуқтаи назаридан ривожлантиришган. Улардан бири италиялик профессор Бартол де Саксоферрато (1314-1357 йй) бўлиб, унинг тарафдорлари бартолистлар дейилган. Бартол де Саксоферрато ҳамда унинг тарафдорлари дунёвий ҳокимиятни ҳимоя килишган. Бундай ғоялар эса католик черков ғояларига қарши бўлгани учун католик черковининг тарафдорлари, руҳонийлар рим ҳуқуқини Париж Университетида ўқитилишига қарши чиқишиган. Шу сабабли XII асрда янги канониклар мактаби шаклланиб, улар чекров таълимотини ҳимоя қиларди.

Ушбу мактаб издошлари Инжилни шарҳлаш, рим папасининг ҳукмини, одат ҳуқуқининг диний ғояларини тарғиб этган.

XIV аср-бошларида Рим папалари билан Людвиг 4 Баварский (1287-1347 ййдан Герман қироли; 1328 йи Муқаддас Рим империясининг императори) ўртасида кескин кураш бошланган. Император ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун бир қанча мутафаккирлар ўз

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ғояларини илгари суришган. Улардан бири файласуф Уильям Оккам (1285- 1349ий) бўлиб, у император Людвикка шундай деган: мен сени қаламим билан ҳимоя қиласман, сен эса мени қиличинг билан ҳимоя қил”.

Унинг асосий ғояси император ҳокимиятини мустақиллигини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, шу билан бирга Рим папасининг ҳокимияти унга итоат этувчиларнинг соборига яъни, йифинига тобе бўлиши қайд этилган. Шу билан бирга ушбу йифин Рим папаларини сайлаши ва уларни аралаштириб юбориши мумкинлиги ўз ифодасини топган.

Ўрта асрлар сўнггида Гарбий Европа давлатларида содир бўлган муҳим воқеалар – Уйғониш (Ренессанс) даври ва Реформация (лотинча реформатио — ўзгартириш, ислоҳ қилиш) билан боғлиқдир. Реформация – XVI асрда Гарбий Европада католик черкоVI ва Рим папаси ҳокимиятига қарши олиб борилган ижтимоий-сиёсий, диний-мафкуравий ҳаракатдир. Худди шу даврга келиб, феодал тузумнинг инқирозга юз тутганлиги аён бўлиб қолди. Жамият турмуш-тарзида тубдан янги бўлган меъёрлар тизими шаклана бошлади. Бу эса Уйғониш ва Реформация даврининг негизини ташкил этади. Уйғониш даврининг бошланиши Рим католик черковининг инқирози ҳамда маданият, санъат ва эркин дунёқараш ривожланишининг бошланиш давридир.

Уйғониш ва Реформация даври учун хос бўлган омиллар, феодал муносабатларнинг емирилиши ва илк капиталистик муносабатларнинг куртак отиши, диний таълимотларнинг танқидий тарзда қайта кўриб чиқилиши каби жиҳатлар билан характерланади. Ўрта асрлар консерватив мафкурасига қарши кураш натижаси ўлароқ, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-фалсафий қарашлар тизими яратилди. Бундай қарашлар тизимининг негизининг шахс қадр-қимматининг ўсиб бориши, инсоннинг эркин ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беришдек юксак фазилатлар ташкил этади. Уйғониш даври идеологларининг таъбирларича, инсон тақдири унинг аслзодалиги, келиб чиқиши, унвони билан эмас, балки шахснинг фидокорлиги, фаоллиги, олижаноблиги ва вижданлилиги билан белгиланади.

Бу даврда ҳар бир шахснинг умумий фаровонлик йўлида бегараз хизмат қилишини тарғиб қилувчи ғоя сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар тизимида долзарб аҳамият касб этган тезисга айланганди. Умумий

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

фаровонлик ибораси мазмунида республика тузилиши шаклидаги, фуқаролар тенглиги ва адолатпарварлик тамойилларига асосланган давлат моҳияти акс этади. Шунга кўра ўзаро тенглик ва адолат кафолатлари қабул қилинаётган қонунларда ўз ифодасини топиши лозим эди.

Айни чоғда бу даврда давлатнинг келиб чиқиши борасидаги қарашларда мавжуд шартнома назарияси бир қадар янги мазмун касб этган ҳолда чиқди. Мазкур назария орқали давлатнинг келиб чиқиши сабаблари, давлат ҳокимияти қонунийлиги каби давлат моҳиятини белгиловчи ҳодисалар тушунтириб берилади.

Бироқ Реформация тарафдорлари ёндашувида бу қарашлар бир қадар узгача тусга эга бўлади. Реформация тарафдорлари ҳам шахс эркинлиги, дунёвий муассасаларнинг аҳамиятини инкор этмаганлари ҳолда, ўз қарашларининг бирламчи манбаи сифатида муқаддас илоҳий китобларга (Инжилга, айниқса Янги Аҳдга) таянадилар. Шу боисдан ҳам Реформация сиёсий-ҳуқуқий тафаккурида диннинг кучли таъсири яққол сезилиб туради.

Шу ўринда Уйғониш ва Реформация муаллифларининг ilk буржуа характеристидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлари мазмунини белгиловчи бир қатор жиҳатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Улар: феодал иқтисодий тартиботнинг, мавжуд давлат ҳокимияти институтларининг ва феодал жамият асосланган маънавий қадриятлар тизимининг инкор этилишида, турли ижтимоий қатламларнинг феодал тузумга бўлган муносабатларининг ўзаро мос келишида ўз ифодаланади.

Маълумки, ҳар қандай янги тузум аввалгисидан ўзининг ижобий жиҳатлари билан фарқланиб туради. Бу ўринда Уйғониш ва Реформация муаллифларининг жамият ҳаётининг турли жиҳатлари, шахс мақоми, шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатлари борасидаги илфор фикрлари Фарбий Европада сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурни кейинги ривожида айниқса муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, “Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди.

Бунинг учун асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак”<sup>30</sup>.

<sup>30</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.: « Узбекистон,»7-том, 189-бет.

XVI аср Европа ҳаётида улкан, сиёсий, диний ўзгаришлар аср бўлганлиги билан характерланади. Франция, Испания, Австро-Германия, Англия, Россия давлатларида кучли дворянлар монархияси ташкил топа бошлаган. Феодал тарқоқлик натижасида йирик феодаллар имтиёзларидан, ҳокимиятидан ажрала бошлаган. Католик черкоVI ўзининг маънавий – сиёсий эътиборини йўқотиб, унинг ўринини Гус, Уиклиф ғоялари эгаллай бошлаган. Черковни қоралаш фақарт еретикларгагина хос бўлмасдан, балки айrim католикларнинг ўзи ҳам диний ташкилотларга нисбатан танқидий муносабатини ошкор эта бошлаган давр эди.

### Никколо Макиавеллининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари

Никколо Макиавелли (1469 – 1527) — италиялик сиёсий арбоб ва тарихчи. У антик адабиётнинг кучли билимдони бўлган. Шу билан бирга Макиавелли Ливия асарлари таъсири остида христианлик даврига қадар бўлган Рим империясини ёзувчи сифатида ўз асарларида мадҳ этган. Унинг йирик асарлари “ҳукмдор” (1513) ва “Флоренция тарихи” (1532) ҳисобланади. Макиавеллининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари “ҳукмдор” асарида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу асарда Макиавелли республика бошқарув тизимиға ўзининг ҳайриҳоҳлигини билдиради. Унинг юқорида номи тилга олинган асари, аввалам бор, ҳукмдорнинг, давлат бошлигининг умуман тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида. Бироқ муаллиф унда ҳукмдорнинг инсоний жиҳатлари ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали давлат сиёсий фаолиятининг қонуниятлари ва ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўз юритади. Асар негизида идеал ҳукмдор эга бўлиши лозим бўлган жиҳатлар, у риоя қилиши керак бўлган таклиф ва мулоҳазалар эмас, балки давлат табиатини аниқлаш масаласи ётади.



Юқорида таъкидлаганимиздек, Макиавелли тарихчи бўлган, шу боисдан ҳам унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида тарихий тажриба муҳим ўрин тутади. У ўз қарашларини ифодалар экан, уларни диний нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда айтмайди. Макиавеллининг таъбирича, сиёсий воқеалар, давлат тизимидағи янгиланишлар, давлат шаклининг ўзгариши худо иродаси ёки инсонлар

фантазияси маҳсули сифатида эмас, балки воқеа ва ҳодисалар ривожининг амалий таъсири остида объектив тарзда юз беради. Бошқача айтганда, Макиавелли диний-илохий қарашларга зид ҳолда, давлат масаласида дунёвий нуқтаи назардан ёндашган, яъни ижтимоий тараққиёт қонунларини тарихий маълумотларга, реал фактларга асосланиб тушунтиришга ҳаракат қилган.

Макиавеллининг таълимотида кўп мунозараларга сабаб бўлган тезис – бу ахлоқ меъёрларининг сиёсатда тутган ўрни билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Н. Макиавелли сиёсий муаммоларни ахлоқий нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳал этиш нореал ва ўринсиз эканлигини алоҳида таъкидлайди. ҳокимият, сиёсат, сиёсий ҳукмронликни амалга ошириш технологияси бошиданоқ ахлоқ доирасидан ташқарида бўлган ҳодисадир. “ҳукмдор” асарида муаллиф, давлатнинг буюклиги, мустақиллиги, қудрати идеал ҳолат бўлиб, сиёсатчилар унга эришишда ўз хатти-ҳаракатларининг ахлоқий жиҳатлари ва фуқаролар эркинлиги борасида қайғурмай, тегишли воситалардан фойдаланишлари лозим, деган ғояни илгари суради. Шу сабабли ҳам сиёсий фанда “макивеллизм” истилоҳи орқали сиёсат саҳнасида ўз мақсадларига эришишида ахлоқ меъёрларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш тушунилади. Макиавеллининг фикрича, энг муҳими, қандай воситалардан фойдаланишдан қатъи назар, давлат ҳокимиятини ушлаб қолишdir. Бунинг учун давлат ҳокимияти мустаҳкам асосга эга бўлмоғи лозим. ҳокимият асосини яхши қонунлар ва кучли қўшин ташкил этади. Бу икки жиҳат бир-бирини тўлдириб турувчи омил сифатида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қонунлар таянчи – армия, полиция саналади. “ҳукмдор” асарида давлат ҳокимиятида ҳуқуқ ва адолат омилларининг ўрни ва роли тўғрисида асло сўз юритилмайди.

Никколо Макиавелли қарашларида давлат манфаатлари марказий ўрин тутади. У ҳукмдор эга бўлиши лозим бўлган қатор сиёсий усуллар тўғрисидаги фикрларини ўртага ташлайди. ҳукмдор ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш нияти бўлса, у эзгуликни давлат бошқарувининг тамойили сифатида кўрмаслиги лозим. Давлатни сақлаб қолиш мақсадида ҳукмдор ўз сўзидан қайтиши гуноҳ эмас. Давлат ҳокимияти мустақил ва кескин бўлиши лозим. Давлат (стато) истилоҳининг илмий муомалага киритилиши ҳам Макиавелли номи билан боғлиқдир. Макиавеллининг “ҳукмдор” асарида давлат, шахс, ҳалқ ва жамият бошқарувчи аппарат сифатида кўрилади. Ушбу аппаратнинг марказида давлат мансабдор шахслари фаолиятига

раҳбарлик қилувчи ҳукмдор туриши лозим. Сиёсий ҳокимият фақат ҳукмдорнинг қўлидагина жам бўлиши мумкин. ҳукмдор атрофидаги мансабдор шахслар унинг иродасини амалда бажаришга хизмат қилишлари даркор. Ушбу маънода ҳукмдор ҳокимияти ҳеч бир шахснинг иродаси билан чекланмаслиги керак.

“Ҳукмдор” муаллифи бугунги кунда олий ҳокимият манбай саналмиш халқнинг давлат бошқарувидаги ролига ўта эътиборсизлик билан муносабатда бўлади. Унинг қарашларида халқ сиёсий бошқарувнинг обьекти сифатида талқин қилинади, холос. Бироқ Макиавелли ҳукмдорга халқ ҳомийси қиёфасига киришни тавсия этади. Ақлли ҳукмдор ўз фуқароларини мансабдор шахслар адолатсизликларидан, ноҳақликларидан ҳимоя қилиши лозим. Бу орқали у давлатда барқарорликка эришади. Бу олий ҳукмдор мавқенини оширади, қолаверса, мавқеи янада мустаҳкамланишига хизмат қиласди. Давлатда тегишли муассасалар (армия, полиция ва ҳоказолар) фаолияти орқали ҳунармандлар, ер эгалари ва савдогарларга ҳомийлик қилиши ва бу орқали маълум тартибга эришиш устувор жихат саналади. Бироқ асарда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида мутлақо сўз юритилмайди. Бундай ҳолатда, муаллифнинг фикрича, фуқаролар кўпроқ ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг мавжудлиги тўғрисида эмас, балки ўз мулкларининг даҳлсизлигини сақлаб қолиш тўғрисида қайғурадилар. Макиавеллининг фикрича, шахс ўз эркинлигидан айрилишга қўникиши мумкин, бироқ мулкидан айрилишга асло кўника олмайди.

“Ҳукмдор” асарида таъкидлашича, ҳукмдорнинг оддий фуқарога қилган ҳар бир хатти-ҳаракати муруват, эзгулик ва ҳайр-саҳоват сифатида талқин қилиниши лозим. Муруват оз-оз бўлса-да, доимий тарзда кўрсатиб турилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу ҳолда фуқаролар ҳукмдор муруватини доимо ҳис қилиб турадилар. ҳукмдорнинг асосий вазифаси халқ рағбатига эришишdir.

Макиавелли таъбирича, давлат ҳокимияти самарали амалга оширилиши учун фуқаро ҳукмдорга тўлиғича бўйсуниши лозим. Бўйсунишга эришишнинг икки усули мавжуд: бири — ҳукмдорга муҳаббат уйғотиш; иккинчиси — ундан қўрқиши ҳиссини авж олдириш. Инсонлар ўз табиатларига кўра яхшиликни билмайдиган, икиюзламачи, бекарор ва ёлғонга мойилдирлар. ҳукмдор уларни ўз иродасига бўйсундириш учун энг шафқатсиз чораларни ҳам қўллаши мумкин. У жавобгарликдан қўрқмаслиги керак, чунки ҳукмдор суд юрисдикциясидан ташқаридадир. Фуқароларга нисбатан

шафқатсизликни нафақат уруш пайтида, балки тинчлик вақтида ҳам амалга ошириш мумкин. Давлат ҳокимияти душманлари тоифасига киравчи шахсларни ҳукмдор йўқ қилиб ташлаши лозим. Фуқароларни давлат ҳокимиятига ҳеч қандай эътиrozсиз бўйсундиришга эришиш муҳим вазифа саналади. Ушбу ҳолат давлат ҳокимиятига олий ирода – бир бутун, ҳеч кимга боғлик бўлмаган, барчадан устун, чегарасиз ва сўзсиз ҳукмронлик қилиш ваколатини беради. Фақат шу иродагина давлат мавжудлигини тасдиқлай олади, унинг қурдатини таъминлай олади ва мамлакатда тартиб ўrnата олади. Макиавелли “давлат суверенитети” тўғрисида сўз юритмаган бўлса-да, унинг давлат табиати тўғрисида берган таърифи давлат суверентити тушунчасига анча яқин келади.

Макиавелли сиёсий-хуқуқий қарашларида Уйғониш даври учун хос бўлган инсонпарварлик ғоялари таъсири у қадар сезилмайди. Унинг асарларида инсон қадр-қимматини улуғлаш иккинчи даражали вазифа саналади. Макиавелли асарлари негизида идеал ҳукмдорга хос хусусиятларни жиҳатлари ва унинг ҳокимиятини амалга ошириш технологиясини такомиллаштиришни таҳлил қилиш масалалари ётади. У идеал ҳукмдор тимсоли сифатида Италия давлатини бирлаширган Цезарь Борджиани кўради.

Никколо Макиавеллининг ўз қарашларида ахлоқ нормалариға эътиборсиз муносабатда бўлишини муаллифнинг инсонпарварлик ғояларига шахсий муносабатининг натижаси сифатида баҳолаб бўлмайди. Бунинг сабаблари янада чуққурроқ бўлиб, бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қилувчи турли ўлчамдаги, ижтимоий турмуш тарзининг икки хил усули: ахлоқий ва сиёсий муносабатлар ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўз мезонларига эга: биринчисида – “эзгулик” ва “ёвузлик”, иккинчисида – “фойда” ва “зарар” (“ғалаба” ва “мағлубият”). Макиавеллининг ушбу ўриндаги хизмати шундан иборатки у сиёсат ва ахлоқнинг объектив мавжуд муносабатларини дадиллик билан кескин тарзда асл ҳолатини ифодалаб бера олди.

### Жан Боденning давлат ва суверенитет ҳақидаги таълимотлари

Жан Боден (1530-1596) — машҳур француз сиёсий мутафаккири, публицисти, ҳуқуқшуноси. Таҳлил қилинаётган даврда вужудга келган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлардаги тенденциялар ва бу каби таълимотларнинг вужудга келишини тўғри англаб етиш учун мазкур даврда ҳукмрон бўлган ижтимоий-сиёсий ва диний вазиятни

аниқ баҳолай олиш зарур. Маълумки, XVI асрнинг иккинчи ярми охирларига келиб, Францияда диний қарама-қаршиликлар авжига чиқди. Бир томондан, католиклар, иккинчи томондан, протестантлар конфесияларнинг тенг аҳамиятли эканлигини тан олмай, бир-бирлари билан низолашишар эдилар. Бу қарама-қаршиликлар кескинлиги билан тўғридан-тўғри давлатнинг ўзига таҳдид солар эди. Қарама-қаршилик чуқурлашган сайн фақат тинчлик (сулҳ)гина динни ва ундаги турли оқимларни сақлаб қолиши мумкинлиги намоён бўла борди. Тинчликнинг ўрнатилиши, умумий манфаатларнинг таъминланиши алоҳида гуруҳларнинг фаолияти билан эмас, балки монархнинг номи билан боғланади. Ана шундай ҳолатда миллатнинг бўлинишига ва инқирозига олиб келиши мумкин бўлган фуқаролар урушидан кўра тирания афзаллигини қўллаб-куватловчи қарашлар шакллана бошлади.

Умуммиллат манфаатларини ҳимоя қила оладиган ва амалга ошира оладиган ҳар қандай диний оқимлардан устун турувчи қирол ҳокимиятининг назарий асосларини буюк француз мутафаккири Жан Боден ўзининг “Тарихни осон ўрганиш методи”(1566), “М. Мелоструа парадоксларига жавоб...”(1568), “Республика тўғрисида олти китоб”(1576), “Етти киши диалоги”(1593) каби асарларида ёритишга интилган. Айниқса, Боден ўзининг “Республика тўғрисида олти китоб” асарида давлат табиати, марказий монарх ҳокимиятини мустаҳкамлаш усул ва йўллари тўғрисида атрофлича фикр юритади. Боденning ушбу машҳур китоби тўлиғича давлат табиати моҳиятини очишга қаратилгандир. Республика тўғрисидаги олти китобнинг биринчисида китобда – ижтимоий умумийлик асослари кўриб чиқилади. Иккинчи китобда – давлат шакллари ўргўнилган бўлса, учинчи китобда – давлат институтлари; тўртинчи китобда – давлат тузилишидаги ўзгаришлар ва уларни назорат қилиш; бешинчи китобда – давлат вазифалари ва турли ҳолатларга мослашув; сўнгги, олтинчи китобда эса – ҳокимиятни амалга ошириш воситалари ва энг афзал давлат шакллари тўғрисидаги масалалар таҳлил қилинган.

Боденning фикрича, давлат ячейкаси оила саналади. Ўз мақсадларига кўра оила бошлиғи – давлат ҳокимиятининг тимсоли ва инъикосидир. Давлатчилик ташкилот сифатида шартнома асосида вужудга келади. Унинг асосий мақсади жамоа орасида тинчликни кафолатлаш, жамоани ташқи хавфдан ҳимоя қилиш ҳамда кишиларнинг чинакамига баҳтли-саодатли бўлишлари тўғрисида қайфуришдир.

Боден томонидан давлат суверенитети муаммоларининг ишлаб чиқилиши унинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотнинг ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси ҳисобланади. “Суверенитет, — Боденнинг таъбирича, — мутлақ ва доимий ҳокимиятдир”. Мутлақ ҳокимият деганда, суверен ҳокимиятнинг ўз қудратини ҳеч қандай чеклашларсиз намойиш қилиши тушунилади. Суверенитетнинг доимийлиги суверен ҳокимият узоқ вақт давомида ўзгаришсиз амалда бўлишини англатади. Суверен ҳокимият бир бутун ҳокимиятдир, барча имтиёзлар фақат унгагина тегишли бўлиб, бу имтиёзлар (алоҳида ҳуқуқлар) бошқа давлат органлари ёки мансабдор шахслар билан ўзаро бўлиниши мумкин эмас. Суверен ҳокимият ўзидан юқори турувчи ва у билан рақобатлашувчи органларнинг мавжудлигига йўл қўймаслиги лозим. Боден суверенитет тўғрисидаги таълимотида суверенитетнинг ўзига хос беш жиҳатига эътиборни қаратади. Уларнинг биринчиси – барча учун тегишли бўлган қонунларнинг қабул қилиниши. Иккинчиси – уруш ва сулҳ масалаларининг ҳал этилиши. Учинчиси – мансабдор шахсларнинг тайинланиши. Тўртинчиси – охирги инстанция суди сифатида фаолият кўрсатиш. Бешинчиси – афв этиш ваколати.

Боден давлат ҳокимияти суверенитети мавзусини тадқиқ этиш орқали муҳим хулосаларга келди. Ушбу хулосаларнинг энг муҳимларидан бири – бу суверен давлат ҳокимияти ҳам риоя қилиши лозим бўлган талаблар тизимининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Бинобарин, суверен давлат ҳокимияти илоҳий ва табиий қонунларга риоя қилиши лозим.

Суверен давлат ҳокимияти инсонлар томонидан яратилган қонунлардан устун туради ҳамда ўз иродасига тобе бўлганлар ҳаёти ва ўлимини тассаруф этади. Шу билан бирга оиланинг ички ишларига аралашиш, дин эркинлиги тамойилини бузмаслик, айниқса, фуқаролардан уларнинг розилигисиз солиқ ундириш тақиқланади. Суверен ҳокимият соҳиби ўзига тегишли бўлган ваколатларнинг маълум бир қисмини муайян шартлар асосида мансабдор шахсларга юклаши мумкин.

Боден қонун ва ҳуқуқни бир-биридан кескин фарқ қилувчи турли категориялар тарзида талқин қиласи. Унинг таъбирича, “ҳуқуқда —adolat, қонунда — буйруқ мужассам”. Суверен (монарх) қонунлар қабул қиласи, бироқ ҳуқуқни яратмайди.

“Суверенитетни бошқа бир кишига бериш мумкинми ёки йўқми?” – деган саволга Боден қуйидагича жавоб беради: “Халқ бу

олий ва доимий ҳокимиятни ҳеч бир чеклашларсиз маълум бир шахсга бериши мумкин. Бундай шахс монарх ҳисобланади”. Ушбу мутафаккирнинг қарашлари таҳлили шундан далолат бермоқдаки, у ҳақиқатдан ҳам суверен монарх ҳокимиятининг қатъий тарафдори бўлган. Бирок давлатнинг бу турдаги бошқарув шаклига аристократик ва демократик элементлар ҳам хосдир. ҳукмдор томонидан муайян мансабларга фақатгина бой-бадавлат, аслзода шахсларнинг тайинланиши, давлат бошқарув органларида хизмат қилиш учун барча эркин шахсларга рухсат берилиши кабилар шулар жумласидандир.

Боден ҳокимиятни амалга ошириш усувлари бўйича барча давлатларни уч тоифага бўлади: қонуний, отамерос (сенъорал – ўз худудида подшоҳлик ҳуқуқига эга бўлган катта ер эгаси) ва зулм-зўравонликка асосланган мустабид давлат. Боден қонуний давлатларга таъриф берар экан, бу каби давлатларда фуқаролар суверен қонунларига, суверен эса табиий ҳуқуқ талабларига риоя этишни айтиб ўтади. Мутафаккир фикрича, отамерос давлатларда суверен қурол кучи ёрдамида инсонлар ва уларнинг мулкига эга бўлади ҳамда уларни оила бошлиғи сифатида бошқаради, мустабид давлатларда эса суверен табиий ҳуқуқларни тан олмайди, эркин фуқароларга қуллар каби муносабатда бўлади, уларнинг мулкига эса ўзининг мулки сифатида қарайди.

Боден таълимотига кўра, суверентитет монархга тегишли бўлган, бошқарув эса аристократик ва демократик моҳият касб этувчи давлат энг яхши давлат ҳисобланади. Бу тоифа давлатни у қироллик монархияси деб атайди. Француз мутафаккири Боденнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар тизимиға қўшган улкан ҳиссаси шундан иборатки, у ўз замонасида давлат суверенитети ғоясини ўша давр учун зарурлигини исботлади, шу билан бирга давлат фаолияти чегараларини ҳам аниқлаб берди.

### **Мавзуга қўшимча маълумотлар:**

Марсилий Падуанский (1275 - 1343 й.)нинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини ўрганиш ҳам аҳамиятга моликдир. У давлатнинг келиб чикиши масаласида Арастунинг қарашлари издоши сифатида кўринади. У ҳоқимиятнинг манбаи - ҳалқ деб, ўша давр учун анча янгилик бўлган фикрни айтади.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Марсилий Падуанскийнинг фикрига кўра, қонунлар икки хил бўлади: илоҳий ва дунёвий қонунлар.

Давлат ҳоқимияти энг аввало қонунлар чиқариш йўли билан амал қиласди ва бу қонунлар илоҳий қонунлардан фарқ қиласди, юридик қонунларни чиқаришга фақат ҳалқ ҳақли, қонунларни эса бу ишга муносиб ҳалқ томонидан сайлаб қўйиладиган одамлар ишлаб чиқиши керак, чиқарилган қонунлар эса ҳам ҳалқ учун ҳам уларни чиқарғанлар учун мажбурийдир.. “Тинчлик ҳимоячилари” асарида давлат ҳоқимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасида аниқ чегарани белгилайди. Айни пайтда, у қонун чиқарувчи ҳоқимият ижро ҳоқимиятининг ваколатини ва фаолияти тартибини белгилашини таъкидлайди.

Падуанский ҳалқ суверенитети ғоясига таянган холда, барча давлат лавозимлари-ю, институтларининг сайлаб қўйилиш тамойилини илгари суради, у ҳатто сайлаб қўйиладиган монархияни меросий монархиядан кўра комил шакл деб тушунади.<sup>1</sup>

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. - 109 б.
3. .Каримов.И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир-Т.:Ўзбекистон,2005.
4. Каримов.И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашар эди. -Т.:Ўзбекистон,2005.
5. История политических и правовых знаний. Под общей редакцией Нерсесянца В.С.- Москва, изд. “Норма-Инфра”, 1999. - 736 с.
6. Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата: Наука, 1975.
7. Ҳ.Б.Бобоев ва бошқалар. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик.2002.
8. Никколо Макиавелли. Государь. Пер. с ит. – М.: Планета, 1990. 84 с.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

9. История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2-е стереотип. Под общий ред. члена-корреспондента РАН, доктора юридических наук, профессора В.С.Нерсесянца. – М.: НОРМА-ИНФРА М, 1999.-736с.
- 10.История политических и правовых учений. Хрестоматия. - М., 2000.
- 11.Философский энциклопедический словарь. – М.:ИНФРА-М, 2001.-576 с.
- 12.И Рассел Б. История западной философии. – М.:“Академический проект”, 2000. - 765 с.
- 13.Философия конспект лекций- М.: “Приор” , 2001. - 224 с.
- 14.Ф.Мухиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.ТДЮИ.2002.
- 15.Самиев.Б. Ҳуқуқий давлат ғоялар тарихи ва ҳозирги замон. Магистрик диссертацияси.
- 16.Ф.Мухиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар. Маъruzалар матни.2005.

## XVII-XVIII асрларда сиёсий-ҳуқуқий қарашлар

- Европадаги XVII аср инқилобларининг асосий хусусиятлари ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурада акс этиши. Табиий ҳуқуқ назариясига умумий тавсиф.
- Голландия сиёсий-ҳуқуқий тафаккури. Гуго Гроцийнинг ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги таълимоти. Бенедикт Спинозанинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.
- XVII аср инглиз сиёсий ва ҳуқуқий назари. Томас Гоббснинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти.
- Жон Локкнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.
- Европадаги XVII аср инқилобларининг асосий хусусиятлари ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурада акс этиши.
- Табиий ҳуқуқ назариясига умумий тавсиф

XVII асрда Европада муваффақият қозона бошлаган инқилоблар, яъни жамият тараққиётида ва тафаккур ривожида рўй берган туб сифат ўзгаришлари, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш жараёни табиийки, сиёсий-ҳуқуқий мафкурада ҳам ўз инъикосини топди. Маълумки, XVII аср бошларида Голландияда рўй берган инқилобда дастлабки ғолибона инқилоб бўлди. Шундан сўнг Англияда (1642-1649) инқилоб рўй берди. Кейинчалик Шимолий Америкада ва Европанинг бошқа малакатларида ғалаба қозонган инқилоблар ҳам XVII асрда бошланган инқилобларнинг мантиқий давоми эди. Бу инқилоблар вазифалари орасида миллий мустақилликка эришиш вазифаси билан бирга, сиёсий вазифа — феодал монархияни йўқотиб, буржуа республикасини ўрнатиш вазифаси муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун ҳам диний доктриналарни солганинг маънавий соҳадаги диктатурасига қарши кураш айниқса ўрганилаётган давр учун хос бўлган хусусиятдир. Шу сабабли бутун Европа фалсафаси, шу жумладан сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши ва уларнинг ривожланишида янгича, рационал ва дунёвий ёндашув марказий ўрин тутди.

Антик давр мутафаккирлари табиий ҳуқуқ назариясининг шаклланишига асос солганлар. Улар, хусусан, Суқрот, Афлотунлар, ҳуқуқ табиатнинг ўзида, инсоннинг моҳиятида мавжуддир, деган қарашни илгари сурадилар. XVII—XVIII асрларга келиб табиий

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

хуқуқ концепцияси маърифатпарварлар томонидан ривожлантирилади. Ушбу назариянинг йирик вакиллари Боден, Гроций, Гоббс, Пуффендорф, Вольф ва Кантлардир. Христианликда кенг тарқалган қарашга кўра, табиий ҳуқуқ илоҳий қонун натижасида вужудга келган бўлиб, инсон табиатида у яратилгандан буён мавжуддир. Табиий ҳуқуқ, замон ва макондан қатъи назар, барча учун баробардир.

Шунга кўра табиий ҳуқуқ сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурлар тарихида кенг тарқалган таълимотлардан бири ҳисобланади. Табиий ҳуқуқ — кишиларнинг табиатидан келиб чиқадиган, муайян ижтимоий шароитга боғлиқ бўлмаган тамойил, қоида, ҳуқуқлар мажмуидир. Айни чоғда табиий ҳуқуқ — ҳуқуқ тўғисидаги бенуқсон, теран ахлоқий ва юксак даражада адолатли тасаввурлар йифиндиси ҳамдир. Табиий ҳуқуқ азалдан мавжуд сиёсий жамиятдаги жорий ҳуқуқий тизим ва ижтимоий муносабатларни баҳолаш категорияси сифатида хизмат қилган. Шу боисдан Европадаги XVII аср инқилобларида ҳам табиий ҳуқуқ муҳим аҳамият касб этган.

Умуман олганда, инсоннинг табиий ҳуқуки билан боғлиқ тамойиллар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Табиий ҳуқуқ ва унга тегишли юридик мажбуриятлар давлатларнинг конституцияларида, энг муҳим қонунчилик хужжатларида мустаҳкамлаб келинади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси шу жиҳатдан ибратли. Жумладан, унда шундай дейилади: “Яшаш ҳуқуки ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш оғир жиноятдир”. Дарҳақиқат, Конституциямизда табиий ҳуқуқ тамойилларига асосланган кўплаб моддалар мавжуд.

### Голландия сиёсий-ҳуқуқий тафаккури: Гуго Гроцийнинг ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги таълимоти

#### Бенедикт Спинозанинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари

Гуго Гроций (1583-1645) – машҳур голландиялик мутафаккир ва сиёсий арбоб. Давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги илк буржуа таълимотининг, табиий ва халқаро ҳуқуқнинг назарий асосларини яратганлардан бири.

Гроцийни шуҳрат чўққисига олиб чиқкан асари 1625 йилда ёзиб тугалланган “Уруш ва тинчлик ҳуқуки тўғрисида” номли асари ҳисобланади. Ушбу асар уч китобдан иборат бўлиб, унда табиий

ҳуқуқ, ҳалқлар ҳуқуқи (халқаро ҳуқуқ) ва оммавий ҳуқуқ тамойиллариға таъриф берилади. Шунингдек, Гроцийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари “Ўлжа ҳуқуқи тўғрисида” (1609), “Голландия ҳуқуқини ўрганишга киришиш” (1631) каби асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Гроций қарашларининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у сиёсий мавзудаги муаммоларга юриспруденция нуқтаи-назаридан ёндашади ва муаммонинг ҳуқуқий жиҳатларига асосий эътиборни қаратади. Гроцийнинг таъкидлашича, юриспруденция предметини ҳуқуқ ваadolat, сиёсий фанлар предметини эса мақсадга мувофиқлик ва фойда ташкил этади.

Гуго Гроций фикрига кўра юриспруденцияга “илмий тус” бериш учун нарсаларнинг қайси асосдан келиб чиқсанлигини аниқлаб олиш муҳимдир. Яъни: у қабул қилиш орқали таркиб топганми ёки табиатнинг ўзидан келиб чиқсанми? Сўнгисигина илмий тусга эга бўлиши мумкин. Чунки у (табиий ҳуқуқ) доимо ўзига айнан ўхшаш бўлади. Қабул қилиш орқали вужудга келган давлат қоунунлари, шартномалар, ҳалқлар ҳуқуқи ва бошқалар вақта нисбатан ўзгарувчан бўлади, турли жойларда турлича зухур этади. Шу боисдан ҳам уларни маълум илмий тизимга солишнинг имкони бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, Гроций юриспруденцияда “табиий, ўзгармас” ва “манбаи маълум ирода билан боғлиқ” қисмларни бир-биридан фарқлаш лозимлигини уқтиради. Гроций нуқтаи назарига кўра, табиий ҳуқуқ чин маънодаги ҳуқуқдир. У бир вақтнинг ўзидаadolat ҳамдир. Табиий ҳуқуқнинг манбаи бирор кимсанинг фойдасига, манфаати ёки иродасига боғлиқ бўлмайди. Унинг манбаи ўзаро мулоқотга мойил бўлган ижтимоий мавжудот саналмиш инсоннинг онгли табиатидан келиб чиқади. Инсон ўзи кабилар билан ўзаро мулоқотда бўлиши, ўзи яшайтган жамият учун умумий бўлган қоидаларни билиши ва уларга оғишмай риоя қилиши керак. Ушбу умумий қоидаларга риоя қилиш эса ҳуқуқ манбаи саналади. Умумий қоидалар: бошқалар мулкига кўз олайтирмаслик, шу мулкни ва ундан олинган фойдани ўз эгасига қайтариш, берган вадаси устидан чиқиш, келтирган зарарни қоплаш ва бошқалар. Қолган барча қонунлар, шу жумладан илохий қонунлар ҳам ирода билан боғлиқ бўлиб, табиий ҳуқуқ тамойиллариға мос келиши лозим. Худо ҳам табиий ҳуқуқка зид келадиган қоидани яратадолмайди. Чунки табиий ҳуқуқ абадий ва ўзгармасдир. Шу сабабли табиий ҳуқуқ худо томонидан ҳам ўзгартирилиши мумкин эмас.

Г.Гроций ўзининг табиий ҳуқуқ концепциясида муҳим норматив аҳамият касб этувчи юриспруденциянинг аксиоматик тизимини ҳамда алоҳида давлатларнинг ички муносабатларида ва давлатлараро муносабатларда вужудга келадиган аниқ ҳолатлар учун қўллаш мумкин бўлган умумий қоидаларни яратишга интилди. Давлатнинг ва ички давлат ҳуқуқининг келиб чиқиши табиий ҳуқуқ мавжудлиги билан боғлиқdir. Шартномаларга риоя қилиш табиий ҳуқуқ билан белгиланади. Ана шу манбадан ички давлат қонунлари яратилади. Ички давлат ҳуқуқининг яратилиши “табиий ҳолат”дан “фуқаролик ҳолати”га ўтиш тарзида таърифланади. Сиёсий соҳада ҳуқуқнингadolat тамойилига сиёсатнинг фойда ва мақсадга мувофиқлик тамойили қўшилади. Гроций давлатни ва давлат қонунларини сиёсий ҳодиса сифатида таърифлайди.

Халқаро ҳуқуқда ёки унинг таъбири билан айтганда, халқлар ҳуқуқи негизида ҳам маълум бир субъектлар иродаси ифодаланган бўлади. Шу боисдан ҳам халқаро ҳуқуқнинг келиб чиқиши табиий ҳуқуқ илдизларига бориб тақалади. Халқлар ҳуқуқи давлатларнинг ўзаро келушуви натижаси ўлароқ, вужудга келади. Бу таърифнинг бугунги кунда қанчалик тўғри эканлиги ҳозирги давр халқаро ҳуқуқий муносабатлари моҳияти таҳлилидан ҳам кўриниб турибди. Ушбу ҳуқуқ қоидалар барча халқлар ёки уларнинг кўпчилиги иродасининг муштараклиги натижасида шаклланади ва мажбурий юридик кучга эга бўлади. Гроцийнинг таъкидлашича, табиий ҳуқуқ талабларидан келиб чиқувчиadolat ва фойданинг (ҳуқуқ ва кучнинг) ўзаро мувофиқлашуви давлатда ўзининг муносиб ифодасини топади. “Давлат, — Гроций нуқтаи назарига кўра, — эркин инсонларнинг умумий фойда ва ҳуқуқа риоя қилиш мақсадида тузилган мукаммал иттифоқидир”. Ушбу таърифдан ҳам кўриниб турибдики, Гроций давлатнинг келиб чиқиши шартнома асосида амалга ошганлиги тўғрисидаги назариянинг тарафдори бўлган.

Мулк умумий бўлган, яъни давлат вужудга келгунга қадар бўлган даврни Гроций “табиий ҳолат” сифатида тавсифлайди. Унинг таърифлашича, давлатнинг келиб чиқиши илохий асосга эга эмас. Давлат инсонларнинг аччиқ тажрибаси мевасидир. Алоҳида турмуш тарзини кечиришга ўрганган оилалар зулм-зўравонликлар қурбонига айланадилар. Улар ўз кучлари билан бу жабр-стамларга қарши туралмайдилар. Натижада улар ўzlари каби бошқа оилалар билан бирлаша бориб, давлатни яратадилар. Гроций шу фикрига таянган ҳолда, давлатнинг келиб чиқиши инсонлар иродасига боғлиқ, деган

хулосага келади. Унинг талқин қилишича, ўз ижтимоий мазмунига кўра давлат кўпчиликнинг озчиликка қарши келишувидир, яъни кучсизлар ва эзилганларнинг кучлилар ва қудратлиларга қарши иттифоқидир.

Олий ҳокимиятнинг моҳияти бошқа ҳеч қандай ҳокимиятга бўйсунмасликда ҳамда унинг ваколатлари ва хатти-ҳаракатлари бошқа бир ҳокимият томонидан бекор қилина олмасликда намоён бўлади. Олий ҳокимият деганда суверен ҳокимият назарда тутилади. Олий ҳокимиятнинг, яъни суверенитетнинг умумий соҳиби — (“мукаммал иттифоқ” сифатида) давлатдир. Бироқ ҳокимиятга эгалик шу халқ анъаналари, одатлари ва қонунларидан келиб чиққани ҳолда бир ёки бир неча шахсга тегишли бўлиши мумкин.

Гроций Арасту, Цицерон ва бошқа мутафаккирларнинг фикрларга таянган ҳолда, давлат бошқарув шакли турларини тасниф қилар экан, подшоҳ ҳокимияти, аслзодалар ҳокимияти, эркин фуқаролар жамоаси, демократик республика кабиларни келтириб ўтади. Бироқ Гроцийнинг таъкидлашича, бошқарув шакли у қадар муҳим эмас. Шу билан бирга мутафаккир тирания бошқарув шаклига ўта салбий муносабатда бўлган. Чунки, бундай давлат бошқаруви зўравонлик ва ҳуқуқий тартиботнинг йўқлигига асослангандир. У ўз қарашларида якка ҳокимиятчилик ва аристократик бошқарув шакллари тарафдори эканлигини яққол намоён этади. Гроций олий ҳокимиятнинг халқка тегишли бўлишини инкор этмайди. Бироқ у халқнинг ҳокимият органлари фаолиятига қарши чиқа олиш ҳуқуқини қўллаб-қувватламайди. Шундай бўлса-да, Гроций, халқ бу ҳуқуқдан, маълум шартларга риоя қилгани ҳолда, фойдалана олиши мумкин, деб ҳисоблайди. Халқнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши давлатга катта заар өтказмаслиги, қўплаб бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлмаслиги лозим.

ҳозирги давр учун ҳам долзарб бўлган мавзулардан бири — бу эркинлик ва тинчлик (инсон ҳуқуqlари ва барқарорлик) мавзуларининг ўзаро муносбати мавзусидир. Гроций бу борада тўхталиб, низоли вазиятлар юз бераётган бир пайтда жамият ва давлат ҳокимияти учун тинчлик (барқарорлик) аҳамиятлироқдир, деган хулосага келади.

Маълумки, XX асрнинг биринчи чорагига қадар, аникроғи, Бриллиан-Келлог тинчлик пакти тузилгунига қадар уруш ҳуқуқига халқаро ҳуқуқ моҳиятини белгиловчи омил сифатида муносабат билдириб келинган. Чунки бу даврга қадар халқаро ҳуқуқ нормалари,

биринчи навбатда, уруш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Гроцийнинг халқаро ҳуқуқни ривожлантиришдаги буюк хизматларидан бири шундаки, у, уруш ва ҳуқуқ бир-бирига зид бўлган ҳодисалардир, деган фикрга қарши чиқиб, урушнинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши лозимлигини белгиловчи назарий асосни яратади. Гроцкий уруш табиий ҳолат бўлиб, у табиий ҳуқуқ билан ҳам, илохий қонунлар ва давлат ҳуқуқи билан ҳам тақиқланмаганлигини алоҳида таъкидлайди. Сабаби шундаки, ҳар бир инсон, шу билан бирга давлатлар ҳам бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Шундан келиб чиқиб, муаллиф ҳар қандай урушларни икки турга: адолатли уруш ва адолатсиз урушга ажратади. Адолатли урушларга у бевосита субъектлар ҳуқуқлари бузилиши натижасида вужудга келган урушларни киритади. Масалан, тажовуз амалга оширилганда мудофаа қилиш, давлат бирлигини сақлаб қолиш, мулкни ҳимоя қилиш ва бошқалар. Адолатсиз уруш ҳуқуққа хилофдир. Гроцийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида тинчлик мавзуси устувор ўрин тутади. Унинг уқтиришига кўра, уруш олиб боришдан кўзланган асосий мақсад — тинчликка эришишdir.

Гуго Гроций чин маънода “халқаро ҳуқуқнинг отасидир”. Мутафаккирнинг давлатларнинг ўзаро муносабатларида тенглик, ҳамкорлик тамойилларига асосланган янги халқаро ҳуқуқий муносабатлар тизимини шакллантиришнинг назарий жиҳатларини яратишдаги хизматлари бекиёсдир. Гроций ўз таълимоти билан ихтиёрий равища ўрнатиладиган ва суверен давлатлар томонидан риоя қилинишига асосланган ҳуқуқий тартиботнинг ташаббускори ва даъватчиси бўлиб қолди.

XVII асрга келиб Голландияда сиёсий-ҳуқуқий қарашларни ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган мутафаккирлардан бири – Бенедикт Спиноза (диний таҳаллуси – Барух)дир (1632-1677). Спиноза ўзининг “даҳшатли ёлғон таълимоти” учун яҳудийлар жамоасидан ҳайдалган олимдир.

У илмий билишда Декарт услугига асосланади ва ҳақиқатни билишда математик усулдан кенг фойдаланади. Унинг фикрича, фактат математик (геометрик) усул орқалигина ҳақиқатга етишиш мумкин. Унинг энг муҳим асарлари қаторига “Этика”, “Сиёсий трактат”, “Декарт фалсафаси тамойиллари” ва бошқа асарлари киради.

Синозанинг фикрича, инсон табиатнинг бир қисми бўлганлиги боис табиат қонунлари унга ҳам тегишлидир, шу сабабли у ўз фаолияти давомида ушбу қонунларга сўзсиз риоя қилиши лозим.

Синозанинг табиий ҳуқуққа берган таърифи “одам одамга бўри”, “барчанинг барчага қарши уруши” тезисларининг асосчиси Гоббснинг қарашларига мос келади. У ҳам Гоббс қаби, табиат ва табиий ҳуқуққа мувофиқ инсонлар бир-бирларига душмандирлар, деган нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди. Инсонлар ва табиатдаги бошқа жонзотлар тенгдирлар, яъни улар тенг табиий ҳуқуқларга эгадирлар. Бироқ ҳуқуқларнинг мазмуни ва салмоғи турли инсонларда (ва турли жонзодларда) турлича бўлиб, уларнинг амалий (аклий ва жисмоний) қувватларига боғлиқдир.

Инсонлар ва табиатдаги бошқа кучларнинг доимий олиб бориладиган ўзаро курашларининг бош мезони — ўз жонларини омон сақлаб қолишга интилишдир. Ушбу мақсадга эришиш йўлида ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши бўлмайди, ҳеч ким бирорнинг манфаати ва қизиқиши билан ҳисоблашмайди.

Шу билан бирга, Синоза фикрича табиий ҳуқуқ мавжуд бўлиб, барча учун умумий ҳисобланган ҳуқуқнинг биронтаси етишмаган жойда инсонларнинг ўз жонларини омон сақлаб қолишга интилишлари, хоҳишлишлари ва хавфсизликларини таъминлашлари учун шарт-шароитлар яратилмаган бўлади. Бироқ табиатнинг ўзи ва табиий зарурият инсонларга табиий ҳолатдан чиқиш ҳамда умумий шартнома орқали фуқаролик ҳолатига ўтиш усул ва йўлларини кўрсатиб беради. Аёнки, Синоза ўз таълимотида давлат ва жамиятни бир-биридан фарқламайди.

Сиёсат тўғрисидаги таълимотларнинг заиф бўғини, Синоза таҳлилига кўра, ушбу таълимотларда инсон табиатининг нотўғри талқин қилинганлигидадир. Сиёсат тўғрисидаги таълимотларнинг муаллифлари инсон табиатини ёритишда инсон қандай бўлса, шу тарзда эмас, балки ўзлари хоҳлаган кўринишда тасвирлаганлар. Шунинг учун ҳам бу таълимотлар ҳаётда ўзининг амалий натижасини берган эмас.

Синоза давлатни ташкил этиш борасидаги қатор оқилона қарашларни, гояларни инкор этади ҳамда мавжуд тажриба гувоҳлик бераётганидек, “барча турдаги давлатлар” ва бошқарув воситаларининг бош мақсади — инсонларнинг мувофиқлашган турмуш тарзини таъминлаш ҳамда уларни маълум чегараларда ушлаб туриш, деб ҳисоблайди.

Инсонлар ҳар доим, ҳар ерда ўзаро мулоқотда бўладилар ва муайян фуқаролик ҳолатида яшайдилар. Бундан Спиноза шундай хулосага келади: “давлатнинг келиб чиқиши сабаблари ва табиий асосларини ақл (идрок) кўрсатмаларидан эмас, балки инсоннинг умумий табиатидан излаш лозим”.

Фуқаролик ҳолатининг ўзига хос жиҳати — олий ҳокимиятнинг мавжудлиги билан ифодаланиб, Спиноза талқинича олий ҳокимият тушунчаси орқали давлат ва унинг суверенитети тушунилади. Спиноза табиий ва фуқаролик ҳолатларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тўхталиб, фуқаролик ҳолатида давлатнинг шартномавий белгиланган олий (суверен) табиий ҳуқуқи мавжудлигини таъкидлайди. Фуқаролик ҳуқуқи барча учун умумий бўлган ҳуқуқ ҳисобланиб, у умумий кафолат сифатида номоён бўлади ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлайди, бунда жамиятнинг барча аъзолари олий ҳокимиятга бўйсунадилар. Фақат олий ҳокимиятгина эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги чегарани аниқлаш ҳамда нимани қилиши мумкину нимадан тийилиш лозимлигини белгилаш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, олий ҳокимият ваколатига қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, уларни шарҳлаш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва бошқа ҳуқуқлар ҳам киради.

Донишмандинг фикрича, олий ҳокимият ҳеч қандай қонунлар билан боғлиқ бўлмайди. Бироқ унинг иродасига барча бўйсуниши ва унинг кўрсатмалари сўzsиз бажарилиши шарт.

Спиноза шартномадан кейин вужудга келадиган ҳуқуқни “хусусий фуқаролик ҳуқуқи” деб номлайди. Хусусий фуқаролик ҳуқуқи ҳам умумий ҳуқуқ каби ўз моҳиятига кўра табиий ҳуқуқ ҳисобланади. Илоҳий ҳуқуқ бундан мустасно. Хусусий фуқаролик ҳуқуқи фуқаролик ҳолати шароитида олий ҳокимият томонидан рухсат этилган индивиднинг табиий ҳуқуқидир. Индивид томонидан рухсат этилмаган бошқа табиий ҳуқуқларнинг амалга оширилиши жиноят саналади. Спиноза давлат ва табаалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавзусида мулоҳаза юритар экан, уларни буйруқ тарзидаги муносабатлар сифатида номлайди.

Давлатнинг мақсадлари мавзусини ёритишда Спиноза қўйидагича ўзига хос хулосаларга келади: Давлатнинг пировард мақсади — барчани қўрқувдан халос этиш, хавфсизлигини таъминлашdir. Айниқса, давлатнинг мақсади — чин маънодаги эркинликdir.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Спиноза давлатнинг келиб чиқишида шартнома назариясига таянади. Шартномавий назарияга мувофиқ, олий ҳокимият ва тобелар ўртасидаги ўзаро муносабатларда табаалар ўзларига тегишли маълум ҳуқуқлардан олий ҳокимият фойдасига воз кечадилар. Шундай бўлса-да, фуқаролар ўзларининг ҳуқуқларини тўлиғича олий ҳокимият тасарруфига топширмайдилар ҳамда ўзлари учун муҳим бўлган ва фақат ўзларигина қарор қабул қила олиш ваколатини берувчи ҳуқуқларни сақлаб қоладилар. Агар Спиноза қарашларида куч-қудрат ва ҳуқуқ айнан ўхшаш категориялар сифатида кўриб чиқилишини инобатга олсак, бу ҳолатнинг қанчалик муҳим эканлиги тушуниб олишимиз қийин бўлмайди.

Б. Спиноза фуқароларнинг давлатга қарши кураш олиб бориш, давлат институтлари томонидан ўрнатилган қонун-қоидаларни ўзгартириш, шарҳлаш ва уларга риоя қилмаслик ҳуқуқини инкор этади. Бироқ ҳокимият идоралари томонидан табаалар ҳуқуқ ва эркинликларининг паймол қилиниши, табаалар билан тузилган шартнома шартларининг бузилиши натижасида келиб чиқсан қарама-қаршиликни Спиноза халқнинг табиий ҳуқуқи сифатида баҳолайди. Б. Спинозанинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ахлоқ мавзууси етакчи ўрин тутади.

Спиноза давлат (олий ҳокимият)нинг уч шаклини кўрсатиб ўтади, булар: монархия, аристократия ва демократия. Мутафаккир демократик давлат бошқарувини қўллаб-қувватлади. Шунинг учун ҳам у монархия бошқарув шаклини таҳлил қилас экан, бир одам олий ҳуқуқ ва давлатнинг бутун қудратининг сохиби бўла олмаслигини таъкидлайди ҳамда монарх ҳузуридаги кенгашга катта ўрин ажратилиши лозимлигини уқтиради. Давлатнинг асосий қоунунларини ҳимоя қилиш, муҳим масалалар бўйича тавсиялар бериш каби масалалар бундай кенгашнинг асосий мақсади бўлмоғи лозим. Одил судловни амалга шириш учун алоҳида кенгаш тузилиши керак бўлади.

Унинг фикрича, аристократик бошқарув шакли монархиядан афзалроқдир. Чунки давлат ҳокимияти маълум даражада сайланган шахслар қўлида бўлади. Аристократиядан фарқли ўлароқ, “олий ҳокимиятнинг мутлақ шакли” бўлган демократияда ҳукмдорнинг тайинланиши бевосита асосий қонун қоидаларида белгилаб қўйилади.

Спиноза ўз қарашларида яна қуйидаги мулоҳазаларни ҳам илгари суради: давлатлараро муносабатларда давлатлар табиий

ҳолатда бўлади ва икки давлат ўз табиатига кўра бир-бири билан душман ҳисобланади. Уруш ҳуқуқи ҳар бир давлатнинг алоҳида ҳуқуқидир. Чунки уруш фақат тинчлик барқарор бўлиши йўлида олиб борилиши лозим, токи уруш тўхтагач, бошқа қурол кўтарилилмасин. Тинчлик ҳуқуқи – иттифоқдош бўлган икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳуқуқидир.

### **XVII аср инглиз сиёсий ва ҳуқуқий назари. Томас Гоббснинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти**

XVII асрда Англияда амалга оширилган инқилоб феодал тузумга қАҚШатқич зарба берди ва Ғарбий Европанинг илғор мамлакатларидан бирида капиталистик муносабатлар таркиб топишига кенг йўл очди. Бу инқилоб, шубҳасиз, ўша давр инглиз сиёсий-ҳуқуқий мафкураси, тафаккури, назарияси тарихида ҳам ўчмас из қолдирди.

Маълумки, Томас Гоббс (1588-1679) — буюк инглиз мутафаккири, “Фуқаро тўғрисидаги таълимотнинг фалсафий асоси” (1642), “Левиафан ёки Материя, черков ва фуқаро давлатининг шакли ва ҳокимияти” (1651) номли асарларнинг муаллифи, XVII аср инглиз сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олим.

Гоббснинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари замирида инсон табиати масаласи ётади. Бироқ бу мавзуни у бир қадар ўзгача руҳда таҳлил қиласди. Унинг фикрича, инсонлар ўзларининг ақлий ва жисмоний имкониятлари бўйича тенгдирлар. Аммо улардаги қатор салбий жиҳатлар, хусусан, шухратпастлик, очқўзлик, манманлик кабилар инсонларнинг бир-бирлари билан иноқ-иттифоқликда яшашларига тўсқинлик қиласди. Шу боисдан у “одам одамга бўри” машҳур тезисини тезисини илгари суради ва жамиятда барча барчага қарши уруш ҳолатида бўлишини айтади. Гоббс бу каби ҳолатни “инсониятнинг табиий ҳолати” дея баҳолайди.

Шу билан бирга Гоббс инсон табиатида бу аянчли аҳволдан қутулишга йўл кўрсатувчи, унга туртки берувчи омиллар ҳам борлигини айтиб ўтади. Унинг фикрича, ўлимдан қўрқиш ва ўз жонини омон сақлаб қолишга интилиш ҳисси инсонларни табиий ҳолат қийинчиликларини енгиб ўтишга ундейди. Бу ўринда табиий қонунларнинг ўзи инсонларга йўл кўрсатади. Ушбу вазиятда энг муҳими тинчликка эришдир. Бу биринчи табиий қонундир. Тинчлик, хотиржамликка эришиш эса инсонлардан ўзларига тегишли бўлган

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

маълум ҳуқуқлардан воз кечиши талаб қиласди. Бу иккинчи табиий қонундир. Адолатнинг манбай ва асоси ўз ифодасини топган учинчи табиий қонун эса шартномадан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилишдир. Гоббс шартномани инсониятни тинчликка етакловчи энг муҳим омил сифатида кўради. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари қатор табиий қонунларга асосланган бўлиб, уларни умумлаштирганимизда қўйидаги қоида келиб чиқади: ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма.

Давлат қонунларни (фуқаролик қонунларини) қабул қилиш орқали табиий қонунларнинг бажарилишини таъминлайди. Гоббс табиий ва фуқаролик қонунларини моҳиятан бир мазмунга эга бўлган тушунчалар сифатида баҳолайди. Фуқаролик қонунларининг фарқли жиҳати шундаки, бу қонунлар давлатнинг нуфузи ва қудрати билан мустаҳкамлангандир.

Гоббс давлатнинг келиб чиқиши мавзусини шартнома назариясига асосланган ҳолда ёритади. Унинг фикрига кўра, жамият аъзолари тинчликка эришиш мақсадида бир-бирлари билан келишувга – муросай мадорага эришадилар. Ушбу келишув натижасида улар жамият бошқарувини бир кишига ёки маълум бир грухга топширадилар. Бу табиий ҳолатдан фуқаролик ҳолатига ўтиш ҳисобланади. Олий ҳокимиёт соҳиби суверендир. Шунда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Гоббс қарашларига кўра, суверен табаалар билан ҳеч қандай шартнома тузмайди, шу сабабли у табаалар олдида ҳеч қандай жавобгарлик ҳис этмайди. Табааларнинг суверен ҳокимиятига қарши чиқишлиари тақиқланади.

Куч ишлатиш йўли билан ҳокимиётни қўлга киритиш давлатнинг вужудга келишининг иккинчи шакли саналади. Муаллиф ихтиёрий келишув натижасида вужудга келган давлатни ифодалашда “сиёсий давлат” иборасини қўллади.

Гоббс суверен ҳокимиятини бўлинмас, фуқаролик қонунларига бўйсунмайдиган мутлақ ҳокимиёт сифатида талқин қиласди. ҳокимиётни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ваколатлар факат унгагина тегишлидир. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши уни инқирозга олиб келади. Чунки бўлинган ҳокимиёт бир-бирини йўқ қиласди.

Томас Гоббс давлат вазифалари қаторида полиция-муҳофаза қилиш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини ривожлантириш, тарбиявий-маърифий фаолиятни олиб бориш кабиларни санаб ўтади.

Тобе одам фуқаролик қонунлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Гоббс ўз асарларида суверен риоя қилиши лозим бўлган мажбуриятлар тўғрисида ҳам сўз юритади. Давлат ҳокимияти фақат суверен манфаатларига хизмат қилиш учун эмас, балки ҳалқ манфаатларини амалга ошириш учун ташкил қилингандир. Гоббс ҳалқ фаровонлиги – олий қонун қоидасидан келиб чиқади. Давлат моҳиятини ёритишда Гоббс, биринчи навбатда, ушбу давлатнинг табаалар ҳимоя қила олиш имконияти мавжудлиги омилидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Т. Гоббс давлат шаклларига у қадар катта аҳамият бермайди. Давлат шакллари қаторига у монархия, аристократия ва демократияни киритади.

Олим фикрича табиатнинг олий қонуни саналмиш ўз жонини омон сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқни суверен ҳам буза олмайди. Агарда у бу ҳуқуқни поймол этса, табаалар унга қарши қўзғалишлари мумкин. Гоббс шу орқали ҳалқнинг суверен ҳокимиятига қарши чиқа олиш ҳуқуқини тан олади.

Томас Гоббс ўз даврининг илғор мутафаккирлари мулоҳазаларига қўшилгани ҳолда сиёсий ва ҳуқуқий мавзуларни таҳлил этишда диннинг ҳал қилувчи ролини инкор этади. У ўз қарашларида онг ва тажрибага суюнганлиги яққол кўриниб турибди.

### Жон Локкнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари

XVII аср Ғарбий Европа учун катта тарихий ўзгаришлар даври бўлди. Чунончи, Англияда буржуазия ва зодагонлар давлат бошқаруви борасида ўзаро битимга эришишлари натижасида феодал тузумдан капитализмга қадам кўйилди. Бу даврдаги муҳим ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти инглиз мутафаккири Жон Локк (1632-1704) асарларида ўз ифодасини топди. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари “Давлат бошқаруви тўғрисида икки трактат” номли асарида атрофлича ёритиб берилган.

Жон Локк ўз қарашларида табиий ҳуқук, ижтиомий шартнома назарияси, ҳалқ суверентитети, шахснинг даҳлсизлиги, ҳокимиятнинг мувозанатда бўлиши, мустабид тузумга қарши қўзғолон кўтаришнинг қонунийлиги каби ғояларнинг тарафдори бўлган.

Локк ўзининг ўтмишдошлари Никколо Макиавелли, Томас Гоббс сингари давлат вужудга келгунга қадар бўлган даврни “табиий ҳолат” деб белгилайди. Бироқ у, Гоббс қарашларидан фарқли ўлароқ,

табиий ҳолатда “барчанинг барчага қарши уруш” ҳолатида бўлишини инкор этади. Давлат таркиб топган пайтгача бўлган даврда барча тенг ҳуқуқли ҳисобланган. Бироқ бу жамиятда айборларни жазоловчи, низоларни ҳал этувчи орган бўлган эмас. Шунинг учун ҳам улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилотни тузишга келишганлар. Локкнинг фикрича, давлатнинг вужудга келиши негизида халқнинг розилиги ётади. Давлатнинг ўзига хос жиҳатлари сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда намоён бўлади.

Шартнома назарияси тарафдори саналган Локк жамият аъзолари давлат тимсолида сиёсий ташкилотни тузишлари учун улар ўзларига тегишли маълум ҳуқуқлардан воз кечишлари лозим бўлади. Бироқ у, Гоббс қарашларидан фарқли ўлароқ, шахсга тегишли барча табиий ҳуқуқлардан воз кечиш тўғрисида сўз юритмайди. Унинг фикрича, мулкка эгалик, яшаш ҳуқуқи ҳеч бир ҳолатда бошқа бир шахсдан олиниб, иккинчи бир шахсга берилиши мумкин эмас.

Давлат жамият аъзолари ҳаёти, соғлифи, эркинликларини таъминлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя этиш учун зарур бўлган ваколатларнигина олиши мумкин. Энг муҳими – ушбу ваколатлар сиёсий ҳамжамиятга эришиш учун етарли бўлиши лозим. Локк қарашларида хусусий мулкнинг даҳлсизлиги мавзууси устувор аҳамият касб этади.

У ўз қарашларида қонун ва қонунийлик мавзуларига катта эътибор қаратади. Локк таълимотида қонунларнинг қабул қилиниши давлатнинг муҳим функцияларидан бири сифатида кўрилади. Умумий фаровонлик учун хизмат қилувчи ва шахснинг манфаатларига мос келувчи ҳужжатгина қонун ҳисобланиши мумкин. Барқарорлик ва узоқ вақт давомида амалда бўлиш қонунларга хос бўлиб, бу ҳол қонунлар яратилишининг асосий манбаи саналади. Шу боисдан ҳам барча, шу жумладан олий ҳокимият соҳиби ҳам унинг қоидаларини билиши ва уларга сўzsиз риоя этиши лозим. Бу қонунийликнинг муҳим меъзонидир. Қонунлар шахс эркинлигини таъминловчи, уни бошқаларнинг зўравонлигидан ҳимоя қилувчи бир бутун сиёсий организмнинг ажралмас қисмидир.

Ж. Локк озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши тамойилини қонунчилик соҳасида ҳам қўллади. Унинг таъкидлашича, позитив қонунлар кўпчиликнинг иродаси ва қарорига кўра яратилади. Сиёсий ташкилотда олиб бориладиган барча ишлар уни ташкил этувчиларнинг қўллаб-куватлаши натижасида амалга оширилади.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

Локк давлат ҳокимияти маълум бир орган қўлида йиғилиб қолмаслиги учун давлат бошқаруви ўзаро боғлиқликда ва таъсир доирасида фаолият олиб борувчи бир неча давлат органлари томонидан амалга оширилиши лозимлиги уқтиради. У барча давлат органлари қонунчилик ҳокимиятини олий ҳокимият сифатида тан олиб, унга бўйсуниши лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Бундай ёндашув ўша даврда шаклланган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули эди. Қўли баланд келган буржуазия тарафдорлари қонунчилик ҳокимиятида катта таъсир кучига эга эдилар.

Жон Локк халқ суверенитети тамойилидан келиб чиқиб, халқнинг адолатсиз ҳукмдорга қарши қўзғолон қўтариш ҳуқуқини қўллаб-куватлайди.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :**

1. Ғарбий Европа давлатларида сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йўналишлари тўғрисида нималарни ўргандингиз?
2. Уйғониш ва реформация даврининг ўзиги хос жиҳатлари
3. Европа Уйғониш даври ва ушбу давр сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ҳақида фикр ва мулоҳазаларингиз.
4. Никколо Макиавеллининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари.
5. Ж.Боденнинг давлат ва суверенитет ҳақидаги таълимотлари.
6. Табиий ҳуқуқ тушунчаси ва унинг тарафдорлари.
7. Табиий ҳуқуқ тарафдорларининг асосий сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари.
8. Спинозанинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.
9. Гроцийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.
10. Локкнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт - пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. - 109 б.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

3. .Каримов.И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир-Т.:Ўзбекистон,2005.
4. Каримов.И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашар эди. -Т.:Ўзбекистон,2005.
5. История политических и правовых знаний. Под общей редакцией Нерсесянца В.С.- Москва, изд. “Норма-Инфра”, 1999. - 736 с.
6. Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алматы: Наука, 1975.
7. Нерсесянц В.С. Сократ. - Москва, “Наука”, 1977.150 с.
8. Ҳ.Б.Бобоев ва бошқалар. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслар.2002.
9. **Никколо Макиавелли. Государь.** Пер. с ит. – М.: Планета, 1990. 84 с.
10. История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2-е стереотип. Под общей ред. члена-корреспондента РАН, доктора юридических наук, профессора В.С.Нерсесянца. – М.: НОРМА-ИНФРА М, 1999.-736с.
11. История политических и правовых учений. Хрестоматия. - М., 2000.
12. Философский энциклопедический словарь. – М.:ИНФРА-М, 2001.-576 с.
13. И Рассел Б. История западной философии. – М.:“Академический проект”, 2000. - 765 с.
14. Философия конспект лекций. - М.: “Приор” , 2001. - 224 с.
15. Ф.Муҳиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.ТДЮИ.2002.
16. Холов Б. Монтескье сиёсий-ҳуқуқий таълимотида ҳокимиятлар бўлиниши тамойили. Магистрлик диссертацияси.
17. Ф.Муҳиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар. Маъruzalар матни.2005.

### **Россияда ёзилган курс ишларига эътибор беринг : Доклад студентов гр.АИ-1-93**

Рўбиной Маринў и Частухина Виталия по дисциплине ИПП на тему: Учение Цицерона о государстве и праве  
По предмету: « История учений о государстве и праве»

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

На тему: 1. Политические и правовые идеи в России в период образования и развития Российского централизованного государства.

Теория насилия в политических взглядах Л.Гумпловича и К. Каутского.

Политико-правовые идеи утопического социализма XVI-XVII столетий.

Маърузада алоҳида қайд этилган ғояларнинг бугунги кундаги аҳамияти : **И.А.Каримов** шундай таъкидлайди: «**Бугун ҳалқни улуғлайдиган, ўз кўзимиз олдида бизни кўкларга кўтарадиган нарсаларнигина ўтмишимиздан олишимиз лозим. Бу гуманистик асос бўлиб, у бизнинг миллатимиз, бизнинг ҳалқимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзини дадил ҳис қилиши учун имкон беради. Шу билан бирга биз доим жаҳон илми ва тафаккури чўққиларини забт этишга интилмоғимиз керак»<sup>31</sup>.**

---

<sup>31</sup> Каримов И.А. Ватан саждагос каби муқаддасдир . Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон. 1996. З-т. 17-бет.

## XVII-XVIII асрларда немис ва итальян маърифатпарварларининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари

Ўттиз йиллик (1618-1648) уруш Германияни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда ҳолдан тойдирган эди. Унинг ривожланиши Голландия, Англия, Франция каби мамлакатлардан анча орқада қолганди. Италия эса XVIII аср бўсағасида қарийб икки асрлик ижтимоий турғунлик оқибатида қолоқ мамлакатлардан бирига айланиб қолганди. Шу даврларга келиб немис ва итальян маърифатпарварлари ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари билан майдонга чиқишлиари бу мамлакатлардаги феодал муносабатларнинг барҳам топа боришига ва капиталистик тузум куртакларининг ниш уришига муайян даражада таъсир кўрсатди.

XVII-XVIII асрларда Германияда яшаб ижод қилган мутафаккирлар қаторига Самуил Пуфендорф, Христиан Томази, Христиан Вольф каби маърифатпарварларни киритиш мумкин.

Пуфендорф (1632-1694)нинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ҳуқуқий мавзу устувор аҳамият касб этади. У давлатнинг вужудга келишигача бўлган даврда “барчанинг барчага қарши уруш” ҳолатида бўлишини инкор этади. Пуфендорф давлатнинг пайдо бўлишида қўрқув, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эҳтиёжи каби омиллар ушбу жараённинг асосини ташкил этишини айтади. Шунингдек, Самуил Пуфендорф давлатнинг пайдо бўлишининг илоҳий асосга эга эканлигини инкор этмаган ҳолда, унинг шаклланишида инсонларнинг розилиги аҳамиятга эга лигига алоҳида муҳим ургу беради.

Пуфендорф таълимотига кўра, давлат икки шартноманинг маҳсулидир. Биринчи шартнома бўйича алоҳида шахслар бирлашадилар. Иккинчи шартнома асосида, аниқроғи, қарор асосида, улар ўзлари учун мақбул бўлган бошқарув шаклини тасдиқлайдилар. Унинг эътироф қилишича, давлатнинг асосий мақсади жамиятда тинчлик ва тартибга эришишdir.

Христиан Томазий (1655-1728) ахлоқни ҳуқуқдан устун кўяди. Ўта диндор бўлган бу мутафаккир алоҳида ҳукмдорларни “ердаги худолар” деб атайди. Бироқ у черковнинг шахснинг маънавий эркинлигига аралашувига қарши чиқади, ҳур фикрли кишиларнинг таъқиб қилинишини қоралайди. Шу маънода Томазий Пуфендорф айrim ғояларининг давомчиси бўлиб қолди. Шунингдек Томазий ҳам халқнинг адолатсиз ҳукмдорга қарши курашиб ҳуқуқини тан олади.

Немис маърифатпарварлигининг таниқли қомусий олими Христиан Вольф (1679-1754) сиёсий-ҳуқуқий қарашлари Пурендорф ва Томазийлар ғоялари таъсири остида юзага келди. Шунинг учун ҳам унинг таълимотида комил инсон рутбаси ва маънавий-ахлоқий масалалар устувордир.

Италияда сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни ривожлантиришнинг йирик вакилларидан бири жиноят ҳуқуқи бўйича мутахассис Чезаре Беккария (1738-1794) ҳисобланади.

Ч.Беккария таъбирича, давлат доимий урушлар ва зўравонликлардан чарчаган шахсларнинг ўзаро келишуви натижасидир. Инсонлар тинч, осуда ва хавф-хатарсиз ҳаёт кечиришлари учун ўзларига тегишли эркинликларнинг маълум бир қисмидан олий ҳокимият фойдасига воз кечишилари лозим. Бироқ инсонлар бу билан ўз мақсадларига эришмайдилар ва жамиятда адолатсизлик тугатилмайди. Давлат аниқ бир жиноят учун бой ва камбағалларга турли жазоларни белгилайди. Адолатсизликнинг илдизи, Беккарианинг фикрича, мулкка бориб тақалади.

Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари “Жиноят ва жазолар тўғрисида” (1764) номли асарида ўз ифодасини топган. Беккария ҳуқуқий давлат назариясини ривожланишига катта ҳисса қўшди. У жамият аъзоларининг кўпчилик қисмини баҳтиёр қила оладиган ижтимоий тузум тарафдори эди.

- **Француз маърифатпарварлигининг сиёсий-ҳуқуқий мафкураси. Вольтернинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари; Монтескьенинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти. Жан Жак Руссонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари**

XVIII аср охирида, якобинчилар диктатураси даврида бўлиб ўтган Буюк француз инқилоби туфайли феодал-абсолютизм муносабатлари емириб ташланди. Миллий конвент Францияда республика тузумини ўрнатди. Мамлакатда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари қарор топди. Дарҳақиқат, француз маърифатпарварлигининг сиёсий-ҳуқуқий мафкураси ушбу инқилоб ғалаба қозонишига, шубҳасиз, пухта замин яратди.

Машхур француз мутафаккири Франсуа Мари Аруэ Вольтер (1694-1778)нинг замондошлари Шарл Луи Монтескье ва Жан Жак Руссолардан фарқли жиҳати шундаки, унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари аниқ бир асарда ёритиб берилмаган. Шундай бўлса-да, у

ўзининг турли мавзулардаги асарларида сиёsat ва ҳуқуқقا оид масалалар борасида фикр юритади.

Вольтер жамиятнинг қолоқлиги ва унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабаблар сифатида католик черковини кўрсатади. У черковни эркин фикрни бўғувчи омил сифатида баҳолайди ва унга қарши курашади. Вольтернинг қарапарларида эркинлик ва тенглик мавзулари марказий ўрин тутади. Бундан у демократия тарафдори бўлган деган фикр келиб чиқмаслиги лозим, албатта. Вольтернинг шахс эркинлиги ва тенглиги борасидаги қарапарлари, биринчи навбатда, мулкдорлар манфаатларига хизмат қилган. Вольтер мулк эгаларининг қонун олдидаги тенглигини тарғиб қилади. У жамиятда овоз бериш ҳуқуқига фақат мулкдорларгина эга бўлишлари мумкинлигини айтади. Унинг фикрича, эркинлик чегаралари қонунлар билан белгиланади. Шу сабабдан “ҳуқуқ ҳукмронлиги” ғояси Фарбда кенг тарқалган.



Вольтер сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, мулкнинг даҳлсизлиги каби мавзулар билан бирга, меҳнат эркинлигини ҳам тарғиб қилади. Меҳнат эркинлиги мавзусининг ёритилиши шу даврда француз жамиятида сиёсий-иқтисодий қарапарларнинг чўққиси, янги даврнинг ўзига хос жиҳати эди. Вольтер фикрига кўра, меҳнат ҳеч қандай мулкка эга бўлмаганларнинг мулки ҳисобланиб, улар ўз меҳнатлари учун ким кўп ҳақ тўласа, ўшанга сотиш ҳуқуқига эгадирлар. Вольтер феодал жамиятни ислоҳ қилиш тарафдори бўлиб, давлат бошқаруvida мутлақ монархияни афзал кўрган. Агар монарх маърифатли бўлса, бу — жамият учун фойдалидир, шунда мутлақ монархия бошқаруви маърифатли ҳисобланади. ҳукмдор эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар фақатгина унинг маърифатли бўлиши билан чекланмаслиги керак. Жамиятни адолатли бошқариш учун ҳукмдор ўз табааларининг истакларини тўғри англаб этиши ва марҳаматли бўлиши лозим. Вольтер бошқарувда черков судларини тугатиш, табақалар имтиёзларини бекор қилиш, одил судловни амалга ошириш ва ушбу жараёнда адвокатлар иштирокини таъминлаш лозимлигини таъкидлайди. У инқилобий ўзгаришларга қарши чиқиб, юксак маънавиятли ва ахлоқли монарх феодал жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий қийинчиликларга барҳам бера олишини уқтиради.

Вольтернинг жамиятда ҳуқуқ устуворлиги тарафдори эканлигини у Англия ҳуқуқий тизимиға берган таърифидан ҳам кўришимиз мумкин. У Англия қонунларини энг яхши қонунлар деб ҳисоблайди ҳамда уларда одил судловнинг амалга оширилиши, зўравонликнинг йўқлиги, мансабдор шахсларнинг фуқаро эркинлигини бузганликлари учун жавобгарлиги, ҳар бир шахснинг ўз фикрини оғзаки ва ёзма ҳолда ифода эта олиш ҳуқуқи белгилаб берилганини таъкидлайди.

Вольтер давлат бошқарувида шаклдан кўра мазмунга кўпроқ аҳамият беради. Бу ўринда у ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тамойиллар давлат бошқаруви мазмунини ташкил қилишини алоҳида айтиб ўтади, шунингдек, эркинлик, мулкчилик, қонунийлик ва инсонпарварлик тамойилларини ҳам эслатиб ўтади.

Шарль Луи Монтескье (1689-1755) – буюк француз файласуфи, ҳуқуқшуноси, XVIII аср маърифатпарварлик оқимининг вакили. Монтеске Бордо ва Парижда ҳуқуқ масалалари билан шуғулланган. 1714 йилдан Бордо парламентининг маслаҳатчisi, 1716 йилдан шу парламентнинг вице-президентларидан бири сифатида ишлаган. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари “Римликларнинг шухрати ва инқирозининг сабаблари тўғрисида мулоҳазалар” асарларида ифодалаб берилган. Бироқ Монтескье ижодининг чўққиси 1748 йилда ёзиб тугалланган “Қонунларнинг руҳи тўғрисида” номли фундаментал асари ҳисобланади.



Монтескье асарлари марказида бошқарув шакли ва тамойиллари, ҳокимиятнинг бўлиниши тўғрисидаги назариялар турди. Унинг ҳуқуқий тадқиқотларининг бош мавзуси – позитив қонунлардир. Монтескье бошқа француз маърифатпарварлари каби жамиятда шахс эркинлигини таъминлашда қонунларнинг ролига катта аҳамият беради. Қоунунчилик ва қонунлар мазмунини ёритишда Монтескье уларни турли хил омиллар билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Унинг фикрича, қонунлар яратилишида ва уларнинг мазмунини белгилашда бошқарув шакли, дин, урф-одат ва анъаналар, иқлим, мамлакатнинг географик жойлашуви кабилар муҳим ўрин тутади. Монтескье “Қонунларнинг руҳи тўғрисида” асарида қонунчилик санъати масаласи кўриб чиқилган бўлиб, у бугунги қонунчилик социологияси учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Монтескье талқинига мувофиқ, давлат инсонлар эҳтиёжларининг маҳсулидир. Жамият ҳукуматсиз мавжуд бўла олмайди. Алоҳида кучларнинг бирлашиши натижасида фуқаролик ҳолати вужудга келади. Фуқаролик ҳолати эса сиёсий ҳолатнинг, яъни давлатнинг пайдо бўлиши ва фуқаролар учун умумий қонунларнинг қабул қилинишида асос бўлиб хизмат қиласди.

Монтескье бошқарув шакллари тўғрисида мулоҳаза юритар экан, уларни учга бўлади: республика, монархия ва деспотия. Республикада олий ҳокимият бутун халқ (демократия) ёки унинг маълум бир қисми (аристократия) қўлида йиғилган бўлади. Монархия, Монтескьенинг фикрича, бир кишининг белгиланган қонунлар доирасида бошқарувидир. Деспотияда, яъни истибодод тузуми шароитида ҳар қандай қонунлар инкор этилади ва шахс ўз зўравонлиги ва иродасига асосланиб давлатни бошқаради. ҳар бир бошқарув шакли ўзига хос тамойилларга эга. Тамойил маълум сиёсий тузумга хос бўлиб, жамиятда инсонлар ҳис-туйғулари механизмини ҳаракатга келтиради. Ушбу тамойил республикада – эзгу иш (саҳоват), монархияда – ор-номус, деспотияда – қўрқув саналади.

Ҳокимиятлар бўлинишининг асосий мақсади – ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олишdir. Монтескье ҳокимиятни учга бўлади: қонунчилик, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти. Улар қонунларда белгиланган чегаралар доирасида фаолият юритади. Ушбу қонунларда ҳар бир ҳокимиятнинг таъсир доираси аниқ белгилаб берилган бўлади. Ҳокимиятлар бўлиниши ва уларнинг бир-бирларини ўзаро тийиб туришлари фуқароларнинг сиёсий эркинликларини таъминлашда бош меъзон бўлиб хизмат қиласди. Бир вақтнинг ўзида муайян ҳокимият қўлида бир неча ҳокимиятнинг йиғилиб қолиши мустабид қонунларнинг қабул қилинишига, жамиятда зўравонлик ва адолатсизликнинг кучайишига олиб келади ва сиёсий эркинликлар ўз-ўзидан поймол бўлади.

Эркинлик деганда шахс хоҳлаган нарсасини қилавериши эмас, балки фақат қонунларда рухсат этилган хатти-ҳаракатларнигина амалга ошириш ҳуқуқи тушунилади. Агар фуқаро қонунлар билан тақиқланган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлганида эди, у эркинликка эга бўлмасди. Чунки бошқа фуқаролар ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлган бўлар эди.

Монтескье ўз сиёсий-ҳуқуқий таълимотида сиёсий эркинлик тушунчасига алоҳида эътибор беради ҳамда ўзининг машҳур назариясини айнан сиёсий эркинлик тушунчаси, моҳиятини чуқур

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

англаш ҳамда унга эришилишини таъминловчи механизмни шакллантириш мақсадида яратади.

Сиёсий эркинлик, Монтескье фикрича, қонун билан рухсат берилган, ёки у билан таъқиқланмаган исталган ҳаракатни амалга ошира олиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро қонун билан таъқиқланган ҳаракатларни ҳам қила олганда, унда эркинлик мавжуд бўлмасди, чунки худди шундай қилмишни бошқалар ҳам унга нисбатан қилиши мумкин.<sup>32</sup>

Монтескье таълимотида сиёсий эркинликнинг мавжуднинг бевосита давлат ҳокимияти ва унинг қандай йўсинда амалга оширилиши билан боғлиқлиги таъкидланади. Унинг фикрича эркинлик мўътадил бошқарув тизими мавжуд давлатларда таъминланиши мумкин. Монтескье бундай бошқарув шаклларига республика ва монархияни киритади. Деспотик бошқарувда эса қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини битта шахс ёки орган қўлида тўпланиши оқибатида тираник қоидалар ўрнатилиши ва эркинликнинг йўқолишини асослаб беради. Шу боисдан кишиларнинг, эркинлигини кафолатловчи механизм сифатида ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилини илгари суради.

Бунда алоҳида давлат органларининг нисбий мустақиллиги ва бир вақтнинг ўзида бирор бир ҳокимият таъсирининг ҳаддан-зиёд ошиб кетиши чекланиши ҳақида гап боради. Унинг фикрича, эркинлик - ҳокимиятлар бўлиниши ўрнатилган давлатдагина таъминланиши мумкин. Агар ҳокимиятлар бўлинмаган бўлса, «мўътадил» бошқарув бўлмайди, давлатда деспотия вужудга келади. ҳокимиятлар бўлиниш ғояси мақсади -гражданларнинг хавфзизлигини ҳокимият ўзбошимчалиги ва суиистеъмолчилигидан кафолатлаш, сиёсий эркинликни таъминлаш. Монтескье сиёсий эркинликни қонун билан рухсат берилган ҳар қандай ҳаракатни қилиш ҳуқуқи деб таърифлайди, ҳамда бундай эркинлик ҳокимиятлар бўлиниши ўрнатилган давлатдагина таъминланиши мумкин. Монтескье давлатда уч хил ҳокимиятни ажратади : қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти. Ушбу ҳокимиятларни турли давлат органлари амалга ошириши керак. Иккита ёки ҳар учала ҳокимият битта орган ёки битта муассаса қўлида тўпланса, эркинлик йўқолади. Шунинг учун Монтескье, ушбу учта ҳокимиятни турли органларга бериш лозим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича бундай тартиб

<sup>32</sup> Ш.Л.Монтескье. Избранные произведения.М,1955.289- бет

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

қонунчилик ҳокимияти икки палатали вакиллик органига, ижро ҳокимияти киролга, суд ҳокимияти " (суд присяжнўх) га тегишли конституцион монархияда таъминланиши мумкин. Ўз таълимотини ривожлантириб, Монтескье қўйидаги ҳолатни илгари суради : ҳокимиятни суистеъмол қилиш имконияти бўлмаслиги учун шундай тартиб зарурки, унда турли ҳокимиятлар бир - бирини ушлаб, мувозанатлаб туриши керак. Шундай қилинса, кишиларни қўрқувга соловчи суд ҳокимияти ҳеч қандай ҳолат, ҳеч қандай касб билан боғлиқ бўлмайди, қандайдир кўринмас нарсага айланади ва кишилар шунда судьялардан эмас, суддан, жиноятнинг оқибатидан қўрқадиган бўлишади.<sup>33</sup>

қолган иккита ҳокимиятни эса, Монтескье фикрича, мансабдор шахсларга ёки доимий равишда фаолият юргизадиган идораларга юклаш мумкин. Зеро, улардан бири давлатнинг умумий эрки ифодаси бўлса, иккинчиси ушбу эркни ижро этувчи орган хисобланади.

Шунингдек, Монтескьенинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ҳокимиятни амалга оширилиш усулига ҳам тўхталиб ўтилади. Демократик давлатда ҳар қандай эркин шахс ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлиши лозим, буни таъминлашнинг бирдан бир йўли қонунчилик ҳокимиятини амалга оширилишида халқнинг иштирок этишидир. қонун чиқариш жараёнида халқнинг бевосита қатнашишини йирик давлатларда иложи йўқ, кичик давлатларда эса ортиқча ташвиш ва саргордонлик билан боғлиқ бўлгани боис, халқ қонунчилик ҳокимиятини ўзининг вакиллари орқали амалга оширади. Вакиллар халқ номидан қонун чиқаришда иштирок этадилар ва ўз фаолиятларида уларни сайлаб қўйган ахолининг, умуман халқнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишади. Албатта, вакиллар ўз сайловчиларидан қонунчилик фаолиятининг умумий йўналиш, инструкцияларини олишлари етарли, ҳар бир алоҳида иш бўйича хусусий кўрсатмалар олишлари шарт эмас. Йўқса, Монтескье ёзишича, депутатларнинг сўзлари халқнинг акс садоси бўлсада, бу узундан узоқ йўлакчалар орқали ҳаракатланишга мажбур бўлади, ҳар бир депутатга қолганлари устидан устунлик бериши ва зарур ҳолларда халқнинг кучи қандайдир инжиқлик туфайли амалга ошмай қолиши мумкин.

Халқнинг давлат ҳокимияти амалга оширишдаги иштироки сайловлар орқали амалга оширилади. Бу борада сайлов ҳуқуқи, уни

<sup>33</sup> Ш.Л.Монтескье.Избранные произведения. М.,1955. 280-290 бет

амалга оширилиши тартиби, усуллари давлатда демократиянинг мезони бўлиб ҳам ҳисобланади. Ўз округидан вакилларни сайлаш учун овоз бериш ҳуқуқига барча гражданлар эга бўлиши керак. Монтескье фикрича, истисно қилувчи ҳолатлар ниҳоятда кам, яъни ўз мустақил эркига эга бўлиш қобилиятига эга бўлмаган шахслар истисно бўлиши мумкин.

Монтескье ўз сиёсий-ҳуқуқий қарашларида тарихий жараёнларга эътибор берган, кўпчилик тарихий давлатлар тузумини, бошқарувини таҳлил қилган. Унинг ёзишича, қадимги республикаларнинг кўпчилигига (яъни, Афина, Спарта, Рим республикалари) битта катта камчилик бўлган : ҳали уларда умуман қобилиятли бўлмагани ҳолда ижро фаолияти билан боғлиқ бўлган актив қарорларни ҳам қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Халқнинг давлатни бошқаришдаги иштироки, Монтескье таълимоти бўйича, вакилларни сайлаш билан чекланиши керак. Чунки буни қилиш осонроқ, зеро бошқалардан қўра қобилиятлироқ ва билимлироқ шахсни танлаш ҳар кимнинг қўлидан келади.

қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи вакиллар йиғинини сайлашдан мақсад, у қандайдир актив қарорлар чиқаришида эмас. Чунки вакиллик органи ушбу вазифани яхши бажара олмайди. Вакиллар йиғини қонунлар чиқариши ёки қабул қилинган қонунлар яхши бажарилишини назорат қилиш мақсадида тузилади ва ушбу вазифани факат угина бажара олади.

Конституцион монархия тарафдори бўлган Монтескье, қонунчилик ҳокимиятини ҳам аслзода фуқаролар йиғини, ҳам оддий халқ вакиллари йиғинига беришни таклиф қилади. ҳар бир йиғин бошқасидан алоҳида мажлислар ўтказиб, ўзининг алоҳида манфаат ва мақсадларига эга бўлади.

қонунчилик органининг зодагонлардан иборат қисми мерос бўлиб ўтадиган бўлиши керак. Монтескье таълимотига қўра, у ўз табиатига қўра шундай ҳисобланади.

Монтескье таъкидлашича, мерос қолдирилган жой халқни эсидан чиқариб алоҳида манфаатларни кўзлаш билан овора бўлиб қолиши мумкин. Буни олдини олиш учун, мерос қолдириладиган аслзодалардан иборат қонунчилик ҳокимияти қисми қарор чиқариш эмас, факат бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Монтескьеда

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ушбу фи<sup>34</sup> кр шаклланиши унинг Англияга сафари ҳамда инглиз давлат тузилиши тизимини ўрганиш таъсир қилган.

Монтескье таълимотида, қонун чиқарувчи орган мажлислари даврийлиги тўғрисида ҳам айтиб ўтилган. «Эркинлик, ёзади Монтескье, - агар қонунчилик йиғини муайян вақт оралифида тўпланиб турмаган ҳолда ҳам мавжуд бўлмайди, чунки унда қуидаги иккитадан биттаси содир бўларди: ёки қонун чиқарувчи фаолият бутунлай тўхтаб, давлат анархия ҳолатига тушарди, ёки ушбу фаолиятни ижро ҳокимияти ўз қўлига олиб абсолют ҳокимиятга айланар эди».<sup>35</sup>

Шу билан бирга, қонунчилик йиғини, Монтескье фикрича, доимий равишда фаолият юргиши шарт эмас. Бу вакиллар учун ноқулай ва ижро ҳокимиятини амалга оширилишини мураккаблаштиради, чунки ижро ҳокимияти ўз вазифаларини бажариш ҳақида қайғурмай, фақат ўз ваколатлари ва ижро фаолиятига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан овора бўларди.

Бундан ташқари, қонунчилик йиғини таркиби муайян муддатда ўзгариб туриши керак. Акс ҳолда, Монтескье ёзишича, унинг шахсий таркибидаги ўзгаришлар фақат вафот этган депутатни алмаштириш билан чекланиб қоларди. қонунчилик органи бир таркиби бошқаси билан алмаштирилганда, халқ янгиланаётган таркибга умид ва ишонч билан қарайди ва ўзига маъсул шахсни қонунчилик органига депутатликка сайлай олади.

Қонунчилик йиғини ўз ташаббуси билан тўпланиши керак. Ҳар қандай сиёсий организм каби, у ҳам қачон тўлиқ таркибда йиғилган бўлса, шунда ваколатли хисобланади.

Монтескье таъкидлашича, қонунчилик йиғини мажлисларини чақириш вақти ва давом қилиш муддатини ижро ҳокимияти белгилаши керак.

Шунингдек, ижро ҳокимияти қонун чиқарувчи йиғин харакатларини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлиши керак, акс ҳолда қонунчилик ҳокимияти ўзига хохлаганча ҳокимиятини олиш имкониятига эга бўлгач, қолган ҳокимиятларни йўқотиб юбориши ва абсолютизм келиб чиқиши мумкин. Бу билан Монтескье қонунчилик ҳокимияти ваколатлари ижро ҳокимияти фаолияти йўналишлари доираси билан чегаралашга уринади. Локк таълимотидан фарқли ўлароқ, Монтескье қонунчилик ҳокимиятига устун ва бош ўринни

<sup>34</sup> Ш.Л.Монтескье. Избранные произведения. М.,1955. 280-288-бетлар.

<sup>35</sup> Лейст. История политических и правовых учений. М.2000.

бермайди, аксинча, ижро ҳокимияти, яъни хукуматнинг давлат ҳокимияти фаолиятидаги ўрнини анча кучайтиради.

«Агар ижро ҳокимияти, - ёзади Монтескье<sup>36</sup> - қонун чиқарувчи йиғин ҳаракатларини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлмаса, у (қонунчилик ҳокимияти) деспотик ҳокимиятга айланади». Аксинча, қонунчилик ҳокимияти ижро ҳокимияти фаолиятини тўхтат иш ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Чунки, Монтескье фикрича, ижро ҳокимияти ўз табиатига кўра чекланган, бундан ташқари унинг фаолияти предметлари тезда ҳал этишни талаб қиласидиган масалалардир.

Шунингдек, «қонун чиқарувчи йиғин ижро ҳокимиятини амалга оширувчи шахс ва унинг ахлоқини суд қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак эмас

Унинг шахси муқаддас, чунки у давлатга қонун чиқарувчи йиғин тиранияга айланиб кетишини олдини олиш учун зарур, ижро ҳокимияти айбловга ёки судга тортилган пайтдан бошлаб эркинлик йўқолади», - деб ёзади Монтескье. Бундан ташқари Монтескье аслзода кишиларни суд қилишни алоҳида тузиладиган судга топширишни таклиф қиласиди. Чунки, унинг фикрича :

1) аслзода кишиларга хар доим ҳасад қилинади; шу боис улар оддий ҳалқ судларида суд килинса, ҳар бир фуқаро фойдаланадиган ҳуқуқ<sup>37</sup>: - ўзи билан тенглар томонидан судланиш имкониятидан аслзодалар маҳрум қилинган бўларди, шунинг учун аслзодалар оддий ҳалқ судлари томонидан эмас, балки қонунчилик йиғинининг аслзодалардан иборат қисми томонидан суд қилиниши керак.

2) Баъзи ҳолларда, қонун нормалари жуда оғир бўлиши мумкин. Лекин, ҳалқ судъяси қонун сўзларини айтадиган "офизлардир" ва қонуннинг оғирлигини на йўқотиб, на енгиллаштира оладилар. Шунинг учун, бундай ҳолларда қонун чиқарувчи йиғиннинг аслзодалардан иборат қисми суд қилиш вазифасини амалга ошириши ва қонунда белгиланганидан енгилроқ ҳукм чиқариши мумкин.

Бизнинг фикримизча, юкорида айтилган фикр жамият табақаларга ажратилишини тан олиб, муайян табақага бошқасига нисбатан фарқли ҳуқуқ ва эркинликлар юклашни назар тутади. Замонавий жамиятимизда ушбу фикр хатолиги яқдол кўзга ташланади. Зоро, бу ердаги синфий жиҳатдан ёндашув масалага объектив қарашга тўсқинлик қиласиди.

<sup>36</sup>Ш.Л.Монтескье. Избранные произведения.М,1995.


<sup>37</sup>Лейст. История политических и правовых учений.. М.2000. 322-3276

Шундай қилиб, Монтескье ҳокимиятлар бўлиниш назариясини шахснинг эркинлигини таъминлаш, ҳокимият суистеъмолчиликларини олдини олиш, давлат ҳокимияти фаолиятида халқ, назорати ва иштирокини таъминлаш, жамиятда барча аҳоли қатламларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида яратган.

Монтескье кишилар қонунлар орқали бошқарилишини таъкидлар экан, табиий ҳуқуқ, илоҳий ҳуқуқ, черков ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ, барча жамиятлар учун тегишли бўлган умумий давлат ҳуқуқи, босиб олиш ҳуқуқи, алоҳида жамиятнинг фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи кабиларни санаб ўтади.

Монтескьенинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари АҚШ Конституцияси ва Франциянинг 1804 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг яратилишига ижобий таъсир кўрсатди. Монтескье ҳаётлик давридаёқ қиёсий қонунчилик бўйича ёзган “Қонунларнинг рухи тўғрисида” номли асари билан шуҳрат қозонди.

Жан Жак Руссо (1712-1778) — буюк француз файласуфи ва ёзувчиси. Руссонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари замирида камбағал кишилар тўғрисида қайғуриш, инсонларнинг “табиий ҳолат”ини, яъни ҳамма teng ва озод бўлган даврни улуғлаш ётади. У “Инсонлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар” (1755) номли асарида ижтимоий тенгсизликни қорлайди. Руссонинг фикрича, инсонлар ўртасидаги тенгсизликнинг бош сабаби – ерга бўлган хусусий мулкчиликдир.



Руссо жамият, давлат ва ҳуқуқ мавзуларини халқ суверенитети нуқтаи назаридан туриб ёритади. Унинг “Ижтимоий шартнома” асари жаҳон сиёсий-ҳуқуқий қарашлари хазинасига қўшган улкан ҳиссадир. Муаллиф фикрича, жамият аъзоларининг шартномавий муносабатлари натижасида бирлашуви билан Фуқаролик жамоаси ҳолатининг Сиёсий организмга айланиши жараёни тугалланади. Бу сиёсий организм Давлат ҳисобланади. Ушбу уюшма (ассоциация) бир бутун ҳолда – халқ, алоҳида кўрилганда – олий ҳокимиятда иштирок этувчи фуқаро, давлат қонунларига бўйсунувчи табаа ҳисобланади.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Суверен қонун ва суд қарорлари билан белгиланган жазони бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шу боисдан ҳам суверен суд ва қонундан устун туради.

Халқ суверен, умумий ирода соҳиби сифатида ҳокимиятни бериши мумкин, бироқ иродани бера олмайди. Руссонинг фикрича, қонунчилик ҳокимияти фақат суверен — халқ томонидангина амалга оширилиши мумкин. Қонунчилик ҳокимияти давлатнинг юрагидир. Қонун, Руссонинг таъбирича, умумий ироданинг ифодаланишидир. Қонунчилик ҳокимияти халқ суверенитетининг ажралмас ва даҳлсиз ҳуқуқидир. Ижро ҳокимияти бутун халққа тегишли бўла олмайди. У ижтимоий шартнома асосида эмас, балки суверен қарорига мувофиқ, суверен ва табаалар ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида яратилади.

Демократия, аристократия ва монархия давлат бошқарувининг асосий шаклларидир. Руссонинг нуқтаи назарича, демокартия кичик давлатлар учун, аристократия – ўртacha давлатлар учун ва монархия – катта давлатлар учун мос бўлган бошқарув шаклидир. Бироқ барча давлат бошқаруви шаклларида суверентитет ва давлат ҳокимияти халққа тегишли бўлиши лозим.

Руссо қонунларни тўрт тоифага ажратади: сиёсий, фуқаролик, жиноят ва “уларнинг энг муҳими” – “урф-одат ва ижтимоий фикр”. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай қонунлар тизимининг бош мақсади – эркинлик ва тенгликдир, фуқаролар тенглиги таъминланмаган жамиятда эркинлик мавжуд бўлмайди.

Тарихда ҳокимиятлар бўлиниши шаклланиши жараёнига назар солсак иккита бир-бирига қарама-қарши тенденцияни кузатиш мумкин: ҳокимиятнинг бир киши ёки муассаса қўлида тўпланиши ҳамда ҳокимият, меҳнат ва жавобгарликни тақсимлаш эҳтиёжи. Шу боис, ҳокимиятга нисбатан икки хил муносабат шаклланган: ҳокимиятни турли институтлар ўртасида тақсимланиши ва ҳокимиятнинг ягоналиги учун, унинг тақсимланишига қарши кураш. ҳокимиятнинг бўлиниши тақсимланган ҳокимиятларни тартибга солиш, жамиятни улар ўртасидаги тўқнашувлардан халос этишни кўзловчи механизм яратиш эҳтиёжини туғдирди.

Ш.Л. Монтескье эса, бу ғояни таълимот даражасига олиб чиккан ҳукукшуносидир. Монтескьенинг фикрича, сиёсий хиёнатларнинг олдини олиш учун ҳокимиятнинг бир кулда тупланишига карши курашмок зарур.

Айнан, ҳокимиятнинг илк бор йирик тақсимланиши сиёсий ва

диний ҳокимиятни, давлат ва черков ҳокимиятни бир-биридан ажратди. Бу жараён ҳокимиятни ягоналаштириш, дунёвий ҳокимиятнинг диний ҳокимиятдан устунлигини ёки черковнинг жамият ҳаётида ҳукмронлигини ўрнатиш учун узоқ кураш билан кузатилди. Улар ўртасидаги қарама-қаршилик узоқ вақт давом этди, ҳамда янги даврга (Фарбий Европада 17-18 асрлар) келиб дин ва давлат бир-биридан ажратилди.

Шу билан бирга, дунёвий давлатларда ҳокимият профессионал функцияларининг бўлиниши ҳам бошланган. ҳатто, юнон файласуфи Арасту ҳам давлатда қонунчилик органи - магистратура ва суд органлари мавжудлигини таъкидлаган. Марказий ва маҳаллий бошқарув ўртасида ҳокимият бўлиниши юз берди, мураккаб сиёсий тизим шаклланди, турли даражадаги ва турли функцияларга эга ҳокимиятлар пайдо бўлди. ҳокимиятнинг бўлиниши Янги давр давлатларининг энг муҳим ташкилий асосларидан бирига айланиб, функционал чегараланган, лекин бир бири билан bogлиq ҳокимият органлари, аппарати, муассасалари тизими сифатида амал қила бошлади. 13-14 асрларда Фарбий Европада марказлашган феодал давлатларида парламентлар вакиллик органлари сифатида вужудга кела бошлади, улар аста- секинлик билан мустақил равища қонун чиқариш функцияларини ўзига олиб, ҳокимият алоҳида тармогига айлана борди.

ҳокимиятлар бўлинишининг кейинги ривожланиши бир неча параллел йўналишларда содир бўлди.

1) Парламент тузилмаларининг марказлашуви, парламентаризмнинг вакиллик ҳокимияти шаклланиши техникаси ва мафкураси билан бирга марказга кўчиши юз берди;

2) Марказий ижро ҳокимияти мустаҳкамланди ва мукаммаллашди, айниқса унинг аппарати, давлат хизматчилар кадрлари.

3) Одил судловни амалга ошириш ва назорат қилиш ва бошқа суд функциялари ихтисослашган суд органларига берилди.

Монтескье ўзининг бундай ёндашувини қуйидагича изоҳлайди: «Мен кишиларни ўрганишдан бошладим, ҳамда аниқладимки, уларнинг қонунлари ва характерида чексиз хилма-хиллик фақатгина улар тафаккурининг бетартиблиги туфайли вужудга келади. Мен улардаги умумийликни аниқладим, хусусий ҳолатлар уларга бўйсунади, ва ҳар бир халқнинг тарихи унинг натижаси сифатида

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

вужудга келади ҳамда ҳар қандай алоҳида қонун бошқа умумий қонунга боғлиқ бўлади”.<sup>38</sup>

Монтескье Гобснинг кишиларда бошданоқ агрессивлик ва бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш ҳохиши мавжудлиги тўғрисидаги ғоясининг нотўғрилигини таъкидлайди. Аксинча, Монтескьенинг фикрича, инсон дастлаб жуда кучсиз, қўрқоқ бўлади ҳамда бошқалар билан тенг бўлишга, тинчликка интилади. Бундан ташқари, ҳокимият ва ҳукмронлик ғояси ниҳоятда мураккаб ва бошқа бир қанча ғояларга боғлиқ бўлгани учун инсоннинг биринчи ғояси сифатида юзага кела олмайди.

Лекин, кишилар жамиятга бирлашиши биланоқ ўзларининг кучсизликларини унтишади. Улар ўртасида олдин мавжуд бўлган тенглик йўқолади, алоҳида кишилар ва халқлар ўртасида турли урушлар келиб чиқади. “Бундай урушларнинг пайдо бўлиши,- ёzáди Монтескье, - кишилар ўртасида муайян қонунларни ўрнатиш заруратини туғдиради<sup>39</sup>». Натижада, халқлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соловчи қонунлар (халқаро ҳуқуқ); ҳукмдорлар ва бошқарилувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга соловчи қонунлар (сиёсий ҳуқуқ); барча фуқароларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соловчи қонунлар (фуқаролик ҳуқуқи) вужудга келади.

Жамиятда яшовчи кишиларнинг умумий қонунларга эҳтиёжи давлат пайдо бўлиши заруратини туғдиради. Монтескье фикрича, “Жамият ҳукуматсиз яшай олмайди. “Барча алоҳида кучларнинг бирлашуви, - Гравина айтишича,- сиёсий ҳолат (давлат) деб номланадиган ҳодисани шакллантиради”. Алоҳида кишилар кучларининг бундай бирлашуви улар эрки ягоналиги, яъни фуқаролик ҳолати мавжудлигини билдиради”.

Давлат (сиёсий ҳолат) шаклланиши ва умумий қонунлар ўрнатилиши учун, Монтескье фуқаролик ҳолати деб номлаган кишиларнинг жамиятда яшай олиши етарлидир.

Қонунлар адолатнинг объектив хусусиятини ва адолатли муносабатларни устун қўяди. Адолат қонунлардан олдинроқ вужудга келади. “Кишилар яратган қонунлар, - дея таъкидлайди Монтескье,- адолатли муносабатлар негизида яратилиши керак. Ижобий қонунлар билан рухсат берилган ёки таъқиқланганлар доирасидан ташқарида на адолатли на адолатсиз ҳеч нарса йўқ деб айтиш, ушбу доира

<sup>38</sup> Лейст. История политических и правовых учений. М.2000.319- 352 б.

<sup>39</sup> Ш.Л.Монтескье.Избранные произведения. М,1955. 278-288-бетлар

белгиланаётган пайтда унинг радиуслари ҳар хил бўлган деб таъкидлашдир”.

Конун бу – умуман олганда, барча кишиларни бошқариб турувчи инсоний онгдир, - деб таъкидлайди Монтескье. Шунинг учун “ҳар бир халқнинг сиёсий ва гражданлик қонунлари ушбу онгнинг алоҳида бўғинлари бўлиши керак». Бундай ёндашувни илгари суриш жараёнида Монтескье, жамланмаси “қонунлар руҳини”, яъни ижобий қонун талабларининг онглилиги, ҳуқуқийлиги,

Маълумки ҳар қандай жамиятда ҳуқуқ давлат билан фуқаро ўртасида боғловчилик ролини ўтаб келган. Шунга мувофиқ холда, мазмун-моҳиятига кўра икки хил бошқариш таркиб топган. Бу ҳақда қадимги мутафаккирлар ҳам кенг гапириб ўтишган. Хукмдорнинг манфаатига хизмат қилувчи жамиятда фуқароларга нима қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги қонунда аниқ, майдалаб белгилаб қўйилади ва “фақат қонунда рухсат берилган харакатларнигина содир этиш мумкин” деган принцип амал қиласди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон жамияти ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида келажак сари интилмоқда. Халқимизнинг бу эзгу интилиши Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни - Конституциямизда ўзининг ифодасини топган.

### **Мавзу бўйича саволлар :**

1. XVII-XVIII асрларда Германияда яшаб ижод қилган мутафаккирлардан кимларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини ўргандингиз?
2. Самуил Пуфendorf, Христиан Томази, Христиан Вольф каби маърифатпарварларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фикрларидаги асосий ғоя, умунийлик ва фарқли жиҳатларини қўрсатинг.
3. Ш.Л.Монтескье ҳаёти ва ижоди.
4. Монтескье сиёсий ва ҳуқуқий қарашларининг шаклланишига таъсир этган омиллар.
5. Монтескье сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг бугунги кунда ўрганилганлик даражаси?
6. Вольтернинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.
7. Ж.Ж.Руссонинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари, уларнинг бугунги кунда ўрганишнинг аҳамияти.
8. Ч.Беккарианинг сиёсий ва ҳуқуқий фикрлари.

9. Ушбу давр сиёсий -ҳуқуқий таълимотларига жаҳон илмининг муносабати ва Ўзбекистонда ўрганилиши.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. — Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. - 109 б.
3. Каримов.И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир-Т.:Ўзбекистон,2005.
4. Каримов.И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашар эди. -Т.:Ўзбекистон,2005.
5. История политических и правовых знаний. Под общей редакцией Нерсесянца В.С.- Москва, изд. “Норма-Инфра”, 1999. - 736 с.
6. Аль-Фараби. Историко-философские трактаты. Алма-Ата: Наука, 1975.
7. Нерсесянц В.С. Сократ. - Москва, “Наука”, 1977.150 с.
8. Ҳ.Б.Бобоев ва бошқалар. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик.2002.
9. Никколо Макиавелли. Государь. Пер. с ит. – М.: Планета, 1990. 84 с.
- 10.История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2-е стереотип. Под общей ред. члена-корреспондента РАН, доктора юридических наук, профессора В.С.Нерсесянца. – М.: НОРМА-ИНФРА М, 1999.-736с.
- 11.История политических и правовых учений. Хрестоматия. - М., 2000.
- 12.Философский энциклопедический словарь. – М.:ИНФРА-М, 2001.-576 с.
- 13.И Рассел Б. История западной философии. – М.:“Академический проект”, 2000. - 765 с.
- 14.Философия конспект лекций - М.: “Приор” , 2001. - 224 с.
- 15.Ф.Мухиддинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.ТДЮИ.2002.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

16.Холов.Б. Монтескье сиёсий-ҳуқуқий таълимотида ҳокимият бўлиниши тамойили.МИ.

17.Доклад студентов гр.АИ-1-93 Рўбиной Маринў и Частухина Виталия

18.По предмету: « История учений о государстве и праве»  
Учение Цицерона о государстве и праве

19..Политические и правовые идеи в России в период образования и развития Российского централизованного государства.

20.Теория насилия в политических взглядах Л.Гумпловича и К. Каутского.

21.Политико-правовые идеи утопического социализма XVI-XVII столетий.

22.Ф.Мухиддина. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.  
Маъruzalар матни.2005.

## АҚШдаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар

- **Мустақиллик учун кураш даврида АҚШдаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг асосий оқимлари.**
- **Томас Жефферсоннинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. АҚШ Мустақиллик Декларациясининг асосий ғоялари.**
- **Томас Пейннинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Жамият ва давлат тушунчалари. Бошқарув шакллари. Инсон ҳуқуқи ҳимояси ҳақидаги фикрлар.**
- **Александр Гамильтоннинг сиёсий ва ҳуқуқий дунёқараши. Кучли федерал ҳокимият концепцияси.**


XVIII асрнинг 60-йилларига келиб Янги Англия (ҳозирги Америка Кўшма Штатлари АҚШ)да озодлик ҳаракатлари бошланди. 1765 йилда “Озодлик ўғиллари”, “Озодлик қизлари” каби ватанпарвар ташкиотлар тузилди. Улар сафига ишчилар, ҳунармандлар, майда фермерлар, балиқчилар, буржуазия ва зиёлиларнинг радикал қисмлари аъзо бўлиб кирди. 1775 йилга келиб Америка халқининг мустақиллик учун кураши авж олди. Мустақиллик тантанасида АҚШда шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йўналишлари муҳим аҳамият касб этди. 1776 йил 4 июлда мустақил давлат АҚШ ташкил қилинганлиги тўғрисида “Мустақиллик декларацияси” қабул қилинишида, 1781 йилда мустақил штатлар суверинитетини кўзда тутувчи биринчи Конституция кучга киришида Т.Жефферсон, Б.Франклин, Ж.Адамс, Т.Пейн, А.Гамильтон каби донишмандларнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ўз тасдифини топди.

Т.Жефферсон (1743-1826) — “АҚШ мустақиллик декларацияси” (1776) муаллифи, АҚШ президенти. Виргиния штати губернатори лавозимида фаолият юритган, Дин эркинлигини белгилаш тўғрисидаги штат қонунининг муаллифи бўлган. У бошланғич мактаблардан университетгача бўлган таълим жараёнини демократик республика учун хос бўлган ажralmas ҳуқуқ сифатида эътироф этади. Жефферсон виждон эркинлиги ҳуқуқини табиий ҳуқуқлар тоифасига киритади.

Томас Жефферсон давлат бошқарувида кўпчилик халқининг иштирокини қўллаб-қувватлайди. Чунки халқдан ҳукмрон бўлиб турган озчиликдан кўра камроқ адолатсизлик кутиш мумкин. Жефферсон республика бошқарув шакли тамойилларини федерал,

штат ҳамда алоҳида округ ва район даражаларида босқичма-босқич, аста-секинлик билан жорий қилиб бориш лозимлигини таъкидлайди.

### Томас ЖЕФФЕРСОН



Томас Жефферсон 1743 йилнинг 13 апрелида Шедуеллда, отаси — полковник Питер Жефферсоннинг плантациясида дунёга келган.

АҚШ президенти сифатида фаоллиги ва машҳурлиги бўйича XX асргача Томас Жефферсон (1801-1809) мамлакат отаси Вашингтон (1789-1797) ва қуллар халоскори Авраам Линкольдан (1861-1865) кейин учин ўринда турган. Тарих Жефферсонни, авваламбор, 1776 йилги мустақиллик Декларациясининг ҳамда Виргиниянинг 1786 йилги диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонунининг асосий муаллифи сифатида эътироф этади. ҳатто бугунги кунда ҳам Жефферсон демократияси, Жефферсон республикачилиги ёки жефферсончилик деган тушунчалар АҚШ сиёсатида кенг қўлланилади.

Томас Жефферсон 1826 йилнинг 4 июлида вафот этган.

Инқилобий Мintaقا конгрессида қаршилик ҳаракатининг энг жонкуяр вакили сифатида Жефферсонга мустақилликни эълон қилиш асослари лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди. Нихоят, Конгресс 1776 йилнинг 4 июлида Жефферсоннинг матнини жузъий ўзгартиришлар билан қабул қилди. Жефферсон бир умр мустақиллик Декларацияси ғоясига содик қолди: ҳалқнинг суверенитети бошқарув ҳукуматининг ягона манбаидир. ҳукумат ҳар бир инсоннинг табиий ҳукуқларини, айниқса яшаш, эркинлик ва баҳтли бўлишга интилиш ҳукуқларини ҳимоя этмоғи шарт.

Шунингдек, Жефферсон Виргиния қонун чиқарувчи ҳукумати аъзоси сифатида (1776-1779) мерос ҳукуқи қонунига ўзгартириш киритди, чунки ўша пайтгача мерос фақат тўнғич ўғилга ёки эркак авлодга қолдириларди. Жефферсон ўзининг энг яқин сиёсий ҳамкори Жеймс Мэдисон билан черковни давлатдан ажратиш тўғрисида қонун ишлаб чиқди ва бу қонун 1786 йили кучга кирди. Жефферсон Виргиния штатининг батафсил табиий-географик ва сиёсий-ижтимоий манзаралари акс эттирилган мақолалари билан Американинг қомусий кашф этилишига ҳисса қўшган европалик

маърифатпарварларнинг эътиборини торта олди. “Виргиния штати хусусида қайдлар” деб номланган бу мақолаларда муаллиф қулчиликни кескин танқид қиласи, бундай ҳолатни ғайритабий, эътиқодсизликка ва зўрликка асосланилган, қулларни ҳам, уларнинг эгаларини ҳам маънан мажруҳ этадиган тузум дея баҳолади.

1800 йилги президентлик сайловлари биринчи марта икки партия томонидан амалга оширилди. Жефферсон тарафдорлари хорижлик фуқаролар ва қўпорувчилик фаолияти тўғрисидаги қонунларга суюнган ҳолда эркин фикр юритишни бўғишга уринишларга қарши чиқдилар, шунингдек, улар солиқларни камайтириш ва бу билан федералчиларнинг ҳарбий-денгиз флотини молиялаштиришни тўхтатишларини талаб қилдилар.

**3. Жефферсоннинг президентлик давридаги сиёсий фаолияти.** Жефферсон 1801 йилнинг 4 марта президент сифатида фаолиятини бошлашдан олдин сўзлаган маъruzасида сўз ва матбуот эркинлиги тарафдори сифатида ўта кескин сайловолди курашидан кейин келишув томон бир қадам ташланганлигини намойиш этди. Сайловолди курашида газеталарда билдирилган фикрлар қарама-қаршилиги принципиал аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлади. Жефферсон ҳамда ўша газеталар “ҳуқуқларини ёлғон ва тухматдан ҳимоя қиласман”, дея сўз берди. Зоро, бошқарувнинг республикача шаклига ёки иттифоқнинг ўзига ҳеч қандай хавф таҳдид солиб турмаганди. Шунинг учун ҳам: “Биз ҳаммамиз республикачилармиз, биз ҳаммамиз федералчилармиз”, деган фикр янгради.

Жефферсон иккинчи президентлик муддати даврида ҳам мануфактуралар кенгайишига, Гамильтон томонидан ташкил этилган мамлакат банки фаолиятига эътиroz билдирамади. Англияга қарши савдо эмбаргоси эса саноатнинг, айниқса пахтачилик, тўқимачилик соҳаларининг ривожланишига олиб келди. 1806 йили Жефферсон қулларни эркин олиб келиб сотишга қарши қаратилган қрунун ишлаб чиқилиши жараённида фаол иштирок этди. Шундай қилиб, 1808 йилдан эътиборан Африкадан қулларни олиб келиб bemalol сотиш амалиётига барҳам берилди. Жефферсон ташабbusi билан бу қонун 1808 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Жефферсон ўз номзодини учинчи муддатга қўймаслигини эълон қилганди. Биринчи президент Вашингтонга хурмат юзасидан икки муддатдан ортиқ президент бўлмаслик анъанаси 1940 йилгача сақланиб келди. Умуман олганда, ташқи сиёсат соҳасидаги баъзи мувафақиятсизликларга қарамай, Жефферсон ўзидан кейин кучли

президентлик бошқарувини қолдирди. Жефферсон мухолифат етакчисидан давлатнинг энг юқори лавозимига кўтарилиган биринчи президент эди. 1800 йилга қадар президент тўғридан-тўғри эркин овоз бериш йўли билан сайланмасди. Бу лавозимга партия ташкилотлари ўз номзодларини тавсия этишар ва сайловда оқ танли аҳолининг асосий қисми иштирок этарди. Жефферсон президентлик фаолиятини бошларкан, давлат раҳбари сифатида партия манфаатларидан устун туришини билдириди. Бироқ, у фаолияти мобайнида зарур бўлиб қолган вазиятларда ҳеч иккиланмай, ўз партиясига суюнди. Жефферсон тажрибаси 1800 йилдан эътиборан Америка президенти мутлақо мустақил, партиялар таъсиридан холи бўлолмаслигини кўрсатди. Энди президент муентазам равишда ўз фаолиятининг тарафдорларини кўпайтириш учун кураш олиб бормоғи лозим бўларди. Жефферсон истеъфога чиққандан сўнг ёш қариндошларидан бирига бу ҳолатни: “Бизнинг бошқарув тизимимизда юқори лавозимни эгаллаб турган шахс, ўз вазифаси талабидан келиб чиққан ҳолда, бутун халқнинг ишончини қозониш учун барча воситаларни ишга солиши зарур. Фақат шундагина бу қудратли халқни бошқа кучлироқ халқ босиб ололмайди”, дея таъкидлаган эди.

Томас Пейн (1737-1809) — мустақиллик учун олиб борилган урушда ўзининг долзарб асарлари билан энг машҳур публицист сифатида шуҳрат қозонди. Пейн Франция инқилобининг иштирокчиси, Конвент депутати бўлган. У якобинчилар террорига қарши чиқанлиги учун қамоқ жазосига ҳукм этилади.

Пейннинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари “Инсон ҳуқуқи” (1791) сиёсий-фалсафий очеркида, “Ақл асли” (1794-1795) памфлетида ифодалаб берилиган. Пейн биринчилардан бўлиб давлат ва жамиятнинг келиб чиқиши, ўрни ва мақсадларининг фарқли жихатларига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, жамият – инсонлар эҳтиёжи натижасидир. Давлат эса – инсонлар нуқсонларининг натижасидир.

Давлат бошқаруви шаклларини у иккига бўлади: сайланадиган вакиллик ва мерос асосидаги бошқарув. Биринчи тоифага у республикани, иккинчисига – монархия ва аристократияни киритади. Инсон ҳуқуқи республика бошқарувининг зарурий атрибути ёки тамойилини ташкил этади. Ушбу ҳолатда инсон ҳуқуқи барча

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

маърифатли миллатларнинг (давлатларнинг) дунёвий бошқарувининг ажралмас қисмидир.

Александр Гамильтон (1757-1804) — федералистларнинг раҳбари, атоқли давлат арбоби, марказлашган федерал ҳукумат тарафдори.

Гамильтон давлат бошқарувида халқ ҳокимияти устунилигини қўллаб-куватлайди. Шунингдек у ҳокимиятлар бўлинишига риоя қилиш федерал ҳокимиятни сақлаб қолиш ва унинг фаолиятини самарали амалга оширишнинг муҳим мезони деб билади. Гамильтон “Федералист” журналида чоп этилган асарларида федерал марказнинг афзалик томонлари тўғрисида фикр юритади. У олий суд судъялари умрбод тайинланиши, мустақил фаолият кўрсатиши, уларга яхши ҳақ тўланиши, ҳурматга сазовор бўлиши лозимлигини уқтиради. Фақат шундагина уларнинг қонунларга бўйсунишларини таъминлаш, ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан ўзаро таъсир ва бир-бирларини тийиб туриш тамойили асосида ҳамкорлик ўрнатиш мумкин бўлади. Гамильтоннинг фикрича, қонунчилик ҳокимияти – маблағ, ижро ҳокимияти – қилич ва суд ҳокимияти – донолик соҳибидир.

Кисқача айтганда, Жефферсон, Пейн ва Гамильтонларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари АҚШ мустақиллигининг назарий асосларини яратишида муҳим аҳамият касб этди. Дарҳақиқат, улар илгари сурган сиёсий-ҳуқуқий ғоялар “Мустақиллик декларацияси”да, АҚШ Конституциясида ўзининг амалий ифодасини топганлигининг ўзиёқ бу мутафаккирлар нечоғли теран таълимот яратганликларидан гувоҳлик бериб туради.

### АҚШ ҳуқуқий тизими ҳақида тавсилот

Ҳуқуқий тизим фақат қисман прецендент принципига сұянади. Ҳуқуқий тизимнинг асоси федерал ва штатлар даражасида мавжуд бўлган ёзма қонунчиликдир. АҚШ федерал кодекслари тўпламининг ўзи 166 жилдан иборат. Масалан, Калифорния қонунчилиги 75 мавзудаги 174 жилдда баён қилинган бўлиб, корпорациялар тўғрисидаги қонунлардан тортиб то маориф кодексигача ўз ичига олади.

Шу билан бирга, суд ҳокимиятининг кучини кўрсатувчи прецендент ҳуқуқи ҳам ривожланмоқда. Умумий ҳуқуқ ўхшаш вазиятлардаги суд қарорларига эргашишга асосланади. Аппеляция

судларининг қарорлари кўп жилдли тўпламлар шаклида нашр этилади. Прецендент ҳуқуқининг асосий доктринаси прецендент қоидаларини кўр-кўrona кўчириш эмас, балки бир можарони бошқасидан фарқлашга имкон беради. Шунинг учун судьялар янги ҳуқуқий қоидалар яратиши мумкин.

Ҳуқуқий тизим таснифига кўра, фуқаролик ва жиноий ҳуқуқ, моддий ва процессуал ҳуқуқ, хусусий ва маъмурий ҳуқуқлар фарқланади.

Бундай бўлиш қонун қатъий қоидалар тўплами деган нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин. Бироқ кодексларнинг барқарорлиги қам, прецендентларнинг уйғунлиги қам ҳуқуқий тизимнинг асл мақсади эмас. Асл мақсад — талаб қилинаётган янгилик ва мавжуд қонунларга ворислик ўртасида зарур иерархияни сақлаган ҳолда мувозанатни сақлашдан иборат.

### АҚШ конституцияси

Кўшма Штатлар халқи, янада баркамол иттифоқ тузиш, одил судловни ўрнатиш, ички осойишталикни кафолатлаш, биргаликда мудофаани таъминлаш, умумий фаровонликка йўл очиш қамда озодлик неъматларини мустақамлаб қўйиш мақсадида Америка қўшма Штатлари учун мамлакат конституциясини тантанали равишда эълон қилди.

Шунга кўра Конституциявий конвент томонидан 1787 йил 17 сентябрда Филадельфияда АҚШ Конституцияси қабул қилинди, 1789 йил 4 мартдан бошлаб у кучга кирди. АҚШ конституциясининг асосида учта принцип ётади, булар: бўлиниши, федерализм ва конституциявий суд назорати. Биринчи принципга кўра, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд қокимиётлари бир-биридан мустақилдир. АҚШда федерализм тизими самарали ишламоқда.

Маълумки, АҚШ — президентлик республика. Президент — ижроия ҳокимиятининг бошлиғи. У айни вақтда давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади ва 4 йилга сайланади. Пезидент — олий бошқўмондон, ташки сиёсатнинг бошқарувчиси. У вазирлар ва идоралар бошлиқларини тайинлайди. қонун чиқарувчи орган — Конгрессни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга эмас. Конгресс эса ўз навбатида президент томонидан тақдим этилган қонун лойиқасини қўллаб-куватламаслиги мумкин. Президент Конгресс томонидан қабул қилинган қонун лойиқаларни тасдиқлашга қамда уларга вето

қўйишга ҳақлидир. Президент Сенатнинг рухсати билангина қатор ваколатларидан (масалан, халқаро шартномалардан) фойдаланиши мумкин. Суд ҳокимиятига эгалик қилувчи АҚШ Олий судини президент ва Сенат биргаликда тузади. Олий судга Конгресс қонунлари ва қуумат қарорларини конституцияга мос эмас деб топиш ҳуқуқи берилган.

Федерализм моделига кўра, федерал ҳуумат ва федерация субъекти бўлган штатлар ўртасида вазифалар бўлинади. АҚШ штатлари муайян даражада мустақилликка эга бўлса-да, ташқи сиёсий фаолиятда иштирок эта олмайди. Шунингдек, улар федерациядан ажралиб чиқиши ҳуқуқига эга эмас. Штатларнинг ваколатлар доирасига қўйидагилар: ички қонунлар ва конституцияни қабул қилиш, савдо ва ишбилармонликни бошқариш, ички тартибни сақлаш ва қоказолар киради.

АҚШ конституцияси муқаддима ва 7 та моддадан иборатdir. Муқаддимада конституцияни қабул қилишнинг мақсадлари айтиб ўтилган.

И моддада АҚШ Конгрессининг ваколатлари тузилиш, шаклланиш тартиби ва фаолияти қақида айтилади.

ИИ модда президент қокимияти тўғрисида бўлиб, унда айтилишича, ижроия қокимияти АҚШ президентига топширилади. Бу моддада президентнинг қатор ваколатлари санаб ўтилган, уларни бажариш муддати ва қоказолар белгиланган.

III модда Федерал суд қокимияти тўғрисида бўлиб, унда айтилишича, Олий суд ва бошқа федерал судларга АҚШнинг суд қокимияти топширилади.

IV модда штатлар ўртасидаги ўзаро муносабат қамда штатлар ва федерал қуумат ўртасидаги муносабатлар тўғрисида.

V моддада конституцияга тузатишлар киритиш тартиби ҳақида фикр юритилган.

VI моддада конституция ва федерал қонунлар Олий қонун деб эълон қилинган.

Охирги VII моддада конституциянинг кучга кириш учун кўпчилик штатлар томонида ратификация қилиниши зарурлиги ҳақида айтилади. Конституциянинг асосий қисми унга киритилган тузатишлар бўлиб, қозирги кунга келиб уларнинг сони 26 тага етган. Дастраси — «Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл» алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда фуқароларнинг сиёсий, шахсий ва процессуал ҳуқуқлари кафолатланган. Америкаликлар бу

конституцияси билан фахрланадилар. АҚШ конституцияси инсоният тарихидаги энг қадимги конституция қисобланади. У Филадельфия конвентининг 55 та делегати томонидан қабул қилинган. Бу жараёнда Жорж Вашингтон, Бенжамин Франклайн, Жеймс Мэдисон, Александр Гамильтон каби машқур америкаликлар иштирок этишган. АҚШда яшашни хоқловчи муқожирлар мамлакат қонунларини, айниқса конституциясини билишлари шарт. Америка фуқаролигини олиш учун имтиқонда улардан нафақат тилни, балки мамлакатнинг қонунлари, тарихини билиш қам талаб этилади. АҚШ конституциясининг дастлабки матни Вашингтондаги миллий архивда сақланмоқда.

50 штатнинг қар бири ўз конституциясига эга. Штатлар конституциялари, бир томондан, мамлакат конституциясини мустақкамлайди ва кенгайтиради, иккинчи томондан штатларнинг ваколати доирасига кирувчи масалаларга тегишли бўлади. Нимани ҳуқуқий этикетга амал қилиш ва таъминлаш дейиш мумкин ёки нимани бундай дейиш мумкин эмаслигини аниқлаш зарур бўлган қар қандай ишда конституциявий масалалар келиб чиқиши мумкин. Бу нарса Америка конституциясининг энг муқим ўзига хосликларидан биридир. Конституцияга бешинчи тузатишда қокимият зулмидан қимояланиш борасидаги шахснинг мутлақ ҳуқуқи мустақкамлаб қўйилган. Кўплаб чекловлар қаторида шундай қоида қам мавжуд: “Кеч бир одам ноқонуний равища қаётидан, эркидан ва мулкидан мақрум этилиши мумкин эмас”. Бу чекловга амал қилмаган қолда бирорта суд хулосаси ёки маъмурий идоралар қарори чиқарилиши, шунингдек, ҳуқуқни муқофаза қилиш идоралари фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

### **АҚШ Олий суди**

Олий суд мамлакат федерал суд қокимиятининг олий органи ва федерал суд тизимидағи сўнгги инстанция қисобланади. АҚШ Олий судининг апелляцияси барча федерал судлар тизимиға таъсир этади. АҚШ Олий суди расман федерал округи апелляция судига берилган қар қандай апелляция шикоятини кўриб чиқиши мумкин, аммо одатда округ судларида кўриб чиқилган ва конституциявий ақамиятга эга принципиал қарорлар қабул қилишга асос берадиган жиноий ишларни кўриб чиқади. Ўз қарорларида АҚШ Олий суди фақат маълум бир жиноий ишнинг тақдирини қал қилмай, балки мазкур иш

юзасидан конституция меъёрларига зид бўлган ҳуқуқий жараёнларга тегишли талқин беради, кўпинча эса у ёки бу қонуннинг конституцияга мувофиқлигини бақолаб, уни қаракатдан тўхтатади.

Саккиз кишидан иборат Олий суд раиси ва аъзолари АҚШ президенти томонидан Сенат розилиги билан умрбод муқлатга тайинланадилар. Улар 70 ёшга етгач, истеъфога чиқиши мумкин. Олий суд бир йилда 36 қафта ишлайди. Олий суд судьялари муқокамасига бегоналар қўйилмайди. АҚШ бутун тарихи давомида Олий суд штатларнинг 1000 дан ортиқ қонуний қужжатларини конституцияга зид деб топган.

АҚШ Олий суди қарор якуний қарор бўлиб, у фақат АҚШ Конгрессининг қандайдир бир сиёсий чора-тадбирлари натижасида ёки АҚШ конституциясига тузатиш киритиш орқали ўзгартирилиши мумкин.

### Суд-ҳуқуқ таркиби

Штатлар суд идораларининг таркиби қуйидаги идоралардан ташкил топади: қуи инстанция судлари—кичик даъво судлари—келиширувчи судлар; 1-инстанция судлари—муқокама судлари—олий судлар; биринчи аппеляция босқичи бўлган аппеляция судлари; барча қуи судлар бўйича аппеляцияни кўриб чиқувчи штатнинг Олий суди (унинг қарорлари штатнинг барча судлари учун мажбурий). Штатнинг Олий суди, масалан, ўлим жазоси ёки қонун томонидан кафолатланган масала билан боғлик бўлмаган ишларни аппеляцияга қабул қилиши мажбур эмас. Бошқа қолатларда Олий суд қандай баҳсли масалада қарор қабул қилишни ўзи ҳал этади. Штат Олий судининг баъзи қарорлари устидан АҚШ Олий судига аппеляция шикояти ёзиш мумкин. Иш маълум бир судда кўрилиши учун можаронинг қажми мазкур суд ваколатлари доирасига, можаро мазмуни эса унинг юрисдикциясида кириши керак.

Иш қайси судда кўрилиши даъво миқдорининг катта-кичклигига боғлик бўлади. Маслан, заарар миқдори 50 минг доллардан ошмайдиган даъволар муниципал судлар ваколатига тегишилдир, бундан ортиғи эса юқори судлар томонидан кўриб чиқилади.

Федерал судларга берилган даъволар округ даражасидан бошланади. Ҳар бир штат камида битта округ федерал судга эга бўлади. Бу судлар ваколатлари доирасига федерал қонунчилик амал

қиладиган барча можаролар (жиноий иш, денгиз қонунчилиги ёки патент қонунчилигигача) киради, шунингдек, турли штатлар ақолиси ёки америкаликлар билан чет эл субъектлари ўртасидаги даъво миқдори 10 минг доллардан кам бўлмаган ишлар киради. Аксинча бўлса, иш штат судларида кўрилади. Ишнинг федерал суд тизимида кўрилишининг энг муқим жиқатларидан бири — бу можаронинг предмети федерал қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлиши лозим. Бундай даъволарда даъво миқдори катта ақамиятга эга бўлмайди.

Федерал суд тизими Америка давлати ва қукуматига нисбатан даъволар кўриладиган “Даъво суди”, округ судлари даражасида ишловчи “Банкротлик суди”, солиқ идораси қарорлариға қарши қаратилган “Солиқ суди”, божхона масалалари кўриладиган “Халқаро савдо суди” сингари маҳсус судларни қам ўз ичига олади.

Қарбий трибуналлар алоқида тизимга ажратилган. Уларнинг муқокамаси одатда ёпиқ шароитда ўтади ва чоп этилмайди.

Федерал тизимда аппеляциялар 13 федерал аппеляция судидан бирида кўриб чиқилади. Уларнинг қарорлари барча округ судлари учун мажбурийдир. Мамлакатнинг Олий суди бир штатнинг бошқа штатга нисбатан, АҚШнинг бошқа давлатларга нисбатан барча даъволарида асосий ва мутлақ юрисдикцияга эга. Олий суднинг асосий вазифаси — аппеляциявий вазифадир. Штатларнинг Олий суди сингари мамлакат Олий суди қам факат айrim тоифага мансуб ишларни аппеляцияга қабул қилиши керак. Бу дегани, аппеляцияга берилган ишларнинг баъзиларигина Олий судда кўриб чиқилади, асосий қисми эса рад этилади ва шу тарзда олдинги босқич судининг қарори ўз кучида қолади. Штат судлари аъзолари штат конституциясига кўра сайланишлари ёки тайинланишлари мумкин. Федерал суд аъзолари эса Конгресс розилигини олиш йўли билан президент томонидан умрбод муддатга сайланади.

Қарор қабул қилиш. АҚШ ҳуқуқий тизимининг асосий хусусияти суд-муқокама ва ҳуқуқий-аниқлов функцияларининг ажратилганидир. қоидага кўра, жарённинг бир қатнашчиси ишдаги фактлар ва уларнинг қанчалик ишонарли эканини аниқлайди, иккинчиси бу фактларга қайси қонун тадбиқ этилишини қал қиласи ва ҳуқуқий этикетга риоя қилинишини кузатади. Биринчи вазифани қакамлар, иккинчи вазифани судья бажаради. Томонлар истагига кўра қар икки вазифани қам судья бажариши қамда иш қакамлар иштирокисиз кўрилиши мумкин.

Ҳуқуқий тизимнинг бошқа фарқли томони — қарор қабул қилишнинг “ҳуқуқий мантиқ” деб аталган усули. Бу мантиқ даъвони қал қилиш учун ҳуқуқий қоидаларни танлаб олиш ва бу қоидаларни ишдаги далиллар билан таққослаш механизми сифатида амал қиласди. қоида ва далилларни танлаб олиш судья томонидан, қар бири ўзининг қоида ва даллиларини қимоя қилаётган томонлар талаби ва босими остида амалга оширилади. Бундай қолларда ҳуқуқий меъёрлар кўпинча турлича талқин қилиниши мумкин. “Умумий ҳуқуқ”ни талқин қилиш билан боғлиқ даъволарда “бир хил можаролар бир хил қал қилиниши керак” деган қоида судларнинг прецендентга, яъни олдинги худди шундай ишларда чиқарилган қоидаларга амал қилишини талаб қиласди. Шу билан бирга, мазкур ҳуқуқий доктрина судларга янги ҳуқуқий қоидалар яратиш йўли билан прецендентнинг амал қилишини бузиш имконини ҳам беради.

Қонунларни ҳуқуқий талқин қилишнинг турлича восита ва усуллари мавжуд. Уларнинг энг муҳими “қонун чиқарувчиларнинг нияти”, яъни қабул қилинган қонундаги сўзнинг маъноси ва ақамияти қақида суд қарор чиқаришидир. қонуннинг мазмунини аниқлашнинг бошқа воситаси — бу қонуннинг тарихини тақлил қилиш, яъни қонун чиқарувчилар қонундаги у ёки бу модда билан нимани назарда тутганлиги қақида исбот излашдир. Суд, шунингдек, бошқа суд идоралари, қонунни ижро этиш тартибларини белгиловчи давлат идоралари томонидан чиқарилган қонуннинг олдинги талқинларидан қам фойдаланиши мумкин.

Ҳуқуқий тизимнинг зўравонлиги эҳтимоли кўп омилларни чеклайди. Биринчидан, Америка судида адвокатларнинг роли қеч қайси мамлакат билан тенглаштириб бўлмайдиган даражада каттадир.

Иккинчидан, кўплаб ишларнинг қарорлари далилланган бўлиши ва у ёзма баён қилиниши шартлиги туфайли судья ўз қарорини аппеляция пайтида сохталаштира олмайди. Унинг хизмат қофози билан фақат аппеляция судлари, қамкаслари ва журналистлар эмас, балки қар бир судья томонидан суд мажбуриятларининг бажарилишини бақоловчи агентлик қам кузатиб туради. Судъяларнинг сайланиши механизмида суд идораларининг мустақиллиги уларнинг фаолиятида қатъиятлилик учун қам, анъаналар билан келишувларга боришга қам ўрин қолдиради. Қакамларга келсак, Америка судида адолат - қонуннинг қонунсизлик устидан ғалабаси, инсонийликнинг тантанаси эмас, балки 12 эркак ва аёлнинг қар бир алоқида ишдаги қароридир.

Катта жюри (Гранд журй). Оғир жиноятларни кўриб чиқувчи суд маслақатчиларидан ташкил топган институт бўлиб, суднинг қарорига кўра йиғилади. У одатда 16 дан кам ва 23 дан кўп бўлмаган суд маслақатчиларидан иборат бўлади. Бу масалада штатларнинг қонунчилиги бир хил эмас: яъни катта жюри штатларнинг қаммасида қам йўқ. Агар бўлса қам, суд маслақатчиларининг сони қамма ерда қар хил. Шундай қилиб, Нью-Йорк штатида уларнинг сони 16 дан кам 23 дан ортмаслиги лозим; Иллинойс қонунига кўра бу рақам 23 тани ташкил этиб, улардан 16 таси кворум аъзоларидир; Орегон ва Юта штатларида катта жюри 7 кишидан, Жанубий Дакотада — 6-8, Техасда — 12, Айдахода — 16, Вашингтонда — 12 дан 17 гача, Шимолий Дакотада — 16 дан 21 гача маслаҳатчилардан иборат бўлади.

Суд маслаҳатчиларидан, энг асосийси, ўз вазифаларини холис, бетарафлик асосида бажариши талаб этилади. Айбловчи ва айбланувчи катта жюрининг бутун жамоасига ёки унинг айрим аъзоларига рад жавоби беришга қақлидир. Суд маслақатчиларини танлашда ва уларни йиғишда қонунда белгиланган шартларга риоя этилмаганлиги қамда у ёки бу суд маслақатчисининг ўз вазифасини холис бажармаётганлиги рад жавоби бериш учун асос бўла олади. Аризанинг асосли эканлигини судья қал қиласди.

Суд маслақатчилари танлангандан кейин, улар қасамёд қиласдилар. Шундан сўнг судья уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ва кўриб чиқиладиган жиноий ишлар тўғрисида маълумот беради. Судья жюри аъзолари орасидан бошлиқ ва унинг ёрдамчисини тайинлайди. Катта жюри кўрилаётган иш бўйича мунозарали масалаларни қал қиласди. У фактат жиноий ишни кўриб чиқиш учун етарли асос бор ёки йўқлиги кўрсатиб беради. Одатда, айбловчи келтирадиган далил ва исботлар жюри аъзоларининг қарор чиқариши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Айблов ҳақидаги қарор кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади. Федерал қонунга кўра айблов эълон қилиш учун 12 та суд маслақатчисининг розилиги етарлидир. Айблов тегишли резолюцияда ўз аксини топади ва уни жюри бошлиғи имзолайди. Тасдиқланган қужжат жюри бошлиғи томонидан очик судда судьяга топширилади. Агар айблов катта жюри томонидан асоссиз деб топилса, жюри бошлиғи резолюция тузади ва дарқол бу қарор қақида судьяга маълум қиласди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Суд маслаҳатчилари биргаликда 18 ой давомида иш олиб боришади.

Федерал қидирув бюроси (ФҚБ)

ФҚБ — АҚШ Адлия вазирлиги идораси. Штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган. 1908 йили яширин тадбиркорлик ва ноқонуний ер савдосини аниқлаш учун ташкил этилган. ФҚБ Э.Гувер даврида янги вазифаларга эга бўлди. Уюшган жиноятчиликка, терроризмга, гиёқванд моддалар савдосига, мансаб жиноятларига, зўравонлик қолатларига, АҚШ ҳудудида бошқа давлатлар разведкаларига қарши кураш ФҚБ фаолиятининг энг муқим йўналишлариданdir.

Бюронинг вазифалари қаторига давлат идораларидағи лавозимларга номзодларни текшириш ҳам киради. Бунда муайян номзоднинг «бошқаларнинг АҚШ конституциясида белгиланган ҳуқуқларини поймол этиш ёки АҚШ бошқарув шаклини конституцияга зид равишда ўзгартириш мақсадида» куч ишлатишни қўллаб-қувватлайдиган тоталитар, фашистик, коммунистик ёки қўпорувчилик кўринишдаги ташкилотларига, қаракатларига аъзо эмаслиги аниқланади.

ФҚБ Академияси Виржиния штатидаги Куантико шахрида жойлашган. 16 қафтага мўжалланган дастур тингловчилари бу ерда криминалистика, ашёвий далиллар, конституциявий ва жиноий ҳуқуқ, қидирув усуллари, ўзини қимоялаш ва қурол ишлатиш бўйича машғулотларда қатнашадилар. Академия ҳудудидаги амалий машғулотларда жиноятчини тутиш, гиёқванд моддалар сотувчиси ва товламачиларни қўлга олиш, гаровга олинганларни озод қилиш сингари операциялар техникаси ўргатилади. Академияга факат коллежни тугатганлар қабул қиласиди. Ҳукуқшунос ва бухгалтер дипломи Академияга коллежни тугатиш биланоқ кириш ҳуқуқини беради. Бошқа мутахасислик дипломи эгалари ўз соҳаларида уч йил ишлашлари керак. Ҳар уч йилда бир марта ФҚБ оператив ходимлари Академияга малака ошириш учун келадилар. Бу ерда Американинг барча полициячилари қайта тайёргарликдан ўтадилар.

Федерал қидирув бюросида 24 мингга яқин ходим, жумладан 10 мингга яқин махсус агент хизмат қиласиди, унинг йиллик бюджети 2,2 миллиард долларни ташкил этади. Бюро рақбари АҚШ президенти томонидан тайинланади ва Конгресс томонидан тасдиқланади.

## АҚШ президентлари: оддийлик ва буюклиқ

Америкаликларнинг статистика ва рекордларга қаттиқ қизиқиши президентларни қам четлаб ўтмади. Чунончи, кўплаб бошқа далиллар қаторида қуидагилар қайд этилган: қозирги президент Жорж Буш Америка қўшма Штатларининг 43-президентидир, аммо лавозимни эгаллашига қараб қисоблайдиган бўлсак, у 42-президент қисобланади, чунки Гровер Кливленд ўз бошқарувининг муддатлари орасидаги узилиш туфайли икки марта қисобланган. Президентликка шу пайтгача фақат оқ танли эркаклар сайланган, бироқ вице-президентликка номзодлар орасида аёл киши қам бўлган — Жеральдин Ферраро 1984 йили Уолтер Мондейл билан бирга республикачилардан номзодлар Рейган ва Бушга сайловни ютқазганлар. Сайлангунга қадар президентларнинг кўпчилиги адвокатлик билан шуғулланишган, бироқ 11 президент — Вашингтондан Эйзенхауэргача — қарбий бўлган ва генерал унвонигача хизмат қилган. Қозирги президент Жорж Бушгача 41 президентдан фақат 15 таси биринчи муддатдан кейин дарқол иккинчи муддатга сайланган (фақат Франклин Д. Рузвелт уч марта сайланган) ёки танаффусдан сўнг яна бир марта сайланган (Кулиж); тўрт президент (Теодор Рузвелт, Калвин Кулиж, Гарри Трумэн ва Линдон Жонсон) олий лавозимга вице-президентликдан ўтган ва навбатдаги сайловда тасдиқланган; 22 президент Оқ Уйда фақат 4 йилдан ва бундан қам кам хизмат қилган. Тўрт президент (Уильям Гаррисон, Закари Тейлор, Уоррен Гардинг ва Франклин Рузвелт) лавозимни эгаллаб турган даврида вафот этган; тўрт президент: Авраам Линкольн, Жеймс Гарфилд, Уильям Мак-Кинли ва Жон Ф. Кеннеди ўлдирилган; Ричард М. Никсон истеъро берган. Президентлардан фақат Жеймс Бьюкенен бўйдоқ бўлган. Теодор Рузвелт президентлик лавозимига ўтирган энг ёш президент қисобланади — 42 ёш (бироқ у ўлдирилган Мак-Кинлининг ўрнини эгаллаганлиги туфайли энг ёш сайланган президент шуқрати 43 ёшли Кеннедига тегишли). 69 ёшида лавозимга ўтирган Рональд Рейган энг кекса президентдир. қўшма Штатларнинг иккинчи президенти Жон Адамс энг узок умр кўрган — у 91 ёшида вафот этган. Шуниси эътиборга моликки, у учинчи президент Томас Жефферсон билан бир кунда — 1826 йил 4 июлда, иккаласи Мустақиллик декларациясини имзолаганидан сўнг роппа-роса 50 йил ўтиб вафот этган. Қозирги

кунгача мавжуд бўлган партия тизими вужудга келган 1856 йилги президент сайловидан буён республикачилар 21 марта, демократлар эса фақат 14 марта ғолиб чиққанлар. Учинчи партиядан қўйилган ёки мустақил номзодларнинг бирортаси қам ғалаба қозонмаган, аммо Южин В. Дэбс (Социалистик партия, 1912 йил), Теодор Рузвельт (Прогрессив партия, 1912 йил), Роберт М. Лафоллет (Прогрессив партия, 1924 йил), Жорж Уоллес (Америка мустақил партияси, 1968 йил) ва Росс Перо (мустақил номзод, 1992 йил) қурмат-эктиромга асосланган ютуққа эришганлар.

Жамоатчилик фикрини ўрганувчи олимлар, тарихчилар ва сиёсатшуносларнинг яхши кўрган машғулоти ўзига хос жадваллар тузиш бўлиб, уларда президентлар халқ орасида машқурлигига ёки ракбарлик фазилатига кўра ва якуний қисобда уларнинг тарихий «улуғворлиги»га қараб жойлаштирилади. Қамма жадвалларда Линкольн, Вашингтон ва Жефферсонлар (кўпинча шу кетма-кетликда) пешқадамлик қиласидилар, Улисс С. Грант эса ҳамиша сўнгги ўринни эгаллаб келади. Кенг оралиқ майдонда жамоатчиликнинг кайфиятидан ёки ревизионистик илмий тадқиқотлардан келиб чиққан қолда, кўпинча жиддий ўзгаришлар кузатилиди.

Уч етакчи АҚШнинг жамоавий онгига афсонавий шахсларга, уларнинг Вашингтондаги ҳайкаллари эса — миллий зиёратгоҳга айланган. Жорж Вашингтон Америка миллий тарихининг тамал тошини қўйган шахс бўлиб, у АҚШ давлатчилигининг асосчиси сифатида тилга олинади. Мамлакат пойтахти ҳам Вашингтон иштирокида лойиҳалаштирилган ва унинг номи билан аталган; шаҳардаги машҳур сайилгоҳнинг ўртасида унинг ҳайкали қад ростлаб туради. қўшма Штатлар биринчи президентининг таъсири ҳанузгача сўнмаган. Томас Жефферсон Мустақиллик декларацияси принциплари, репрезентатив демократия неъматлари ва халқнинг ўзини ўзи бошқариш қобилиятининг тимсоли ҳисобланади. Нихоят, Авраам Линкольн миллатнинг бирлиги ва — ўз ўлими билан — Америка тарихининг буюк эпоси бўлган фуқаролар урушида миллий тикланиш ва қулчиликни тугатиш йўлида берилган қурбонни тажассум топтиради. Учала ҳолатда ҳам «улуғлик»нинг эътироф этилиши ҳеч кимда эътиroz уйғотмайди. Ўз мамлакатини XX асрдаги иккала жаҳон урушида ғалабага олиб келган президентлар Вудро Вильсон ва Франклин Д. Рузвельтнинг улуғлиги ҳам шубҳасизdir. Агар бу арбобларни ягона назар билан бирлаштиrsак,

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

---

идеал президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат арбоби, ҳам ҳукумат бошлиғи, ҳам сиёсий мутафаккир, ҳам ҳарбий стратег бўлиши керак экан деган-хулоса келамиз.

Президент ва Конгресс ўртасидаги муносабатларда Жорж Вашингтон давридан бошлаб деярли қеч нарса ўзгармади, чунки ижро этувчи ва қонун чиқарувчи қокимиятнинг комплекс қамкорлиги ва қарама-қаршилиги Америка ҳукумат тизимининг асосий константалари қисобланади. Тарих президент партияси Конгресснинг бир ёки қатто иккала палатасида қам камчиликни ташкил қилиши самарали бошқариш учун тўсиқ бўла олмаслиги лозимлигидан сабоқ беради. Худди шунингдек, президент партияси вакиллар палатаси ва сенатда қуқмронлик қилган тақдирда қам президент муваффақиятсизликка учраши мумкин. қобилиятли президентлар қамиша ишонтириш ёки муросага келиш орқали Конгрессдаги кўпчилик билан тил топиш ва парламент аъзоларининг қокимиятга даъволарини зарур қолда вето қўйиш йўли билан қайтаришга муваффақ бўлганлар. Бироқ Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ташқи сиёсатда Конгресс иштирокисиз ёки Конгрессни четлаб ўтиб иш олиб бориш тенденцияси кучайди. Бу конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан қам, сиёсий нуқтаи назардан ҳам шубҳали бўлиб, президентга ва бутун президентлик институтига ишончнинг йўқолишига, уларнинг обрўси тушиб кетишига олиб келиши мумкин.

Чет мамлакатларнинг ҳукуматлари ва жаҳон жамоатчилигига нисбатан президент Америка иқтисодий манфаатларининг олий вакилидан ҳам юқори турди. Вильсоннинг демократия учун салб юриши XIX асрнинг Тақдир манифестиини АҚШнинг жаҳон миқёсидаги вазифасига айлантириш борасидаги дастлабки уриниш бўлди. Йигирма йилдан сўнг Рузвелт ўз ваколатларини умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш вазифаси сифатида тушунди. Бу вазифани у тажовузкорлар устидан ғалаба қозониш ва Бирлашган миллатларга асос солиш ёрдамида бажаришга қаракат қилди. «Совуқ уруш»да Трумэн ва Эйзенхауэр глобал иттифоқчилар тизимининг ўзига хос меъморлари бўлдилар ва ўз издошлари сингари озод ва очик дунё қамда Фарб қадриятларини тарғиб қилдилар. Коммунистик хавф-хатар барқам топганидан сўнг президентнинг овозига кам қулоқ сола бошладилар. Вақоланки, унинг сафарлари ва оммавий чиқишлари бош штабда юзлаб ходимлар томонидан режалаштирилди ва оммавий ахборот воситалари томонидан жақоннинг барча бурчакларида намойиш қилинади.

## Жорж ВАШИНГТОН

(Президентлик даври — 1789-1797 йиллар)

Жорж Вашингтон 1732 йилнинг 22 февралида Виргинияда бой плантатор оиласида дунёга келган. Жоржни ўгай акаси Лоуренс тарбиялаган. Унга Виргиниянинг энг сармоядор ер эгаларидан бўлган лорд Фэафекс устозлиқ қилган.

У 27 ёшида анчагина сармояга ва 150 нафар қулга эга, икки фарзанди бор бева Марта Дендриж Кастисга уйланган. Вашингтоннинг ўз фарзанди бўлмаган, шу сабаблими у Мартанинг биринчи никохидан бўлган ўғил ва қизига чин оталик қилиш вазифасини зиммасига олган.

Вашингтон дунёқарashi ва сиёсий фалсафаси ўша давр инглиз мухолифат адабиёти таъсирида шаклланган.

Жорж Вашингтон – АҚШнинг биринчи президенти, Америкада президентлик институтига асос солган шахс. Шунинг учун ҳам унинг номи Америка миллий тарихида муносиб ўрин тутади.

У 1799 йилнинг 14 декабрида вафот этган.

Вашингтон XVIII аср 60-йилларидан кейинги Англия империячилик сиёсатини аграр мафкура сифатида тушунарди. Кўчиб келганларнинг «кўҳна ҳуқуқлар»га ҳужумини эса, агар унга қарши кескин равишда қарши турилмаса, мустамлакачиликнинг ўзини ўзи бошқаруви барҳам топишига замин яратади деб ҳисобларди. Бу курашда раҳбарликни умум манфаати йўлида шахсий, моддий манфаатлардан юқори турувчи миллат гуллари ўз зиммаларига олмоқлари керак. Ўз навбатида халқ бу қатламга лозим даражадаги хурмат-эътибор билан қарashi даркор. Шу муносабат билан Вашингтон Британиянинг солиқ қонунларини ва сувренетга дохил қилишини кескин қоралаб чиқди. Виргиния парламентида ҳамда 1774 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган биринчи Қитъа конгрессида Вашингтон биринчилар қаторида Англияга қарши қуролли қўзғолонни қўллаб-қувватлади.

1775 йилги Лексингтон ва Конкорд яқинидаги жанглардан кейин Вашингтон иккинчи Қитъа конгрессида бир овоздан бутун Америка ҳарбий кучларининг бош қўмондонлигига сайланди. 1775 йилнинг июлида Массачусетс штатидаги Кембриж шахрида Вашингтон британияликлар босиб олган Бостонни қамал қилиб турган

қўшинларга раҳбарликни ўз зиммасига олди. 1776 йилнинг март ойида шаҳарни озод қилишга муваффақ бўлинди, лекин 1776 йилнинг 4 июлидаги мустақиллик Декларациясига биноан Американинг ўн уч штати қатор муваффақиятсизликларга дучор бўлди. Франция билан иттифоқ исёнчиларнинг мавқелари мустаҳкамланган 1778 йилга қадар Вашингтоннинг улкан хизмати шундаки, у ўз аскарларини ушлаб тура олди ва яхши тайёргарлик кўрган, Британия армиясининг қАҚШатқич зарбасига учрашдан сақлаб қолди. У қулай фурсатни пойлаб туриш, кутилмагандан ҳужум қилиш тактикаларига оғишмай амал қилган ҳолда, дастлабки хатоликларнинг ўрнини тўлдирди ва аста-секинлик билан ташаббусни яна ўз қўлига олди. Вашингтон қатъий тартиб-интизомга амал қилгани ва ҳамиша, ҳар қандай шароитда аскарлар ва офицерлар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда чиқишлиар қилиб тургани учун ҳам ўз қўл остидагиларининг хурматига сазовор бўлди.

*Вашингтоннинг президентлик давридаги сиёсий фаолияти.* Жорж Вашингтон Кўшма Штатларнинг биринчи президенти сифатида ўз фаолиятини бошлар экан, президентнинг олий мақсади – абсолютизм ва зўравонликка тўлиб-тошган дунёда ўзини-ўзи бошқариш тизимини шакллантириш, конституция принципларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш ва янги ҳукумат тизимининг ибтидосидан «адолат принциплари» асосида фаолият кўрсатишини таъминлашдек эзгу ниятларни амалга ошириш деб ҳисобларди. Шу мақсад йўлида у президентлик бошқарув VI ваколати доирасида барча конституциявий имкониятлардан фойдаланишни истади. Вашингтон яхши тушуниб турардики, улкан мамлакатнинг биринчи президенти сифатида ҳозирча унчалик яққол намоён бўлмай турган бу бошқарув тизимини шакллантиришини, айнан биринчи президентнинг фаолияти ва ҳал қилув қарорлари бўлгуси йўлбошчилар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўташини яхши тушунарди. Маъмурий вазифаларни топширар экан, бу жараёнда Вашингтон алоҳида минтақалар манфаатларини ҳисобга олиш билан бир қаторда турли сиёсий ва мафкуравий йўналишларга ҳам эътиборни қаратишга ҳаракат қилди. Ўзининг ҳарбий кенгашидаги сингари президент ўз атрофига ажойиб ақл соҳибларини жамлади. Улар факат ижроигина бўлиб қолмасликлари керак эди. Вашингтон ўз вазирлари бўлган Александр Гамильтон (молия), Томас Жефферсон (халқаро ишлар), Генри Нокс (ҳарбий масалалар) ва Эдмунд Рэндольф (адлия)дан мадад ва маслаҳат ҳам кутарди. Натижада ана шу вазирлардан иборат

(конституцияда кўзда тутилмаган) ўзига хос маҳкамам пайдо бўлди. Вашингтон вазирлар ва амалдорларнинг фақат президент олдида жавобгар бўлишига эришди. Айни пайтда Вашингтон бу амалдорларни ишдан бўшатиш чоғида сенатнинг рухсатини олиш шарт эмаслигини ҳам белгилатиб олди.

АҚШнинг биринчи президенти иттифоқ гуллаб-яшнаши йўлида елкама-елка туриб ҳаракат қиласидаги ягона федерал ҳукумат хусусидаги тасаввурларини Конгресс билан яқин ҳамкорликда амалга оширишни истарди. Бу борада Вашингтонга ўзи ҳукуматнинг дўсти деб ҳисоблайдиган федералчилар биринчи федерал сайловларда вакиллар палатаси ва сенатда кўпчилик овозни олганлиги анча қўл келди. Бунинг устига, Жеймс Мэдисон палатада ишончли спикер вазифасини ўтай бошлади. Вашингтон ўзининг вето ҳуқуқидан камдан-кам ҳоллардагина фойдаланаарди. Зоро, Вашингтон қонунни бекор қилишда унинг мазмуни ўзига ёқиши-ёқмаслигини эмас, балки конституцияга мувофиқ келиш-келмаслигини асосий мезон қилиб олганди. Вашингтон ўзининг Конгрессга йўллайдиган ҳар йиллик мактубини шахсан ўзи ўқиб берарди (бу амалиёт анча кейин бекор қилинди ва фақат президент Вудро Вильсон даврида қайта тикланди). Ушбу якдил ҳокимият фаолияти самараларидан Вашингтоннинг ўзи ҳам баҳраманд бўлди. Чунончи, сенат шартнома масаласи бўйича у билан тўғридан-тўғри музокарапар олиб боришдан бош тортди. Ана шундан кейин Вашингтон нуқтаи назарлар акс этган мактублар алмашишга мажбур бўлди, аммо бу ҳол президентнинг алоҳида сенаторларга бўлган ишончига путур етказолмади. Вашингтон Олий суд раиси этиб нью-йорклик Жон Жейни тайинлангач, бу маҳкамам билан муносабатларда бир оз таранглик вужудга келди. Чунки президент (унинг ветони асослаши кўрсатиб турганидек) конституция ҳимоясини ўз зиммасига олган. Талаб этилган ҳуқуқий хужжатни кўрсатишдан намойишкорона бўйин товлаш билан судьялар президентга мустақил учинчи ҳокимият билан ишлаётганини яна бир бор эслатиб қўйишга уринишиди. Назорат ва мувозанат тизимида учраб туриши муқаррар бўлган чекловларга қарамай, Вашингтоннинг президентлик лавозимида қолишининг биринчи босқичи ички уюшқоқлик, ҳамфикрлилик билан ажралиб турди. Бунга эса фақат аниқ мақсадга йўналтирилган ва ишchan бошқарув механизми орқали эришиш мумкин эди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

У президентликни миллий бирлик тимсоли ва аҳолининг ҳали шаклланиб улгурмаган америкаликларга хос иродасини шакллантириш воситаси деб биларди..

Президент сифатида Вашингтон жамиятга йўналтирилган амалий, консерватив республиканизмни шахс эркинлиги томон йўналтирилган замонавий иқтисодий маслаклар билан чоғишира олган зот эди. Энг аввало, у ўзини Америка штатларининг янги конституциявий тизимга интеграциясини тезлаштиришга бурчли ҳисобларди.

Вашингтон кўп муваффақиятларга ходимлари, биринчи навбатда, Гамильтон туфайли эришди. Вашингтон раҳбарлиги даврида жуда кўп муҳим масалаларда, айниқса ташқи сиёsat масалаларида сўнгги ҳал қилувчи қарорни шахсан ўзи қабул қилганини яшириб ўтирмасди. Демак, унинг маслаҳатчиларининг истеъдоди ҳам президент саъй-ҳаракатлари туфайли намоён бўлган. Ўз фазилатлари, салоҳияти ва маънавиятига кўра Вашингтон эски мустамлака Америкадан инқилоб орқали конституциявий-демократик федерал давлат бўлмиш янги Америкага кўприк ташлай оладиган шахс эди. Вашингтон ҳаётлик даврида ёқ миллий ирова тимсолига айланди. Президент мана шундай ирова шаклланишига жуда катта эътибор берарди. У ҳуқуқ ва мажбуриятлар, қонунлар измидаги ҳукуматни вужудга келтира олди. Вашингтон ҳокимиятни анъанавий тарзда кенгайтириш ёки шафқатсизлик билан бошқариш орқали эмас, демократик тамойиллар асосида бошқариб, тинч, сайловлар йўли билан ўзгартириб туриш орқали барқарор жамият қуриш мумкин эканлигини исботлади.

Жорж Вашингтон 67 ёшида вафот этди. Афсуски, ўша пайтлардаги тиббиёт даражаси Вашингтоннинг оддийгина томоқ шамоллаши хасталигини ҳам даволай олмади.

Шундай қилиб, Американинг биринчи президенти бўлган Жорж Вашингтон ватандошлари қалбида биринчи шахс сифатида қолди. У президентлиги чоғида америкаликлар ўз миллий тотувлигига эришган республика федерал давлати учун яратди. Айниқса, Вашингтон АҚШ президентлик институти ижодкори асосчиси сифатида чуқур из қолдирди.

АҚШ пойтахти, штатлардан бири, Нью-Йоркдаги Гурзон дарёси устига қурилган осма кўприк, Вашингтон шаҳридаги хусусий университет ва бошқалар унинг номи билан юритилади. Жорж

Вашингтоннинг “Битиклар” ва “Кундаликлар“ асарлари нашр қилинган.

### Жон АДАМС

(Президентлик даври - 1797-1801 йиллар)

Жон Адамс 1735 йилнинг 30 октябрида Массачусетс штатида фермер оиласида дунёга келган.

Жон Адамс 1797 йилнинг 4 марта президентлик лавозимиға ўтирас экан, изчиллик ва ярашув ваъда қилди. У ўзидан аввалги президентга ҳурмат ифодаси ўлароқ, Вашингтоннинг одмигина кабинетини сақлаб қолди. Кейинроқ Адамс ушбу қарори хато эканини англаб етади, чунки кўпчилик вазирлар унга нисбатан Александер Гамильтонга яқинроқ бўлишга интилардилар. Гамильтоннинг ўзи эса Нью-Йоркдаги адвокатлик идорасида туриб бошқарув тизгинини қўлга олишга ҳаракат қиласди. Худди Вашингтон сингари, Адамс ҳам ўзини партиялар, фракциялардан юқори турувчи, халқ баҳти-саодати йўлида қайғурувчи президент сифатида кўтарди. Шу сабабли ҳам у ўзи ишлаб чиқсан президентлик концепциясини амалга оширишга киришди. Адамснинг нуқтаи назарига кўра, президент бутун давлатдаги барқарорлик учун асосий жавобгардир, шу боис давлатнинг биринчи раҳбари қаёқдан кўпроқ барқарорликка хавф туғиладиган бўлса, айнан ўша тарафга хужум ўюштирмоғи жоиз. Аҳамиятга молик ижтимоий кучлар ўртасида мустақил воситачилик ролини мақбул кўрган президентнинг мазкур ақидаси амалиётда ҳокимият гуллаб-яшнашининг ва айни пайтда ҳокимият фаолиятсизлигининг ажаб ҳоришмасини вужудга келтирди. Аслини олганда Адамснинг ўзида ҳаётга татбиқ этадиган дастурнинг йўқ эди, шу сабабли ҳам у йилнинг деярли ярмини бемалол Филадельфия пойтахтидан олисдаги Массачусетсда ўтказиши мумкин эди. Бошқа томондан олиб қараганда, яъни у агар мувозанатга хавф туғилаётганини пайқаса, ҳар қандай масалани тез ва қатъиятлилик билан еча оларди.

Адамс иқтисодий масалаларга унчалик қизиқиши билан қарамасди. Бунинг устига, унинг фикрича, ҳаддан ортиқ тўкин-сочинлик республика ахлоқий мезонларига путур етказиши мумкин эди. Инагурация нутқида Адамс Америка бетарафлигини сақлаб қолишини ўзининг асосий вазифаси деб эълон қиласди.

Пойтахт ҳақидаги қонунга кўра ҳукумат Вашингтон шаҳрига 1800 йилнинг кўкламида кўчиб ўтганди. Кўчиб ўтиш жуда енгил кечди, зеро барча вазирликларнинг жами ҳужжатлари еттига йирик яшикка сифиб кетганди. Абигейл президентлик саройидаги «биринчи хоним» эди. Бироқ Абигейл саройни ёқтирмас, уни ҳаддан ташқари катта, хунук жиҳозланган, хира ёритилган ва ёмон иситиладиган бино деб танқид қиласарди. Адамс эса ўз ибодатларида бу саройда фақат ҳалол ва донишманд етакчилар раҳбарлик қилишларини, яратгандан сўраб илтижо қиласарди. Шундай қилиб, Адамс ўз президентлик муддатининг сўнгги ойларини Вашингтонда ўтказди. Бу даврда Адамс бўлғуси зиддиятлар учун замин яратиб қўйди. Чунончи, кўплаб судьялар лавозимларига федералчиларни қўйди. Бу вазифалар Конгресс томонидан тасдиқланган қонун асосида ташкил этилганди. Шубҳасиз, энг муҳим қарор сифатида Адамс ўзининг сўнгги ташқи ишлар вазири - Жон Маршаллни Бош федерал судья лавозимига тайинланганлигини айтиб ўтиш мумкин. Худди шу қарор федерал ҳукумат ва ижроия ҳокимиятининг узоқ вақт кучли ишлашига ўз таъсирини кўрсатиб келди. 1801 йилнинг 4 марта, Жефферсон президентлик фаолиятини бошлашдан бир неча соат бурун иккинчи муддатга сайланмаган президент Адамс пойтахтни сездирмасдан тарк этди ва Янги Англия сари йўл олди.

### Уильям X. ТАФТ (Президентлик даври — 1909-1913 йиллар)

1. *Таржимаи ҳолга айрим чизгилар.* Уильям X. Тафт 1857 йилнинг 15 сентябрида Огайо штатидаги Цинциннати шаҳрида туғилган. Тафтнинг болалиги ва ўсмирлиги Цинциннатида, етти акаука ва опа-сингллари қуршовида хотиржам кечди. Уильямнинг отаси Альфонсо Тафт ҳурматга сазовор судья бўлган. Тафт аввалига ўз шаҳридаги мактабга қатнаган, кейин Йельск университетида ўқиган, 1878 йили шу ерда илмий даражага эга бўлган, Цинциннатидаги юридик мактабда ҳуқуқшуносликдан таълим олган.

Уильям X. Тафт Теодор Рузвельтдан кейин бир муддат АҚШ президенти лавозимида фаолият олиб борган.

У 1930 йилнинг 8 марта вафот этган.

1912 йилги президентлик сайловларида Тафт Демократлар партияси номзоди бўлган Вудро Вильсонга ютқазиб қўйди. Чунки бу пайтда Тафтнинг Республикачилар партияси парчаланиб кетган, экс-президент Рузвельт эса прогрессив қанот номзоди сифатида унга қарши чиқсан эди. Шу билан республикачиларнинг Вашингтонда узоқ давом этган ҳукмронлик муддати барҳам топди.

Уильям Х. Тафтнинг отаси Альфонсо Тафт таниқли судья эди.

3. *Тафтнинг президентлик давридаги сиёсий фаолияти.* Тафт ўз президентлиги даврида почта ва почта маҳкамаларининг омонат кассаларини ташкил этиш бўйича мураккаб ислоҳотлар ўтказди, меҳнатга ҳақ тўлашнинг федерал қонунларига ҳам ўзгартиришлар киритди. Савдо ва меҳнат вазирлигига болалар меҳнатини чеклаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топшириғи берилди. 1910 йили эса Манн Элкинс қонунига мувофиқ темир йўллар компаниялари устидан давлат назоратини кучайтириш имконияти туғилди. Тадбиркорларга нисбатан дўстона муносабатда бўлишига қарамай, Тафт бозор ҳокимиятини ноқонуний фойдаланишда айбланиб, жавобгарликка тортилган 90 та трестга қарши суд жараёнида Рузвельтга нисбатан фаолроқ иштирок этди. Айни пайтда ушбу йирик трестларга қарши фаолият Тафтнинг Республикачилар партиясида нуфузи бир оз тушишига ҳам сабаб бўлди.

Ички сиёсатда бож тарифи ислоҳоти етилиб турган эди. 1897 йилги Дингли қонунига кўра белгиланган баланд бож тарифлари пасайтирилиши керак эди. Рузвельт онгли равишда бу нозик масалани қўзғамай турган эди. Чунки Республикачилар партиясининг бир қисми Америка маҳсулотларини ҳимоя қилиш мақсадида хориж маҳсулотларига катта бож тарифлари кўйиш талаби билан чиқсан бўлса, бошқа қисми ташқи савдони либераллаштириш ва шу йўл билан экспортга кўпроқ маҳсулот чиқариш тарафдори эди. Бож тарифи пасайтирилгандан кейин моддий йўқотишнинг ўрнини босиш учун меросдан солиқни кўпайтириш ва даромад солиги киритиш бўйича таклифни Конгрессда манфаатдор томонлар узоқ вақт ушлаб турди. Тафт эса бу борада бирон-бир жиддий уриниш қилмади. Натижада прогрессив республикачилар орасида Тафтнинг консерватив лагерга кириши ҳақидаги гап-сўзлар кўпайиб қолди. Тафтнинг ўзи ҳам ўз сиёсатини тарғиб қилиш учун ғарбий штатларга узоқ муддатли сафарларга чиқсанда аҳолининг ҳақиқий яшаш шароитидан ва норозилигидан боҳабар бўлди. 1910 йили кўплаб штатларда норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

1921 йили Тафт Олий судга бош судья этиб тайинланди. Ана шундан кейингина Тафт ўзининг ҳақиқий ишини топгандай бўлди. 1922 йилда у Америка суд тизимида катта ислоҳотлар ўтказди. Тафтнинг ҳуқуқий фалсафаси негизида қонун амалиётда ишлаши учун ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларга аста-секин мослаша бориши лозим деган ақида ётарди. Тафт 73 ёшида вафот этди. У президент сифатида обрў орттиrolмади, аммо унинг АҚШнинг энг буюк бош судъяларидан бири сифатида тарихда қолганлигига шубҳа йўқ.

### Ўқинг, мулоҳаза қилинг:

Ўрта асрларда хукм сурган бошкарувда, давлат ҳокимияти механизмида (масалан, АҚШ) парламент, президент ва конституцион юрисдикция органлари мавжуд бўлади. АҚШ конституцияси парламентга умумий ҳолдаги қонунчилик ваколатларини бермайди, балки қатъий белгиланган, яъни чегараланган ваколатларни беради (11-модда). «Конгресс динни ўрнатишга тааллуқли ёки виждон эркинлигини чекловчи ёки сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ёки халқнинг тинч йўл билан йиғилиб ҳукуматга шикоятларни қаноатлантиришни сўраб петициялар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини чекловчи бирорта ҳам қонун чиқариши мумкин эмас» (1-қўшимча).

Конгресс ичida ҳам «тўсиқлар ва қарама қаршиликлар» тизими назарда тутилган. Юқори палата (Сенат) ва қуи палата (вакиллар палатаси) жорий этилишининг мазмуни шундаки, биринчи палата халқ вакилларининг популистик кайфиятини тизгинлаб туриши, Конгрессни тез ва тартибсиз ўзгариб турадиган жамоатчилик фикридан ҳимоялаши керак.

Шу билан бирга, айнан вакиллар палатаси импичмент - ҳуқуқбузарлик ёки ножӯя ҳаракат содир қилган ҳокимият федерал органлари (ҳарбий идоралардан ташқари) мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш процедурасини кўзғатиш ҳуқуқига эга.

Конгресснинг қонунчилик органи сифатида мустақиллиги ва яхлитлигининг муҳим кафили бўлиб парламентдаги фикрлар ва музокаралар эркинлиги, депутатларнинг Конгрессдаги чиқишлиари учун жавобгарликдан иммунитетга эгаликлари ҳисобланади. ҳокимият турли бўғинларининг ташкилий бўлиниши қонунчилик (шунигдек, бир вақтнинг ўзида ҳам юқори палата, ҳам қуи палата аъзоси бўлиши мумкин эмас), ижро ва суд органлари мансабларини

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

аралаштиришни таъкидлайди. АҚШ конституцияси олтинчи бўлими 4-моддасида кўрсатилишича, Конгресс аъзолари уларнинг мандати муддати давомида Конгресс қонуни билан тузилган, шунингдек бу вақт давомида мансаб окладлари оширилган федерал давлат органларида фуқаролик мансабларини эгаллай олмайдилар.

Тўсиклар ва қарама - қаршиликлар тизимида норма яратиш жараёнида бир томондан Президент вето ҳуқуқи, иккинчи томондан Конгресс вето ҳуқуқи муҳим роль ўйнайди. Президент вето ҳуқуқи обьекти бўлиб Конгресс палаталари қабул қилган қонун лойиҳалари, резолюциялари, қарорлари ҳисобланади. Юқоридаги хужжатлардан президент норози бўлса, уларни қайси палата киритган бўлса, ўшанга тегишли асослантириш билан қайтаради. қонун лойиҳасини Конгресс иккала палатасининг камидаги  $\frac{2}{3}$  қисми томонидан ҳайта тасдиқлаш орқали Президент ветоси бекор қилиниши мумкин. Бунда, дастлаб қонун лойиҳаси оддий кўпчилик овози билан қабул қилинган бўлиши мумкин, яъни ветони бекор қилиш жараёни қонунни оддий тасдиқлашдан кўра қийинроқ.

Конгресснинг иккала палатаси биргалиқда бир хил бўладиган ҳамда Президентга ёки федерал министрлар ва идораларга ҳукумат томонидан қабул қилинган маъмурий актни бекор қилиш ёки уларнинг бирор бир ваколатли ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида резолюцияларни қабул қилиши мумкин. Бу ерда гап Конгресснинг маъмурий норма яратишга қонунчилик ветоси ҳақида гап боради. АҚШ конституцияси 2 -моддасига кўра ижро ҳокимияти фақат президентга тегишли; унинг ваколатлари Конституциянинг 2 ва 3 - бўлимларида бевосита белгиланган. Шунингдек, Президент қуролли кучлар бош қўмондони ҳам ҳисобланади, лекин бунда уруш эълон қилиш фақатгина Конгресснинг ҳуқуқи.

«қонунчилик ваколатлари икки палата : сенат ва вакиллар палатасидан иборат конгрессга берилади. Ижро этувчи ҳокимият президентга, суд ҳокимияти эса АҚШ Олий Судига ва конгресс тузадиган судларга берилади».

Бир томондан, АҚШ конституцион тузуми учун юқори даражадаги ташкилия мослашиш характерли. Зоро, Президент ва унинг аппарати аъзолари конгресс палаталари фаолиятида қатнашмайди ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Президент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга эмас. Конгресс ва президент алоҳида сайланади. Кабинет аъзолари эса фақат президент олдида масъул.

Президент ташқи сиёсат соҳасида кенг ваколатларга эга. Аммо, бу ерда ҳам тўсиқлар ва қарама - қаршиликлар тизими амал қилади, хусусан ҳалқаро шартномаларни қуидагича тузишда яққол кўринади. Президент мустақил равишида хорижий давлат вакиллари билан ҳалқаро алоқалар олиб бораверади ва бунинг натижасида шартнома лойиҳаси тузилади. Шартномани ратификация қилиш учун "сенат маслаҳати ва розилиги", яъни иштирок этаётган аъзоларнинг 2/3 қисми овоз бериши талаб қилинади. Президент қонун чиқариш фаолиятида бевосита иштирок эта олмайди, у қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ва Конгрессни тарқатиб юбориш ҳуқуқига ҳам эга эмас.

Президент - ижро ҳокимияти бошлиғи, ўзининг ҳукумат аппаратига нисбатан кенг маъмурий ваколатларга эга. Энг аввало, маслаҳат органи -кабинет таркиби миқдорини аниқлаш ва шакллантириш президентнинг шахсан прерогативаси ҳисобланади. Президент федерал мансабдор шахсларни тайинлаш ҳуқуқига эга. У олий мансабларга номзодларни танлайди ва уни тайинлаб, кейин Сенатга тасдиқлаш учун (бунинг учун иштирок этаётганларнинг 2/3 қисми овози талаб қилинади) тақдим этади. қуи мансабдор шахслар эса Президент, министрлар ёки судлар томонидан тайинланади.

Конституцияда кўрсатилишича Президент «қонунларнинг вижданан бажарилиши ҳақида қайғуриши керак». Бу соҳада унинг ваколатлари федерал ижро ҳокимияти қуи турувчи органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан умумий контролъ-назорат характеристига эга. Федерал қонунларни бажармаслик учун жиноий жавобгарлик билан боғлиқ мажбурлов чораларини амалга ошириш АҚШ генерал-атторнейи ва унга бўйсунадиган юстиция вазирлиги органлари ваколатидир.

Ҳокимиятлар бўлиниши механизмида суд ҳокимияти алоҳида роль ўйнайди. Энг аввало, ҳокимиятларни юкори даражада амал килиши учун , суд органлари конституцион қоидаларга кўра, ҳал қилиниши ҳокимиятнинг сиёсий бўғинлари - қонунчилик ва ижро ҳокимияти компетенциясига киритилган баҳслар билан шуғулланмайди. Лекин, бу Олий Суд АҚШда сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатмайди дегани эмас. Масалан, у таълим ва сайловлар соҳасида ирқий чекловлар муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнади. Шунинг ўзида, Олий Суднинг ҳокимиятлар бўлиниши принципидаги ҳал қилувчи аҳамияти унинг конституцион назорат, яъни қонунчилик ва ижро актларининг Конституцияга мувофиқлиги устидан назорат қилиш функцияси билан белгиланади.

Бундай назоратнинг мазмуни ва мақсади ижро ҳокимияти суистеъмолчиликларидан, фуқаролар конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган қонунлар қабул қилиниши ва ижро этилишидан ҳимояланганликни кафолатлашдир. Айнан Олий Судга конституцияни охирги инстанцияда шарҳлаш ва бу асосда нолган икки ҳокимият бўғинлари ҳаракатлари ва актларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳуқуқи берилган. Лекин суд ҳокимияти, шунингдек, суд назорати ҳам чекланмаган эмас.

Бинобарин, суд ҳокимияти функциялари чегаралари судга мурожаат қилиш ҳуқуқини қатъий регламентловчи нормалар (даъвогарнинг ҳуқуқ лаёқати, арз қилинган талабнинг тўғрилиги, ихтилофни ҳал қилишда шахсий манфаатдорликнинг мавжудлиги, ариза берилган суд инстанциясининг компетентлиги ва х.к.) билан чекланган. Олий Суд томонидан қонунни конституцияга зид деб топиш имконияти ҳам чегараланган : суд Конституцияни шарҳлаш билан боғлиқ бўлган ишларни фақат «қатъий зарурат», қонун чиқарувчининг «яққол хатоси» бўлган холларда қабул қиласди; ишни қонун чиқарувчининг сиёсий мотивлари ва амалий фикрлашига берилмасдан, қўлланиладиган қонуннинг конституцияйлиги презумпцияси, илгари яратилган прецедентларга риоя қилиш принципларига асосланиб кўриб чиқади.

Шундай килиб, ҳокимиятлар бўлинниш назарияси ҳамда "тўсиклар ва қарама - қаршиликлар" тизими АҚШ конституцион тузумининг таркибий кисмидир. У уч ҳокимиятга ўзаро бир - бирини назорат қилиш имконини беради, уларнинг ўзаро биргаликда ҳаракат қилиши учун шароит яратади. ҳокимият олий органларининг бир - бирига нисбатан нисбий мустақиллигини назарда тутувчи ҳокимиятлар бўлинниши америка давлатчилигининг принципи сифатида АҚШ давлат тузумининг демократик асосларини ифодалайди".

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. - 109 б.
3. .Каримов.И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир-Т.:Ўзбекистон,2005.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

4. Каримов.И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашар эди. -Т.:Ўзбекистон,2005.
5. История политических и правовых учений. Хрестоматия.
6. С.Жўраев. С.Рустамбоев ва бошқалар. АҚШ.2003.
7. Жан Жак Руссо. Трактатў. М.1969.
8. Ш.Л.Монтескье. Избраннёе произведения. М.1955.
9. Философский энциклопедический словарь. – М.:ИНФРА-М, 2001.-576 с.
- 10.И Рассел Б. История западной философии. – М.:“Академический проект”, 2000. - 765
- 11.История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2-е стереотип. Под обхий ред. члена-корреспондента РАН, доктора юридических наук, профессора В.С.Нерсесянца. – М.: НОРМА-ИНФРА М, 1999.-736с.
- 12.Философия . конспект лекций. - М.: “Приор” , 2001. - 224 с.
- 13.Ҳ.Б.Бобоев ва бошқалар. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик.2002.
- 14.Ф.Мухиддина. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи.Маъruzалар матни.2005.
- 15.Ҳ.Турсунов. АҚШ президентлари. БМИ.2004.

**Сўнгги асрларда сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тараққиёти**

**XIX асрда Европада сиёсий-хуқуқий таълимотларлар ривожи**

- XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Германиядаги сиёсий-хуқуқий мафкуранинг асосий оқимларига умумий тавсиф. Кант ва Гегелнинг давлат ва хуқуқ ҳақидаги қарашлари.
- XIX асрнинг биринчи ярмида Гарбий Европадаги либерал ғояларнинг сиёсий-хуқуқий мафкурага монандлиги. Инглиз, француз, немис либерализми.
- Позитивизм сиёсий-хуқуқий мафкураси. О. Контнинг сиёсий таълимоти. Социологик оқим вакили — Г. Спенсернинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.
- XIX асрда Россиядаги сиёсий ва хуқуқий таълимотлар. Сперанский, Карамзин, Пестель ва Журавльёвларнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.
- XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Германиядаги сиёсий-хуқуқий мафкуранинг асосий оқимларига умумий тавсиф. Кант ва Гегелнинг давлат ва хуқуқ ҳақидаги қарашлари.

1789 йилда Германиянинг ижтимоий-сиёсий аҳволи XVIII асрнинг 10-йилларига қадар ўзгармай келаётган эди. Бироқ француз инқилоби мамлакатда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Баден, Саксония, Пфальцеда дехқонлар ҳаракати авж олди. Шаҳарликлар норозилик чиқишлари билан қўзғолон кўтардилар. 1793 йил баҳорида Силезия ҳудудида тўқувчилар томонидан қўзғолон кўтарилиди. Майнцда эса Республика эълон қилинди. Франциядаги инқилобий воқеалар Германиянинг маданият вакиллари ҳамда халқ оммаси томонидан илиқ кутиб олинди. Немис зиёли, ёзувчи ва публицистлари халқнинг сиёсий уйғониши, Республикавий ғояларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги асаллари билан газета ва журналларда тез-тез чиқиб турдилар. Аммо Германияда объектив сабабларга кўра француз тажрибасини қўллашга батина олмадилар.

Германияда миллий бирликка эришиш, давлат хуқуқий

тузумини демократлаштириш, крепостной бекор қилинишидек уч муаммо ечимини топиш арафасида эди. Немис буржуазияси вакиллари эски феодал тузумни бутунлай ағдариб ташлашда кенг меҳнаткашлар оммасининг кучигагина таяниб қолишдан қўрқан эдилар. Улар ўз ғояларини барчага ҳам тушунарли бўлавермаган фалсафий тилга ўғирдилар ва ўша даврдаги вазиятни бир қадар юмшатишга олий қадрият сифатида эълон қилдилар. Бу эса герман буржуазиясининг қатъиятсизлигини бир оз яширгандай эди.

Иммануил Кантнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ҳам маълум маънода шундан далолат беради.

Кенигсберг университетининг фалсафа фанларии профессори Иммануил Кант (1724-1804) Германияда биринчилардан бўлиб либерализм асосини тизимлаштирган ва мамлакатда иқтисодий-сиёсий эркинликнинг ўрнатилиши тарафдори бўлган. Кантнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти ҳамда сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг «Космополитик нуқтаи назаридан умумий тарих ғоялари», «Мутлақ дунё сари», «ҳуқуқ ҳақидаги таълимотнинг метафизик асоси» каби асарларида баён этилган.

Маърифатга йўғирилган ва табиий ҳуқуқ мактабининг индивидуализимига асосланган Кант қуидаги ижтимоий тамойилни кўрсатади. ҳар бир шахс мутлақ қадр-қимматига эга; шахс маълум бир режаларни амалга оширишда, гарчи умумфойдага қаратилган режалар бўлса-да, улар восита бўлиб хизмат қилмасиги лозим, ахлоқий онг субъетидир, у бошка табиат мавжудотларидан мутлақ фарқ қиласи, шунинг учун инсон фақат ахлоқий қонунларга таяниши лозим, бу қонун ҳеч қандай ташқи вазиятлар, сабабларга боғлиқ бўлмайди.

Кантнинг фикрича, ҳуқуқ умуммажбурий характерга эга бўлиши лозим. Лекин бунга қандай эришиш мумкин?

Бунинг учун, аввало, унинг таркибига мажбурлов чораларини сингдириш лозим. Акс ҳолда инсонларнинг ҳуқуқий нормаларга итоат қилишга, шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга ва бузилган ҳуқуқни тиклашга эришиб бўлмайди. Агар ҳуқуқ мажбурлов чораси билан бирга фаолият юритмас экан, у жамиятда ўзининг вазифасини бажариш имкониятига эга бўлмайди. Лекин шуни ҳам инобатга олиш керакки, умумий қонунларни мутлақ императив характерга эга бўлиши унинг шартларига тўғри келмайди. ҳуқуқка бундай хусусиятларни сингдириш фақат давлатнинг

ваколатига киради. Кантнинг фикрича, давлатчилик охир оқибатда императив талабларга зарурат сезади. Чунки давлатга бўлган эҳтиёж индивид, гурух, жамиятнинг умумий эҳтиёжларидан эмас, балки уларнинг ақлий-амалий хатти-ҳаракатларидан вужудга келган. Бундан шу нарса англашадики, Кант давлатнинг олдида фуқароларни моддий таъминлаш, уларнинг маданий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш меҳнат, соғлиқ, таълим масалаларида қайгуриш мажбурияти йўқ деб билади. Бу масалалар давлатнинг олдида турган вазифаларга кирмайди. Инсонлар ҳақиқий баҳтга эришишлари учун табиий шарт-шароитларга таянадилар, бунда мамлакатдаги давлатнинг бошқарув шакли муҳим ҳисобланмайди. Давлатнинг асосий мақсади эса унинг мутлақ ҳуқуққа эришиши ва конституция тамойилларига мос равишда фаолият кўрсатишда деб билади. Ушбу фикрга асосланиб, биз Кантнинг «ҳуқуқий давлат» концепциясининг яратувчиларидан деб биламиз. Кант давлатнинг фақат ҳуқуққа таяниши, ўз фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқ доирасида амал қилиши ҳақида кўп марта таъкидлаган. Ушбу ҳолатдан чекиниш эса давлатга жуда қимматга тушади. Агар давлат ҳуқуқ ва эркинликларга итоат этмаса, позитив қонунларнинг муҳофазасини таъминламаса, у ўз фуқароси олдида обрў ва ишончини йўқотибўйиши мумкин. Инсонлар бундай давлатдан бора-бора бегоналашиб кетадилар.

Ҳуқуқ доирасидан эркинликка келсак, Кантнинг танқид қилиш эркинлигини биринчи ўринга қўяди. Давлатнинг фуқароси ҳукмдорнинг рухсати билан ўз фикрини очиқ-ойдин изҳор этиши лозим. Бунда ҳукмдор ўзининг қандай хатти-ҳаракати жамиятга нисбатан адолатсиз бўлаётганлигидан хабардор бўлиб туради. ҳуқуқ масаласига келганда, Кант унинг уч категориясини фарқлайди: табиий ҳуқуқ, ижобий ҳуқуқ, адолат.

Табиий ҳуқуқ ўз навбатида икки қисмга бўлинади: хусусий ҳуқуқ, оммавий ҳуқуқ. Хусусий ҳуқуқ индивидлар ўртасидаги муносабатларни мулкий нуқтаи назардан тартибга солади. Оммавий ҳуқуқ эса давлат ва унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Феодал тартибсизликлара қарши Кант ҳамма учун умуммажбурий бўлган қонунларни кўндаланг қўяди. У мулкчиликдан, тарафларнинг teng хусусий, ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тартибни ёқлайди. Оммавий ҳуқуқнинг марказий институти давлатда конституцияни қабул қилишда халқнинг иштироки ҳисобланади. Ўз мазмунига кўра халқ суверинитетининг

ривожланиб борувчи демократик ғояси саналади. ҳар бир индивид ўз хатти-харакатларини фақат ўзи белгилайди. Халқнинг олий қадрияти давлат фуқароларининг эркинлиги, тенглиги ва мустақиллиги деб билади. Кант халқ суверинитети тамойилини тарғиб қилиш билан бирга, уни кенг талқин қилинишига қарши чиқади. Унинг исботи тариқаси фуқароларни актив ҳамда пассив (сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар) каби турларга ажратади. Пассив фуқаролар — фақат яшаш учун қайғурувчилар, яъни бошқаларнинг топшириқларини бажарувчилар ҳисобланган жамиятнинг қуи қатламиdir. Кантнинг таъкидлашича, ҳар қандай давлат уч ҳокимиятдан ташкил топади. Булар: қонун чиқарувчи (халқнинг иродасига тегишли), ижро этувчи (қонун чиқарувчи олий ҳокимиятга ва қонуний ҳукмдорга бўйсинувчи), суд (ижро этувчи ҳокимият томонидан тайинланадиган) ҳокимияти. Бу ҳокимиятларнинг субардинацияси ва ўзаро келишув натижасида деспаатизмдан қутулиш ҳамда давлатнинг истиқболига эришиш мумкин. Давлатнинг бошқарув шакли нуқтаи назаридан Кант қуидагича таснифлайди: автократия (абсолютизм), аристократия ва демократия. Кантнинг фикрича, халқ устидан ҳукмронлик қилишнинг услуби ва методлари давлат бошқарувни муаммосининг марказида туради. Шу нуқтаи наардан бошқарув шаклининг Республика ва деспотик шаклини кўрсатади. Республика шаклида ижро этувчи ҳокимият ижро этувчи ҳокимиятдан ажратилган бўлади, деспотик шаклида эса, аксинча, қўшилган бўлади. Кант энг мақбул давлат сифатида конституциявий монархияни кўрсатади.

Кантнинг тасаввурига кўра, ҳукмдор, бошлиқ ўзига бўйсунувчилар билан муносабатда фақат ҳуқуқقا эга. ҳукмдор ўзига бўйсунувчилар олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга эмас, агар ҳукмдор ўз мамлакати олдида айбор бўлса-да, халқнинг уни жазолашга ҳаққи йўқ. Шунингдек, Кант томонидан халқнинг ҳар қандай давлатга қарши харакатлари, қўзғолонлари қораланган.

Ташқи сиёсат муаммоларига ҳам Кант ўзининг муносабатларини билдиради ва мамлакат устига юриш қилишни, босқинчилик юришлари ва умуман ҳар қандай гоқонуний урушларни қоралайди. Кантнинг таъкидлашича, «барча халқларни ларзага солувчи энг катта оғат — бу доимий урушлардан келиб чиқадиган оқибатлардир». Файласуф барча давлатларни халқаро шартномаларни бажариш, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик халқаро савдо ва маданий алоқаларни ривожлантиришга чақиради. Кант доимий тинчликка

эришиш мумкинлигини айтади ҳамда бунинг учун халқ маърифатли бўлиши, ҳукмдорлар эса оқил ва одил бўлиши, барча ҳаракатлар миллатнинг иқтисодий эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган бўлиши керак деб ҳисоблайди.

**Давлат бу - ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўпчилик инсонларнинг бирлашмасидир. Кантнинг бу машхур тарифи, унинг давлатнинг ҳуқуқий асосга таяниши кераклиги ғоясини ўзида ифодалаган.** Шуниси эътиборлики, Кант бевосита “ҳуқуқий давлат” атамасини гарчи қўлламаса-да, бироқ унга мазмунан яқин бўлган бошқа атамаларни қўллайди, хусусан: ”ҳуқуқий фуқаролик жамияти”, ”ҳуқуқий маънода мустаҳкам бўлган давлат тузилиши”. ”фуқаролик -ҳуқуқий холати” ва бошқалар. Кантнинг ҳуқуқий давлатга оид қарашларининг энг қимматли мағзи шундаки, у ҳуқуқий қонуннинг устуворлигини давлатнинг конституциявий белгиси деб ҳисоблайди.<sup>1</sup>

Кейинчалик Германияда ҳам ҳуқуқий давлат ғоясини шакллантириш борасида фаолият юргизган қатор олимлар гуруҳи таркиб топган, уларни умумлаштириб рехтштатистлар деб ҳам аташган. Бунинг боиси, Германияда биринчи бор “ҳуқуқий давлат” атамаси шаклланган. Бу ибора дастлаб 1813 йилда Карл Велькер ва 1824 йилда эса И.Х.Фрайхер Фон Аретиннинг ишларида учраган бўлса, 1832 йилда немис олими Роберт Фон Моль томонидан биринчи бор бу атама илмий таҳлил этилиб, илмий муомалага ҳам бир йўла киритилган.

Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) фалсафий ва сиёсий қарашларнинг бутун бир тарихида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган буюк мутафаккирдир. Гегелнинг бутун бир ижодий фаолияти давомида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муаммолар марказий ўринда турган. Бу мавзу унинг «Германия конституцияси», »Табиий ҳуқуқни тадқиқ этишнинг илмий усуллари, амалий фалсафада унинг ўрни ва позитив ҳуқуқ ҳақидаги фанга муносабати», «Рух феноменологияси», «Вюртемберг қироллигининг табақа йиғилиши ҳисботи», «Рух фалсафаси», »ҳуқуқ фалсафаси», »Тарих фалсафаси» каби асарларида ёритилган. Гегелнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти асосан 1820 йилда ёзилган «ҳуқуқ фалсафаси» китобида баён этилган бўлиб,



бу китоб сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида муҳим манбалардан бири саналади.

Ҳуқуқ фалсафаси Гегелнинг бутун фалсафий тизиминг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Гегелнинг фикрича, руҳнинг диалектик ривожланишнинг уч асосий даражаси мавжуд: субъектив руҳ (антропология, феоменология, психология) объектив руҳ (хуқуқ, одоб, ахлоқ) мутлақ руҳ (санъат, дин, фалсафа).

Бу ўринда қуйидаги икки жиҳатни эътиборга олиш лозим: 1. Гегель сиёсий-ҳуқуқий таълимотнинг манбаи объектив ҳуқуқ даражасига тааллуқли бўлиб, объективлик ташқи мавжудлик ташкил топишини билдиради. 2. Гегелнинг сиёсий-ҳуқуқий назарияси ҳуқуқ фалсафаси кўринишида ишлаб чиқилган бўлиб, объектив руҳ ҳақидаги фалсафий таълимот, яъни объектив руҳнинг мутлақ руҳ нуқтаи назаридан таҳлил қилинишини билдиради. ҳуқуқ фалсафасининг асосий вазифаси давлат ва ҳуқуқнинг қандай бўлишини белгилаш эмас балки давлат ва ҳуқуқни илмий ўрганишдир. Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасига кўра, «ҳуқуқ» тушунчаси қуйидаги асосий маъноларни англатади: 1) эркинлик сифатидаги ҳуқуқ («ҳуқуқ ғояси»); 2) эркинликнинг бир шакли ва муайян даражаси сифатидаги ҳуқуқ («маҳсус ҳуқуқ»); 3) қонун сифатидаги ҳуқуқ («маҳсус ҳуқуқ»):

Гегелнинг таълимотига кўра, ҳуқуқ ривожланиш босқичи уч асосдан ташкил топади: мавҳум ҳуқуқ,, одоб ва ахлоқ. Мавҳум ҳуқуқ ҳақидаги таълимот ўз ичига мулкчилик ва шартнома муаммоларини олади. Одоб ҳақидаги таълимот қасд ва айб, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва виждон муаммоларини ўрганади. Ахлоқ ҳақидаги таълимот эса оила, фуқаролик жамияти ва давлат муаммоларини ўрганади. Гегель фуқаролар жамияти ҳамда сиёсий давлат ҳақидаги фарқни кўрсатиб ўтади. Фуқаролик жамияти босқичида ҳақиқий эркинликка ҳали эришилмаган бўлади.

Фуқаролик жамияти тузилмасида уч қатlam мавжуд: 1) субстанция (ер эгалари - дворянлар ва деҳқонлар); 2) ишлаб чиқариш қатлами (фабрикада ишловчилар, сотувчилар, ҳунармандлар); 3) умумий қатlam (мансадбор шахслар).

Фуқаролик жамиятини талқин қилишда Гегель қонун, одил судлов, полиция фаолияти ҳақидаги муаммоларга ҳам тўхталади. Бу институтлар умумий манфаатларга хизмат қилиши билан бирга давлатнинг куч-кудратини ҳам ташкил этади.

Гегель қонунларни оммавий эълон қилиш, оммавий суд ишлаб чиқариши ва ҳокимият зарурлигини таъкидлайди. У сиёсий давлат бошқарувини танқид остига олиб, давлатнининг (полициянининг) шахсий ишларига аралашибининг чегараси бўлиши кераклигини айтади. Гегель фуқаролик жамияти масаласини ёритар экан, унинг вужудга келишига сабаб хусусий мулкчилик хукмронлиги натижасида ва инсонларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида вужудга келган деб эътироф этади. Гегелнинг тасаввурига кўра, давлат онг, эркинлик, ҳуқуқ ғоясини илгари сурувчи тушунча ҳисобланади. «Давлат бу худонинг ердаги амридир» ва у онгга хизмат қиласди, дейди Гегель. Гарчи Гегель ёмон, ёвуз давлатлар мавжудлигини тан олса-да, бундай давлатларни у ҳуқуқ фалсафасининг доирасига киритмайди. Гегель фақат онгга асосланган ҳақиқий давлатни тан олади. Гегель ҳам ҳуқуқий давлат тарафдоридир. Эркинлик эса ҳуқуқий давлатга эришиш демакдир. Гегелнинг онгли давлатида индивидларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг монархияси, уларнинг жамоаси, жамият, давлат ва уларнинг органлари худди органик жараён сифатида ҳаракат қиласди. Гегелнинг фикрича, давлат ғояси уч маънони билдиради: мустақил давлат кўринишидаги тушунча (бу ўринда давлат тизими, давлатнинг ички ҳуқуқи назарда тутилади); давлатлар ўртасидаги муносабатларда ташқи давлат ғояси; умумжаҳон тарихи ғояси.

Муайян бир эркинликни ифодаловчи давлат бу индивидуал давлатдир бундай давлат ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига асосланган конституциявий монархия кўринишида бўлади. Гегелнинг фикрича, сиёсий давлат қуйидаги уч ҳокимиятга бўлинади: қонун чиқарувчи; вакиллик ҳокимияти; ҳукмдор ҳокимияти.

Гегель халқ суверенитетининг демократик ғоясини танқид қиласди, ворислик конституциявий монархия суверенитетини ёқлади.

Яхши ташкил этилган конституциявий монархияда монарх ўз ваколатини белгилар экан, давлат ишларини ҳал қилишда қабул қилинган қонунларга қўшимча равишда монарх «Мен хоҳлайман» иборасини киритишининг ўзи кифоя. Вакиллик ҳокимияти таркибига Гегель суд ҳокимиятини ҳам киритади вакиллик ҳокимиятининг вазифаси монарх қарорларини ижро этиш, мавжуд қонунлар ва ташкилотларни қўллаб-куватлашдан иборат. ҳукумат аъзолари ҳамда давлат мансабдор шахслари ҳалқнинг ўрта қатламидан, яъни зиёлилардан иборат бўлиши керак, дейди Гегель. Гегелнинг тавсифлашича, қонун чиқарувчи ҳокимият — бу умумий белгиловчи

ва ўрнатувчи ҳокимиятдир, қонун чиқарувчи Кенгаш икки палатадан иборат бўлади.

Юқори палата ворислик тамойилига асосан ер, мулк эгаларидан ташкил топади, депутатлар палатаси эса фуқаролик жамиятининг қолган қатламларидан ташкил топиб, овоз бериш йўли билан эмас, балки жамоа корпорация ташкилотлари томонидан номзодликка тақдим этилади. Гегель палаталарда оммавий музокаралар ўtkазиш, эркин фикр билдириш, сўз эркинлиги тамойилини ёқлаб чиқади.

Давлат ғоясининг юқори нуқтаси — бу унинг суверенитетидир. Давлатлар бир-бирларига нисбатан мустақил, эркин ва дахлсиз, бўлмоғи лозим. Суверенитет деганда давлатнинг барча ахлоқ масалаларида ҳам эркинлиги тушунилади.

Гегель ташки давлат ўртасидаги муносабатда ташки давлат ҳуқуқининг намоён бўлишини талқин этади. Халқаро ҳуқуқ — бу, Гегель таъбирича, ҳақиқий ҳуқуқ бўлмай, балки мажбуриятларга асосланган ҳуқуқдир.

Агар давлатлар ўртасидаги низо ўзаро келишувчилик асосида ҳал этилмаса, уруш йўли билан ўз ечимини топиши керак. Гегель бу фикри билан Кантнинг мутлақ тинчликка эришиш ғоясига қарши чиқади. Гегелнинг фикрича, ҳозирги замонда урушлар инсоний тамойиллар доирасида олиб борилмоқда, тарихда эса бу нарсани кузатиш қийин эди. Гегелнинг камчилиги унинг давлатни индивид ва жамиятдан устун қўйиб, шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқига оид қадриятларни рад этишида кўринади. Гегель давлат ҳуқуқ ғояси сифатида, ҳуқуқий давлат сифатида кўриш билан бирга, унинг зўравонлик, сиёсий ҳукмдорлик каби функцияларини ҳам ҳуқуқ доирасига киритган. Гегель таълимотида давлатнинг ҳуқуқдан устунлигини, давлат ҳокимиятининг ҳеч қандай чегара билмаслигини эътироф этади. Унинг бу таълимоти тоталитаризм таълимотига жуда яқин туради. XX аср тоталитаризми Гегелнинг сиёsat ва ҳуқуқ ҳақидаги нуқтаи назаридан кўриб чиқилгандир. Тоталитаризм — бу сиёсий ҳокимиятнинг аксил ҳуқуқий, аксил давлат шакли бўлиб, мустабидликнинг тарақкий этган туридир. XX асрда тоталитаризм ҳақидаги билим ва тажрибаларни таҳлил қилганда, шу нарса кўринадики, давлатчилик ҳамда тоталитаризм ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд.

Гегелнинг фалсафий-ҳуқуқий таълимоти кейинги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тарихида ўзининг салмоқли таъсирини кўрсатган. Бу айниқса Гегель таълимотини ҳамда гегелчиларнинг ғояларини

ғоявий-назарий нуқтаи назардан таҳлил қилганда яққолроқ намоён бўлади.

**XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европадаги либерал ғояларнинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурага монандлиги. Инглиз, француз, немис либерализми.**

ХIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европа давлатларининг — Англия, Франция, Германия, Швейцария, Голландиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти буржуа тартибларининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши жараёни билан кечди. Бундай тарихий жараён натижасида кўпгина ғоявий оқимлар пайдо бўлди. XVIII асрнинг охирида Францияда рўй берган инқилоб Европада капитализмнинг ривожида муҳим омил бўлди.

Ғарбий Европада ўрнатилган капиталистик тузум либерализм остида ўзининг ғоявий ифодасини топди. Бу XIX асрда машҳур сиёсий ва интеллектуал оқим ҳисобланган. Унинг тарафдорлари турли ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлганлар.

Француз адибларидан Жозефде Местер (1753-1821), Луиде Бональд (1768-1840), немис адибларидан Людвиг Фон Раллер (1768-1854), Адам Мюллер (1779-1829)ларнинг ғоялари консерваторларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига асос бўлиб хизмат қилди.

ХIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европадаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг эволюцияси кенг қамровли, биринчиси иккинчисидан келтириб чиқарадиган ва тарихий нуқтаи назардан бир-бирига таъсир этиб турувчи қўринишда бўлган.

Инглиз либерализми Англия XVIII асрнинг охири учинчи чорагида йирик капиталистик давлатга айланган эди. Бунга бир қатор факторлар таъсир этган. Мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-тарихий ўзгаришлар инглиз сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ёрдамида қўллаб-қувватланганди. Хусусий мулкчилик, мулк ва шахс дахлсизлиги инсонларнинг шахсий фаолиятларидаги фаоллик масаласи доимо мамлакат диққат марказида бўлган ҳар бир индивиднинг хатти-харакати ўз мулкидан максимал даражада фойда олиш нуқтаи назари кенг тарғиб қилинган.

Бундай нуқтаи назарнинг ривожига Иеремия Бентам (1748-1832) ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган. У Гоббс, Локк, Юнг каби

олимларнинг ижтимоий-фалсафий ғояларини ўзида қамраб олган. Бентам утилитаризм назариясининг асосчиси ҳисобланади. Бу назариянинг таркибида уч қоида ётади. Биринчиси, инсон фаолияти — у асосий қониқиш ҳосил қилиш ҳамда азият чекмасликни ташкил этиши керак. Иккинчиси, фойда — у барча мақсадларнинг ечимида восита бўлиши лозим. Учинчиси, инсонлар ахлоқи — у одамларга кўпроқ баҳтли бўлиш имконини яратади. Шахсий ва ижтимоий манфаатлар ҳузур-ҳаловат учун энг кўп даражада фойда келтириш инсоният тараққиётининг мақсадидир.

Бентам юқоридаги қоидаларга асосланган ҳолда, сиёsat, давлат, ҳуқуқ, қонунчилик ва бошқаларни таҳлил қилган. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари «Қонунчилик тамойиллари», «ҳукумат ҳақида», «Барча давлатлар конституциявий кодексига бошланғич қўлланма», «Дентология ёки ахлоқ ҳақидаги фан» асарларида ўз ифодасини топган. Бентам индивиднинг озодлиги ҳақида фикр юритса-да, алоҳида шахснинг озодлигини назарда тутмайди. Бентамнинг фикрича, инсон ўз келажаги, баркамоллиги ҳақида фақат ўзи қайғуриши лозим. Инсоннинг манфаати, фойдаси нимадан ташкил топишини фақат инсоннинг ўзигина билади ва у ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан ёрдам кутиши керак эмас. Бентам таъкидлашича, ҳеч кимнинг сизга таъсир этишига йўл қўйманг ва бу билан сиз жамият учун зарур ишни қилган бўласиз.

«Эркинлик» сўзини Бентам ўзгача талқин қиласди. Бентам эркинлик ва ўзбилармонлик ўртасида ҳеч қандай фарқни кўрмайди. Бентамнинг қарашлари XIX—XX асрлардаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг ривожига ўзининг салмоқли хиссасини қўшган, шунингдек, табиий ҳуқуқ, табиий қонун ва умуман ҳуқуқий фанларнинг истиқболдаги ривожига Бентамнинг ғоялари таъсир этган.

Джон Стюарт Милль (1806-1873). Унинг давлат, ҳуқуқий сиёsat, қонун тўғрисидаги қарашлари «Эркинлик ҳақида», Вакиллик бошқаруви», «Сиёсий иқтисодиёт асослари» каби асарларида ўз ифодасини топган. У ўзининг илмий-адабий фаолиятини Бентам утилитаризми тарафдори сифатида бошлаган бўлса-да, унинг ғояларидан четга чиқади. Масалан, унинг фикрича, ахлоқ фақат шахснинг иқтисодий фойдаси асосигагина қурилмайди, балки шахсий баҳтга эриши учун нафақат индивиднинг манфаатлари балки бошқа шахсларнинг манфаатлари ҳам инобатга олиниши лозим. Бошқа

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

шахсларнинг, қолаверса, бутун бир жамиятнинг манфаатлари билан келишган ҳолда ўз манфаатлари қўрилиши керак.

Миллнинг фикрича, шахсий эркинлик фақат инсонга тегишли бўлган фаолият доирасида унинг мутлак мустақиллиги тушунилади, шу доирада инсон ўзининг устидан хўжайин ҳисобланади ва ўзича ҳаракат қиласди.

Шахсий эркинликнинг чегараси сифатида қўйидагиларни кўрсатади: фикр ва ғоя эркинлиги, бошқа индивидлар билан келишиб ҳаракат қилиш эркинлиги, шахсий тақдирини мустақил белгилаш ва ҳаётий мақсадларни танлаш эркинлиги. Бу бир-бирига яқин бўлган эркинликлар индивиднинг баркамолликка эришувидаги муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

Сиёсий тузилмага бўлган муносабатларда, унинг фаолият юритишида шахснинг эркинлиги мавжуддир.

Миллнинг фикрича, барчага шахсий эркинлик бера оладиган ва уни кафолатлай оладиган давлат ўзининг ичида ҳам тартиб ўрната олади. «Тартиб сўзи бўйсуниш» сўзини англатади. Милль таъкидлайдики, ўз буйруқларига бўйсундира олмайдиган ҳокимият ҳеч қачон ҳеч кимни бошқара олмайди. Бўйсуниш, итоат қилиш ҳар қандай цивилизациянинг белгисидир, ҳокимиятга итоат қилиш бошқа индивидларнинг манфаатлари ҳамда конуний ҳуқуқларини бузмасликни англатади. Шундай қилиб, шахсий эркинлик бу шахснинг қонунга итоат қилишидир.

Шу жиҳатдан мамлакатимизда либерал сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос тизимиға асосланган мактабини яратган Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ғоят ўринли: «Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ... чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркинлик фуқаролик жамияти куришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади»<sup>40</sup>.

Милль вакиллик бошқаруви масаласида ўзининг асосий сиёсий ғоясини илгари суради, яъни давлат фаолияти ва бошқарувида халқнинг бевосита иштироки давлатчилик масаласида халқ масъулияти ғояларидир. Биринчидан, вакиллик бошқаруви мазкур

<sup>40</sup> Каримов И.А. Адолат - конун устуворлигига. - Халқ сўзи, 2001, 30 август.

давлат шаклида қабул қилинган халқ хоҳиши билан амалга оширилади. Иккинчидан, халқ уни қўллаб-қувватлаши учун зарур бўлган барча истак ва қобилиятларга эга бўлиши керак.

Милъ либерализм нафақат шахсий эркинлик, шахсий ҳуқуқни ҳимоя қилишда, балки демократик ва ҳуқуқий асосларда давлат механизмини ташкил этиш ҳамдир. Бундан маълум бўладики, ҳуқуқий давлатнинг концепцияси либерал сиёсий, ҳуқуқий қарашларни ўзида акс эттирувчи зарурат ҳисобланади.

Француз либерализми вакили Бенжамен Констан (1767-1830) кўп тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Европа ҳудудида либерализмнинг отаси ҳисобланади. Унинг сиёсат, ҳокимият, давлат масалалари бўйича қарашлари «Конституциявий сиёсат йўли», «Курс» каби китобларида баён этилган.

Констан сиёсий назарияси асосида шахсий эркинлик муаммоси ётади. Унинг фикрича, бундай эркинлик антик дунё фанларида баён қилинган эркинликдан тубдан тубдан фарқ қиласди, Қадимги юноностонликлар ва римликлар назарида, эркинлик — бу фуқаролар томонидан олий ҳокимиятни жамоа бўлиб бошқариш ҳамда давлат ишларида бевосита иштирок этиш имконияти ҳисобланган. Шу билан бирга, антик даврдаги эркинлик индивиднинг оммавий ҳокимиятга тўла бўйсуниши билан қоришиб кетган. Европаликларнинг бу эркинлиги эса шахсий мустақиллик, хавфсизлик, давлат бошқарувига таъсир этиш ҳуқуқидир. Давлат функцияларини бажаришда индивиднинг доимий иштироки эркинликнинг мажбурий элементи ҳисобланмайди.

Констан таъкидлашича, одамлар эркин бўлар эканлар, ҳаётда ўз ўринларини мустақил топа оладилар. Улар ўзларининг шахсий харакатлари билан ва ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ўзларига лойик ҳаётни яратадилар, Ушбу тасаввурларга таянган ҳолда Констан халқ суверинитети зарурати ҳақидаги тезисга аниқлик киритади.

Констан ҳеч қачон пассив ва кучсиз бўлган давлат бошқарувини ёқламаган. Шунинг учун ҳам у, ҳозирги замон давлати конституциявий монархия кўринишида бўлиши лозим, дейди. Констаннинг бу нуқтаи назари ўз-ўзидан пайдо бўлмаган албатта. Конституциявий монархияда сиёсий уюшмалар «бетарафлик» ҳолатида бўлади. У ҳокимиятнинг классик услугига (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига) ўхшамайди, шунинг учун ҳам рисоладагидек фаолиятни таъминловчи яқдилликни таркиб

топтира олади. Қирол ҳеч қандай ҳокимиятнинг ағдарилиши, бири иккинчисидан устун келишининг тарафдори эмас, аксинча, ҳокимиятлар бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва келишиб фаолият юритиши тарафдоридир.

Қирол ҳокимиятини бетараф ҳокимиятга айлантириш ҳуқуқий давлат бошқарувида монархия институтининг моделлашган кўринишидир. ҳуқуқ ҳам жамият фикрини назорат қилувчи, сўз эркинлигини, шахсий эркинликни кафолатловчи давлат ҳокимияти институтлари билан бир қаторга чиқиши лозим. Бу — Констаннинг қатъий позициясидир.

**Алексис де Токвиль** (1805-1859) унинг сиёсий концепцияси Констан ъоялари таъсири остида ривожланган Констаннинг «Америкада демократия ҳақида», «Эски тузум ва инқилоби» асарлари сиёсат ва давлат ҳақидаги фан ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Таквиль демократиянинг назарий ва амалий соҳаларига қизиқкан. Демократияни жуда кенг талқин қилган. Унинг фикрича, бундай ижтимоий тузум феодал тузумга мутлақо қарама-қарши бўлибгина қолмай, балки жамиятнинг юқори ва қуи қатламлари орасидаги фарқни ҳам тан олмайди. Шундай бўлса-да, демократия ижтимоий тузумни ўзида акс этувчи сиёсий бошқарув шаклидир.

Демократиянинг маъно-моҳияти тарихда фақат ғалабага интилган тенглик тамойилидир. Босқичма-босқич ўрнатиладиган тенглик юқоридан белгиланган қоидадир. Ушбу жараён жаҳон миқёсидаги узоқ давом этувчи жараён бўлиб, инсонларнинг иродасига боғлиқ бўлади.

Таквиль фикрича, эркинлик ва тенглик ҳар хил тартибда жойлашган, уларнинг ўртасидаги муносабат ҳам ҳар хилдир, инсонлар ҳам уларга ҳар хил муносабатда бўладилар.

Барча замонларда инсонлар эркинлик масаласида тенгликни афзал кўрганлар, чунки бунга инсонлар осон эришадилар ва уни тўғри қабул қиласидилар. Тенглик натижасида эришилган хурсандчилик ҳеч қандай ҳаракатлар ва қурбонлар талаб қилмайди. Унга эришиш учун яшашнинг ўзи кифоя.

Эркинлик эса ўзгача муаммодир (хусусан, сиёсий эркинлик). Эркинлик шароитида яшаш инсондан мустақил ҳаракат қилиш учун ўз хатти-ҳаракатларига ва уларнинг оқибатларига жавоб бериши билан боғлиқ бўлган, кўп саъй-ҳаракатларни талаб қиласиди. Эркинликдан фойдаланиш одатда дарҳол ўз натижасини бермайди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Унга эришган инсонларнинг ҳаммаси ҳам роҳат-фароғат олмайди. Шунинг учун ҳам демократия тарафдорлари доимий равишда эркинликка қараганда тенгликни севадилар.

Таквилнинг ўзи қуидагича таъкидлайди: «ҳозирги замон демократияси эркинлик ва тенгликнинг ўзаро иттифоқи туфайлигина мавжуд бўлиши мумкин. Тенгликни ўта севиш эркинликни сиқиб чиқариб, ҳаётда истибодон юзага келтиради. Истибод бошқаруви эса ўз навбатида тенгликни маъносизлантиради. Тенглик бўлмаган жойда эркинлик ҳам узоқ яшай олмайди». Шунингдек, Таквиль тенглик ва эркинликни мувофиқлаштириш, бу мувофиқликни сақлаб турувчи сиёсий-ҳуқуқий институтларни яратиш ўз замонаси демократиясининг асосий вазифаси эканлигини таъкидлайди. Мутафаккир бу муаммоларни тадқиқ этишда Франция ва АҚШнинг тарихий тажрибасига таянади.

Аниқланишича, демократиянинг олдидағи жиддий тўсиқлардан бири бу давлат ҳокимиятининг ҳаддан зиёд марказлашувиdir. ҳокимият мамлакатдаги деярли барча соҳага аралашади. Агар марказлашган ҳокимият эркинликни йўқقا чиқаришга ҳаракат қилса, аксинча, демократик йўналишдаги сиёсий-ҳуқуқий тартиблар индивид ва жамиятнинг эркинлигини мустаҳкамлайди. Бундай тартиботга ҳокимият бўлиниши, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва халқ суверинитетини таъминловчи бошқа қоидалар киради. Аммо Таквил суверинитет чегара билмайдиган даражада бўлишининг тарафдори эмас. Агар суверинитет меъёрдан ортиб кетса, давлат бошқарув шакли тиранияга айланиб кетиши мумкин.

Таквиль демократик институтлар қаторига сўз эркинлиги, эътиқод эркинлиги, ҳакамлар суди, судьяларнинг мустақиллиги ва ҳоказоларни киритади. Шуни ҳам айтиш керакки, давлат қандай бошқарув шаклини мақбул кўриши Таквиль асарларида баён этилмаган. Унинг фикрича, жамиятда вакиллик давлат бошқаруви ўрнатилиши лозим.

Германияда либерал ҳаракатлар XIX асрнинг биринчи ярмида бошланган, 1848-1849 йилларда Германияда рўй берган инқилоб даврида эса ўзининг юқори чўққисига етган. Дастребаки немис либерализми конституциявий ҳаракатлар асосида кечган. Бу даврдаги Германия давлатининг сиёсий-ҳуқуқий тартибига янгидан-янги моделлар таклиф этилган. Инглиз ва француз либераллари сингари немис либераллари ҳам ахолининг ўрта буржуа қатламига таянганлар.

XIX асрнинг биринчи ярмида немис либерализмини Фридрих Дальман, Роберт фон Моль, Карл Роттек ва Карл Велькер, Юлиус Фрёбелъ ва бошқалар ҳимоя қилганлар, уларнинг қаравашлари ва фаолиятлари Германиянинг сиёсий ва маънавий муҳитига таъсир қилган. Бундан ташқари, Вильгельм фон Гумбольд ва Лоренц Штейн ғояларини алоҳида таъктдлаб ўтиш жоиз. **Гумбольдт** (1767-1835) 1792 йилда ёзилган «Давлат фаолиятига чегара қўйиш тажрибаси» номли асосий сиёсий асарида давлат масаласига инсонпарварлик индувидуализм нуқтаи назарида ёндашади. Ушбу асарда давлатда инсоннинг ўз ўрнини топиши масаласи асосий вазифа сифатида қаламга олинади.

XVIII асрда бошланган ижтимоий фанни Гумбольдт қўллаб-кувватлаган. Бу фан давлат ва жамиятнинг белгиларига кўра табақаланиши билан боғлиқ. Ушбу табақаланиш чегараси сифатида қуидаги фарқлар майдонга чиқади: 1) миллий ташкилотлар тизими (ташкилотлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар) ҳамда давлат институтлари ва хизматлари; 2) табиий ва умумий ҳуқуқ ҳамда бевосита давлат томонидан яратиладиган позитив ҳуқуқ; 3) инсон ва фуқаро.

Гумбольдт жамият ва давлат ўртасида чегара белгилар экан, уларнинг бир хил даражада эмаслигини таъкидлайди. Унинг нуқтаи назарича, жамият давлатга нисбатан, инсон ва фуқарога нисбатан кенгрок тушунчадир. Шунинг учун ҳам табиий ва умумий ҳуқуқ давлат томонидан қабул қилинадиган қонунларни ишлаб чиқишида ягона асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Давлатнинг мавжуд бўлишидан асосий мақсад жамиятга хизмат қилишdir. Лекин жамият тушунчаси негизида, Гумбольдт назарида, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, яъни индивид туради. Шунинг учун «давлат тузуми инсон камолотининг воситаси, холос» деган тезис амал қиласи.

Гумбольдт минимал давлат концепцияси тарафдори бўлган дастлабки буржуа либералистларидан биридир. Гумбольдтнинг фикрича, давлатнинг функциялари иложи борича тор доирада бўлиши лозим. Давлат ҳокимияти доираси қанчалик кенг бўлса, индивидлар иттифоқининг эркинлиги шучалик тор бўлади. Давлатнинг кучайиши инсонларда туғулажак эркинликнинг ўсишига тўсик бўлади. Гумбольдт давлат функцияларининг кенгайишига қарши чиқсан бўлса-да, унинг айrim ижтимоий ҳимоя функцияларининг зарурлигини тан олади. Шунинг учун у фуқароларни давлатга, қонунларига ҳурмат ва итоатда бўлишга

чақиради. Давлатнинг заруратини тушунган Гумбольдт бошқа анархист таълимотчиларидан фарқ қиласди. Немис мутафаккирининг бу соҳадаги ғоялари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

**Лоренц Штейн** (1815-1890) давлат, ҳуқуқ, бошқарув, жамият ҳақида бир қанча изланишлар олиб борган. Унинг «1789 йилдан то ҳозирги кунгача Францияда ижтимоий ҳаракатлар тарихи», «Бошқарув ҳақида таълимот» асарларида Германияда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги фаннинг ҳозирги даври ва истиқболи баён этилган. Штейннинг концепциясида жамият мустақил ўзига хос ижтимоий уюшма сифатида гавдаланади. Индивидлар бирликда ҳаракат қиласар эканлар, ундаги инсонлар бир-бирларига нисбатан доимо ва ҳар тарафлама қарам бўладилар. Жамиятнинг ўзига хос хусусияти эса ундаги ҳар бир аъзо ўзининг хоҳиш-иродасига таяниб ҳаракат қиласди. Бу концепция орқали Штейн жамиятда эркинлик йўқлигини таъкидлайди. Штейннинг қатъий хulosаси қуйидагича: жамият амал қиладиган тамойил бу эркизлиkdir. «Давлат, — дейди Штейн, — бу барчанинг хоҳиш-иродаси натижасида пайдо бўлган. Шунинг учун у фақат жамиятга хизмат қилиши керак. Бундай ташкилот давлат бўлгани учун фақат унгагина эркинлик берилмоғи лозим. Эркинлик бу шундай тамойилки, давлат унга доимо таянади».

Штейннинг фикрича, жамият ва давлат доимо бир-бирига таъсир этади ҳам. Бунда жамият давлатни ўзининг тамойилларига хос равища мослаштиришга ҳаракат қилса, давлат эса, аксинча, ўзига мос бўлган ижтимоий тузумни яртишга ҳаракат қиласди. Давлат жамиятдан устун турар экан, жамиятнинг «хўжайини» ва «устози» бўлиши керак.Faқат давлатнинг ижро этувчи ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимиятга аниқ ва оқишима бўйсунган тақдирда, давлат ўзининг асосий вазифасини бажарган бўлади. Бундай субардинация оддий давлатни ҳуқуқий давлатга айлантиради ва сифатини сақлашни кафолатлайди.

Штейн ҳуқуқий давлат тарафдоридир. «Бошқарув ҳуқуқи конституция ва қонунларга таяниш керак», — дейди у. Штейн бундай давлатни конституциявий монархия шаклида кўради. Конституциявий монархияда ижро этувчи ҳокимият қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсуниши назорат қилувчи бу монархdir. Faқат монархгина жамиятда инсонларнинг манфаатларини таъмилаб бериши мумкин. Конституциявий монархияда ижтимоий ислоҳотлар ҳам ўтказилиши лозим. Бундай ислоҳотлар натижасида қуи табақа аҳолисининг мақоми, уларнинг унумдорлиги, савияси ва ҳаётий

эҳтиёжлари ортади. Штейннинг давлата меҳнаткашлар фойдасига ижтимоий ислоҳотлар амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги ғоялари кўплаб инқилоб тарафдорлари томонидан қораланди.

### **Позитивизм сиёсий-ҳуқуқий мафкураси. О.Кантнинг сиёсий таълимоти. Социологик оқим вакили — Г.Спенсернинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари**

Позитивизм (французча поситивисме; лотинча поситивус — ижобий) XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Фарб мамлакатларида кенг тарқалган ва илмий-маънавий, ижтимоий-мафкуравий мухитда катта таъсир кучига эга бўлган фалсафий оқим ҳисобланади. Ўша даврларда позитивизмни француз файласуфлари О.Конт, А.Бергсон, инглиз файласуфлари Г.Спенсер, С.Миллер томонидан фалсафий тафаккур майдонига олиб кирилган эди.

Позитивизмнинг келиб чиқишида математика, физика, химия, биология каби аниқ фанларнинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам дастлабки даврлардаёт О.Конт позитивизм илмий билимларни фалсафий билимлар сифатида таҳлил қилишни талаб қилиб чиқкан. У фақат далилларга суюнган аниқ ижобий билимлардан иборат бўлган янги илмий билиш методини яратиш зарурлигини уқтирган.

**Оғиност** Контнинг сиёсий таълимоти алоҳида аҳамиятга молик. Дарҳақиқат, О.Конт (1798-1857) позицив фалсафа асосчиси, шунингдек, «социология», «социал физика» истилоҳларини яратган файласуф олим. Контнинг асосий меҳнати унинг 1830-1842 йиллар орасида чоп этилган олти томли «Фалсафа курси» асаридир. У позицив фалсафанинг асосий вазифаси барча нарсаларнинг табиий қонунларга бўйсунишида деб кўрсатади. Контнинг фикрича, тарихнинг ривожланиши уч осқичда тасаввур қилинади: теологик, метафизик ва позитив. Биринчи босқичда инсон ҳодисаларнинг сабабини илоҳиёт билан боғлиқликда кўради, иккинчи босқичда бу ҳодисалар асосига мавҳум (абстракт) моҳиятларни (масалан, табиатни) қўяди, учинчи босқичда эса тажрибавий, амалий жиҳатдан фойдали билимни эътироф этади.

Конт ўзининг сиёсий қарашларини консерватив ҳимоя позициясидан туриб исботлашга уринган. Унинг таълимотича, жамиятда рўй берадиган барча ахлоқий-сиёсий инқирозлар, қолаверса, жамиятда инқилобий кайфиятнинг пайдо бўлишига асосий

сабаб — бу фикрдаги чуқур қарама-қаршилик ҳамда умумий ғоянинг йўқлигидир. Конт, агар фикрлар яқдиллигига эришилса, тегишли ташкилотлар пайдо бўлади, дейди. Контнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввури бўйича ахлоқий ва ижтимоий нормаларга бўйсуниш инсоннинг ҳуқуқини чеклаб қўймайди.

Конт таъбирича, ҳеч қандай ҳуқуқ ва ҳеч қандай қонунларга бўйсунмайдиган эркинлик беъмани анархияни келтириб чиқаради. Илохий ҳуқуқлар йўқ экан, инсоний ҳукуқларга бўйсуниш лозим. ҳар бир инсон ҳуқуқни тан олиши ва ўзининг бурчини бажариши лозим. Инсоннинг оиласа боғланганлиги бутун бир инсониятга тегишли бўлмайди. Шунинг учун Конт инсонни ватанпарварлик, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш лозимлигига алоҳида урғу беради. Зотан, «Ватан ҳисси бу унинг эгаси бўлмиш халқни севмоқ, ҳурмат қилмоқ, қадрига етмоқ ва эътироф этмоқ демакдир. Ватан бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Бу унинг маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолмиш олтин мероси, томирларида гупуриб турган, аждоддан авлодга ўтиб кела.тган покиза қони, тарихидаги муҳим босқичлар, буюк давлат қуриш мақсадида олиб бораётган курашидир»<sup>41</sup>.

Ватан туйғусини теран идрок этган Конт ўз замонасида рўй бериб турган ижтимоий тартибсизликларнинг сабаби майда буржуазия аҳолисининг халқни кўр-кўrona ёмон кўриши оқибати эканлигини таъкидлайди.

Конт нуқтаи назарига кўра, ҳақиқий фалсафа уч синф, яъни фикр, эҳтирос ва ҳаракатнинг тизимлашувидан ташкил топади. Ушбу уч асос жамиятда ирқий ҳамда бошқа ўзгаришларга сабаб бўлади. Инсониятнинг ҳақиқий баҳти бу «ҳар қандай кучни реал тартиб ўрнатишга сарфлашдир», Фалсафанинг умумий фундаментал мақсади ва мажбурияти инсон ҳаётидаги барча жабҳаларни мувофиқлаштириш, бошқариш эмас, айнан мувофиқлаштиришдир. Фалсафанинг функцияси ўзини табиий фалсафани мужассам қилган сиёsat, ахлоқ функциялари билан қоришиб кетади. Конт била туриб христиан динидаги худони рад этади ва олий мавжудот ҳисобланувчи инсоният динини тарғиб этади. Унинг фикрича, олий мавжудот — бу қадимги, истиқболдаги ва ҳозирги инсонларнинг мажмуасидир. Улар умумий тартиб-қоидаларнинг такомиллашишига хизмат қиладилар. Конт бу билан ҳар бир инсон инсониятнинг бир бўлаги эканлигини

<sup>41</sup> Иброимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон», 1996, 146-147-бетлар.

эътироф этади ва индивидуаллик тарафига ҳар қандай чекинишни рад этади.

Зеро, «инсон оламаро олам бўлиб, унинг қалб тўлғонишлари, идроки, тафаккур кучи ва туйғуларининг бепоёнлиги, хиссиёти ва эҳтиросининг жўшқинлиги олдида ташқи олам рангиз ва бемажолдир». Шунинг учун ҳам «инсон яралибдики, ҳамиша оламни англашга, дунёнинг турфа мўъжизаларини билишга интилади. Бу ҳол унинг мавжудот сифатида ўзига хослигини идрок этиш ва тафаккурга таяниб яшашини кўрсатади»<sup>42</sup>.

**Герберт Спенсер** (1820-1903) — инглиз файласуфи, социолог, позитивизм асосчиларидан бири. Позитivist сифатида Спенсер Конт изидан бориб, фалсафа ҳам фан нима билан шуғулланса, шу нарса билан шуғулланади, аммо у фанлар йиғиндиси эмас, балки умумлаштирилган билимлар тизимиdir, деган фикрни илгари суради. Бу Спенсер ўз фалсафий қарашларида О.Конт позитивизмини янада ривожлантирганлигидан далолат беради. Айни чоғда у Контнинг «уч босқичли» қонуниятiga қўшилмайди ва француз мутафаккирларининг янги ижтимоий тузумни орзу қилиб кутиш билан боғлиқ позитив сиёsat борасидаги фикрини инкор этади. Спенсер фикрича, инсон нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини била олмайди, фақат уларнинг ташқи, позитив, яъни ижобий томонларини ўрганиш мумкин. Либерал радикализм тарафдори бўлган Спенсер социологияга жамият ва давлат ҳақидаги, уларнинг эволюция қонуниятларига асосланганлиги тўғрисидаги илмий билимлар соҳаси сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам у жамиятнинг синфий тузилишини ва унда турли маъмурий органларга ажратишни жонли тана аъзолари ўртасидаги вазифаларнинг тақсимланиши билан айнан бир хил деб ҳисоблади. Инқилобни ижтимоий организмнинг «касаллиги» деб билади. Файласуф социализмни танқид қиласар экан, бундай тузум қарор топган тақдирда ҳам бюрократик социализмдан бошқа нарса бўлмаслигини олдиндан башорат қиласади.

Шунингдек, Спенсер ибтидоий маданиятни ўрганишга катта ҳисса қўшган, этнографияда эволюцион мактабнинг вакилларидан бири бўлган, диний эътиқодларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши назариясини ишлаб чиқкан.

«Синтетик фалсафа тизими» Спенсернинг асосий йирик асари бўлиб унда инглиз мутафаккирларининг фалсафий, сиёсий ва

<sup>42</sup> Иброимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйуси. 355-бет.

ҳуқуқий қарашлари теран ифодасини топган. Шунингдек, ушбу асар эмпрократицизм ва неопозитивизмга ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

Позитивизм ғоялари, Конт, Спенсер ва бошқа позитивистларнинг умумсоциологик таълимотлари ўтган асрнинг охирида Россияда кенг ёйилди. Айниқса уларнинг иституционал, сиёсий-ташкилий ва илмий-амалий ислоҳотларга қаратилган таълимотлари XIX—XX ижтимоий ривожланишга катта хизмат қилди.

### **XIX асрда Россиядаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар. Сперанский, Карамзин, Пестель ва Муравьёвларнинг сиёсий- ҳуқуқий қарашлари**

Россияда Александр И подшолиги даврида сиёсий режим ўзгара бошлади. Унинг замонасида либерал фикр юритувчи кишилардан ташкил топган «Ёш дўстлар» тўгараги вужудга келган эди. Оқибатда бу тўгарак «Эълон қилинмаган комитет» деб атала бошлади. Бу комитет аъзоларини, уларнинг қарашлари ва фаолиятлари кўра, юқори доираларда «Якобин шайкаси» деб атар эдилар. Бу комитет билан биргаликда Александр И бир қатор либерал қонунлар қабул қилди. Шундай қилиб, Александр И подшолиги даврида ислоҳотлар лойиҳалари вужудга келиши ва рус жамиятининг илфор, ўқимишли қисмида конституциявий кайфият вужудга келишига ёрдам берувчи, шароит яратувчи ҳолат юзага келди.

Сперанский, Карамзин, Пестель, Муравьёв ва бошқа рус донишмандларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ҳам шу даврда шаклланди.

**Михаил Сперанский (1772-1839)** Владимир губерниясида Черкутино қишлоғида кичик диндор Третьяков оиласида туғилди. Ёш Михаил Владимир-Суз达尔 маънавий семинариясини тугатди. Унга Сперанский (лотинча сперанто—умид) деган ном берилди ва у энг яхши уч ўқувчининг бири сифатида Санкт-Петербург маънавий семинариясига математика, физика, риторика, фалсафа фанлари бўйича ўқитувчи сифатида юборилди. 23 ёшида Михаил Михайлович бу семинариянинг ректори бўлди. Кейин эса бош прокурор А.Б.Куранин хизматига кирди ва бу ерда у маслаҳатчи мансаби даражасигача кўтарилиди. Александр И Сперанскийни саройга жалб

қилди. Саройда Сперанский юқори мансабларда ишлади, охиргиси давлат котиби мансаби эди. У 1816 йилда Пенза губернатори этиб тайинланган бўлса, 1819 йилда Сибирь губернатори қилиб тайинланди. 1820 йилда Сперанский Санкт-Петербургга қайтиб келди. 1826 йилда эса Николай I унга Россия империяси қонунлари мажмуини тузишни топширди. Сперанский бошчилигидаги комиссия қонунлар мажмуини тўрт йилда 45 томдан иборат ишлаб чиқди. Уч йилдан кейин эса амалда бўлган қонунчиликни кодификацияловчи 15 томли китоб нашр этилди.

Сперанский 1839 йилда вафот этди. Унинг замондоши шоир Пётр Вяземский бу давлат арбобини, «юксак мартабали чиновник», дея тавсифлайди.

Сперанский диндор сифатида худони бутун Ер юзининг олий қонун чиқарувчиси деб ҳисоблайди. Давлатнинг шартномавий (худо иродасини татбиқ этувчи шартнома) концепциясини у гипотеза тарзида кўриб чиқди. Сперанский фикрича, Россия ўзининг тарихий ривожланиши, бўйича уч погонани босиб ўтди:

1) Ўрта асрларда — удель; 2) янги даврда — мутлақ монархия; 3) ҳозирги даврда — юқори ҳокимиятни конституциявий чекловчи ва ҳамма фуқароларга сиёсий, фуқаролик ҳуқуқлари берилишини талаб қилувчи (шахс хавфсизлиги, мулк хавфсизлиги, шахсий сиёсий ҳуқуқлар таъминланиши) саноат ҳолати. Унинг таъбирича, Россия Ғарб давлатлари каби инқилобий йўл билан эмас, балки тўғри қонунлар орқали эволюцион йўл билан ўтиш керак. Давлатни ислоҳ қилиш 2-3 йилда эмас, балки 10 йиллаб, ҳатто асрлар давомида қурилади. Давлат шакллари лойиҳаларида Сперанский конституциявий монархияни орзу қилди. ҳокимият амалга оширилишининг қонуннийлигини у ҳокимият бўлиниши зарурияти билан боғлади. Қонунчилик ҳокимият қонунларни муҳокама қилувчи ва қабул қилувчи икки палатали Думага топширилиши керак. Ижро ҳокимиятининг бошлиғи монарх фаолиятида иштирок этади. Лекин ҳеч қандай қонун Думанинг розилигисиз чиқарилиши мумкин эмас. Соликлар қабул қилиниши Думада ўргатилади. Шунинг учун монарх қонунларни бузиши ва йўқ қилиб ташлаши мумкин эмас. Суд ҳокимияти олий суд органи — Сенат ва присяжнийлар судини ўз ичига олевчи суд тизими орқали татбиқ этилади. Уч ҳокимият — қонун, ирова, ижро давлатни, инсон ўз организмини бошқаргани каби бошқаради.

Сперанский монарх томонидан тайинланувчи шахслардан ёки сайлов қонунлариға кўра сайланувчи шахслардан таркиб топган ҳокимиятларнинг Давлат Кенгашида биргаликда ҳаракат қилиши учун уларни бирлаштириш имкониятини ҳам кўзда тутади. Давлат Кенгаши подшоҳ раислигида мажлис олиб боради, у қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга лекин қонунлар бевосита Давлат Думаси томонидан тасдиқланади. Давлат Думаси қонун чиқариш статусига эга бўлади. Маҳаллий ҳокимият ташкилоти юқоридан қўйига қараб бошқариувчи коллегиал бошқарувни кўзда тутади: губерния, уезд, волость — вакиллик органлари ҳисобланади. Бундай давлат қурилишида тартиб қонунлар ёрдамида ҳимоя қилинади. Сперанский Афлотун идеали (файласуфлар бошқаруви) га қарши чиқиб, бу масалада Арасту изидан боради ва давлатни одамлар эмас, қонунлар бошқариши керак, деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича, ўзининг лойиҳаси бўйича шаклланган давлатда фуқаролар ҳуқуқини энг яхши йўл билан ҳимоя қила олишлари мумкин бўлади. Ш.Монтескье сингари Сперанский ҳам фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқларни қуидаги тушунчалар орқали таҳлил қиласи: сиёсий қуллик ва сиёсий эркинлик, фуқаро қуллиги ва фуқаро эркинлиги. Сиёсий қуллик деганда у «битта шахснинг иродаси — ҳамма учун қонун» деган ҳолатни тушунади. Сиёсий эркинлик эса — ҳамма ва ҳар кимнинг қонунларга бўйсуниши ва ҳаммага сайлов ҳуқуқининг берилишидир. Фуқаро қуллиги деганда у бир синфнинг иккинчи синфга бўйсунишини тушунади. Фуқаро эркинлиги, унинг фикрича, жамиятдаги ҳамма табакаларнинг қонунга асосланган ҳолда бир-биридан мустақиллигидир. Сперанский бу тушунчалар ўртасидаги боғлиқликларни таҳлил қиласи, сиёсий эркинлик ўзининг таркибига кўра катта мазмуна эга ва шунинг учун фуқаро эркинлигига пухта замин ҳисобланишини айтади. «Жамиятдаги ҳеч қандай куч давлатда сиёсий эркинликни ўрнатмасдан туриб, фуқаро эркинлигини амалга ошира олмайди», аксинча, агар давлатда сиёсий эркинлик ўрнатилса, фуқаро қуллиги ўз-ўзидан барҳам топади. «Фуқаролар ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқларга асосланиши керак, фуқаролик қонуни сиёсий қонунсиз мавжуд бўла олмайди!» — дея урғу беради Сперанский. Давлатда Конституция ҳамма эркинликларнинг кафолати ҳисобланади ва унга асосланган ҳокимият бўлишини ифода этади. Россиянинг эркинликка интилишини назарда тутган Сперанский Россия учун янги тартиблар ўрнатиш вақти етиб

келганинини, Россияда ривожланиш суръатлари бошқа давлатларга қараганда тез кетаётганлигини аниқлаб беради.

Қонунга асосланган конституциявий монария малакали чиновник аппаратига таяниши керак. Бундай лойиҳани амалга ошириш учун Сперанский чиновниклар тўғрисида иккита қонун ишлаб чиқди: 1. 1809 йил 3 апрелда «Сарой унвонлари ҳақида». 2. 1809 йил 6 августда «Чиновникларни имтиҳондан ўтказиш тўғрисида». Бундай қонунлар орқали мансабни эгаллаш ва хизмат даражаларини олиш учун зарур шартлар ўрнатилди: олий маълумотлилик ҳақидаги диплом, кўплаб предметлар рўйхати бўйича даракта олиш учун имтиҳон топшириш шулар жумласидан. Сарой унвонлари энди даражалар олиш ва хизмат бўйича кўтарилиш учун асос бўлиб ҳисобланмай қолди. Дворянлар учун хизмат қилмай туриб, мартабага эришиш, шухрат қозониш, мумкин бўлмай қолди. Сперанский жамиятнинг табақавий тузилишини таҳлил қиласидан, табақаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий ислоҳот таклифини киритди.

Ўзининг лойиҳаларида у дворянларга барча сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари билан бирга, эгаллаб турган ерларига солиқларни тўлаш мажбуриятини юклаган ҳолда, ерга ва крестьян аҳолисига эгалик қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқларини ҳам берди. Ўрта табақага эса ҳамма фуқаролик ҳуқуқларини берди, мулкнинг ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, сиёсий ҳуқуқларини берди. Ишчиларга фақат фуқаролик ҳуқуқларини берди. Крепостной ҳуқуқини Сперанский қоралаган.

Сперанский лойиҳалари дворянлар томонидан қаттиқ танқид қилинади. Оқибатда буюк чиновник хизматидан четлаштирилиб, сургун қилинди. Унинг лойиҳаларини Александр II қисман амалга оширди, юқори ҳокимиятнинг чегараланиши эса юз йилга кечиқди.

**Николай Карамзин** (1776-1826) Симбирскда, ўрта ҳол помешчик оиласида дунёга келди. Карамзин бадиий ижод билан шуғулланган. У нашриёт ишида ҳам фаол қатнашган. 1803 йилда Карамзин нашриёт билан ҳайрлашиб, «Россия давлатлари тарихи»ни яратишга эътиборини қаратади. У ўзининг ниятини амалга ошириш мақсадида Александр I дан историограф унвонини олди. Карамзин тиранни ва тирания бошқарувини қоралайди. Карамзин тарихининг тўққизинчи томи Иван IV нинг тирания подшолигини қоралашга бағишиланган. Унинг сиёсий концепцияси «Россия давлатлари тарихи» асарида ўз аксини топди.

Унинг подшо Алксандрга ёзган «Қадимги ва янги Россия ҳамда унинг сиёсий ва фуқаролик муносабатлари ҳақидаги мактубида бу концепция ўзининг аниқ ифодасини топди. Мактубнинг асосий мавзуси Россияга фойдаси тегиши мумкин бўлган бошқарув шакллари ҳақида эди. У Иван VI бошқарувини таҳлил этар экан, тиранияни танқид қиласи. Карамзин бундай тирания оқибатида нафақат ерлар бўшаб қолганлигини, балки одамлар ўта камбағаллашганлигини айтади. Унинг уқтиришича, тирания бошқаруви табиий қонунларни бузади.

Карамзин республика бошқаруви тарафдори эканлиги ва монархия даврида ҳам республикачи бўлиб қолишини таъкидлайди. Давлат ва жамият ҳаётининг ташкилотчиси сифатида унга республика тушунчаси фуқароларнинг эркинлик ва хавфсизликка эришишлари маъносини англатади. Карамзин иродали кучи монархдир. У ўз фаолиятида қонунларга, ўз мамлакати халқининг маънавий тарбиясига ва сиёсий маърифатига таяниши керак.

Карамзин ҳокимият бўлинишига қарши чиқади. У: «Империядаги иккита ҳокимиятни қафас ичидаги бир-бирини еб қўйишга шай турган шерга ўхшатади», дейди. Карамзин фикрича, ҳукмдор битта шахсада бутун ҳокимиятни бирлаштиради!

Сперанский бошқарув ва ҳокимиятнинг ислоҳ қилинишини таклиф этган бўлса, Карамзин шакл эмас, одамлар муҳим деб ҳисоблайди. У жойларда ҳокимият губернаторлар томонидан амалга оширилиши ва бунинг учун 50 нафар ақлли ва ваколатли шахс топиши маслаҳат беради. Карамзин мактубда давлат аппаратини танқид қилиб, ҳамма даражалардаги чиновникларнинг порахўр эканликларини, жавобгарликни ҳис қилмасликларини айтган.

Бу ҳолатни яхшилаш учун у янги муассасалар эмас, балки билимли, маҳсус ўқитилган кадрлар зарурлигини уқтиради. Яхши давлат бошқаруви учун марказий ҳокимият ваколатини кучсизлантириб, жойлардаги ҳокимият ваколатини кенгайтириш керак. Чунки маҳаллий ҳокимиятгагина жойлардаги аҳвол яхши аён. Карамзин фикрича, ҳукмдорнинг маънавий ҳукуматларига эътибор бериш керак. Ғарб давлатларидаги монархни чекловчи қонунларни танқид қиласи. Лекин бу дегани олий ҳокимият фаолиятида қонунийлик принципини рад этиш дегани эмас. Карамзин инқилобий йўл билан эришилувчи янгиликларга, ислоҳотларга қарши чиқади. У бундай йўл Россия олдидағи муаммони ҳал қила олмайди деб ҳисоблайди. Лекин Карамзин Россияни Ғарбга қарши қўймайди.

Карамзин табиий ҳуқуқ назарияси тарафдори бўлиб, давлатда фуқаролик қонунлари табиий қонунларга мос келиши кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Россия қонунлари инкорпоратив йўл билан ва кодификациялаш орқали тартибга солини керак. Карамзин қонунлар тизимга солиниб, шарҳлар берилган йирик қонунлар мажмуи чиқарилишини хоҳлайди.

Карамзин халқнинг таълим олиши, ахлоқий-маънавий тарбиясини ошириши керак деб ҳисоблайди. Айни чоғда у Россияда олий фанларга қизиқувчилар йўқлигини айтади. Масалан, судьяларга юриспруденция асослари керак, уларга Рим ҳуқуқини ўргатишга ҳали бизнинг Ватанимиз билим даражаси тайёр эмас, дейди Карамзин. Унинг фикрича, ҳозир фақат давлат фойдаси учун ҳар бир инсондан ўзи танлаган хизмати, касбига яраша билимларни талаб қилиш керак. Карамзин бу фикри билан Сперанскийнинг мансабдор шахсларнинг билимини ошириш учун уларни имтиҳондан ўтказиш лозимлиги ҳақидаги таклифига қарши чиқади.

Карамзин жамиятнинг табақавий тузилишига ҳам эътиборини қаратади ва уларни қуидаги турларга ажратади: руҳонийлар, дворянлар, савдогарлар крестьянлар ва оддий халқ. Дворянларни у алоҳида имтиёзлардан фойдаланувчи ҳурматга лойиқ табақа ҳисоблайди. Карамзин руҳонийлар билим берувчи табақа, шунинг учун улар юқори маънавий салоҳиятга ва билим даражасига эга бўлишлари керак. Карамзин табиий ҳуқуқ назарияси тарафдори бўлганлиги учун ҳар бир одамнинг эркинлиги унинг табиий ва ажралмас ҳуқуқи деб билади. Унинг фикрича, крестьянларнинг олдинги эркинлигини сўрашлари адолатдандир. Лекин уларни ҳозирги ҳолати ишончсиз. Чунки уларнинг ери бўлмагач, эркинликка эришганидан сўнг ишсиз қоладилар. Шунинг учун улар помешчиклар қўлида ишлашга мажбур. Крепостнойликнинг йўқ қилиниши тартибсизликларга олиб келиши мумкин. Крестьянлар аҳволини яхшилаш учун улар устидан помешчикнинг адолатли ҳукмронлик қилиши мақсадга мувофиқ. Лекин Карамзин томонидан таклиф этилган ислоҳотлар муваффақият келтирмайди. Чунки у Россия иқтисодида крепостной ҳуқуқнинг келажиги йўқлигини тушунмайди. Ташқи сиёсат борасида Карамзин тинчлик муносабатлари тарафдоридир. Давлат сиёсий тузилишига кўра, Россия фақат зарур бўлгандагина урушга кириши мумкин. У - тинчлик саклаш тарафдори. Шу боис армиянинг сонини қисқартириш, ҳарбий қишлоқларни йўқ қилиш кераклигини айтади.

Карамзин мактуби қаттиқ танқидга учради. Шунинг учун мактуб замондошларига номаълум бўлиб қолди.

**Павел Пестель** (1793-1826) Москвада йирик чиновник оиласида дуёга келди. Германиядаги Пажес корпусида ўқиган.

1821 йилда унинг олдида ҳарбий соҳада шухрат топиш имконияти очилди. Лекин у бошқа ҳаёт йўлини танлаб, Жанубий жамиятни ташкил этади ва келгуси ҳаракатларининг назарий дастури учун «Рус ҳақиқати»ни яратади. Пестелнинг фалсафий қарашларига мувофиқ, у материалст ва атеист эди. У ижтимоий қарашларига кўра, одамлар табиий ўзаро тенг ҳуқуқлидирлар ва улар меҳнат тақсимоти асосида ўзларининг талаб ва эҳтиёжларини қондирадилар. «ҳукумат, — дейди у, — халқ учун унинг манфаати учун энг яхши воситаларини танлашга мажбур. Халқ эса ҳукуматдан халқнинг умумий манфаати учун интилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Давлат ҳукумат ва халқнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги асосида курилмоғи керак. Агар бундай тенглик йўқотилса, давлат касаллик ва зўравонлик ҳолатида бўлади. Шу боис шундай қонун яратиш керакки, ушбу қонун тинчликни ушлаб туриш воситаси бўлмоғи лозим».

Пестель фикрича давлатнинг мақсади ҳамма ва ҳар кимнинг яхши ҳолатида бўлишидир. Бунга факат қонунлар асосида эришилади. Барча қонунларни Пестель уч гурухга бўлади: маънавий, табиий ва фуқаролик. Маънавий қонунлар маънавий ҳаётни табиий ҳаёт билан боғлаб туради. Табиий қонунлар табиат талаблари ва табиий заруриятдан келиб чиқади, ҳар бир одам унга бўйсуниши керак бўлади. Давлат қонунлари табиий ва маънавий қонунларга мос ҳолда чиқарилиши лозим. Фуқаролик қонунлари шундай чиқарилиши керакки, индивид манфаати жамият манфаатига зид келмаслиги даркор. Умумманфаатга қарши ҳар қандай ҳаракат жиноятдир. Адолат асосига қурилган жамият қонунлар ҳукмронлиги остида бўлиши лозим.

«Рус ҳақиқати» Россияда ижтимоий ўз сиёсий ўзгартеришлар режасини таклиф этади.

Ер табиий ҳуқуқ бўйича ҳамманинг мулки ва унда ҳар бир киши ўз мулкига эга. Замонавий қонунларга кўра, хусусий мулк ва мулк ҳуқуки ўрнатилган. Пестелнинг режаси ерга нисбатан мулк ҳуқуқини барҳам топтириш эмас, балки россияликларни мулкдорларга айлантирилишини назарда тутади. Бутун ери икки қисмга бўлади: ижтимоий мулк ва хусусий мулк. Ижтимоий мулк даҳлсиздир. Ер

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

жамият (волость) аъзоларига бўлиб берилади. Шундай қилиб, ҳамма россияликлар ер эгаларига айланадилар.

Пестелнинг сиёсий идеали республикадир. Пестель давлатда юқори ҳокимиятни ташкил этилишида олий қонунчилик ҳокимияти ва ижро ҳокимиятига бўлади. Олий ҳокимият Халқ вечасига, ижро ҳокимияти Давлат думасига берилади. Сайлов ҳуқуқидан эса 20 ёшга тўлган эркак жинсига мансуб барча шахслар фойдаланадилар. Халқ вечаси бир палатали орган бўлиб, 5 йилга сайланади. Халқ вечаси уруш эълон қиласи ва тинчлик сулҳи тузади ҳамда асосий қонунларни қабул қиласи. Ижро ҳокимияти — Давлат думаси — 5 йилга сайланувчи 5 кишидан иборат бўлади ва уларнинг бири бир йилга президент этиб сайланади. Олий собор — боярлардан таркиб топувчи 120 кишидан иборат ҳамда улар ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро фаолиятида иштирок этишмайди. ҳар бир қонун Олий соборга тасдиқлаш учун юборилади. Олий собор тасдиғидан ўтган қонун юридик кучга эга бўлади. Олий собор ҳар бир вазирликка назорат функциясини амалга ошириш учун аъзоларини юборади. Шундай қилиб, Пестель фикрича, Собор Халқ вечаси ва Давлат думасини қонун чегарасида ушлаб туради. Собор истаган чиновникни мансабини суиистеъмол қилганлиги учун судга бериш ҳуқуқига эга.

Пестель лойиҳаси бўйича Россия 10 та область, 3 та уделга бўлиниши керак. Унинг таъбирича, область 5 та губернияга, губерниялар уездларга, уездлар волостга бўлинади. Россия давлатини ташкил этувчи қабилалар умумий рус халқини ташкил этади. Пестель рус пойтахтини Нижний Новгородга кўчирилишини таклиф қиласи, чунки у Россия маркази ҳисобланади.

Табақавий имтиёзлар титул унвонлар йўқ қилинади ва ҳамма Россия фуқароси деб тан олинади.

«Россия ҳақиқати»да шахс даҳлсизлиги, тенглик, сўз, виждон эркинлиги каби умумдемократик ҳукуқ ва эркинликларга катта аҳамият берилади. Партиялар тузиш халқ бирлигини бузади деб умуман таъкиқланади. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун, Пестель фикрича, монархияни барҳам топтирувчи, подшоҳ ҳукумати аъзоларини жисман йўқ қилувчи ҳарбий инқилобий тўнтаришни амалга ошириш озим бўлади. Янги давлат қурилиши диктатор бошчилигидаги 10-15 йилга тайинланувчи Мувакқат Олий раёсатга топширилиши керак.

**Никита Муравьёвнинг** сиёсий қарашлари француз маърифатпарварлик ва сиёсий таълимоти таъсирида шаклланди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Ўзининг ижтимоий ва сиёсий режасини у конституция уч лойиҳасида акс эттириди. Муравьёв АҚШ конституциясини Франция конституциясини ва декларациясини яхши биларди.

Муравьёв табиий ҳуқуқ назарияси тарафдори бўлганлиги учун мутлақ монархияни қоралайди ва бу бошқарув шаклини нотабиий ҳисоблайди. Россия халқи эркин ва мустақилдир. У ҳеч қандай шахсга ва оиласига тегишли эмас, ҳокимият манбаи халқдир. ҳар бир халқ ўз давлатини шартномага қўра вужудга келтиради, лекин суверенитетини сақлаб қолади ва табиий ҳуқуқларни йўқотмайди. Эркинлик — бу қонун билан йўл қўйилган ҳамма хатти-ҳаракатларини амалга ошириш дегани эмас, балки инсоннинг ажралмас ҳуқуқларига мос келувчи қонунларга эга бўлишидир. Муравьёв крепостной ҳуқуқни йўқотиш тарафдори ҳисобланади. Шунга қўра, Россиянинг бутун аҳолиси тенг ҳуқуқлидир, мансаб ва синфлар йўқ қилиниши лозим. Унинг фикрича, ягона солиқ тизими ўрнатилиши керак. 18 ёшдан 60 ёшгача бўлганлар солиқ тўлайдилар, ҳаммага сўз, виждон эркинлиги, хоҳлаган касби билан шуғулланиш каби тенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилади.

Муравьёв таълимотига қўра, Россия учун энг яхши давлат бошқаруви шакли ҳокимиётнинг бўлинеш тамойилига асосланган конституциявий монархиядир. Қонунчилик ҳокимияти икки палатадан: Олий дума ва вакиллар палатасидан ташкил топади. Вояга етган барча аҳоли сайлов ҳуқуқига эга бўладилар. Олий дума 45 аъзодан иборат бўлиб, 6 йилга сайланади. Дума аъзолари 30 ёшдан ёш бўлмасликлари, кўчмас ва кўчар мулклари, 6000 минг кумуш рублдан кам бўлмаслиги керак. Вакиллар палатаси 2 йилга сайланиб, 450 та аъзодан иборат бўлади. Иккала палата аъзолари ҳам қонунчилик ташаббусига эга ҳисобланади. Қонунлар кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Монарх ижро ҳокимиётининг бошлиғи сифатида қонунларни ўзгартириш, қонунчилик функциясини амалга ошириши мумкин эмас. Лекин у қуруқликдаги ва денгиздаги ҳарбий кучлар олий қўмондони бўлиб, армия ва флот вазифларини ва бош қўмондонларни тайинлади ва ишдан олади. Императорнинг бутун фаолияти вакиллик органи орқали назорат қилинади. ҳукмдорнинг оиласидагилар ҳеч қандай қўшимча имтиёзларга эга бўлмайдилар, давлат мансабларига тайинлана олмайдилар. Подшо унвони фақат одатга қўра сақланади.

Муравьёв конституциясига мувофик, давлат қурилиши федеративдир. Россия областларга бўлинади. Область бошқарувчи икки палатага бўлинади: Область думаси ва Сайланганлар палатаси.

Шунингдек, Муравьёв талқинига кўра, суд ҳокимияти маъмурий ҳокимиятдан ажратилган. Уездларда виждон судлари амал қиласди. Бундай судга икки минг кумуш рублга баҳоланувчи мулкка эга бўлган, сайловчилар ишончини қозонган уезднинг доимий яшовчиси судья бўлиши мумкин. Судья мансаби алмаштирилмайди ва судья 70 ёшгача фаолият юритиши мумкин. Бу судьялар майда фуқаролик ишларини кўриб чиқиб, унча кўп бўлмаган муддатли қамоқ, уч кунлик иш ҳақи миқдорида жарима белгилашлари мумкин. Суд очик ўтказилади. Судьялар қарорлари устидан апелляция 5 нафар виждон судъясидан иборат виждон судьялари съездга келтирилиши мумкин. Суд тизимининг кейинги бўғини област судидир. Унинг таркиби област палаталари томонидан сайланиб, улар уч минг кумуш рубль йиллик даромадга эга бўлишлари керак. Улар ҳам алмаштирилмайдилар. 70 ёшгача фаолият юритадилар.

Тергов суддан ажратилмаган процессда адвокат ҳукumat номидан ёки хусусий шахслар номидан айбловчи иштирок этади.

Олий суд органи Халқ вечаси томонидан 5 ёки 7 нафар судьяни бир умрга сайлайди. Судья бўлишлари учун уларнинг мулки 15 минг рублга баҳоланиши керак. Олий суд 4 йилда бир марта қонунлар, қарорлар, шархлар ҳақида императорга хулоса беради. Олий суд судьялари устидан шикоят Олий судга Вакиллар палатасига берилади.

Юқоридаги фикрлар бўлғуси Россия давлатининг конституцияси лойиҳалари муаллифи сифатида Никита Муравьёвнинг қаламига мансуб. Бу лойиҳалар матнида унинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари, сиёсий-ҳуқуқий таълимоти шубҳасиз ўз ифодасини топган.

Позитивизм табиий – ҳуқуқий назариядан фарқ қилган холда, субъектив ҳуқуқни объектив ҳуқуқдан, яъни давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқдан келтириб чиқаради, ва бундай ёндошуви билан табиий ҳуқуқ назариясига муҳолифий йўналишни эгаллайди. Маълумки, табиий ҳуқуқ назарияси инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини (яаш, эркин бўлиш, баҳтга эришиш ва б.) давлатнинг қонунчилигига нисбатан бирламчи деб тушунади, позитивизм эса бу ҳуқуқ ва эркинликларни инсонларга давлат беради деб таъкидлайди. ҳуқуқни шундай тушуниш таъсири остида

шаклланган нормативистик назария ҳуқуқни қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив актларда ташқи ифодаланган, жамланган нормалар мажмуидан иборат деб тушунади. Кельзенning ёзишича, « ҳуқуқ факат ҳуқуқ билангина белгиланади» ва «ҳуқуқнинг кучи унинг ўзида», ҳуқуқ бу мажбурий тарзда амалга ошириладиган нормалар мажмуидан иборатдир.

Кельзенning талқинича, ҳуқуқнинг соғ назарияси шуки, юридик фан ҳуқуқни ўрганишда унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий- ахлоқий жиҳатларини истисно қилиб ўрганиши керак,<sup>1</sup> Шу боис Кельзен ўзининг машҳур асарида «менинг вазифам ҳуқуқни том маънода ҳуқуқ ҳисобланмайдиган барча нарсалардан тозалашдир» деб қўрсатган.

Кельзен таълимотида ҳуқуқнинг тузилишига оид фикрлари ўзига хос ўрин тутади. Унинг таъкидлашича, ҳуқуқ “бош норма” энг тепасида турган, тўппа-тўғри шаклланган, мантиқан боғланган элементлардан иборат бўлган поғонавий пирамидадан иборатдир, бу пирамиданинг ҳар бир бўғини ўзидан юқори турувчи нормага боғлиқ, унинг юридик кучи ҳам шу пирамидада тутган ўрни билан белгиланади.

Норматив назарияга мувофиқ хозирги замон ҳуқуқ тушунчasi - бу давлат томонидан ўрнатиладиган, зарур ҳолларда бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланадиган, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва давлат иродасини ифодалайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланадиган нормалар мажмуидан иборатдир.

Бу назария жамиятда қонунчиликнинг ривожланишига, ҳуқуқ нормаларини қўллашда бир хилликни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, улар томонидан ҳуқуқ бузилиши ҳолларида қўлланиладиган таъсир чораларининг тизимини, чора ва воситаларини ҳуқуқда аниқ аввалдан мустаҳкамлаб қўйишга имкон яратади.

Бу назариянинг заиф жиҳати бўлиб, унинг позитив ҳуқуқни унинг моҳият ва мазмунинин, жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини белгиловчи, уни ҳаётга «чақирган» эҳтиёж ва сабабларни ҳуқуқни ўрганишда аҳамияти катта эканлигини инкор этганлиги ҳисобланади. Бундан ташқари ҳуқуқнинг нормативлик назарияси табиий ҳуқуқларни тан олмай, ҳуқуқни давлатга боғлаб, унинг ҳуқуқга

<sup>1</sup> Бу хакда каранг: Теория государства и права. Проблемы государства и права. М.,Новый юрист. – 1999. 127 б.

бўлган таъсирига ўта урғу берадиким, бу холат албатта, мазкур назариянинг фойдасига хизмат қилмайди.

Собиқ иттифоқ даврида ҳокимиятлар бўлиниши назарияси совет фанида узоқ вақт буржуа-реакцион концепция деб ҳисобланган ва шу боисдан давлат ҳокимиятини ташкил қилишда ҳам, юридик фанда ҳам рад қилинган. Совет давлат ҳокимияти концепцияси асосига К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин қарашлари қўйилган эди. Улар давлат ҳокимиятини «бир вақтнинг ўзида ҳам қонун чиқарувчи ва ҳам уни ижро этувчи корпорация» сифатида кўришган. Давлат ҳокимияти ягона бўлинмас тизим сифатида тушунилган : давлат органлари тизимини тўлик ваколатли советлар бошқариши керак бўлган, ҳокимиятлар бўлиниши тўғрисидаги назария танқид қилинган.

Президентимиз ушбу холат ҳақида тўхталиб, «**Биз ҳозир ўзгартираётган совет социалистик давлати ҳалкимиз хаётига четдан зуравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти ҳалкимизнинг ахлокий, маънавий ва руҳий кадриятларига тўгри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди**»,- деб таъкидлаган.<sup>43</sup>

«Ҳокимиятнинг бўлиниши, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида мустақил эканликлари ҳамда бир-бирларининг ишларига аралаша олмасликларини билдиради. Айни пайтда ушбу органлар ваколатлари шундайки, улар бир-бирларидан холи ҳаракат қила олмайдилар ва давлат ҳокимияти учта мустақил тармоқлар кооперацияси жараёнида амалга оширилади»<sup>44</sup>.

Масалан, агар ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг тегишли ишлари бўлмас экан, қонун чиқарувчининг фаолияти кам самарали бўлади. қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларисиз одил судловни амалга ошириб бўлмайди. Боз устига, ҳокимият тармоқларининг ўзаро муносабатларида шу тармоқлардан ҳар бирига ўз ваколатларидан четга чиқиб кетишга имкон бермайдиган, шунингдек, ҳокимият бир тармоғининг бошқаларни яна ўз ваколатлари доирасида

<sup>43</sup> И.А.Каримов. Ватан саҗдагоҳ каби мукаддасдир..Т.,»Узбекистон».1996. 6-7 бет

<sup>44</sup> Лазарев В. В. Аппарат (механизм) государственной власти // Проблемы общей теории права и государства. М. 1999.

ушлаб туришни таъминлайдиган **тийиклар ва посангилар** бўлиши лозим.

Юқорида айтилганлардан, шунингдек, ҳокимиятнинг бўлиниши уч жиҳат ёки уч даражада - функционал, институционал ва персонал даражада мавжуд бўлади.

**Ҳокимиятнинг функционал бўлиниши.** Эркинликни таъминлаш учун мажбурлаш (куч ишлатиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш функциясини давлат мажбуровини, амалга ошириш функциясидан фарқлай билиш керак. қонун чиқарувчи ҳокимият кучни ишлатиш қоидаларини ўрнатади, суд ҳокимияти куч ишлатишнинг конкрет чораларига йўл қўяди ёки улар юзасидан фармойиш беради. Шунинг учун ҳам ушбу ҳокимиятларнинг ўзлари давлат мажбуровини амалга оширмасликлари керак. Ижроия ҳокимияти айнан шундай кучга эгадир, лекин у ҳам ўз навбатида куч ишлатиш бўйича норматив ёки индивидуал қарорлар чиқармаслиги шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда ижроия ҳокимияти қонунлар ва суд қарорлари асосида ва уларни бажариш йўлида ҳаракат қилмоғи лозим.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигига. - Халқ сўзи, 2001, 30 август.
2. История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Под общей редакцией Нерсесянца В.С. — М., изд. «Норма-Инфра», 1999.
3. Гегель. Философия права. — М., «Наука», 1981.
4. Исламов З.М. Общество. Государство. Право (Вопросы теории). «Адолат», 2001.
5. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. — Т., «Ўзбекистон», 1996.
6. Философский энциклопедический словарь. -М., изд. «Норма-Инфра» 2001.
7. Самадов А. Ҳуқуқ тушунчаси. Магистрлик Дисс. 2003.

## XX асрнинг сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари

### Таҳлилий юриспруденция

Замонавий таҳлилий юриспруденция энг янги юридик позитивизмнинг мукаммалроқ (ўзгарган) шаклидир (модификация). Бироқ, унинг услубий ва концептуал тавсифлари борасидаги мулоҳазалар Ж.Остин асаларидан бошланади. Тарихий-фалсафий нуқтаи назардан у, юридик таҳлилий догматизм ва юридик лингвистика модификацияси бўлган ҳамда Г.Кельзен юридик позитивизмига яқин турувчи юридик-услубий позитивизмнинг бир тури сифатида намоён бўлади. Юриспруденцияда бундай оқимнинг ўтмишдошлари қаторида, одатда, римлик ҳуқуқшуносларни, ундан кейин ўрта асрлар юриспруденцияси докторлари қайд қилинади (Ирнерия, Бартоло, Бальда).

Ушбу догматик юриспруденциянинг вазифалари барчага маълум бўлиб, бу муфассал далилларни талаб қилмайди. Чунки, улар доимо кундалик ҳаёт эҳтиёжлари асосида белгиланган ва юридик амалиёт билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг, қоидаларнинг қандайдир мажмуи сифатида, қонунлар ва ҳуқуқ соҳаларининг тартибга солинган тизими сифатида қабул қилиниши айнан мана шу ёндашувга кўпроқ хосдир. Шу билан бирга, қонун қонун чиқарувчи фикрининг оғзаки ифодаси сифатида қабул қилинади. Қонунлар мажмуасида, уларнинг ўзаро ички мантиқий боғлиқлиги ва у ёки бу даражада ривожланган ўзаро бўйсуниш ва тақсимлаш тизими мавжуд бўлади. Тушунарлики, қонунларнинг бундай тизими изчил мантиқий ва оқилона бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар ва фаннинг вазифаси тизимнинг зиддиятлар ва камчиликлардан ҳоли бўлишига ва юридик матнларнинг сўз ва мазмун жиҳатдан янада мукаммал бўлишига кўмаклашишдан иборат. Ваҳолангки, энг содда юридик амалиёт қонунларни тушуниш ва шарҳлашни талаб этади. Мазкур таҳлил ва шархловлардан ҳуқуқ догмаси ёки догматик юриспруденция деб номланадиган билимлар ва уқувлар мажмуи юзага келади. Бундай ёндашувда, фаннинг вазифаси, қонунларнинг судлар ёки ҳукумат муассасаларида таҳлилий талқин қилиниши амалиётидан жиддий ва сифат жиҳатдан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам, хусусан фан, яъни догматик (таҳлилий) юриспруденция таърифий (описательная) фанлар қаторига кириши лозим.

Догматик фаннинг бундай чекланганлигини танқид қилиш барча даврларда мавжуд бўлган. Цицерон, Рим ҳуқуқининг гуллаб-яшнаган даврида юриспруденцияни суюқ (жидкий) билим деб атаган. Мартин Лютер юридик фанни фақат бойлик ортиришга йўналтирилган жирканч ҳунар деб ҳисоблаган. Тарихий ҳуқуқ мактабининг асосчиси Гуго XVIII аср охирига мансуб бўлган юриспруденцияни ҳаддан ташқари авторитетга эргашишда (ихлосмандликда), консерватизмда, беғараз илмий интилишларнинг йўқлигига ва б. айблади. Кейинги юз йилликда ушбу айловлар такрорланиб, бизнинг давримизгача етиб келди. Социологик юриспруденция асосчиларидан бири бўлган Р.Иеринг уни «таърифлар юриспруденцияси», яъни илгариги даврдагидек дефиницияларга қизиқишига ва схоластлар илмига берилган фан деб атади. Ўз вақтида, ҳуқуқ соҳасида зарур бўлган фикр юритишнинг бир усули сифатида догматик юриспруденциянинг тарафдорларидан бўлган Кант, догматик-ҳуқуқшуноснинг вазифаси айнан қонунчилик тўғрисида фикр юритиш, амалдаги қонуннинг талабларини амалга оширишдан иборат деб эътироф этган эди. .

Ҳуқуқни догматик тушунишда Ж.Остиннинг «Юриспруденция, ёки позитив ҳуқуқ фалсафаси тўғрисида маъruzalari»дан (XIX аср охири) олинган «ҳуқуқ – бу сувереннинг амри» формуласи муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, суверен, Остин концепциясига кўра, позитив ҳуқуқ олдидаги жавобгар эмас.

XX асрда ушбу ғоялар инглиз олими Герберт Харта томонидан давом эттирилди ва қисман қайта талқин қилинди. Унинг фикрича ҳуқуқ тан олишнинг олий даражаси (ҳуқуқ концепцияси. 1961й.) деб номланувчи қоидаларга алоқадор бўлган «бирламчи» ва «иккиламчи» қоидаларнинг расмий-мантиқий тизимиdir. Бирламчи қоидалар суверен орган (яъни, парламент) томонидан тайёрланган қонунчилик қоидалари бўлиб, унинг натижасида маълум жавобгарликлар, мажбуриятлар ва ваколатлар юзага келди.

Иккиламчи қоидалар уч турдан, яъни тан олиш қоидалари, ўзgartiriш қоидалари ва суд қарорини чиқариш қоидаларидан иборат. Суд қарорини чиқариш қоидалари, ўз моҳиятига кўра, қоидалар тўғрисидаги қоидалар сифатида юзага чиқади, яъни судялар, фуқаролик хизматлари ишчилари, ҳукумат вазирлари ва бошқа шахслар қонунни қабул қилиш ва шарҳлаш жараёнида риоя қиладиган қоидалардир. Ўзgartiriш қоидалари амалдаги қонунларга зарур ўзgartiriшларни киритиш лозим бўлганда қўлланиладиган, ўзаро келишиб олинган қоидалардир. Масалан, сайловлар

тўғрисидаги қонун ўзгартирилаётганда парламент сайловлари, натижада, янги парламент ва янги ҳукуматнинг пайдо бўлишига олиб келиши, ва улар ўз навбатида «бирламчи қоидалар»га ўзгартириш киритиши мумкин.

Тан олиш қоидаларини шарҳлаш анча мушкулроқдир. Бироқ, уларнинг амалда роли катта ва ушбу қоидалар замонавий позитивик ҳуқуқ мактабига хос хусусиятларни ташкил қиласи. Қонун шундай шароитларда қонун бўладики, агарда у қонун сифатида тан олинган бўлса. Ваҳолангки, у тан олинган, асосланган ва шундай қабул қилинадиган ҳуқуқ манбаидан олинган. АҚШнинг ёзма Конституцияси тан олиш қоидаларига жавоб беради; Бирлашган Қиролликнинг ёзилган Конституцияси ҳам тан олиш қоидаларига бўйинсунади, чунки бу қоидаларга парламент ва судлар риоя қиласидар. ҳуқуқий тизим бирламчи ва иккиламчи қоидалар биргаликда қўлланилгандагина самарали амал қилиши мумкин, деб таъкидлайди Харт.

Харт концепцияси Ж.Остин қарашларига деярли мос келмайди. Бу Хартнинг плюралистик демократия устун бўлган, либерал ва консерватив ғояларнинг муҳолиф бўлган янги шароитларда яшаб ижод этганлигигагина боғлиқ эмас. Харт Остиндан фарқли ўлароқ табиий-ҳуқуқий анъаналарга бир оз бўлсада ён босди ва ўз концепциясида Кельзин нормативизмининг айрим элементларини ва Остин таҳлилий позитивизмини ўзаро синтез қилди. Харт Остин қарашларига кўпроқ ҳуқуқ ва аҳлоқ масалаларини талқин қилиш борасида яқинроқ туради.

Замонавий ижтимоий фанлар, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани маълумотлари, кишилар ҳулқ-атворлари қисман урф-одатлар, қисман имтиёзлар ва қисман маълум қадриятлар билан бошқарилади, деган ғоядан келиб чиқади . Бундан ташқари, жамоа аъзолари ўзларида черков доктриналари ва таълимотларини ҳамда аҳлоқий тамойилларни (касбий, авваламбор, врачлик аҳлоқи ва б.) ўз ичига олган диний аҳлоқ таъсирини ҳам ҳис этадилар. Мазкур барча турфа хил ҳодисалар ҳуқуқ тизимида акс этиши мумкин ва кўпинча акс этмоқда. Бу борада Харт нуқтаи назари қуидагилардан иборат: барча жамоаларда ҳуқуқ ва аҳлоқнинг мазмун жиҳатдан қисман ўзаро бирлашиб кетиши жараёни мавжуд; бироқ ҳуқуқий қоидалар атрибутлари ўзига хос бўлиб, аҳолиқий қоидалардан фарқли ўлароқ турли хил аниқлаштирилган изоҳлар сифатидаги тўсиқлар билан чегараланган.

Ушбу масалада ҳуқуқ фалсафаси тарихига анъанавий хос бўлган бошқа бир нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Масалан, жазолаш (жиноий) қонунчилиги вакиллари криминал қонуннинг кўпинча ижтимоий аҳлоққа зид эканлигини маълум қиласдилар. Жамиятнинг кўпгина аҳлоқий қоидалари қонун томонидан тан олинмайди. «Аҳлоқ ва юридик тафаккур» (Лондон, 1980) асарининг муаллифи С.Столяр, шундай бир қатъий фикрни илгари суради: «юридик позитивистларнинг аҳлоқ ҳуқуқнинг фақат низом ёки урф-одат шаклидаги оддий манбаи деб таъкидлашларига қарамасдан, ҳуқуқнинг катта ёки айниқса марказий қисми устидан амалда қўлланилган аҳлоқ устунлик қиласди». Хартнинг табиий-ҳуқуқий анъанага муросавий муносабати унинг қуйидаги қарашларида акс этадики, унга кўра, давом этаётган, эволюция ҳолатида бўлган табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқнинг истаган тизимида «табиий ҳуқуқнинг бирор бир заррасини», масалан, ушбу ҳолатни тан олиш сифатида, барча бошқа шароитларда одамзот teng жисмоний (бир-бирига яқинлаштирувчи ўхшашликлар) ва ундан камроқ даражада teng ақлий яқинликда бўлишини кўриш мумкин.

Унинг ҳуқуқий қоидаларни бирламчи ва иккиламчи қоидаларга классификацияси кенг тарқалди ва янада мукаммаллаштирилди. Харт фикрича, иккиламчи қоидаларнинг йўқлиги, примитив, анъанавий жамоа ҳуқуқий тизимининг белгисидир. Юридик қоидаларнинг бундай бўлиниши мавжуд бўлмаган жамиятларда уларнинг бўлиниши ва алоҳидалашувига кўмаклашувчи парламент жараёни ҳам бўлмайди. Агар жамиятда юқорида қайд қилинган тан олиш қоидалари қабул қилинган бўлса, унда амалдорлар ва оддий фуқаролар, бу билан, мажбурловчи тартибларнинг бирламчи қоидаларини тушунишнинг авторитар мезонига эга бўладилар. «ҳуқуқий тизим концепцияси» асари (2-чи нашр, 1980) муаллифи Жон Рац мазкур нуқтаи назарни қуйидаги мисол асосида мужассамлаштиради. Тан олиш қоидалари, маълум норматив қоидалар асосида, масалан, фуқаролар кутган, мазкур корпус қоидаларига, айтайлик, сайловолди партия манфестига мувофиқ ўзини иш билан машғул қилиши лозимлиги, ва қонун чиқарувчиларнинг сайловолди ваъдаларининг у ёки бу шаклда уддасидан чиқмаганлиги учун жазоланиши мумкинлигини эътиборга олиб иш юритидаган муассасалар сифатида қонунчилик корпуси фаолияти билан иш кўради.

Хартнинг ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизим назарий конструкцияси XX асрнинг ўрталарида Буюк Британияда устунлик қилди, оқибатда (бошқа позитивистик оқимлар қаторида) фалсафий ва социологик танқидга, айниқса Оксфорд юриспруденцияси ўқитувчиси Рональд Дворкин томонидан танқидга учради. «Агар ҳуқуқлар тўғрисида жиддий гапирадиган бўлсак» номли китобда у позитивистларга эътиroz билдириб, ҳеч бир қонун чиқарувчи (яъни, ўша «қонун-буйруқни ўрнатувчи северен) ижтимоий қарашларни ёки ноҳақлик ҳиссиётини тан олмасликка ҳақи йўқ, чунки жамоатчилик фикри, у қанчалик ўзгарувчан ва ўткинчи бўлмасин, парламент ва ҳукумат «фақатгина назарий инкор» қилиши мумкин бўлган соҳани шакллантиради.

Харт концепцияси, замонавий позитивизмнинг юридик-таҳлилий оқимида мавжуд бўлиб, конструкция ва категорияларга ёндашувининг ўзига хослиги туфайли лингвистик юридик позитивизмга мансубдир. Замонавий юридик позитивизмининг яна бир кўринишларидан бири Кельзен нормативизмидир.

### **Кельзеннинг позитивистик нормативизми**

Ҳаётининг охирги дамлари АҚШда ўтган австрия ҳуқуқ файласуфи Кельзеннинг (1881-1973) асосий асари «ҳуқуқнинг соф назарияси» деб номланади (1934, 2-чи кенгайтирилган нашри, 1960).

Мазкур ном остида позитивистик (мавжуд ва амалдаги) ҳуқуқнинг шундай назарияси яратилдики, ҳуқуқ ўз «софлиги»ни таъминлаши учун, олдиндан позитив ҳуқуқга ёт бўлган барча элементларни ўрганишдан воз кечади. Илмий мунозара предмети бундай чекловининг чегаралари, муаллиф фикрича, аниқ белгиланган бўлиши керак. Ва бу белгилаш қўйидаги икки йўналишни қамраб олиши лозим: ҳуқуқнинг ўзига хос ва маҳсус фани (яъни, одатда юриспруденция деб номланадиган предмет), бир томондан адолат фалсафасидан, бошқа томондан эса, социологиядан (ижтимоий ҳақиқатни билиш) алоҳидалашмоғи лозим.

Агар соф ҳуқуқ назарияси ва адолат фалсафасини солиштирилса шу нарса маълум бўладики, Кельзеннинг талқин қилишига кўра, соф ҳуқуқ назарияси фан сифатида «адолат нима?» деган саволга жавоб бера олмайди. Шунинг учун, бу ва у билан боғлиқ бошқа масалалар (пинципial ва услубий қарашларга кўра) илмий жихатдан очиб берилиши мумкин эмас.

ҳуқуқ назариясини («умумий ҳуқуқ назарияси»ни) ўрганиш предмети қонунчилик қоидаларини, уларнинг элементларини, ўзаро муносабатларини, бир бутунлик сифатидаги тартиб-қоидаларни, унинг таркибини, турли хил тартиб-қоидалар орасидаги ўзаро муносабатларни, ва ҳуқуқнинг позитив қонуний тартибларнинг плюраллигидаги бирлигини ташкил қиласди. Назариянинг мақсади – юристни (ҳуқуқшуносни ва амалиётчини), авваламбор, судяни, қонун чиқарувчини ва ўқитувчини уларнинг ўз мамлакатлари позитивик ҳуқуқнинг тушунилиши ва (иложи борича аниқ) таърифланиши билан таъминлашдан иборат. Бундай назария ўз тушунчаларини фақатгина позитивик қонунчилик нормалари (Харт конструкциясидагидек, айнан нормалар, қоидалар эмас) мазмунидан келиб чиқсан ҳолда таърифлайди. Бу назария сабаблар ва ҳаваслар, шунингдек, қонун чиқарувчи хокимият ниятига ёки индивидларнинг қонун мазмунига нисбатан хоҳиш-истаклари ва манфаатлари таъсирига берилмаслиги лозим. Фан ўзининг объектини, қандайдир ўзига хос идрок қилиш нуқтаи назаридан у қандай бўлиши керак ёки бўлмаслиги керак эканлиги тўғрисида гапирмасдан, у қандай бўлса шундайлигича ифодалashi лозим. Бу реал ҳолатни билишга йўналтирилган фан обьекти эмас, балки қадриятларга йўналтирилган давлат бошқаруви санъати билан иш кўрадиган сиёсат предметидир.

Ҳуқуқ фанида реаллик табиат эмас. ҳуқуқ фанини сиёсатдан ажратиш эҳтиёжи ва зауррияти мавжуд. Камида уни табиий (табиатни ўрганувчи) фанлардан ажратиш лозим. ҳуқуқ умумий назариясининг энг қийин вазифаларидан бири – бу унинг реаллиги хусусиятларини аниқлаш ва қонунлар ва табиатнинг реаллиги орасидаги фарқларни кўрсатишдан иборат. Кельзен талқинига кўра, ҳуқуқий реаллик – қонуннинг позитивлигидадир (масалан, қонуннинг турли хил реалликларининг қонуннинг сиёсат мақсади сифатида идеаллигидан фарқидадир). Реаллик, яъни позитив ҳуқуқнинг мавжудлиги, унинг адолат ёки «табиий» ҳуқуқга мос келиши ёки мос келмаслигига боғлиқ эмас.

Ҳуқуқнинг соф назарияси ўз предметини трансцендентал ғоянинг нусхаси сифатида қарайди; у, шу билан бирга, трансцендетал адолатни маҳсус илмий қарашдан чиқариб ташлаш орқали у билан эмпирик ҳуқуқ орасида аниқ фарқни тан олади. У ҳукуқда одамзотдан ҳам юқори бўлган хокимиятнинг намоён бўлиши эмас, балки инсон тажрибасига асосланган ўзига хос ижтимоий техникани кўради. ҳуқуқнинг соф назарияси ҳуқуқнинг метафизикаси бўлишдан бош

тортади: «позитив юридик нормалар мазмунида аниқлашнинг имкони бўлмаган тушунчалар, ҳуқуқий тушунчалар сирасига кириши мумкин эмас (ҳуқуқ ва давлатнинг умумий назарияси. 1945. Ингл. Нашри). Кельзен фикрича, ҳуқуқнинг соф назарияси, бу, позитив ҳуқуқнинг таркибий таҳлили бўлиб, унинг омиллари ва мақсадларининг аҳлоқий ва сиёсий баҳонишини руҳий ва иқтисодий тушунтириш бундан мустаснодир. Унинг пойдевори, чуқур асослари мета-юридик тамойилларда эмас, балки мантиқий-юридик таҳминда – реал юридик тафаккурнинг мантиқий таҳлили орқали аниқланган таҳминдадир.

Мазкур гипотезага биноан позитив ҳуқуқ, «унинг мажбурийлиги ва ҳаракатдалиги» аҳамиятининг универсал мантиқий таҳмини (ёки оқланиши) асосий нормадан иборат. Ушбу норма амалдорларнинг барча расмий ҳаракатларини ҳуқуқий тартиб контекстига йўналтиради ҳамда амалдорлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ яратувчи актларига умумаҳамият мақомини беради. Кельзен бу назарий конструкциянинг моҳиятини айниятлар орқали тушунтиради. Масалан, асосий нормани («конституция давлатнинг асосий қонуни» эканлигини эътиборга олган ҳолда) «энг биринчи конституция» сифатида қабул қилиш мумкин. Бундай норма ҳар қандай диний тизимларда мавжуд, ва у кимдир ўзини худо сифатида тутиши кераклигини ва ҳукumat унинг хоҳиш-иродасига кўра тайинланишини назарда тутади. «Шунга ўхшаш тарзда Асосий Норма кимдир ўзини конституция «оталари» сифатида тутиши кераклигини ва бундай шахслар бунга бевосита ёки билвосита конституция талабларига мувофиқ ваколатга эга эканликларини белгилайди».

Ҳуқуқ ва хокимијат, ҳуқуқ ва давлат нисбатининг талқин қилинишида, айниқса, ҳуқуқнинг соф ҳуқуқ назариясига кўра «ўзига хос тартиб-интизом ёки хокимиятнинг ташкил қилиниши» деб тушунтирувчи позитивистик анъана яққол кўзга ташланади. Давлат иккита ўлчовда – ҳукмронлик ва ҳуқуқ сифатида юзага чиқади. Кельзен тавсифига кўра, давлатни бундай тушуниш, давлат «бировлар» буйруқ бериб ҳукмронлик қиласидиган, бошқалар эса бўйинсунадиган ва бошқариладиган муносабатлар сифатида намоён бўладиган социологик назарияда кўпроқ самаралидир. Бунинг учун – давлат социологияси фани мавжуддир, юрист эса ижтимоий реалликни «давлат» атамасиз ифодалаш ёки ушбу атамани ўзига хос социологик бўлмаган маънода қўллаш имконига эга. Масалан, жазолаш соҳасида қонунчилик «давлат ҳуқуқини» жиноятчиларга нисбатан муҳокама қилиш самаралидир, бошқа томондан, айрим

соҳаларда, хусусан, фуқаролар ҳуқуқида, қонституцион, маъмурий, оммавий ҳуқуқларда «давлатга қарши ҳуқуқни» англаш мумкин.

Ҳуқуқ назариясини аҳлоқий фалсафадан ёки социологиядан ажратишида Кельзенning ёндашуви, агар Ж.Остиннинг ҳуқуқшунослик фанининг (метафизик бўлмаган) эмпирик ва «ижтимоий-техник» фан (Кельзен фикрига кўра сиёсий-мафкуравий бўлмаган, анъанавий юриспруденция соҳаси) эканлигини атамавий оқлашига ҳаракат қилганини эътиборга олмагандা, Остиннинг таҳлилий юриспруденциясидан деярли фарқ қилмайди.

Агар, Ж.Остин фикрича, аҳлоқ ва ҳуқуқ енгиб бўлмас тўсиқлар билан ажратилган бўлса, Харта буни эвристик мулоҳазалар билан оқлади, Кельзен эса ҳуқуқни аҳлоқдан ва юриспруденцияни сиёсатдан ажратиш лозимлиги тўғрисида фикр юритади. Билишнинг кучли ижтимоий манфаатлар ва қўллаб-қувватлаши туфайли ривожланаётган табиий фанлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий назария, Кельзенга кўра, физик ва кимёгарлардаги сингари тўғридан-тўғри фойдага олиб бормайди. Ижтимоий, ва айниқса ҳуқуқий фанда одатда хокимият муассасаларида мужассамлашган манфаат сиёсий мафкура фанида ўз аксини топади.

Ҳуқуқий фанда ҳалигача бундай устун манфаатга қарши таъсир йўқ экан, унда «соф ҳуқуқ назарияси» ҳалигача даврга мос эмас, деган фикрга келиш мумкин. Бундай фикрни Кельзен 40-йилларда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг илгари сурди. У айниқса шундай ҳолатга эътиборн қаратдики, унга кўра «партия диктатураси ҳукмронлик қилаётган буюк ва кучли мамлакатларда юриспруденциянинг энг кўзга кўринган вакиларидан айримлари ўз «фани» билан «сиёсий хокимиятга» хизмат қилишни энг муҳим вазифа деб биладилар. Ўзининг умумлаштирувчи асарини инглиз-саксон дунёсида яратар экан, у бу ерда фан эркинлиги етарлича қадрланишини, хокимият барқарорлашганлигини ва ғоялар хокимиятга нисбатан кўпроқ аҳамият касб этишини уқтириб ўтади («Адолат нима? Адолат: ҳуқуқ ва сиёсат фан кўзгусида». Танланган асарлар. Лос-Анджелес, 1957).

Кельзен ижтимоий фанлар предметининг алоҳидалашуви борасида мулоҳаза юритар экан, ҳуқуқ ҳақиқатда (хулқ-атворни тартибга соловчи механизм сифатида) бирор-бир натижага олиб келувчи ва самарадорлик хусусиятларига эга эканлигини тан олади, ва бу барчаси бошқача қилиб ҳуқуқ (қонун) хокимияти деб аталади. Гарчи ҳуқуқ ва хокимият айнан бир нарса бўлмаса-да, ҳуқуқ ўз-ўзича

хокимиятсиз мавжуд бўла олмайди, шунинг учун ҳам, ҳуқуқ «хокимиятнинг ўзига хос қоидаси ёки хокимиятнинг ташкил қилиниши» сифатида соф ҳуқуқ назарияси деб талқин қилинади. Социологик нуқтаи назардан давлат, бирорлар буйруқ берувчи ва ҳукмронлик қилувчи, бошқалар бўйинсунувчи ва бошқарилувчи «қонуний ҳуқуқий тартиб» деб қабул қилинади. Бироқ бу, фикран, факат ҳулқ-атвор ҳуқуқ нормаларига, хусусан норматив юриспруденция томонидан муҳим нормалар тизими сифатида талқин қилинган ҳуқуқ нормалариға мажбурловчи ва уларни яратувчиларнинг норматив тизими ёрдамида баҳоланадиган жамиятдагина мавжуд бўлади. Баҳолаш ва тавсифларнинг бундай процедуралари социологик юриспруденциянинг объектини ҳосил қиласди.

Кельзен ўзининг табиий-ҳуқуқий концепцияларга муносабатини 1949 йилда «Табиий ҳуқуқ доктринаси фан трибуналида» мақоласида баён қилди. Умумлашган кўринишда, табиий ҳуқуқ мактабини, адолатнинг абадий муаммоларини маълум даражада ҳал қилиш йўлларини таклиф қилувчи доктрина сифатида қабул қилиш керак. Бошқача қилиб айтганда, доктрина кишиларнинг ўзаро муносабатларида нималар тўғри-ю, нималар нотўғри эканлиги борасидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласди. Бунда, инсон ҳулқ-атворида нима табиий, ва нима ғайритабии, ва ўз навбатида, бу табиатга қарши деган қоидадан келиб чиқиш керак. Туғма ҳуқуқлар, бу, одамзот томонидан белгилаб бўлмайдиган, бекор қилиб бўлмайдиган, балки факатгина уни ҳимоя қилиш ва таъминлаш лозим бўлган ҳуқуқлардир.

Кельзеннинг табиий-ҳуқуқий асосларга қарши эътирози қуидагилардан иборат. Биринчидан, илмий жиҳатдан умум тан олинган табиат қонунлари ва ахлоқ ва юриспруденция қоидалари ўртасидаги жиддий фарқлар аралаштирилиб юборилмоқда. Киши ҳулқ-атвори ёки ижтимоий институтинг «табиий» институт сифатида амал қилишини баҳолаш субъектив баҳолашга, яъни табиий-ҳуқуқий мактабга мансуб бўлган муълум бир мутафаккир нуқтаи назарига асосланган нормаларга мувофиқ келади. Бироқ, гап шундаки, реал ҳаётда биз табиий ҳуқуқнинг биргина доктринаси билан эмас, балки бир нечта, айrim ҳолатларда қарама-қарши принципларга олиб келувчи доктриналар билан ҳам иш кўрамиз. Масалан, Гобсснинг табиат қонунларига асосланган давлат хокимияти абсолютдир, яъни чегарасиздир деган фикри эндиликда хато эканлигига шубҳа йўқ. Ж.

Локк ва Ж.-Ж.Руссо айнан мана шу хокимиятни бошқача тушунганлар ва талқин қилғанлар.

Кельзенга кўра, табиий-ҳуқуқий доктринага интилиш субъектив қарорларни оқлашга бўлган руҳий эҳтиёжга ва уларни объектив сабабларга, ҳақиқатга асосланган қилиб кўрсатиш масаласига бориб тақалади.

Кельзен ҳуқуқшунослигининг позитивистик варианти барчага анъанавий хос бўлган позитивистик фалсафа ва социологияда – Кантдан тортиб, то М.Вебер таълимотларида – фан ва сиёсат нисбатининг талқин қилинишида ўз ривожини топди. Кельзен фикрича, фаннинг сиёсатдан мустақил бўлиши барчага маълум бўлган ҳақиқатдир. Бу, фаннинг муҳим вазифаси бўлган ҳақиқатни билиш, маълум ижтимоий тартибни (тузумни) ўрнатиш ёки қандайдир ижтимоий институтни сақлаб қолишига қаратилган сиёсий манфаатлар таъсирида бўлмаслиги лозимлигини англатади. Сиёсат бу бошқариш санъати, кишиларнинг ижтимоий хулқ-атворини тартибга солиш амалиётидир. Шу билан бирга, сиёсат ироданинг маълум бир вазифаси бўлиб, у фаоллик кўринишида юзага чиқади, ва бу, қайд қилинган фаолликнинг мақсади бўлган қадриятларнинг англаб етилганлиги ёки аксинча, англанмаганлиги шароитида юзага келади.

Бу борада фан билиш функциясидир, унинг мақсади бошқариш эмас, балки тушунтиришдан иборат. Унинг сиёсатдан мустақил бўлиши олим аввалбошданоқ қандайдир қадриятга ён босмаслигини; у, шу йўсинда, ўз обьетини тушунтириш ва ифодалаш билан чегаралашини ва уни эзгулик ёки ёвузлик (фойда ёки зиён нуқтаи назаридан) позициясидан туриб муҳокама қиласлиги лозимлигини ва бу обьетнинг мавжуд қадриятларга мос келиши ёки зид келишини аниқлаш билан шуғулланиши кераклигини назарда тутади. «Илмий мулоҳазалар реалликка нисбатан холосалардир; улар ўз таърифига биноан объектив ва маълум холосалар чиқарувчи субъект истаклари ва хавотирларидан мустақиллар. Шунинг учун, ушбу мулоҳазаларни амалда синовдан ўтказиш имконияти мавжуд. Улар ё ҳақиқий, ёхуд сохта бўлиши мумкин. Бироқ, қадриятлар борасидаги мулоҳазалар ўз табиатига кўра субъектив ҳисобланади, чунки улар, охир оқибат, субъектга баҳо берадиган шахсга ва айниқса мазкур шахс ҳиссиётiga асосланади» (Адолат нима?). Бундай якуний холосалардан сўнг Кельзен иккита изоҳни қайд қилади. Фан соҳасидан қадриятлар борасидаги мулоҳазаларни чиқариб ташлаш айrim ўзгартишлар киритишни талаб қилади, яъни бу, масала, бирор-

бир нарса ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги тўғрисида эмас, балки яхши ёки ёмонлаги ҳақида бўлган ҳолтга тааллуқлидир. Бундан ташқари, бунгача айтилган барча фикрлар «сиёсий» фанга эмас, балки сиёсат фани соҳасига тегишли. Чунки, сиёсат қуроли бўлган сиёсий фан фан эмас, у сиёсий мафкура холос.

### Прагматик позитивизм

Замонавий юридик позитивизмнинг турларидан бири прагматик позитивизмдир («реал ҳуқуқ»нинг америка ва скандинавия мактаби). Агар таҳлилий юриспруденция ўзининг расмийлиги ва дорматизми билан «тушунчалар юриспруденцияси» (Р. Иеринг) номини олган бўлса, ҳуқуқшуносликда реал мактабни «қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юриспруденцияси» дейиш мумкин.

Ҳуқуқшуносликда реалистлар, фанда замонавий психология ва социология усуллари ёрдамида, судлар ва юристлар ҳақиқатда нима билан шуғулланишларига эътибор қаратилган бир шароитда, академик тинчлик бузувчилар сифатида қабул қилинади. Бу борада машҳур асарлардан бири Жерома Фрэнкнинг «ҳуқуқ ва замонавий онг» (1930) китобидир. Ушбу китоб АҚШ Олий суди аъзоси Ф.Франкфуртер тақризига кўра нафақат мавжуд илмий билимлар хазинасига қўшимчалар киритди, балки замонада билим ёки ҳақиқат сифатида намоён бўладиган тушунчаларни радикал равишда қайта қўриб чиқишига чақирди.

Китоб, хусусан, ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд қарашларни қайта қўриб чиқишига мажбур қилди. Чунки, Д.Фрэнк конвенционал деб аталувчи мулоҳазаларга очиқдан-очиқ қарши чиқди ва «ҳуқуқ тўғрисида биз қандай ўйлашимиз ёки нималарни ўйлашимизни» шубҳа остига олди. Бунда муаллиф юрист-амалиётчиларнинг тажрибаларига асосланди. Масалан, у, «Умумий тахминлар муайян муаммоларни ҳал қилмайди» деб таъкидловчи судя ва ҳуқуқ назариятчиси О.Холмсни ўзига шерик қилиб олди.

Ҳуқуқни янгича тушунишнинг хусусиятлари тўғрисида фикр юритар экан, Фрэнк, ҳуқуқ реал ҳаётда маҳсус суд қарори кўринишида (фақат гапириш эмас, балки реал бўлиниш кўринишида) юзага чиқади, деган фикрга эътиборни қаратди. Бу қарорни фақат оз даражада олдиндан айтиб бериш ёки бир шаклга келтириш мумкин; бу қарор шундай жараёндан иборатки, мазкур жараён ёрдамида бундай қарор ишлаб чиқилади; ҳуқуқга янги ёндашувда, ушбу

ёндашувнинг фуқароларга нисбатан адолатни таъминлаш мақсадида қандай суд жараёнига қўлланилиши мумкинлиги ёки лозимлиги масаласи жиддий аҳамиятга эга бўлади.

Асарнинг 6-чи нашри (1949) муқаддимасида Фрэнк камчиликлардан ҳоли бўлмаган ушбу қарашлар мажмуини, яъни, нутқ аслида «аввалги қарорлар долзарблигини» мухокама қилишдан иборат эканлиги тўғрисидаги фикрнинг камчиликларини асослаб беради. Фрэнк суд ишини баён қилиш учун ишлатиладиган «ҳуқуқий реализм» сўз бирикмасини яна бир «хато» сифатида қайд қиласди.

Реалистлар анъанавий ёндашув барча мактаблари, жумладан, ҳуқуқда норматив аниқликни назарга илмаган реалистлар концепциясининг заиф жойларини кўра билган – ўнг ва сўл мактаблар томонидан танқид остига олинган. Уларга жавобан Фрэнк, суд иши бошланмагунга қадар ёки у суд мажлисида эшитилмагунгача суд қарорларини кўпинча олдиндан айтиб бериш қийин дея таъкидлайди.

Фрэнк асарида табиий ҳуқуқ борасида маҳсус эслатмалар йўқ, лекин унинг долзарблиги тўғрисида умумий мулоҳазалар мавжуд. «Мен, ҳар қандай адабли кишининг бугунги кунда замонавий цивилизация асоси сифатида одамзот хулқ-авторига тааллуқли бўлган ва Фома Аквински томонидан эълон қилинган табиий ҳуқуқ тамойилларини қабул қилишдан бош торитишини тушунмайман. Ушбу тамойиллар қаторида – умумфаровонликка интилиш, ўзгаларга ёмонлик қилмаслик, ҳар кимга ўзиникини беришнинг бирламчилиги ва «ўлдирма», «ўғирлама», «ишониб берилган нарсани қайтариб бер» каби тамойилларнинг иккиласмилигини қайд қилиш мумкин».

### **Бирдамлик (солидаризм) ва институционализмнинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари**

XX аср бошлари Франция сиёсий қарашлари **иккита асосий йўналишларга**: анъанавий консерватизм ва либерал таълимотларни шарҳлаш ҳамда янада кўп эътиборни жалб қила бошлаган социализм – давлатсиз социализм (анаҳизм анъаналари), этатик социализм (марксизм ва советлар тажрибаси) ва реформистик социализм (Л.Блюм), ревизионистик ва «марксизмга қарши» социализмни (машҳур назарияётчи Анри Мэннинг 1927 йилда яратган асари айнан мана шундай номланган) шарҳлаш билан боғлиқ йўналишларга қаратилган эди. 30-йилларнинг ўрталарида миллий тоталитаризм ва

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

советларнинг партияйий давлат социализми тажрибасининг таъсири сезила бошлади.

Агар социалистик сиёсий ғоялар соҳасида асосий янгилик синдикализм (бу анархизмга бағишенган бўлимда чиқилган) ва социал-реформизм бўлган бўлса, назарий ҳуқуқшунослик соҳасида эса, ўша даврда Л.Дюги ва М.Ориу номлари билан танилган социал-позитивистик ҳуқуқшунослик янги йўналиш сифатида танила бошлади.

Ҳуқуқ назариётчиси, конституционалист, Бордо юридик факультети декани Леон Дюги ижодиёти (1859-1928) Европа мамлакатларида табиий ҳуқуқшунослик ғояларининг қайта тикланиши рўй бераётган даврга тўғри келади. Ушбу қайта тикланиш ҳаракатларининг юридик позитивизм устунлигини бутунлай йўқ қилишга қурдати етмаса-да, позитивизмнинг интеллектуал ва аҳлоқий жиҳатдан танқид қилиниши дорматик позитивистлар тўғри қабул қила олмайдиган ва тушунтира олмайдиган масалаларнинг қабул қилиниши ва талқин қилинишига ёрдам берди.

Дюги социал-юридик йўналиш, яъни ҳуқуқни позитивистик ва социологик тушуниш тарафдорларидан бўлиб, бироқ у ўз қарашларида бир оз табиий-ҳуқуқий анъаналарга ён босади.

Давлатшунослик ва ҳуқуқшуносликда туб ўзгаришларни амалга ошириш вазифаси Дюги фикрича, ҳуқуқшунослик фанида О.Конт каби «метафизик» тушунчалар ва конструкцияларни бекор қилишдан иборат. Дюги улар қаторига «давлатнинг суверен шахси», «шахснинг субъектив ҳуқуқи» кабиларни киритиб, «юридик вазият», «функция», «ижтимоий ҳуқуқ» ва б. бир қатор янги тушунчаларни ҳимоя қилиб чиқади. Унинг энг асосий асари «Конституцион ҳуқуқ тўғрисида трактат» (1911) деб аталади. Муаллиф унда юқорида қайд қилинган янгиликлардан ташқари констиуцион ҳуқуқ предметини аниқлаштириш ва қайта талқин қилишга уриниб кўрган.

Шундай қилиб, Дюги, ҳуқуқ ва унинг билимдонлари – юристларни табиат ҳамда ҳуқуқ ва давлатнинг вазифасини муҳокама қилишнинг янги ва замонага мос шаклида фаолият юритишларини тушунтиришга ҳаракат қиласи. Унинг ушбу фикри социологик позитивизм асосчилари ва етук намоёндалари (Сен-Симон, О.Конт, Г.Спенсер) ҳамда ўз замондошлари, жумладан, ўз методологик асарларида ҳуқуқ «ижтимоий омилларнинг бевосита натижасидир», деб таъкидловчи Э.Дюркгейм томонидан қўллаб-қувватланди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Эсмен ва Еллинек ҳамда субъектив ҳуқуқнинг «заиф концепцияси» ва «унинг асосида схоластикага жуда яқин бўлган юридик техникаларни шакллантирувчи барча ҳуқуқшунослар»нинг қарашлариға қарама-қарши ўлароқ, Дюги, «оммавий хокимият бу оддий фактдир» деган тезисни илгари суради. Давлат ўзининг илгариги жамоа шаклида – рим, қироллик, якобин, наполеон, Францияда учинчи республика шаклларида йўқолиб бормоқда, ва улар ўрнига янги давлат тузуми, яъни «янада мослашучанроқ, инсонпарварроқ, шахсни кўпроқ ҳимоя қиласидиган» тузум вужудга келмоқда. Ушбу тузум иккита жиҳатга асосланади. Биринчи жиҳат – бу бутун инсониятни ва ҳар қандай ижтимоий гуруҳ вакилларини (жумладан, заифлар ва кучлилар, катталар ва кичиклар, ҳукмронлар ва бошқариладиганларни) бирлаштирувчи «ўзаро боғлиқлик факти»га асосланувчи ижтимоий нормалар концепциясидир (объекти ҳуқуқ корпусига тегишли). Иккинчи жиҳат децентрализациядан иборат (ушбу яни ижтимоий тенденциянинг бошқача номи – синдикал федерализм деб аталади). Бу ҳолатни шарҳлар экан, Дюги, ўз нуқтаи назарини революцион синдикализмдан ажralган ҳолда ифодалаб, ҳозирги давр жамияти ўз тараққиёти давомида «синдикатлар шаклида ташкил топган барчага маълум синфларнинг федерализми»га томон ҳаракат қилмоқда ва бу федерализм вақти келиб, «бекор қилинмайдиган, ўз ҳаётийлигини йўқотмайдиган, лекин умуман янги жиҳатларга эга бўладиган ва асосан назорат қилиш вазифасинигина сақлаб қоладиган марказий хокимият билан қуралиб кетади».

Дюги, марказий ва бирлаштирувчи ғоя сифатида юснатурализм ёки юридик доктрина ғояларини эмас, балки позитивистик ижтимоий фалсафа соҳасидан олинган ғояларни илгари суради. Бундай ғоялардан бири бирдамлик концепцияси бўлиб, О.Конт унинг дастлабки бошловчиларидан ҳисобланади. Ушбу ғоянинг айнан оммавий хокимият, оммавий ва хусусий ҳуқуқ табиати масалалари қаторига киритилиши Дюгининг оммавий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларининг предметига қайта таъриф бериши, ҳамда «ижтимоий синф», «индивидуал ҳуқуқ», «хокимиятнинг бўлиниши» ва б. каби тушунчаларни қайта талқин қилишига олиб келди.

Бирдамлик тўғрисида Дюги куйидаги сўзларни айтади: «Бирдамликда мен фақат, одамзот аъзоларини, хусусан, бир ижтимоий гуруҳ вакилларини, уларни эҳтиёжлари ва меҳнат тақсимотига боис бир-бирлари билан ўзаро бирлаштирувчи боғлиқликни кўраман. Шуни қўшимча қилишим мумкинки, кейинги

йилларда бунгача «бирдамлик» сўзини сустеъмол қилинار эди, шунинг учун мен уни талаффуз этишда иккиланаман; ҳеч бир маҳаллий сиёсатчи йўқки, ижтимоий бирдамлик ҳақида унинг маъносини англаб етмай туриб гап сотмаса. Шунинг учун, мен ўзаро ижтимоий боғлиқлик, деб гапиришни маъқул кўраман».

Жамоалар ҳуқуқи ва индивидлар ҳуқуқи янги тизими니 асослар экан, Дюги, замонавий жамиятларда фақат нафсларнинг чексиз низоларини, дағал кучларнинг тўқнашувлари ёки «фақат бир томоннинг енгилиши билан» тугайдиган капиталистлар ва ишчи синфининг муросасиз адоватини кўришдан бош тортади. Замонавий жамиятлар синфлари Дюги тасвирида «бир-бирлари билан яқиндан ўзаро боғлиқ» (яъни алоҳида зич бирдамликда) бўлган индивидлар йиғини сифатида юзага чиқади, чунки, улар ижтимоий меҳнат тақсимотида бир хил ишларни амалга оширадилар. Бунда кишиларни битта ижтимоий гуруҳга бирлаштирувчи ўзаро боғлиқлик, Э.Дюркгеймнинг «Ижтимоий меҳнат тақсимоти» асарида ифодаланганидек, умумий эҳтиёжларни қондириш жараёнида муайян гуруҳ вакилларининг ҳар бирига тўғри келадиган фаолиятнинг турли хил қисмларининг боғлиқлиги ҳисобланади.

Ижтимоий бирдамлиқдан ташқари кишиларни янги жамоаларга, индивид ёки жамоа ҳуқуқларида (уларни Дюги ҳаёлий ва йўқ нарса деб ҳисоблади) белгиланган хулқ-атвор қоидалари эмас, балки ижтимоий нормалар бирлаштиради ва интегрциялади. Кишилар хулқ-атворини бундай тартибга солиш ва бирлаштириш улар ижтимоий мавжудот бўлганлиги, ижтимоий нормаларни бузувчи ҳар қандай ижтимоий акт, албатта ушбу ҳолатга нисбатан «ижтимоий муносабат»ни келтириб чиқариши туфайли рўй беради. «ҳар қандай жамият бу тартиб-интизомдир, чунки одам жамиятсиз яшай олмаса, у фақат қандайдир интизомга риоя қилиб яшashi мумкин бўлади».

Дюги ҳам фанга, ҳам ҳозирги жамият ва алоҳида инсоннинг бундан кейинги мавжудлигига муҳим аҳамият беради. «Эвклид ўзининг барча геометрик тизимини параллеллар постулатини яратганлиги сингари, замонавий инсон ҳам барча сиёсий ва ижтимоий тизимни барча учун мажбурий бўлган аҳлоқ нормалари постулатида яратиши мумкин».

Ижтимоий норма аҳлоқ нормалари эмас, бироқ уни ҳуқуқий норма деб ҳисоблаш ҳам мумкин ҳам шартдир. ҳуқуқий норма сингари у инсон иродасининг ташқи кўринишларига тегишли бўлиб, унинг ички ҳаёти учун муҳим эмас. Бундан ташқари, Дюгининг

фикрича, ижтимоий норма «ижтимоий ҳаётнинг органик қонуни» сингаридир, бироқ, мазкур ифодани фақат метафора сингари тушуниш даркор. Ўзининг кўп асрлик қабул қилиниши ва ифодаланишидаги ҳуқуқий нормани тушунишни сиқиб чиқарувчи ижтимоий норманинг бош хусусияти шулардан иборат.

Дюги «субъектив ҳуқуқ» ва «объектив ҳуқуқ» атамаларини тўлаттўкис рад этаётгани йўқ, у фақат ҳозирги даврда метафизик концепцияда субъектив ҳуқуққа эга бўлмаган жамиятнинг (жамият тизими) юзага келиши ва унинг истеъмолдан чиқиши, шунингдек, жамиятнинг ҳар бир аъзосига ижтимоий мажбуриятни белгилаб берувчи, яъни «ундан айрим вазифаларни бажаришни талаб этувчи» ҳамда шу билан биргаликда «ушбу вазифаларни бажаришда маълум актларни бажариш ҳуқини берувчи» объектив ҳуқуқ тушунчасига ўз ўрнини бўшатиб беради.

Дюгининг ҳуқуқшуносликнинг концептуал янгиланиш соҳасидаги ижоди аввал бошида кенг жавобни юзага келтирди. П. И. Новгородцевнинг фикрига биноан, Дюгининг давлатчилик таълимоти ғоялари доирасига бирдамлик тухунчасини киритишни унинг катта ҳиссаси ва шубҳасиз олдинга ташланган қадам деб ҳисоблаш керак. Агар давлат ҳуқуки мутахассиси бўлмаган Менгерни эътиборга олмаганда, Дюги – «юриспруденция соҳасида янги ижтимоий онгни киритувчи ўз соҳасининг атоқли вакиллари ичida ягонасиdir». Дюгига айнан шундай баҳони ўзга рус ҳуқуқшуноси М.М. Ковалевский ҳам берган. Шунга қарамай мақтов сўзсиз эмас эди. Агар Дюгининг барча асарларини бошидан охиригача ўқиб, унинг айрим ғояларида бирдамлик ғоялари қай даражада акс этганлигини кузатиб чиқилса, у ҳолда П.И. Новгородцевнинг «Конституцион ҳуқуқ» таржимасининг муқаддимасида «Дюги доктринасида ушбу ғоянинг акс этганлиги етарли эмас ва юзакидир», деб ёзганларига қўшилмай илож.

Бироқ, мазкур соҳада Дюги асарларида биз кўрадиган ғояларга нисбатан «истикболда бунданда самарадорлироқ иш эҳтимолдан ҳоли эмас, балки эски тушунчалар қайта кўриб чиқилар ва анъанавий қарашларнинг кескин қайта шаклланиши рўй берар».

Институционализм ҳар бир жамиятда мавжуд жамоалар (ижтимоий уюшмалар, ташкилотлар), яъни масалан, оила, бир касб вакиллари, кўнгиллилар ассоциацияси, шунингдек, ақлий ва бошқа талабларни қондириш йўлида ташкил этилган жамоаларни интегратив ташкилотлар, яъни жамиятни миллат-давлатига

уюшишини таъминловчи сифатида қабул қилиш керак. Шу билан биргаликда шунга ўхшаш ташкилотларнинг интегратив аҳамияти улар томонидан ўзларига манфаатлироқ бўлган хизматлар билан боғлиқ шахсий ролларни бажариш орқали белгиланади.

Ҳатто бошқарилувчи шахс ва гуруҳлар устидан ўзининг доимий устунлигини таъминлаш борасида доимий ташвишини қилувчи бюрократия деб номланувчи жамиявий уюшма ҳам давлатнинг умумий функцияларини бажаришга қаратилган воситачи функциясига эга ташкилот сифатида қабул қилиниши мумкин. Давлат эса ўз навбатида, бюрократик уюшманинг юзага келиши ва шаклланишига нафақат қаршилик кўрсатади, балки унинг институт сифатида шаклланишига хайриҳоҳлик ҳам қиласди.

Институционаллашиш ғоясини муваффақиятли ишлаб чиқкан олимлардан бири Морис Ориудир (1859—1929). У азалий шахс ва давлат манфаатлари қарама-қаршилиги муаммосини христианликнинг дастлабки асрларидаги колективизм руҳида, бироқ замонавий ижтимоий-тарихий ҳолат билан белгиланувчи айrim янгиликлар киритиш орқали талқин қиласди. шаклланувчи ёки бошқа жамоавийлик ташкилот сифатида қаралувчи институционаллашиш ғояси шартномавий назариядан (либерал назариянинг концептуал ядроси) ва мутахассисларнинг раҳбарлик-бошқарувчилик қонунийлигидан фойдаланишдан воз кечиб, кейинчалик кенг оммавий ифодасини топган қатор принципиал янги ҳолатларни илгари сурди.

Институционаллашиш ғоясининг концептуал асоси ўз вақтида Монтескье ўзининг ҳокимият тақсимоти ғоясида ифода этган мувозанат ғоясига бориб тақалади. Унинг моҳияти бўйича ҳуқуқий тартиб айнан кучларнинг табиий тенглигига ва давлатларнинг ҳозирги замон ҳаётини «мураккаб ва чалкаш тизимга бирлаштирилган саноқсиз ижтимоий тенглик» (Н. Н. Алексеев) сифатида қиёс қилинади.

Шерлар оиласидан бўлган элитанинг бошқаруви - бу кучли бюрократиялашув фаолияти шароитидаги радикал камчиликнинг бошқарувидир. Ғарбий европани, Паретонинг фикрича, плутократик элита бошқарди. «Жамиятни шакллантириш муаммоси кўпроқ ёки камроқ ноаниқ адолат идеали атрофидаги декларация билан эмас, балки фақат воситани мақсад билан ўзаро муносабатлари йўлини топа оладиган илмий тадқиқот ва ҳар бир одам учун куч ва роҳат

билин азобланиш ва кучи керагича кўп миқдордаги одамнинг фаровонлигини таъминлайдиган ҳолатда ҳал қилиниши лозим» - дея таъкидлайди Парето.

Моска ва Паретонинг замонавий сиёсий назарияга қўшган ҳиссаси асосан ҳокимият структурасини аниқлаштириш ва ҳар қандай шаклдаги ҳокимият амалга оширилишининг гурухий характерига диққат эътиборини тўплаши билан боғлиқ.

Бу методологияларни ишлаб чиқишининг кейинги босқичи **Роберт Михельснинг** (1876-1936) марксизм билан мунозарада элитар назария сифатида пайдо бўлган «олигархиянинг темир қоидаси» бўлди. Михельснинг шахсий умумлаштирмасига кўра «бир ҳукмон қатламнинг бошқаси билан алмашиши ва ундан олигархия қонунларининг ишлаб чиқилиши умумий хаёт мавжуд бўлишининг зарурӣ шакллари сифатидаги формуланинг зарурати ҳеч қандай ҳолатда тарихнинг материалистик тушунчасини чекинтирмайди ҳам, ўзгартирмайди ҳам, бироқ фақатгина уни тўлдиради. Таълимотлар орасида ҳеч қандай зиддият йўқ, тарих - бу синфий кураш-янги олигархия тузилишига олиб келадиган тарихнинг узлуксиз жараёнидир.

Михельснинг тушунтиришича олигархиянинг ўзи омма психологияси ва ташкилотлар психологияси эҳтиёжлари тузилиши ҳамда ўзига хос «ташкилотлар структураси қонунлари»га дуч келган ташкилотларнинг бир мунча ўзига хосликларидир. Бу концепция, яъни Паретонинг қайта ишланган сиёсий партияларнинг озчиликнинг бошқарув принципи ташкилотлар материалларида «Замонавий демократияда партиявий ташкилотлар социологияси» китобида берилган (1911 Вена). Авторнинг энг фалаж қилиб қўядиган констацияларидан бири замонавий бюрократик ташкилотлар ва демократиянинг бирлаша олмайдиган бошланишини кузатиш бўлди: « Ким демократия ва олигархия йўналишини гапирса, ташкилотларнинг ривожланиши билан демократия қулайди ». Сиёсий ташкилотларнинг уюшган омма руҳияти ва улар сиёсий лидерларининг техник хусусиятлари қийин ўзаро таъсир этиш шароитида спонтан лидерликдан олигархик бошқарувга лидерларнинг «профессионаллашув ва барқарорлашув» босқичи орқали ўтади. Ушбу концепция асосан демократиянинг инқирозга учраш сабабларини тушунтиришда ва фаизм назарияси руҳи билан суғорилган «янги сиёсий тафаккурни яратиш»да, шунингдек, ҳозирги

замон лидерлик, партия тагкилотлари ва бюрократия социологиясида ўз аксини топди.

Замонавий сиёсий институтларни ва жараёнларни элитаристик ва олигархик изоҳлаб беришнинг категорида яна бир сиёсатни ўрганишда гурухий ёндашувлар деб номланадиган ҳамда, институционал доирани кенгайтирувчи ва тўлдириувчи синфий ёндашувлар ва «элитар ёндашувлар», «босим гурухлари» ва «манфаат гурухлари» ҳам туради.

«Манфаат гурухлари» назариясига асос солган шахс **Артур Бентли** бўлиб (1870-1957), у «хукумат ҳокимиятининг амалга оширилиш жараёни; ижтимоий босимни ўрганиш» асари муаллифидир. Бу ерда асосий тезис инсон фаолияти доим унинг манбаатлари билан аниқланганлиги ва уни таъминлашга қаратилганлиги таъкидланади.

Бу фаолият бевосита гурухларнинг, яъни манбаатлар умумийлиги асосидаги одамлар бирлашмасининг фаолияти сифатида амалга оширилади. Бир бутун индивидуал ишонтиришлар, алоҳида ғоялар ва мафкуралар, индивидуал хулқ-атворнинг характеристикаси гурухлар фаолиятининг факат контекстдаги аниқлаштирувчи аҳамиятига эга бўлади ва уларнинг гурух хулқ-атвори моделлари аниқлашувига қанчалик ёрдам беришини ҳисобга олади. Гурухлар уларни бирлаштирувчи манбаатларсиз мавжуд бўла олмасликларини эътиборга олган ҳолда, манбаат (фаолият) ва гурух Бентли учун ўзаро яқин тушунчалардир. Шуниси характерлики, қайд этиш ва тенглаштириш ишида зарур бўлган гурухлар манбаатлари кузатувчилар ва тадқиқотчилар томонидан нафақат ўз мақсадларидағи оғзаки риторика, балки шунча ушбу гурух аъзоларининг кузатилган фаолияти ва хулқ-атвори ҳақидаги холосаларнинг ўз мақсадлари ҳақидаги дастурий ва бошқа арзларидир.

Манбаат гурухларининг бир-бири билан муносабатларидағи ва давлат бошқарувидаги таъсири фаолиятини Бентли, шу гурух манбаатлари гавдалантирилган босим сифатида амалга оширилувчи ва ҳукумат ҳокимиятини ўз ирова ва таъсирига бўйсиндиришга мажбурлаш мақсадидаги динамик жараён деб қабул қиласи ва ифодалайди. Бу ўзаро таъсирида одатда кучли гурух ёки гурухлар мажмуи устунлик қиласи. Улар ўзларидан кучсиз гурухларни ўз таъсирига бўйсиндиради ва бўйсинишга мажбурлайди, давлат ҳокимиятининг ўзи ва бошқарув адаптацияни, гурухлар низоларини

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ешишни, гурухий манфаатларни ва рақобатлашаётган гурухлар ўртасидаги сезиларли мувозанатга етишишни ўзида акс эттиради.

Шундай қилиб, давлат бошқарувининг барча феноменини «бир бирига босим ўтказадиган, бир бирини шакллантирадиган ва ижтимоий розиликни таъминлашда вакиллик учун гурухий намойиш ва янги гурухларни ажратувчи (хукумат ҳокимиятининг агентлиги ёки органи) сифатида таништириш мумкин.

Бундан буён, сиёсий тартиботлардаги фарқларни, гурухий фаолиятлар туридаги ёки гурухий босим техникасидаги фарқ сифатида кўрсатиш мумкин. Деспотизм ва демократия - бор-йўғи манфаатлар вакиллигининг ҳар хил йўллари. Янги конфигурация «бўлинган ҳокимиятлар» тизимининг реал амал қилиш характеристикасини олди .

Бентли Маркснинг синфларнинг сиёсатдаги ролини рад қилмайди, балки, синфларга барқарор мавжудликка мойил ва «кўпчиликнинг манфаатлари» сифатида ёндашади.

Янги классик моделлар модификациясида ва сиёсий ҳокимиятнинг назарий конструкцияларида Макс Вебернинг (1864-1920) ҳокимият типологияси ўзига хос ўрин эгаллади. Моска ва Паретонинг изидан бориб у парламент демократиясининг сиёсий лидерлар танлаш йўли билан амал қилишининг асосий хусусиятларини ва техник йўналтирилган административ бюрократия устидан назоратни кўриб чиқади. Умумий ҳуқуқ, давлат ва ҳокимиятнинг ўрганиш тажрибасига таяниб Вебер ҳар хил халқларнинг тарихи давомида топилиши мумкин бўлган ҳокимиятнинг идеал концепциясини илгари суради.

Тарихий жиҳатдан биринчи ҳокимият - бу патриархал (илк давлат шаклланишидаги тўда, уруғ бошлигининг ҳокимияти) ҳокимиятдир. Кейинги тур ҳокимияти - бу харизматик ҳокимият бўлиб, у ҳукмдорнинг худо томонидан берилган сифатлари ва ўзининг иқтидори билан «шахсий культуни» яратадиган бошқариш имкониятлари назарда тутилади. Энг замонавий ва истиқболли ҳокимият - бу рациональ-лигитим ҳокимиятдир. Бу ҳокимиятларнинг энг асосий элементлари, уларнинг конструкциясини яратувчи профессиональ бюрократия ҳисобланади.

Бюрократия («идора хизматчиларининг ҳокимияти») Вебер томонидан анъанавий эмас, балки қаттиқ назорат қилинувчи ва рационал қоидаларга асосланадиган легалистик (бошқарилувчи ва назорат қилинувчи қонунларга) характерга ва аҳамиятга эга

хукмронлик турига ўхшатилади. Бу хукмронлик қуйидаги моментлар ва характеристикаларни ўз ичига олади: 1. Қарорлар қабул қилиш ва назорат қилишда қулайлик мақсадидаги қонун ва қоидаларда қатъий белгиланган шартли хизмат ва компетенцияларнинг мавжудлиги. 2. Хизматчиларнинг мақом ва компетенциялари ҳимояси (уларнинг судга сотилмаслиги, мансабдорларнинг ёш ва хизматига нафака ва бошқалар). 3. Тақсимланган бошқарув функцияси ва ижро функцияси бажарилишидаги аниқ иерархизация. 4. Конкурс асосида кадрлар танлаш. 5. Бажарилаётган хизмат функциясининг шахсий хусусият ва характеристикаси, яъни ходимлар қанчалик даражада ўз мансабларининг хўжайини бўлмаслиги ва бошқариш воситаси. Бюрократиянинг келажакдаги роли ҳақида гапириб, Вебер, ҳамма демократиянинг ижтимоий ва давлат хаёт фаолиятидаги аниқ истиқболи тотал бюрократия ҳисобланади. Айнан бўндай истиқболларнинг капитализм билан алмашинув кучида, Вебернинг фикрича, социализм эмас, балки, жамиятни рационал бошқарув мақсадидаги бюрократлашув келади. Бу фикр замонавий менеджер революцияси ва постиндустриал жамият назариётчилари томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди.

Ҳокимиятлашувнинг технократик концепцияси (грекчадан. «техне» ва «кратос» - касб, ақл ва устачилик ҳокимияти) асосида, одамлар билиминг ҳокимият ва бошқарув ишларидаги асосий роли ҳақидаги илк ғоялар ётади.

Технократик раҳбарликнинг замонавий концепциялари шаклланишини Ф. Бекон, Кондорсе ва Сен-Симонларнинг номлари билан боғлиқ. Улар илк технократик утопия ғояларининг асосий илмий билимлар тарғиботчилари эди. амиятни технократик бошқарув усуллари Ф. Беконнинг ўз илмий машғулотларини орол давлатни бошқариш ишлари билан бирга олиб борувчи юқори обрўли олимлар қатлами томонидан хайрихохлик билдирилган «Янги Атлантидада» асарида аниқ ёритиб берилди.

Технократик ақлий кайфиятлар ва кузатишларнинг кейинги кўтарилиш босқичи А. Сен-Симон ижоди билан боғлиқ. Сен-Симон «Женева ахолисининг замондошларга хатларида» ёзишича, замонавий фанлар шунинг учун ҳам фойдалики, у башорат қилиш имкониятини беради ва шунинг учун олимлар бошқа одамлар ва касблардан юқори туради. Саноатчилар билан бирга улар жамиятнинг ҳақиқий ёритувчилариdir ва миллат улардан маҳрум қилинса, бирлаҳзада жонсиз танага айланади. ҳаммасидан кўра технократик

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

билимлар вакилари бўлган - химиклар, физиклар ва математиклар фойдалидир. Юристлар ҳам фойдалидир, бироқ, уларнинг таъсири жамиятда 8-1ни ташкил қиласи.

Сен-Симоннинг асосий кузатишлари ижобий билимларнинг ижтимоий функцияси ва ижобий фанларнинг метафизик, «фол қилувчи» фанлардан фарқи билан боғлиқдир. «хозирда секинлик билан ривожланаётган сиёсат қачонки тажрибали фанлар қаторига қўтарилади, шундагина машғулотлар талаб қилинадиган, тайинли ва аниқ характерга эга йўлларга айланади: сиёсат билан шуғулланиш олимларнинг маҳмадоналарни жим туришга мажбур қиласидиган маҳсус курси бўлади» дейди.

Жорий асрнинг 20-30- йиларида АҚШдаги чуқур иқтисодий депрессия ҳолати биринчи марта ўзларини технократ деб номлаган техник интеллигенциянинг маълум бир қатламини келтириб чиқарди. Фан, муҳандислик фикрлари ва технологиянинг мавжудлиги - дейди технократлар - мўл-кўлчилик ва юксалиш ҳақидаги асрий «америка орзулади»ни амалга оширишнинг ҳамма заруриятларини ўз ичига олади. Бироқ инсон меҳнати ва машина техникаси айнан депрессияга олиб келган эскирган иқтисодий ускуналаш доирасида фойдаланилади. Бунгача унчалик машҳур бўлмаган ҳаракатнинг раҳбари Г. Скотт, олимлар, педагоглар, санитария эксперtlари, ўрмончилар, ҳисобчилар ва ниҳоят, мавжуд саноат ишлаб чиқаришни рационализация қилиш вазифасини олган муҳандисларни бирлаштирган кенг касбий ташкилотларни тузиш таклифи билан чиқди.

Технократлар ҳаракати қисқа вақт ҳаракатда бўлди. Рузвельтнинг «Янги курси» унинг иқтисодий марказлашган дирижерлиги ва инқирозга қарши таъсири танлоVI тезда технократия парусини шамол бўлиб учирди. Технократик ғояларнинг янги варианти американлик социолог Ж. Бернхемнинг 1941 йилдаги «Менеджер революцияси» китобида илгари сурилди. У ўз китобида - технократия бошқарувчилар шахси (менеджерлар, ташкилотчилар) бир неча улкан давлатлар, АҚШ, СССР, Германия сингари давлатларда ижтимоий-сиёсий реалликка айланди - дейди. Шундай қилиб, давлат функцияси сиёсий механизмининг маҳсус кашф қилинган менеджерлари функциясига айланадиган капитализм ва социализмнинг «бошқарувчилар жамияти билан» алмашув йўналиши кўрсатилган.

Менеджерлар (бошқарувчилар) - булар асосий ишлаб чиқариш воситалари назоратчиларидир ва бунда улар ўз ролини бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш воситаларининг хўжайини бўлиб чиқади. Танқидчилар менеджерларнинг жамиятдаги заиф далиллаштирилган жалб қилувчи ролини хохловчиларни мавжудлар билан бирга алмаштирувчилар сифатида қабул қилдилар (П. Друкер), радикаллар эса Р. Миллс шахсида Бернхем концепциясида бутун инсоният тарихида тарқалган, камчиликларнинг бошқаруви бўлган Платон утопиясининг жонланинш сифатида кўрдилар. Бироқ, бу концепциялар 50-60 - йилларда постиндустриал жамиятнинг кириб келиши ва сиёсат табиатининг элитар изоҳланишининг баъзи бир варианatlарида замонавий демократия ва давлат бошқарувида иккинчи нафасини топди. Бу ҳолатда Р. Паунднинг «социал инженерия» метафораси кенг юриш олди.

Хилма-хил технократик лойиҳалар учун кенг соҳа замонавий сиёсий ва социла прогностика бўлди. Америкалик социолог Б. Беквитнинг башорат қилишича, сиёсий эволюциянинг охирги босқичларида (постсоциализм ичида) демократия эксперtlар бошқаруви билан, аниқ қилиб айтганда эксперт ташкилотлари билан алмашади. Ва бу нисбатан самарали бўлади, яъни бошқарув сайловчилар ва халқ томонидан сайланганлар қўлида бўлиб, экспертлар анчайин талантли, билимли ва ижтимоий масалаларда анчайин тажрибалидир (Экспертлар бошқаруви.1972 ). «Постиндустриал жамиятнинг кириб келиши» (1973) китобининг муаллифи Д. Белл юқори илмий ташкилотлар жамияти сифатидаги қарор топаётган жамият технократик элементларга катта аҳамият беради. «Янги индустрисал ҳолат» монографияси муаллифи Ж. Гэлбрайт илмий академик комплекс (хукумат, университет, ва хусусий тадқиқот идоралари) хусусий истеъмолчиларга эмас, балки, жамият хизматидадир - дейди. Бундан ташқари, ҳеч қачон ер эгалигига асосланмаган ва шунинг учун ҳам капиталга ўтган, иқтисоддаги ҳокимият ҳозирги вақтда ўз манбааларига ва ушлаб турувчиларига эга.

Фарб замонавий сиёсий тизимида технократик асос генезисининг оригинал интерпретацияси билан француз политологи ва тарихчиси Морис Дюверже чиқди. Унинг фикрича, технократия аниқ кўринишда ҳеч қаерда мавжуд эмас, бироқ Ғарбда либерал демократиянинг гуллаган вақти (1870-1914) ва кейин унинг инқирози туфайли технократик элементларни ўз ичига олган ва уларни либерал

демократиянинг сақланиб қолган қолдиқлари (бутунлай сиёсий эркинлик йўқолмаган, либерал плюралистик мафкуралар, гуманистик маданий анъаналар) ва капиталистлар шахсидаги янги олигархия билан жамият ва давлат сиёсий ташкилотларининг янги шакли юзага келади.

Шу билан бирга, капиталистлар - мулкдорлар техноструктуранинг иқтисодий кучли чўққилари таркибиغا киради, яъни Дюверже Гэлбрейтдан фарқли ўлароқ ва унга қўшимчалар қўшиш тартибида ўзига хос сиёсий бошқарув тизим дея номлайди. У давлат қарорларини тайёрлашда катта-катта фирмалар сингари жамоавий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган алоҳида одамо<sup>VI</sup> (замкнутўй) «донишмандлардан» ташкил топади. Қабул қилинган қарорлар турига боғлиқ ҳамма бошқа гуруҳлар конгломерати бўлган сиёсий бошқарув техноструктуранинг цементловчи ўзаги вазирликлар ва амалдорларнинг олий қатлами ҳисобланади. Бу фаоллик соҳаси бошқарув техноструктураси деб номланади.

Бошқа фаоллик маркази - сиёсатчилар фаолияти соҳаси бўлиб, улар қарорларни ўз имзолари билан мустаҳкамлашда доим ҳам компетентларига киритмайдилар (бу ерда сиёсий техноструктура иш кўради). Бу соҳада ҳамкорлик қанчалик даражада ҳамма вазирларни, партия етакчиларини, юқори лавозимли амалдорларни, эксперт ва мутахассисларни, касаба уюшмалари раҳбарларини ва «манфаат гуруҳлар» вакилларини бирлаштириб, иқтисодий техноструктура кузатиши мумкин бўлган аналогик циркуляциянинг бир гурухдан бошқасига ўтиши юз беради.

Давлат бошқарув ташкилотларининг янги мураккаб тури, Дюверженинг фикрича, капиталистик плутократия ва техноструктуранинг симбиозидир. Бу иккиликини Дюверже «технодемократия» термини ёрдамида беради. Технократик ташкилотларни у қадимги Рим худоси Янусга ўхшатади ва бу турдаги ташкилотларнинг генезиси ва эволюцияси ҳақидаги ишни шу ном билан номлайди. Замонавий капитализмга хос фундаментал зиддиятлар, ишлаб чиқариш ижтимоий характернинг антогонистик зиддиятига ва эгаллаб олишнинг хусусий йўлларига эмас, балки капитализмнинг миқдорий ўсиши ва унинг сифатий инқирози билан асосланди.

Бу социал номукаммалликни йўқ қилишни француз социологи ижтимоий эволюция аниқ босқичининг жуда секинлик, технократик идоралар «умумий манфаатга» хизмати ишида очадиган, ҳамма

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

имкониятлардан сезилмас йўл билан максимал фойдаланишда юзага келадиган либерал социализмнинг истиқболи билан боғлайди.

Сиёсий техноструктуранинг амалда юқори кўтарилиши Вебер тушунчасидаги рационал бюрократия билан самарали бошқаришга эришишдан манфаатдор гуруҳларнинг қадрсизлантиришга уринишидир.

Финниснинг муҳим тушунтиришлари бўйича, позитив ҳуқуқ авторитети – унинг адолатли ёки жуда бўлмаса адолатни таъминлай олиш имкониятига боғлиқ.

Модомики, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсади ижтимоий саодатни амалга оширишга қаратилган экан, у ҳолда шубҳасиз адолатсиз ҳуқуқ юридик қучни йўқотади. Зоро, у бу ҳолда ё ўзининг бузилганлик ёки бўлмаса ўзининг номукаммаллигидан келиб чиқади.

Ҳуқуқнинг бузилишига қарши кафолат муайян формал талабларни қатъий бажаришда белгиланади: қонун орқага қайтувчи қучга эга бўлмаслиги, расман тасдиқланган бўлиши, ўз талабларида аниқлик бўлиши, бажариб бўлинадиган ва нисбатан барқарорликка эгалиги. Декрет ва буйруқлар қонуности акт мақомига эга бўлиши ва қонун талабларига жавоб бериши керак; қонун мезонларини қўллаш факат қонуний жараёнларга амал қилиш орқалигина бўлиши мумкин.

### Интегратив юриспруденция

Ҳозирги замон илмий билиш ўзининг позитивистик шаклидаги ўсиши ва дифференциацияси аслида чегара билмайди, ва шу боис, ҳар бир илмий соҳа бу тенденцияга ўзининг бирлашишига, синтез қилишга ва у ёки бу сабабларга кўра тарқаб кетган илмий фрагментларни тартибга келтиришни қарши қўйишга интилади. ҳозирги замон ҳуқуқининг ҳар бир йирик йўналиши тартибга солиш предметини ҳам бўлишга, ҳам синтез қилишга интилади ва айнан шу ҳолат ҳуқуқшуносликнинг умумий йўналишларида – юснатурализм, юридик позитивизм ва социологик юриспруденцияда ҳам кузатиш мумкин.

Бугунги кунда позитивистик юридик анализ ва табиий-ҳуқуқий анализ ўртасида давом этиб келаётган ғоявий конфронтация ва янги чегараланиш, аввалги тарихий даврлардаги сингари, айрим ўзаро ён бериш ва дамба-дам у ёки бу шаклда мос бўлмаган методологик позиция ва кўрсатмаларни яқинлаштириш орқали кечмоқда. Бундай

уринишлар синтезлаштирувчи (интегратив) ҳуқуқшунослик доирасида (Виноградов, Яшенко, Холл) ҳам шуғулдана бошлаган эдилар.

XIX—XX аср ибтидосида позитивистик доктриник ҳуқуқшуносликни социологик фалсафий-маънавий танқид қилиш синтетик ҳуқуқ назариясини ишлаб чиқишига уринувчи абстракт, соғ назарий даражада ўз ечимини топди (А.С. Яшенко, П.Г. Виноградов ва бошқалар). Чичерин ишларида ҳам ҳуқуқшунослик ва давлатшуносликда муҳим йўналишларнинг учта бир хил моҳияти тарих, доктрина ва ҳуқуқ сиёсати кўрсатиб ўтилган. бунинг янги тасдиғи А.С. Яшенконинг «Федерализм назарияси. Давлат синтетик назарияси тажрибасидан» (Юрьев, 1912) асарида ўз ифодасини топиб, унда полиархик ва дуалистик ибтидога эга конфедератив ва федератив сиёсий иттифоқларнинг оригинал талқини билан биргаликда юридик (ва сиёсий) ҳодисаларнинг синтетик табиати федерал сиёсий ташкилотларда айнан яққол кўринади деган фикр келтирилади. федерацияда кимни – марказий ҳокимиятними ёки федераллашган штатларними – суверен ҳокимият деб ҳисоблаш ҳақидаги қадими мубоҳасалар мутлақо тўғри эмас, чунки суверенитетни федерация ва штатларнинг «синтетик узвийлик» шаклида ҳозир бўлувчи умумий ҳокимлик фаолияти атрибути ҳисоблаш керак. федерализм мавжудлигини Яшенко «федераллашган қисми алоҳида, умумфедерал суверенитетнинг ҳукумат органларида ўзига хос мустақил иштирокини сақлаб қолувчи федерал ва маҳаллий ҳокимият мутаносиблигига» қараб чиқкан эди.

Ҳуқуқ ижтимоий ҳолат ва ижтимоий малака қисми сифатида ижтимоий борлиқнинг жуда муҳим элементини ташкил этади, деб ёзган П.Г. Виноградов (1854—1925), ва ўзининг бу ҳолатида у унданда кам бўлмаган ижтимоий функцияларни, айтайлик, давлат тузилиши ёки давлатдаги ҳокимият тақсимоти масалаларини бажаради. У ҳуқуқни ўрганишдаги ўзининг ёндошувини синтетик деб атаб, Дж. Остин ва унинг издошлари таҳлилий услубларига қарши қўяди ва ажратади. Таҳлилий услубларнинг хавфли томони абстракт тушунча ва атамаларни юрист-таҳлилчилар кўпинча атамалар ва уларнинг формал таснифи барча юриспруденция моҳиятини ташкил этадигандек қабул қиласидилар. Оқибатда алоҳида абстракт конструкциялар доимий янгиланишлар, танқид, ҳимоя ва бузилишлар рўй берувчи «тушунчалар олами» пайдо бўлади. Ўз вақтида Р. Иеринг мазкур «тушунчаларнинг жаннат кулбалари» устидан кулади.

Илк позитивистлар, Конт ва Спенсер наздида, табиий фанлар даврасини тугатувчи ва инсонларнинг билиш йўлида сайъи-ҳаракатларини олқишлоғчич ижтимоий фанларнинг кириб келишини олқишилайдилар. ҳозирги замон мутафаккирлари эса, Виноградовнинг фикрича, у даражада оптимист эмаслар ва қатор шарт ва чегараланишларни илгари сурадилар.

«Биз яхши биламизки, - деб ёзган эди Виноградов, - бизнинг хулқимиз ва характеримиз қайси даражада норационал шиддат, бизнинг қизиқишимиз ва нотўғри фикрда бўлишимиз, бизнинг одатларимиз ва институтларимиз, ғайриихтиёрий ва онгсиз элементларига табиатимиз дучор бўлганлигини». Индивид сифатида биз биолог ва психологларнинг тушунтиришларига мурожаат этишга мойиллигимиз кучли. Ижтимоий ҳаётни ўрганишда биология ва психологияга қарама-қарши сиёсат ва синтетик юриспруденция туради» (Урф-одат ва ҳуқуқ. Осло, 1925). Жамиятда ўзини тутиш қоидалари жамиятнинг ўзи ўзини тутиш қоидалари натижасида юзага келади ва тунунчавий ва мантиқий конструкцияларнинг ижтимоий таъсирини жуда ҳам юқори қўйишига зарурат йўқ. «На оила ҳаёти, на профессионал гильдия ҳаёти, ва шунга тенг равишда – черков, миллат, давлат ҳаёти уларнинг мантиқий-тунунчавий ифодаси мукаммаллигига тубдан ёки асосан боғлиқ бўлмайди».

Америкалик ҳуқуқ файласуфи, «интегратив юриспруденция» атамаси муаллифи Джером Холл фикрича, табиий-ҳуқуқий анъана бугунги кунда унинг ҳуқуқдаги аксиологик (қадрият) ёндошув ҳисобига янгиланиши мумкин. Бу ҳолда қадриятлар ҳуқуқий норманинг зарурий аломати сифатида қаралиши, қоидалар эса «мулоҳазанинг ҳимояланган қадриятлари» сифатида қабул қилиниши шарт.

Табиий-ҳуқуқий анъана назарияси амалда ҳар бир юридик назариянинг бошланғич базасини ташкил этиши керак бўлган асосий ҳуқуқий тунунчаларни ишлаб чиқиш билан кам қизиқди. Мазкур бўлим, Холлнинг фикрича, кельзен нормативлигига етарлича ишлаб чиқилган. ҳуқуқшуносликда қадриятий бошланишнинг янги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда интегратив юриспруденцияни, шунингдек, ҳуқуқий аксиология, деб аташ мумкин. ҳуқуқда қадриятлар – худди ҳуқуқ қоидаларида, мураббий сингари, «психик ҳолатни ва ташқи аҳлоқни шакллантиради». Унинг фикрича, бу соҳада мутлақо самарадор ҳуқуқ тунунчаси ўз моҳиятига кўра ўз даврида Афлотун ва Арасту берган этик категория сифатида

ҳисобланади. (Исследования по юриспруденции и криминальной теории. Нью-Йорк, 1958).

Сўнги йиллардаги адабиётларда ғарб «қонун ва тартибот» анъанаси ҳозирги замонда бир томондан глобал муаммолар бундан аввал ҳисобланган ягона бир миңтақанинг кризисини бошдан кечирмоқдалиги ҳақидаги қайдлар пайдо бўлди ваш у боис қарб унинг асосий таркибий қисми бўлиб келмоқда. Иккинчи томонни, қарб учун кризис ҳолати ғарбий ҳуқуқшунослик анъаналари (қонунийлик анъаналари ва тартиботнинг ғарбий маъносига) кризиси ҳисобланади.

Бугун шундай ҳолат юзага келдики, ҳуқуқ тобора кенгроқ равишда сиёсий ёки маънавий прагматизм позицияси томонидан қабул қилинмоқда. Бундай шароитда янгиланиш ва интеграция масалаларида муҳим аҳамият тарихий ҳуқуқшунослик зиммасига тўғри келади.

### Элита, бюрократия ва технократия назариялари

XIX асрнинг иккинчи ярмидан сиёсий ҳаётнинг янада марказийлашиши ва бюрократлашиши натижасида либерал-демократик қадриятлар ва вакиллик бошқаруви тажрибасини танқидий қайта баҳолаш даври бўлди. Бу ўз ифодасини Вильфредо Паретонинг (1848—1923) элиталар назарияси ва Гаэтано Москанинг (1858—1941) сиёсий синфлар концепциясида ўз ифодасини топди. XX аср бошларида сиёсатни тадқиқ этишнинг элитар ёндашуви манфаатдор гурӯҳлар (А. Бентли) деб номланувчи ва жамият ва давлатда ҳокимиятни амалга ошириш ишларида бюрократиянинг тартибга солувчи аҳамиятининг янги қарашлари билан тўлдирилди. Ижтимоий-гурӯҳий анализ сиёсатнинг алоҳида кўринишини технократия ва технодемократия концепциялари (Д. Белл, М. Дюверже ва бошқалар) ташкил этди.

Сиёсий синф назариялари борасида биринчи иш 26 ёшлик итальян ҳуқуқшуноси Г. Москининг «Бошқарув назарияси ва парламент бошқаруви» (1884) асариdir. Мазкур концепциянинг янада кенгроқ варианти кейинчалик унинг «Сиёсий фанлар асоси» (2 том, 1886,1923) асарида берилган. Элиталар назарияси биринчи маротаба батафсил В. Паретонинг «Умумий социология трактати» (1916 й.) асарида берилган бўлиб, унда социологик мавзу тарихий, сиёсий-мафкуравий ва ижтимоий-фалсафий мавзулар ўзаро

уйғунлашган. Парето маълумоти бўйича инженер бўлган, бироқ кейинчалик чуқур ва асосли равишда сиёсий иқтисод ва социология билан чуқур қизиқади.

Иккала италян мутафаккирлари нисбатан ўзаро яқин, яъни бошқарув тизимида икки нисбатан алоҳида мавжуд гуруҳ – бошқарувчи ва бошқарилувчиларнинг мавжудлиги ғоялардан келиб чиққанлар. Мазкур масала муҳокамаси чоғида улар томонидан киритилган энг катта янгилик «сиёсий синф» (Г. Москва) ёки «хукмрон элита» (В. Парето) шаклида жамиятда «жуда оз камчилик» доимо бошқариб туришини тасдиқланишида эди.

Москининг тушунтиришларига мувофиқ, «ҳар бир инсон жамоаларида, тараққиёт ва маданиятнинг етарли босқичига эришганларидан сўнг, ўз ичига бошқарув, ҳарбий, диний ва маънавий раҳбарликни ўзида мужассам этган кенг маънодаги сиёсий раҳбарлик доимо алоҳида, яъни ташкиллашган озчилик томонидан амалга оширилади». Бу озчиликни Москва, шунингдек, хукмрон синф, раҳбар синф, бошқарувчи синф деб ҳам таърифлаган.

хукмрон элита концепциясини асослашда Парето ҳар бир жамиятни икки страта, ёки қатламга ажратиш мумкин – одатда хукмронлар кирувчи юқори страта ва бошқарилувчилардан иборат қуий стратага ажратиш мумкинлиги тахминидан келиб чиқади. У одатий синфлар дихотомиясини (хукмрон ва тобе) мураккаблаштиради ва юқори қатламни икки гуруҳчага – хукмрон ва нохукмрон элиталарга ажратади, қуий қатламни эса бундай тақсимлашни жоиз топмайди. Шундай қилиб, Паретонинг фундаментал фарқланишлари худди элита ва омма фарқлари сифатида кўринади.

Элита кенг маънода аристократия (асллар ҳокимияти) маъноси билан ёки, замонавий ибора билан айтганда меритократия (муносиблар ҳокимияти) билан тобора ўхшашиб кетади. Бундай тушуниш зўрлар зўрининг тор қатлами ҳар бир муайян ижтимоий фаолиятда ёки доимо профессионал престиж иерархиясида ўз ўрнини топишидан келиб чиқади. Агар биз ўз ишини аъло даражада бажарувчиларга 10 балл, энг бепарволарга эса 1 ёки 0 балл қўядиган бўлсак, у ҳолда бундай тақсимот ўз мантииғи ва ифодасини тўлиқ топади. Индексация фаолияти доираси факат сиёсат ёки бизнес билан эмас, балки таълим, адабий касб ва бошқа шу каби касблар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Кўпчиликни алдаб юрган ва одил суд қўлига тушмаган фирибгарга ҳам 8, 9 ёки 10 балл қўйиш керак.

Шоҳмотчиларга уларнинг ғалабаси ёки мағлубиятига қараб балл қўйиш энг осонидир. Бироқ, бошқарув масалаларида ҳукмрон элитага фақат ҳукумат сиёсатига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчиларгина кириши мумкин. Қолганлар бошқармайдиган элитага кирадилар. Албатта, машҳур шоҳмотчи ёки ёзувчилар ҳам элитага кирадилар.

Паретонинг социологик-политологик концепциясида муҳим ўринни мантиқий ва номантиқий фаолият (юриш-туриш кенг маънода) эгаллайди. Р. Ароннинг фикрича мазкур муаммони тушунишда ҳозирги ишбилармон замоннинг кенг тарқалган ва типик иштирокчилари – инженер ва олиб сотар юриш-турмушларини кузатишда ёрдам бериши мумкин. Инженер агар адашса ўзини мантиқан тутади. Иқтисодчи ва юрист, агар ўз билимларини жуда ҳам юқори тутмасалар, кишилар юриш-турмушининг айрим шаклларини тушунишга қурбилари етади. Ва, фақат, социологиягина ўзларини на ишбилармон инженерлар, на эҳтиёткор олиб сотарлар каби тутадиган кишилар билангина мулоқотда бўлади. Инсон, ўз табиатига кўра мулоҳазакор маҳлукот бўлишига қарамасдан, ўзининг амалий юриш-турмушида кўпроқ ўйламасдан иш тутади. Унинг юриш-турмушини кузатиш асосида социолог бу юриш-турмишда хиссиёт ва аффектларнинг (эҳтирослар) алоҳида аҳамиятини аниқлаши ва эътиборга олиши керак бўлади. Бунинг ахлоққа таъсир этиши катта ҳам доимий бўлиб, ақлий шаклланиш доимий ўзгаришда бўлади, бироқ, хис-туйғулар эса нисбатан доимийдир. Ана шу доимийлик учун ҳам Парето уларни алоҳида инсон ахлоқидаги компонентлар категориясига киритади ва уларни «резида», деб, яъни сўзма-сўз «қолдиқ» атамаси билан атайди. Хис туйғу ва аффектлардан фарқли ўлароқ ақлий шаклланиш, тизимли ва аргументли оқланиш, шунингдек, кишилар одатда ўз хиссиётларини никоблайдиган ва шу билан бирга ўз амалиётлари ёки гапларига мушоҳада этилган ҳолатни берувчи мафкуравий жиҳатларини Парето «деривата» («ясама») деб атайди.

Барча жамиятлар ўз элиталари табиатидан келиб чиқувчи турли оқибатлар билан ўзаро фарқланадилар. Бу, шунингдек, барча учун жаҳон қадриятлари ва шу билан биргаликда сиёсий рақобат билан боғлиқ бўлган обрў, ҳокимият, эътиборларнинг нотекис тақсимланганлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Натижада камчилик кўпчилик устидан икки усул ва воситалар – куч ва айёрлик орқали бошқаради. Ушбу талқиндан келиб чиқсан ҳолда сиёсий элиталар

Макиавеллидан келиб чиқувчи икки туркумга ажратилади. Кучни афзал билувчи элиталар шер элитаси, бошқалари эса, яъни айёрликни устун қўйувчилар – тулки элитаси деб ном олади. Тарихнинг энг муҳим воқеаси, Паретонинг фикрича, ҳукмрон камчиликнинг ҳаёти ва вафотидир. «Тарих, - унинг иборасича, - аристократия қабристони» (Умумий социология трактати). Бундан эса унинг кейинги ибораси юзага чиқади – «Жамиятлар тарихи асосан аристократиялар алмашинуви тарихидир».

### Муаммолар, қарашлар, фикр ва мулоҳазалар

**Ҳокимиятнинг персонал бўлиниши.** Мисол учун, қонун чиқарувчи органлар таркибига ижроия ҳокимияти ходимлари ва судьялар кирмайди, яъни қонун кучига эга бўлган қарорларнинг бўлғуси ижроилари депутат бўлиб сайланишлари мумкин эмас. Бироқ, гўё ойнадек равshan бўлган бу принцип хукумат аъзолари бир пайтнинг ўзида ҳам парламент депутатлари бўлган парламент мамлакатлари (Буюк Британия, ГФР ва шу к.)да амал қиласайди. Айни пайтда бу ҳолатни ҳокимият бўлиниши принципининг бузилиши деб ҳисоблаб бўлмайди, балки бунга парламентар типдаги мамлакатларнинг принципиал фарқланиши деб қараш тўғри бўлади.

Энди ҳокимият бўлиниши газимида давлат ҳокимияти назорат органлари масаласини қараб чикамиз. Демократик ҳуҳуқий давлат тизимида нечта ҳокимият бўлиши кераклиги бўйича фанда аниқ бир жавоб йўқ. Кўпчилик шундай ҳокимиятлар учта қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлиши керак, деган фикрни кўллаб-куватлайди. Ўзбекистоннинг ҳам, қорақалпоғистоннинг ҳам конституцияларида ҳокимиятнинг юкорида тилга олинган учта тармоғи ҳамда уларнинг бўлиниши қайд эталган (ЎзР Конституциясининг 11-моддаси).

«Шуни таъкидлаш жоизки, деб ёзади В. В. Лазарев. давлатчилиги етарли даражада ривож топмаган мамлакатларда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлинишига сифмайдиган бундай органларнинг бўлиши бу мамлакатларда ё ҳокимиятлар бўлинишининг умуман йўқлигидан, ёхуд у принципиал бузилганидан далолат беради»<sup>45</sup>.

<sup>45</sup> Лазарев В. В. Аппарат (механизм) государственной власти // Проблемы общей теории права и государства. М. 1999. 579-бет

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Бундан ташқари, «таъсис ҳокимияти» ибораси ҳам бўлиб, лекин у давлат ҳокимияти аппарати тавсифига нисбат берилмайди. Кўпинча, таъсис ҳокимияти ҳақида референдум йўли билан конституция қабул қилишда ўз ифодасини топадиган халқ ҳокимияти сифатида фикр юритилади. «Таъсис» тушунчаси ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқлари тушунчалари билан бир қаторда турмайди.

Профессор В. В. Лазарев ҳам «...ҳокимият бўлиниши бўлган жойда ижроия ҳокимияти билан мос келмайдиган, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан айрим президентлик ҳокимияти ҳамда қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари назорат ваколатларидан ташқаридаги мустақил назорат ҳокимияти бўлмайди», - деб хисоблади. - Бошқача қилиб айтганда, агар ҳокимият бўлиниши мавжуд бўлса, президентлик, қонун чиқарувчи, ижроия, суд, назорат ва ҳ.к. «ҳокимиятлар»ни бир қаторга қўйиб бўлмайди. Бундай қаторнинг бўлиши ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқларига бўлинишини эмас, балки умуман ҳокимиятнинг бўлинишини инкор этади»<sup>46</sup>. Мазкур мулоҳазанинг ҳаддан зиёд кескинлигини пайқаш қийин эмас, лекин моҳияттан бу даъво тўғридир. Ўзбекистон Республикаси Конституясига мувофиқ Президент давлат ва ижроия ҳокимияти бошлиғидир (89-модда), бинобарин, республикада уч ҳокимият - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари мавжудлиги қонуний мустаҳкамлаб қўйилган.

Ижтимоий-сиёсий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонунийтларини аниқлаш нафақат инсоният босиб ўтган бутун йўлни таҳлил этишгина эмас, балки давлатчиликнинг бугунги кун муаммоларини идрок этиш ва ҳатто турли мамлакатлар ҳозирги замон жамиятлари ривожланаётган сиёсий ва соф давлат шакллари кўринишлари истиқболларини олдиндан кўра билиш имконини ҳам беради. Бу эса, жуда муҳимдир.

Бу ўринда шуни ёдда тутиш зарурки, **жамиятнинг ўзи индивидларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас. Бу – мураккаб ижтимоий организм, одамлар ўзаро муносабатлари маҳсули, уларнинг, энг аввало, ишлаб чиқаришни, ҳаёт неъматларини ўзаро алмашиш, истеъмол қилиш билан боғлиқ муайян тарздаги**

<sup>46</sup> Лазарев В. В. Аппарат (механизм) государственной власти // Проблемы общей теории права и государства. М. 1999. 580-бет

уюшган ташкилотидир. Жамият – ўзаро оилавий ришталар билан, гурӯҳий, табақавий, синфий муносабатлар билан бирлашган одамларнинг муракқаб динамик тизимиdir. Ушбу таърифдан, ижтимоий қонунлар бу индивидларнинг шундай бирлашмасида амал қиласи, деган холоса келиб чиқади.

Бундай ёндашувлар, яъни жамиятга ижтимоий муносабатлар жамулжами сифатида қараш, биринчидан, унга конкрет-тарихий ёндашиш (жамият тараққиёти босқичларини ажратиш), иккинчидан, ижтимоий ҳаёт асосий соҳалари (иқтисодий, маънавий соҳалари)нинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, учинчидан, ижтимоий муносабатлар субъектлари (шахс, оила, миллат, давлат ва бошқалар) номларини аташ имкониятини беради.

Шуни ҳам унутмаслик жоизки, “жамият” ва “фуқаролик жамияти” тушунчалари ўртасига тенглик аломатини қўйиб бўлмайди. Иккинчиси албатта биринчисининг моҳиятини билдиради ва ундан кўп йилларга ёшроқдир. Буни батафсилроқ қўриб чиқамиз. Ўз вақтида Сен-Симон, жамиятнинг **иккита душмани** – анархия ва деспотизм мавжуд бўлиб, уларни жамият бир хилда ёмон кўради, деб даъво қилганди. Фуқаролик жамияти ижтимоий муносабатларнинг ана шу иккала ўта нохуш ҳолати истисно этиладиган етуклигидан иборат. Фуқаролик жамиятини тушунтириб беришда етакчи ўрин тутувчи Гегель томонидан қилинган унинг таҳлили икки асосий туб принципга таянарди: индивидлар фақат ўзларининг хусусий манфаатларини кўзлаб иш кўрадилар ва улар ўртасида ижтимоий муносабатлар вужудга келади.

Бошқача қилиб айтганда, Гегель учун: «Фуқаролик жамияти хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, оила, табақа, давлат тузуми, хукуқ, ахлоқ, бурч, маданият, таълим-тарбия, қонунлар ва улардан келиб чиқадиган субъектларнинг ўзаро юридик алоқаларидан иборат». Бу эса энг тўғри ёндашув эди. Шунинг учун ҳам инсон фаолиятида ижодий ташаббуслар намоён бўлиши амалда рўёбга чиққандагина, шахс эркинлиги ҳақидаги орзулар ҳақиқатга айлангандагина фуқаролик жамияти юзага келиши мумкин.

«Фуқаролик жамияти» категорияси тарихан инсоният тараққиётининг ҳар бир давр мутафаккирларининг ақл-идрок, эркинлик, фаровонлик ва адолат ҳукм сурадиган идеал ижтимоий тузум моделини яратиш йўлидаги интилишлари билан тавсифланадиган алоҳида бир даврини акс эттиради. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамиша у ёки бу тарзда давлатни

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

такомиллаштириш (усиз бу жамият яшай олмайди), ҳуқуқ ва қонун ролини юксалтириш муаммолари билан боғлаб кўрсатиб келинади.

Чунончи, қадимги дунёда Афлотуннинг Эйдос (давлат ғояси) назарияси шунга хизмат қилган. Арастуниг давлат фуқароларнинг ўз эҳтиёжларини ўзи қоплаб яшай оладиган даражадаги бирлашмасидир, яъни айнан фуқаролик жамиятидир, деган фикрига ҳам шу аснода қараш керак.

Кишиларнинг ҳуқуқий тенглигини асослар экан, Цицерон шундай деб ёзганди: «...Қонун фуқаролик жамиятининг ўзаро боғловчи бўғини, ҳуқуқ эса, қонун билан белгиланган ҳамма учун бир хил имтиёздир...»<sup>1</sup>. Бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ўша босқичда фуқаролик жамияти тўлалигича давлат билан тенглаштирилган, бу ҳолат анча узоқ вақт давом этган ҳамда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар ривожининг паст даражаси билан боғлиқ бўлган.

Ижтимоий муносабатларнинг изчил ривожи олимларнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашларининг ўзгаришини ҳам белгилаб берди. XVI-XVII асрлар чегараларида Н.Макиавелли, Г.Гроций, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо асарларида фуқаролик жамиятига ҳамма давлатлар эмас, балки улар фикрига кўра, табиий-ҳуқуқий, шартномавий негизларга асосланган давлат тузумининг илғор шакллари мос келиши хақида фикр юритила бошлаганди. Жумладан, Ж.Локк “мутлақ монархия... фуқаролик жамиятига тўғри келмайди ва демак, умуман фуқаролик бошқаруви шаклларидан бири бўла олмайди”<sup>2</sup>, деб ёзганди.

Макиавелли аралаш – монархия, анархия ва демократиядан иборат бўлган давлат шаклини энг матлуб шакл деб ҳисобларди. Уларнинг ҳар бири бошқаларини тийиб, айни пайтда асрраб-авайлаши керак эди.

Фуқаролик жамияти асосларининг фалсафий таърифини биз Кантда ҳам учратамиз. қуйидаги ғояларни у энг муҳимлари деб ҳисобларди: а) инсон ҳамма нарсани ўз куч-қудрати билан яратиши ва яратган нарсалари учун жавоб бериши лозим; б) инсон манфаатларининг тўқнашуви ва уларни ҳимоя қилиш зарурати кишиларнинг ўз-ўзларини такомиллаштиришга ундовчи сабаблардир; в) ҳуқуқ томонидан қонуний таъминланган фуқаролик эркинлиги ўз-ўзини такомиллаштиришнинг зарур шарти, инсон қадр-қимматини

<sup>1</sup> Қаранг: Цицерон. Диалоги. –М., 1966, 24-бет.

<sup>2</sup> Локк Ж. Два тракта о правлении. Соч. В 3-х т. М., 1988, Т.3. 312-бет.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

асраш ва юксак кўтариш кафолатидир. Бу ғояларни сўзсиз инсоният жамияти асосларига қўйиш мумкин<sup>1</sup>.

Кантнинг фалсафий таълимотини давом эттириб, В.Гумбольдт конкрет мисоллар асосида фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги зиддиятлар ва фарқларни исботлашга уринди. Фуқаролик жамиятига у индивидларнинг ўзлари томонидан шакллантириладиган – а) миллий, ижтимоий муассасаларни; б) табиий ва умумий ҳуқуқни; в) инсонни киритади. Унинг фикрича, фуқаролик жамиятидан фарқли ўлароқ, давлат – а) давлат институтлари тизимидан; б) давлат чоп этадиган позитив ҳуқуқдан; в) фуқародан иборат бўлади.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурнинг шаклланишида уни хусусий манфаатнинг таъсир доираси сифатида таърифлаган Гегель муҳим роль ўйнади. Шу таъсир доирасига у оила, табақавий муносабатлар, дин, ҳуқуқ, ахлоқ, таълим, қонунлар ва субъектларнинг улардан келиб чиқадиган юридик алоқаларини ҳам киритарди. Гегель асосий ролни бир-бирига қарама-қарши турувчи индивидларга берарди.

«Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам ўз-ўзи учун қўйган мақсад билан ҳаракат қиласи, бошқа ҳамма унинг учун ҳеч нарсага арзимайди. Бироқ бошқалар билан ўзаро алоқаларсиз у ўз мақсадларига тўла ҳажмда эриша олмайди»<sup>2</sup>.

Шуниси қизиқки, Гегель, фуқаролик жамиятига қараганда, давлат тараққиётининг юқорироқ босқичи, деб ҳисобларди. Бироқ кейинчалик фуқаролик жамияти тадқиқотчиларининг кўпчилиги бу фикрга қўшилмади.

Шундай қилиб, тарихий маълумотлар ва юқорида келтирилган мулоҳазалар шуни кўрсатадики, фуқаролик жамиятининг вужудга келиш жараёни мураккаб ва зиддиятлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятининг вужудга келиши иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг қай даражада ривожланишига, давлат-ҳокимият тизимлари устидан жамоат назорати механизми қай даражада таъсир кўрсатишига боғлиқ бўлади. Агар фуқаролик жамияти қай ҳолатда дунёга келгани ва ривож топганини билиш учун бир оз ўтмишга назар ташласак – буларнинг ҳаммаси кундек равshan бўлади-қолади.

<sup>1</sup> Каранг: Кант И. Идеи всеобщей истории на всемирно-гражданском плане // Сочинения на немецком и русском языках. – М., Ю.Ю., 1994, Т. 1. 95-бет.

<sup>2</sup> Гегель Г.В. Философия права. – М., 1990. -бет.

Ҳозирги фуқаролик жамиятининг бошланиши узоқ тарихга эга. Бу тарих ғарбий Европада ўрта аср-романлар даврида Рим империяси тор-мор этилиши билан бошланганди. Антик (грек-рим) полис (шаҳар-давлат) демократияси қолдикларининг тикланиши мазкур бошланғич тараққиётнинг асоси бўлганди. Романлар *шаҳарлари* (аниқроғи, энг кўп даражада романлаштирилган Шимолий Италия ва Жанубий Германия ва Европанинг бошқа қисмлари шаҳарлари), айнан шаҳар антик анъаналари сақланиб қолган марказлар бўлган.

Эрамизнинг VII асрларидан бошлаб шаҳарларда демократик ўзини ўзи бошқариш ўчоқлари пайдо бўлди. Феодал *вотчиналардан* ажralиб чиқсан ерсиз қолган ҳарбийлар томонидан ташкил этилган аристократик ҳарбий-феодал коммуналар шундай ўчоқларга айланганди. Улар ўша нотинч даврларда шаҳарни ўз қироллари қўшинлари ва герман миллати муқаддас Рим империяси императорлари армияларидан қўриқларди. Шаҳар давлатга қаршилик кўрсатиб, мустаҳкам ҳаётга интиларди. Шу аснода, гарчи марказий ҳокимият ва черков қарамоғида қолишларига қарамай, улар ўз таъсирлари ва ҳокимиятларини, айниқса солиқ ундириш ҳуқуқигача ўз иқтисодий таъсирларини атроф вилоятлар доирасида ўтказишга эришарди. Антик полисларга монанд Ломбардия, Тоскана ва бошқа кўпчилик давлат-шаҳарлар шу тариқа қайта тикланганди.

Шаҳарнинг ўзини ўзи демократик ташкил этиш жараёни секинлик билан бўлса-да, оғишмай давом этарди. Аристократик коммуналарга дастлаб бадавлат ва аслзода шаҳарликлар (“эски буржуазия”) кириб келишди, кейинчалик ёш буржуалар – янги савдо-сеноатчилар табақалари коммуналари пайдо бўлди. Нихоят, ҳунармандлар ва бошқа турли касб, табака кишиларининг халқ коммуналари юзага келди.

Қарийб минг йиллар чамаси давом этган айнан шу жараён ўзининг барча – аломатлари сайлаб қўйиладиган ҳокимият органлари, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг белгиланиши, тақсимланиши, колективизм ва сиёсий кураш тажрибасига эга бўлган шаҳар жамоа ҳамжамияти демократик сиёсий ташкилот мактабига айланганди. Шунинг натижасида маҳаллий парламентлар, кейин эса марказий парламентлар пайдо бўлганди. Дарвоқе, ижтимоий инқилобларнинг кўпчилиги шаҳар, боз устига, пойтахт инқилоблари бўлиб, улар демократик ва фуқаролик ўзгаришларини тезлаштирувчи омил хисобланарди.

Дастлаб жамоа доирасидаги, кейинчалик эса бутун шаҳар ва мамлакат миқёсидаги фуқаролик муносабатлари шаклланмай туриб, бу жараённинг бўлиши мумкин эмасди. Ушбу муносабатлар шаҳар давлат олдидаги ўз бурчларини ва унинг доирасида, кейин эса ундан ташқарида ҳам ўз шахсий эркинликларини тўла ҳис этган фуқароларда фуқаролик туйғуларини тарбиялашга хизмат қиласди. Шаҳар демократик ўзини ўзи ташкил этувчи ташкилотида янги илк буржуа жамиятининг эркин аъзоси, М.Вебер ўзининг “Протестантизм одоби” асарида тасвирлаганидек, алоҳида фазилатларга эга фуқаро – ўз бурчи, ор-номуси, масъулияти, ғайрат-шижоати ва маънавияти билан ажралиб турувчи фуқаро тарбияланарди.

Қадимги Шарқ олимларининг асарларида шаҳар-давлатлар (полислар) билан боғлиқ давлат тузуми ҳақида қизиқарли қарашлар мавжуд. Чунончи, ал-Форобий асрраб-авайловчи бошқарувни ташкил этиш усулларини ўрганиш, шаҳарлар аҳлига эзгулик ва фаровонлик қай йўсинда келиши ҳамда уларга эришиш ва шу неъматларни асраш йўлларини қандай топишни кўрсатиб бериш зарур деб ҳисобларди. Ушбу қарашларини у ўзининг “Фозил кишилар шахри”, “Давлат арбоби ҳикматлари” ва “Фуқаролик сиёсати” асарларида батафсил баён этган. Мазкур асарларда у ўзи умум бахтиёрликка эришиш йўли деб билган олий ҳукмдорлик санъатига кенг ўрин берган.

Шундан келиб чиқсан ҳолда ал-Форобий шаҳар-давлатларнинг “жоҳил” ва “фозил” деб аталган икки турини ажратиб кўрсатади. “Фозил кишилар шахри”да асосий роль маърифатли ҳукмдорга берилади ва у ўз фазилатлари билан энг қатъий талабларга ҳам жавоб бера олиши керак эди.

Бошқарувга фақат бадавлат кишиларни қўйиш керак, деб ҳисоблаган Афлотундан фарқли ўлароқ, ал-Форобий юқоридаги талабларга жавоб берадиган ҳар қандай одам ҳукмдор бўлиши мумкин, деб ҳисобларди. Бинобарин, у ўзининг фозиллар шахрида олий ҳокимиятнинг наслдан-наслга мерос бўлиб ўтишини, шунингдек, фақат бадавлат кишилар ҳокимиятини тан олмаган<sup>1</sup>.

Ибн Сино ҳам ал-Форобийга жуда яқин фикрга эга эди. У, “фозиллар” ва “жоҳиллар” шаҳарларида ҳокимиятни амалга ошириши, раҳбарлик ва умуман ишларнинг ташкил этилиши усулларини ўрганишдан асосий мақсад – уларнинг юксалиши,

<sup>1</sup> Қаранг: Аль-Фороби. Философские трактаты. – Алматы, 1990, 317-319-бетлар.

қулаши ва ўзгариши сабабларини аниқлашдан иборат, деб ёзганди.

Энг ёрқин намоёндаларидан бири Ибн Халдун (1332–1406) бўлган мумтоз мусулмон-ҳуқуқий тафаккури – ҳалифаликка муайян сиёсий режим ва бошқарув шакли сифатида қарар ҳамда ҳалифаликни унинг ҳуқуқий мавқеи нуқтаи назаридан таҳлил этаркан, давлат маҳкамаси ва ҳокимиятлар нисбатига алоҳида эътибор берарди. Ибн Халдун давлат ва сиёсат ҳақидаги ўзининг асосий қоидаларини “Муқаддима” деб номланган машхур асарида баён қилиб берган.

Ибн Халдун таълимотига кўра, инсоннинг табиати билан боғлиқ равишда ҳар қандай жамият одамларнинг ёвузлик ва ўзаро бир-бирини қириб ташлашга “табиий” интилишларига тўсқинлик қиласидиган “тийиб турувчи асос”нинг бўлишига муҳтождир. Давлат жамият аъзоларини туради, уларни бирлаштиради ҳамда ўз фуқароларига нисбатан ҳам, шунингдек, ташқи доирада ҳам мажбурлов ҳокимиятини амалга оширади. “Ички” ҳокимият ҳукмдорнинг куч ёрдамида фуқароларни бошқариши, қонунларни ҳаётга жорий этиши, давлат ичидаги тартибни таъминлаши, солиқларни йиғиши ва армияни шакллантиришга ёрдам берувчи чексиз ҳукмронлигидан иборат. Давлатнинг “ташқи” олий ҳокимияти унинг бошқа ҳар қандай ҳокимиятга ёки мажбурловга бўйсунмаслигига намоён бўлади.

**Ибн Халдун қарашларига кўра, давлат сиёсати фақат ҳукмдорларнигина ўз ичига олмай, балки барча фуқароларни ҳам жалб этиши керак.**

Ибн Халдун бошқарувнинг уч шакли – “табиий монархия”, “сиёсий монархия” ва ҳалифаликни ажратиб кўрсатиб, улардан ҳам диний, ҳам дунёвий қадриятларни ўзида мажассам этувчи ҳалифаликни афзал кўрарди.

Ибн Халдуннинг сиёсий назарияси мусулмон ҳуқуқий назариясининг чўққиси бўлиб, амалда ўз тараққиётида у кўп асрлар давомида тўхтаб қолди. XVI аср бошларида Усмонийлар империяси томонидан араб дунёси катта қисмининг босиб олиниши бунга сабаб бўлганди. Мусулмон сиёсий тафаккуридаги шу билан боғлиқ турғунлик уч ярим асрдан кўпроқ давом этди. Фақат XIX асрнинг охирига келибгина бу борада бурилиш рўй берди ҳамда у анъанавий ислом сиёсий тасаввурларининг кескин қайта кўриб чиқилишига олиб

келди. Бу ҳолат XIX аср охири мусулмон ислоҳчилари қарашларида ўз ифодасини топганди.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва тараққиёти бир неча асрларга чўзилди. Унинг ғоявий, иқтисодий, сиёсий асослари кўп жиҳатдан ўрта асрнинг сўнгги даврлари (тахминан XV–XVI асрлар)даги Фарбий Европада таркиб топган. Феодал-табақавий тенгсизлик ва зулм-зўравонликларга қарши курашлар давомида фуқаролик жамияти ғоялари ҳаётда рўёбга чиқа бошлади. Англиядаги инқилоб (1640–1649) фуқаролик жамияти вужудга келишининг тарихий босқичи бўлди. Бир қатор тарихчилар янги давр ҳисобини айни шу инқилобдан бошлаб юритишади.

Шуни эътироф этиш жоизки, XVII–XVIII асрлар “илк замонавийлик” даврида ишлаб чиқилган фуқаролик жамияти ҳақидаги барча таълимотлар учун характерли бир нуқта бўлиб, у ҳам бўлса – фуқаролик жамияти давлатга **қарши қўйилмаслигидир**. Моҳиятан улар ҳатто бир-бирига тенглаштирилган. Бу ҳолат, бизнинг назаримизда, учта сабаб билан изоҳланади:

Биринчидан, бу даврда анча кейинги замонлар учун характерли бўлган ижтимоий ҳаёт соҳаларининг табақалашуви ва функционал ихтисослашуви ҳали рўй бермаганди.

Иккинчидан, ҳозирги жамиятларнинг таркиб топиш даврида сиёсий, ҳуқуқий ва этник муносабатлар унинг пойdevорини бунёд этишга бевосита асос бўлган. Капиталистик иқтисодиёт “ўз-ўзидан ишлаб чиқарадиган” ва “мувозанатни ушлаб турадиган” бўлишдан ҳали анча узок эди, шунинг учун ҳам нафақат жамият “базиси” сифатида тушунилмаган, балки шундай бўлмаганди ҳам...

Учинчидан, бундай шароитларда инсоннинг, бир томондан, ғайрирасмий доирада истиқомат қилувчи хусусий шахс сифатидаги, иккинчи томондан, унинг очик, ошкора жамоат доирасида яшовчи фуқаро сифатидаги роли институционал жиҳатдан қатъий ажратилмаганди.

Фуқаролик жамиятининг кейинги давр ривожланиш йўналишлари ҳақида гап кетганда, аввало, шуни таъкидлаш керакки, XIX–XX асрлар оралигини фуқаролик жамияти тараққиётида янги босқичнинг бошланган даври деб ҳисоблаш мумкин. Шу вақтларга келиб, саноат ва савододаги етакчи мавқе хусусий тадбиркорлар ва саводогарлардан индустрисал, савдо ва молия корпорациялари ихтиёрига ўтди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Кенг меҳнаткашлар қатламлари, эркин касблар вакиллари, фан, маданият ва санъат арбоблари, зиёлилар, талабалар, ёшлар демократия ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиб чиқа бошладилар.

Давлат ҳам эндилиқда фақат “тунги қоровул” бўлиб қолмайди. Унинг фаолиятида ижтимоий таъминотни ташкил этиш, халқ таълими ва соғлиқни сақлашни бошқариш ҳамда бошқа ижтимоий вазифаларни адо этишдек ижобий функциялар тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлади.

XX асрда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳам давлатнинг роли жиддий равишда ўсади. XX асрда тараққий этган мамлакатлар ҳуқуқий тизимларида ижтимоий қонунчилик катта ўрин тутади. Давлат ижтимоий фаолиятининг кенгайиши натижасида ижтимоий ҳуқуқнинг таъсир доираси ҳам кенгайди. Шу муносабат билан Ислом Каримов таъкидлаганидек, “**инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак**”. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт”<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятига ўтиш қай тарзда амалга оширилиши мумкин? Бизнингча, бундай жамиятнинг асосий сиёсий институти парламент бўлиши керак. Фақат угина фуқароларни сиёсий фаолликка рағбатлантира олади, уларга фақат ўз манфаатларини ҳис этибгина қолмай, балки бу манфаатларни ўзаро мувофиқлаштиришларига ҳам ёрдам беради. Парламент турли ижтимоий гурухлар вакиллигини намоён этибгина қолмай, уларга юзма-юз тўқнашувлардан қочиш, фуқаролик урушига чап бериш, тинчлик ва ўзаро тотувликни таъминлаш имконини беради. Парламент бозордан кўра кўпроқ фуқаролик жамиятига керак. Агар, албатта, парламент реал ҳокимият қучига эга бўлган тақдирда бундай жамиятни бунёд этишнинг энг муҳим сиёсий куролига айланади.

Албатта, фуқаролик жамияти айниқса ҳозирги шароитларда бошқарувнинг парламент шакли билангина тугамайди, фуқаролар ижтимоий ва сиёсий фаоллигининг бошқа шаклларини ҳам ўз ичига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагои каби муқаддасдир. З-т – Т., «Ўзбекистон», 1996, 17-бет.

олади. Бироқ айнан парламентни ташкил этишдан шундай жамиятга ўтиш бошланади.

Ривожланган фуқаролик жамияти уюшган субъектлар ўзаро ҳамкорлиги сифатида қурилади. У шунчаки алоҳида индивидлар фаолиятидан эмас, балки уюшган гурӯхлар, бирлашмалар, муассасалар, маҳаллий бошқарув органлари ва бошқа жамоат тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида таркиб топади. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ривожланган ҳолатни ва умумий фаровонликнинг нисбатан юқори даражасини тақозо этади ҳамда шутуфайли фуқаролик жамияти субъектлари биргаликда, аммо давлат институтлари иштирокисиз ўз манфаатларини рўёбга чиқарадилар. Ўзбекистонда бундай вазият энди-энди ўз самарасини бера бошлади.

Фуқаролик жамияти ҳаётий фаолиятининг алоҳида соҳаси – сиёсий жиҳатдан иштирок этиш соҳаси мавжуд. Унда ўз хусусий манфаатарига мутаносиб равишда уюшган индивидлар бир пайтнинг ўзида давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этувчи фуқаролар сифатида майдонга чиқадилар. Гарчи, умуман, фуқаролик жамияти сиёсий бўлмаган ҳамжамият бўлишига қарамай, унинг доирасида фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминловчи сиёсий бирлашмалар фаолият кўрсатади. Сиёсий қатнашув соҳаси фуқаролик жамияти носиёсий соҳасини давлатнинг сиёсий соҳаси билан билан боғловчи муносабатлар тизимидан иборат. Бироқ сиёсий бирлашмалар номигагина сиёсий деб аталади. Ҳақиқатда улар индивидлар ва ижтимоий гурӯхлар хусусий манфаатларини ифодалайдилар ҳамда ўз-ўзларича сиёсий ҳокимиятга эга эмаслар ва эга бўлолмайдилар. Улар баҳоли-қудрат уёки бу даражада сиёсий ҳокимиятга таъсир этадилар. Лекин сиёсий (давлат) ҳокимиятида улар фақат давлат маҳкамаси орқали қатнашишлари мумкин.

Бинобарин, фуқаролик жамияти тўғрисида демократиянинг бир элементи сифатида сўз юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фуқаролик жамияти ҳатто жамият жуда жипслашмаган вазиятларда ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки фуқаролик жамиятисиз бугунги Ўзбекистонда ғоят зарур бўлиб турган сиёсий ҳамжамиятнинг таркиб топиши мумкин эмас. Лекин фуқаролик жамияти категориясида давлатга қарама-қарши туриш ҳолатига эмас, балки жамиятнинг бир бутун яхлитланишига, айнан ҳудудий яхлитлик, миллий яхлитликка урғу бериш керак бўлади. Элита ва омма ўртасидаги интеграцияга, қадриятлар қатори бўйича интеграциялашув ва ниҳоят давлат

фаолияти мақсадларини аниқлаш нуқтаи назаридан хатти-ҳаракатларнинг ўзаро боғланишига эътибор қилиш лозим. Зеро, “ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин – барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиласиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, деб тан олинади”<sup>1</sup>.

Шундай экан, “фуқаролик жамияти” тушунчаси эскиргани йўқ, у эскирадиган вақт қачонлардир келиши ҳам қийин. Чунки айнан ҳаётий фаолиятнинг шу соҳаси инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, унинг эркин танлаш, табиий, туғма ҳуқуқлари – яшаш ҳуқуқи, мулкка эгалик ҳуқуқи, шахсий дахлизлилар, хат-ёзишмаларининг сир тутилиши, эътиқод эркинлиги ва ҳоказо ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имкониятини яратади.

XXI аср бошида жаҳон тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистоннинг геополитик ҳолати.

Мазкур мавзу президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласи.

«геосиёсат» тушунчаси ўзида гео – «ер», «сиёсат» эса – «давлат» ва «иҷтимоий иш» маъноларини англатади. «геосиёсат» атамасида геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли хил давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндошув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

«геосиёсат» узоқ тарихга эга бўлсада, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама р.Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2002 йил 5 апрель.

мамлакатлари халқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафаси ва фанларила кенг қўлланилмоқда.

ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар кўпроқ мафкуравий сиёсат билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда мафкуравий таъсир кўрсатиш геосиёсатнинг энг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Яъни турли давлатларнинг мақсадлари халқнинг турли қатламлари, хусусан ёшлар онги ва қалбига мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали, уларнинг фаолиятини ўз таъсирига, яъни манфаатларига йўналтирилган мафкуравий муҳитни яратишни кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу жараённи тўғридан – тўғри кўриш, унинг қандай амалга ошишини аниқ кўриш қийин ва мураккабдир. Ана шу сабабдан ҳам президентимиз мафкуравий полигонлар ядро полигонларига қараганда хавфлироқ бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлаган.

Ядро полигонларини қаерда жойлашганини, унинг қувватини, қандай мақсадга йўналганлигини муайян даражада аниқ билиш мумкин. Аммо, ёвуз, ёт мафкуравий мақсадларни қаердан ва қандай йўллар билан ва қайси инсонлар қалбини эгаллаб олаётганлигини осонликча билиб бўлмайди.

Бугун «икки кутбли мафкура» ўртасидаги курашга барҳам берилган бўлсада, аммо дунёда мафкуравий курашлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар турли йўллар билан содир бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин мафкура соҳасида ҳаёт осонликча кечмади. Миллий истиқлол ғоясига зид бўлган ёт ва бегона ғоялар кириб келишга ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиланган улуғ мақсадларни амалга оширишга қарама – қарши қўйишга уринишлар бўлганлигининг гувоҳимиз. Бундай ҳаракатларнинг тарафдорлари ўзларини «дўст», «миллатдош», «ватандош», «диндош» этиб кўрсатиш ниқоби билан ўз ғояларини амалга оширишга уриндилар. Натижада, ҳақиқий қадриятларимизга зид бўлган турли хил оқимлар аҳоли, айниқса ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий–мавкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан, ҳамда турли хил марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

дунёning турли худудларида ўзларига мос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар.

Ана шундай шароитда миллий истиқлол ғоясини чуқур эгаллаш орқалигина бундай мафкуравий майдонларда олиб борилаётган курашлар моҳиятини тўғри тушуниш ва олдини олиш мумкин.

Маърифий ривожланиш ва дунё халқлари ривожи шуни тақазо этадики, геосиёсат ҳам маълум бир мақсадларни кўзлар экан, у фақат инсоният орзу қилиб келган тинчлик ва барқарорликка, мамлакатлар ва халқлар равнақига, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғоясига мос бўлиши керак. У ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаравонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглик ғояларини ўзида мужассам этиб, ҳозирги геосиёсий мақсадларнинг бош мезонига айланиб бориши лозим. У носоғлом мафкура ва ғояларни бошқа халқлар онгига, қалбига сингдириб, мафкуравий жиҳатдан дунёни бўлиб олишга эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорликка, дунёвий муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шу маънода, геосиёсатга янгича ёндошув XXI асрда янгича маъно ва аҳамият касб этади ва дунё тараққиётига хизмат қиласиди.

XX асрнинг охирида дунёда жаҳоншумул воқеалар рўй берди. Унинг сиёсий харитаси, жумладан, марказий осиёнинг манзараси тубдан ўзгариб кетди. Собиқ сссрнинг парчаланиши, унинг хукмон мафкурасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтақамиизда нафақат ижтимоий–сиёсий жиҳатдан, балки янги мавкуравий вазиятни ҳам вужудга келтиради.

Минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи янги маънавий – мафкуравий муҳитни шакллантириш эҳтиёжи ҳам ортиб борди. Мамлакатимиз президенти ислом каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари асарида таъкидлагани каби: «ссср парчаланиб кетгандан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида – афғонистон ва тажикистонда сўнгги йилларда юз минглаб инсонлар хаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди».

Афғонистонда уруш алангаси ўчмагани фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки бутун минтақадаги барча мамлакатлар учун ҳам катта хавф – хатарни вужудга келтирди.

Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом – ашё ресурсларига бойлиги, ишчи кучи ва демократик имкониятлари, кўп жиҳатдан геополитик жойлашувига кўра ҳам, минтақада етакчи ўринда турганлиги билан ажралиб туради. Бинобарин Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф–хатар, албатта, бугун минтақага таъсир қиласи. Шу маънода ҳам турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар афғонистондаги уруш оловини кучайтириш ва минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўлларини ва услубларини ишга солиши. Бу эса эртами – кечми қўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлари билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. қатто минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш даражасига бориб етади.

Ўзбекистон ижтимоий – сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятлар устувор бўлган, маънавий меросни ва диний қадриятларни тиклаб, инсон ҳуқуқларини устувор соҳа даражасига кўтара олган мамлакатdir. Халқининг президентга, давлатга ишончи ниҳоятда мустаҳкам бўлган Ўзбекистон марказий осиёда барқарорликни таъминлаш ва минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашуви жараёнида етакчилик қилмоқда. Худди мана шу ўта катта аҳамиятга эга бўлган омиллар, асосланган истиқболдаги ютуқлар халқимиз ва мамлакатимиз тараққиётнинг душманларини вахимага солмоқда.

Агар Ўзбекистонда душманларимиз мўлжаллаган мақсадлар амалга ошса, бу нафақат бизда, балки бутун минтақа давлатларида ҳам жуда катта сиёсий ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши, минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг улкан салбий таъсирини ўтказиш мумкин эди. Террористларнинг амалга оширган қўпорувчилик ҳаракатлари кўзлаган мақсадига етмади ва етолмайди ҳам.

Марказий осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибди. Йигирма йилдан бери давом этиб келаётган ҳарбий мажоролар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган афғонистон худуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол – яроғ ва гиёхванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғи бўлиб қолди. Бу эса турли заарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам президентимиз бу хавфнинг олдини олиш зарурлигига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратмоқда.

2000 йилнинг сентябрь ойида ҳам бмт бош ассамблеяси «минг йиллик саммити» да президентимиз минтақамиз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳалқаро терроризим ва наркобизнесга қарши фаол курашиш, марказий осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди, бу масалаларни ўта мураккаб тус олаётганлиги асослаб берди.

Минтақа ҳалқлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бу жараённи тўғри англаб етган марказий осиё мамлакатларининг раҳбарлари 2000 йилнинг ўзида бир неча бор учрашдилар ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда ўзаро иқтисодий интеграциялашувнинг далзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Жумладан, 2000 йил апрель ойида тошкентда, 2000 йил август ойида бишкеқда ва октябрь ойида яна тошкентда, 2001 йил январида оstonада бўлиб ўтган учрашувларда минтақада хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим қарорлар қабул қилинди.

Шу маънода Ўзбекистон президенти томонидан олға сурилган «туркистон – умумий уйимиз» ғоясининг амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз ислом каримов озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз асарида таъкидлаганидек, «марказий осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлиги, мазкур минтақада яшаш ҳалқларининг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъи – ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятлари мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир».

Афғонистонда давом этаётган ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш ғояси марказий осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Албатта бошланган ана шу ижобий ҳаракатни давом эттириш, унга манфаатдор бўлган давлатларни фаоллаштириш бугунги куннинг шу соҳадаги долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Хуллас, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларининг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу – минтақада яшаётган ҳалқларнинг азалий қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий-руҳий яқинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади.

### 1. Сиёсий ислоҳотлар ривожи ва йўналишлари.

2. Ўзбекистон республикаси президенти И.А. Каримов ўзининг «янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби» номли асарида, «сиёсий ислоҳотлар ривожи ва йўналишлари, уларнинг ҳозирги давр билан уйғилашуви» масаласини атрофлича ёритиб берди. Жумладан. Бундан беш йил муқаддам мана шу бинода, мана шу юксак минбар орқали Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитетини эълон қилган эдик. Ўз келажагимизни ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этишдан иборат, деб қатъий азму-қарор этганимизни маълум қилган эдик.

Мустақилликка эришилгандан сыйнгина, Ўз тарихий тараққиёти ва анъавий давлатчилик ривожини янгидан тиклаш, давлат ва жамият қурилиши щамда бошқарувида ўтмиш мутафаккирларининг илғор қарашлари ва ижобий ғояларини, амалий тарихий тажрибаларни чукур ўрганиш, манбаларини қабул қилиб амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Президент И.А.Каримов қайд қилганидек: "...биз ўз тараққиёт йылимизни бошлаяпмиз, бу йўл билан биз республикамизни миллий давлатчилик мукаммаллигига олиб борамиз...".<sup>2</sup> "Лекин ҳозирги давр ўта мураккаб, ўтиши даври қийин давр, баъзан бир уринишида мақбул йўлни топиш осон эмас."<sup>1</sup> Ислоҳотларнинг дастлабки даврида бундай баёнотнинг берилиши тушунарли ва асосли эди.

**Биринчидан**, республика ўз миллий-сиёсий мустақиллигини қўлга киритган дастлабки даврда ўтмишнинг ижтимоий-ҳуқуқий меросидаги маъқул жищатларидан ҳозирги замон миллий давлатчилиги концепциясида фойдаланиш ёки уларни мувофиқлаштириш борасида умумий кесишувчи нуқталарни топиш мушкул эди.

**Иккинчидан**, яқин ўтмиш амалиёти Шарқ ва Оврупо моделларининг аралашуви ҳар доим ҳам давлатчиликнинг энг мақбул ва энг оқил кўриниши эмаслигини кўрсатди. Республика ҳукумати томонидан қабул қилинган бугунги давлатчилик модели (жумладан, бошқарувнинг Президентлик институти) у ёки бу даражада ўтмиш тажрибаси билан ҳозирги давр узвийлигининг ўзига хос ижодий ҳамда илмий асосланиши натижалари, деб қаралиши мумкин.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. -Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1.. 124-б.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий исти=лол, и=тисод, сиёсат, мафкура. Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил. -Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1.. 147-155-б.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Халқимиз томонидан давлатчилик ва бошқарув шакли сифатида Президентлик Республикасини ўрнатилишини, демократия билан бирга кучли ҳокимият идеаллариға содиқлик деб баҳолаш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу ерда факат қандайдир генетик ва меросий нарсаларни излаш турли нұқтаи назардан ёндашганда щам тыла мазмун касб этмайди. Бу моделнинг Шарқ назариётчилари таклиф қилган айнан идеал давлатта ҳам алоқаси йўқ. Шу билан бирга, у шўролар фирмә диктатураси жорий қилган давлатчилик шаклидан щам фарқ қиласди. Бу андоза ыта марказлаштирилган Темур давлати ғояси ёки парламент монархияси тўғрисида жадидлар қарашларининг амалиёти ҳам эмас. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ омонат демократия тизимларига эмас, балки мустаҳкам бошқарув ва щокимиятнинг ижтимоий институтларига таянди.

Ўтиш даврида вужудга келадиган давлатнинг авторитар характери – бу четлаб ўтиб бўлмайдиган ҳолат эмас, албатта.

Демократия муҳити ва негизлари нақадар тараққий этганлиги щамда аҳолиси ва давлат хизматчилари сиёсий-ҳуқуқий маданияти етук давлатларда бу ҳол мунозара, шунингдек, давлатчилик ривожининг дастлабки қадамлари сифатида щам қабул қилинмайди. Ўзбекистон учун **Президентлик бошқарув шакли** модели демократияда ҳам бу ўзгача ҳодиса бўлиб, кучли ҳокимиятни амалга ошириш учун энг мақбул шакл сифатида намоён былди.

### **Янги давр Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари:** муаммолар, фикр-мулаҳазалар

Жамиятимизда кечаётган яратувчилик жараёнларини, хусусан, ҳуқуқий давлат барпо этиш борасидаги саъий ҳаракатларимизнинг мазмунини янада чуқурроқ англаш учун, биз, аввало ҳуқуқий давлат тушунчаси, унинг асосий белгилари ва уни барпо этишдаги вазифалар ҳақида фикр юритишимиш, маниқан зарурдир.

Ҳозирги кунда кўпчилик ривожланган давлатлар ҳуқуқий давлат ғоясини ҳаётга тадбиқ этиш йўлидан кетмоқда ва бу соҳада катта ютуқларга эришишмоқда. Кўпчилик давлатларнинг Конституцияларида у ёки бу шаклда ҳуқуқий давлат ғояси мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий давлатни қарор топтириш учун етук фуқаролик жамияти шаклланган бўлиши керак. Бунинг маъноси шуки,

**“давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халқقا топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир”<sup>47</sup>.**

Ҳуқуқий давлатнинг бевосита белгилари масаласи таҳлилига ўтишдан олдин, умуман ҳуқуқий давлатни шакллантириш қатор масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ ва бу масалалар жумласига, энг аввало инсон ва фуқаро ҳуқуқларини максимал даражада таъминлаш, давлат ва фуқаронинг ўзаро, бир - бир олдида масъуллиги, жамият ҳаётида ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устуверлиги асосида қонуннинг нуфузини юксак кўтариш, қонунга барча ҳуқуқ субъектларининг тўла ва оғишмай амал қилишига эришиш кабилар киради.

Бундан хulosса шуки, ҳуқуқий давлатни куриш, энг аввало чинакам демократияни шакллантириш ва уни юқори даражага кўтаришни тақозо этади. Давлатнинг қурилиши ва тузилиши фақат ҳуқуқий асосларга таяниши, давлатда ҳақақий қонунчилик режими ва чинакам ҳуқуқий тартибот амал қилиши керак.

Ҳуқуқий давлат белгилари тўғрисида гап кетар экан, шу жойда бу белгиларнинг амал қилишида халқ суверенитети ғоясининг қарор топишини кўриш мумкин бўлади. Халқ суверенитети бу халқнинг давлат ҳокимиятининг ягона манбаси эканлиги билан тавсифланади.

Давлат суверенитети эса давлат ҳокимиятининг мустақиллигини, устуверлигини, умумий ва кенг қамровлигини англатади. Шу муносабат билан, ҳуқуқий давлатни қуришда давлат суверенитети билан ҳуқуқ ҳукмронлигини бирга, уйғунлашган холда мустаҳкамлаш мухимдир. Давлат суверенитети, бевосита давлат ҳокимиятининг олийлигини ҳуқуқий ташкил этиш, давлат органлари тизимининг иши ва ҳуқуқий мақомини аниқлаш, сиёсий тизимнинг барча бўғинлари ва фуқаролар ҳуқуқий холатини аниқлашни талаб этади.

Ҳуқуқий давлатнинг белгилари ҳақида турли фикрлар мавжуд, масалан :

**1) давлат ҳокимиятининг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш юзасидан ваколатларининг фақат давлат органлари тизимида тўпланганлиги;**

<sup>47</sup> Каримов И.Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисадий истиқболларининг асосий тамойиллари. Т.:Узбекистон. 1995. 14 б.

- 2) “ҳокимиятлар бўлиниши” яъни бир тизим давлат органлари томонидан бошқасининг функцияси эгалланишига йўл қўйилмаслиги;
- 3) ривожланган фуқаролик жамияти шаклланганлиги;
- 4) давлат ҳокимиятининг бир институт ёки бир бўғин органда жамланиб қолишининг олдини оладиган механизмнинг ташкил этилиши;
- 5) конституциявий қонуннинг устунлиги ва бевосита харакат қилиши;
- 6) давлат ҳокимиятининг суверенлигининг ҳам қонунда, ҳам амалда ўрнатиш;
- 7) сайлов ҳуқуқи нормалари асосида жамиятнинг қонун чиқарувчи органларни шакллантириши ва қонунларда қонун чиқарувчилик ироданинг шаклланиши ва ифодаланиши устидан назорат ўрнатиш;
- 8) ички миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига ва принципларига мос келиши;
- 9) барчанинг ҳар қандай ўзбошимча қарорлардан ҳимояланганлиги;
- 10) ҳуқуқий давлатчиликни таъминлашнинг намунаси, модели ва воситаси сифатидаги суднинг нуфузининг ўсганлиги;
- 11) қонунларнинг ҳуқуқга мос келиши ва давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий ташкил этилганлиги;
- 12) фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлиги;
- 13) давлат ва шахснинг ўзаро бир - бирига масъуллиги.<sup>1</sup>

Ҳуқуқий давлатнинг белгилари ҳақида гап кетганда, давлат томонидан аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси таъминлаш мажбурияти ҳақида ҳам гапириш зарур, чунки бусиз шахснинг тўла қонли яшashi ва ишлаши, маънавияти мустаҳкамланиши мушкул. Эҳтимол, юқоридаги муаллифлар бу жиҳатни, ҳуқуқий давлатнинг белгиси сифатида келтирилган ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги тушунчаси доирасида назарда тутган бўлишлари мумкин, чунки ривожланган фуқаролик жамияти, албатта, юқори иқтисодий потенциални, ривожланиш даражасини назарда тутади.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий давлат белгиларга қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтиш лозим. Ижтимоий ҳаётнинг барча

<sup>1</sup> Каранг: Общая теория права и государства. М., Юрист. 1994. 295 б.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

соҳаларида ҳуқуқ ҳукмронлиги - бу давлатнинг барча фуқаролари, яъни оддий фуқародан тортиб, то энг юқори мансабдор шахсларгача барчанинг бирдек ҳуқуқ билан боғлиқлиги, ҳуқуқ олдида бирдек жавобгарлигидир.

Бу - барча давлат органлари, идоралар ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, жамоат бирлашмалари, хусусий жамоалар, ўзини -ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқ асосида кечиши, уларнинг ҳуқуқ билан боғлиқлигидир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлиги - бу уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги билан чекланмасдан, балки уларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ҳам кафолатланишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Унга кўра, инсон ва унинг қадр -қиммати, эрки ва ҳуқуқлари энг олий қадриятдир.

Жамиятимизда мулкнинг турли шаклларининг мавжудлиги, уларнинг бирдек ҳуқуқий мақомга ва ҳимояга эгалиги, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг мавжудлиги, демократик институтларнинг фаолияти, сиёсий ва маънавий қарашларнинг турли шакллари мавжудлиги, мустақил суднинг шаклланиши юзасидан олиб борилаётган ишлар инсон ҳуқуқларининг реал кафолатланишига олиб бориши шубҳасиз.

Ҳуқуқий давлатнинг белгилари билан унинг принциплари ўртасида боғлиқлик мавжуд десак, биз мутлақо муболага қилган бўлмаймиз. Чунки, ҳуқуқий давлатнинг принциплари, унинг белгилари каби моҳиятга дахлдор тушунчалардир.

**Ҳуқуқий давлатнинг принциплари - бу ҳуқуқий давлат деб номлана оладиган давлатнинг идеал конструкцияси (модели)ни белгилаб берувчи бош, асосий ғоялар, талаблар мажмуидир.** Ҳуқуқий давлат фаолиятининг асосини ташкил этадиган бу бош ғояларнинг шаклланишига қатор омиллар таъсир этади, албатта, улар қуидагилардир:

- жамиятнинг интеллектуал даражасини кўрсатадиган маданият, фан, таълим каби соҳаларнинг ривожланиш даражаси;

- мавжуд давлат тузуминингadolатli, демакки ҳуқуқий деб эътироф этишида намоён бўладиган, жамиятнинг ахлоқий - руҳий потенцияли;

- давлат органлари фаолиятида ҳуқуқий асосларни қарор топтиришнинг барқарор механизмининг бор ёки йўқлиги;

- ҳар бир инсон томонидан ўзининг эркинлиги сифатидаги ҳуқуқни ўзлаштириши, ва бу ҳуқуқни керакли холатларда,, керакли хажмда чегаралashi.

Маълумки ҳар қандай жамиятда ҳуқук давлат билан фуқаро ўртасида боғловчилик ролини ўтаб келган. Шунга мувофиқ холда, мазмун-моҳиятига кўра икки хил бошқариш таркиб топган. Бу ҳақда қадимги мутафаккирлар ҳам кенг гапириб ўтишган. Ҳукмдорнинг манфаатига хизмат қилувчи жамиятда фуқароларга нима қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги қонунда аниқ, майдалаб белгилаб қўйилади ва “фақат қонунда рухсат берилган харакатларнигина содир этиш мумкин” деган принцип амал--қиласди.

**Ҳозирги кунда Ўзбекистон жамияти ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида келажак сари интилмоқда. Халқимизнинг бу эзгу интилиши Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни - Конституциямизда ўзининг ифодасини топган.**

Давлатимиз раҳбари И.Каримов айтганларидек, **халқимиз тарихимизнинг туб бурилиш нуқтасида, ғоят хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю ягона тўғри йўлни - очик демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлади**<sup>48</sup>.

Ҳуқуқий давлат қуриш мураккаб, кенг қамровли ва кўп қиррали жараён эканлигини ривожланган давлатлар ва янги қарор топган давлатларнинг энг янги тарихи кўрсатиб турибди. Бу жараён Ўзбекистонликлар учун ҳам осон кечмаслиги, қатор қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келиши, шубҳасиздир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтканидек, ҳуқук ижтимоий ҳамжихатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир<sup>49</sup>. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг жамиятдаги вазифаларини (ролини) белгилаш мумкин. **Унинг биринчи вазифаси ижтимоий тартиб интизомни ўрнатиши бўлиб ҳисобланади.** Албатта жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда, қарор топтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жумладан, суд ҳокимиятининг ўрни бекиёсдир. “Суд

<sup>48</sup> Бу ҳақда қаранг: Каримов И. Узбекистонда демократик узгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари. Т.: “Ўзбекистон”. 2002. -6 б.

<sup>49</sup> Қаранг: И.А.Каримов. Ватан саждагос каби муқаддасдир. Т.З. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

ҳокимияти мустақил ҳокимият. қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш-суд ҳокимиятининг олий бурчидир.”<sup>50</sup>-деб таъкидлаб ўтган эди И.А.Каримов. Шунингдек, “...фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор!”<sup>51</sup> “Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмон коммунистик тизимнинг қатоғон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.”<sup>52</sup>

“Бугун бизнинг ҳуқуқий докторинамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлигига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади”.<sup>53</sup>

Шунингдек, И.А.Каримов фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда суднинг аҳамиятига тўхталиб, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вактда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг , давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим”<sup>54</sup> деган эди. Ушбу билдирилиб ўтган фикр Конституциямизнинг 26-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Маълумки, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла

<sup>50</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15-16.

<sup>51</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагос каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.17-18.

<sup>52</sup> И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.29.

<sup>53</sup> Ўша асар. –Б.35.

<sup>54</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.125-126.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

амалга оширишда ва ҳимоя қилинишида, жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда суднинг роли бекиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. ҳозирги кунда Республикаизда суд ҳокимиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Булар жумласига, биринчидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлса, иккинчидан Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонунини (янги таҳрири) киритиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов “Биз қонунга бўйсениб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади.”<sup>55</sup> деган гапларни айтиб ўтган эди. Албатта, давлатда қонун устувор бўлса, унга ҳамма амал қиласа, унинг талаблари сўзсиз бажарилса жамиятнинг салбий ҳолатлари бўлган ҳуқуқбузарлик ҳам, жиноятчилик ҳам камайган бўлар эди. Шу ўринда, Президентимиз И.А.Каримовнинг “...қонун устуворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!”<sup>56</sup> деган гаплари ёдга тушади.

“қонунни ҳимоя қилиш суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича иш олиб боришдан иборат.

Биз мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етсак, ўшанда жамиятимизда жиноятчилар сони ҳам, эҳтимол, бу соҳада ишловчи ходимларнинг сони ҳам кескин камаяди.”<sup>57</sup>

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш учун, аввало, фуқароларнинг ўзи маъсулдир, яъни улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўлаётган ҳар бир воқеага ва қабул қилинаётган қонунларга ўз муносабатини билдириб бориши лозим. Зоро, фуқароларимиз юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлсагина ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этишдан ўзини тўхтата олади.

**“Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг**

<sup>55</sup> И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

<sup>56</sup> И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.312.

<sup>57</sup> И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.51.

муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ” деб таъкидлар экан юртбошимиз<sup>58</sup>. Шу ўринда жазонинг муқарралиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланишини уқтирадилар.

Жиноят кодексининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Учинчидан, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири- ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қолаётганилиги билан боғлиқ муаммодир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равшан баён қилинган: “Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад- дейилади ушбу ҳужжатда, - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим”.<sup>59</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида акс эттиради.<sup>60</sup>

*иккинчи вазифаси, эркинликни вужудга келтириши, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган ва тақиқланмаган барча ҳаракатларни эркин амалга олширилишини таъминлашдир.*

“Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш”<sup>61</sup>

“Конституцияга биноан ҳар бир кишига эркин танлаш, фикрлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишни ўрганишимиз, унинг ҳуқукларини, аввало, ҳар бир

<sup>58</sup> И.А.Каримов.Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак Т.10..Т.Ўзбекистон.2002.36-б.

<sup>59</sup> И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.10.Т.Ўзбекистон.2002.39-б.

<sup>60</sup> Шу асарда.

<sup>61</sup> И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.52

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

кишининг ўз келажагини ўзи яратиш ҳуқуқини ҳурмат қилишимиз лозим.

Бу бугунги энг мушкул муаммо бўлиб, уни биргаликда бартараф этишимиз ва янги тушунчалар асосида фикр юритишни ўрганишимиз даркор.

Табийки, фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион ҳуқуқларини, унга шу ҳуқуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Қисқаси, кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва ҳуқуқларни муҳофаза қиласидиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўrnak бўлишлари лозим”<sup>62</sup>.

Жамиядда эркинликни вужудга келтириш учун, маълум соҳаларни эркинлаштириш ҳам талаб этилади. Бу тўғрисидаги фикрлар Президентимиз И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, деб номланган маъruzасида баён қилинган. Ушбу маъruzada, давлат ва жамият қурилишини, сиёсий соҳани, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини эркинлаштириш борасида масалаларга тўхталиб ўтилган.

*Учинчи вазифаси, адолатпарварликни вужудга келтириши хисобланади.* Президентимиз И.А.Каримов, “Мамлакатда адолат тамойили амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда ана шу уч субъект-давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, отабоболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади. Улар бир бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва

<sup>62</sup> И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.158-159.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

фаровонликнинг зарур шарти ва муҳим омилидир”<sup>63</sup>, деб таъкидлаб ўтган эди.

“Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унитмаслик керак.”<sup>64</sup> “Адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. қонун, яна бир бор қонун-каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар,-барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”<sup>65</sup>“

Шунингдек, адолатни вужудга келтиришда ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг ҳам ўрни бекиёс. Улар оддий фуқаролар билан бир қаторда қонунларга бўйсуниши лозим, зеро қонун олдида барча баробардир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Кимки, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилишим мумкин, мушугимни бирор “пишт” деёлмайди, деб ўйлаган бўлса, янглишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят, аввало, органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўқади, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказади.

Адолат қачон бузилади?

Амалда ўтирган, вазифада ўтирган одам ўзи ахлоқий, маънавий нуқтаи назардан бузилса, нафсини тиёлмаса, тўғри йўлдан чиқса, мана шунда адолат бузилади, мана шунда одамлар бизларга нисбатан ишончини йўқотади.”<sup>66</sup>

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.”<sup>67</sup>

“Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”,<sup>68</sup>.

<sup>63</sup> И.А.Каримов. Хавфсиз ва баркарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.26-27.

<sup>64</sup> И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.240.

<sup>65</sup> Ўша асар. –Б.252.

<sup>66</sup> И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.34.

<sup>67</sup> Ўша асар. –Б239.

<sup>68</sup> И.А.Каримов. Ватан саждагос каби мукаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.11.

“Раҳбарликнинг энг буюк мезони адолат. Бу сўзнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

*“Куч-адолатда” деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўғит-насиҳатларини эсимиздан, хаёлимиздан чиқаришига ҳаққимиз йўқ.*

Ўзидан бир поғона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поғона паст бўлган одамни оёқ ости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилона муносабатда бўлади. Албатга, одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида гап уқмайдиган, баъзан эса рўй-рост эътиroz билдирадиганлари ҳам бўлади. Халқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиши билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Ҳақиқий раҳбар, одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка даъват қиласи ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Ана шундай баҳт барчага каттаю- кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман”<sup>69</sup>.

Улкан синовлар, қийинчиликларни бошдан кечирдик. қаётимизнинг энг машаққатли йиллари ортда қолди. Ўзбекистон собиқ иттифоқ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кенг миқёсли ислоҳотлар йўлига, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига кирди.

Хўш, ўша мақсадларимиз амалга ошдими? Танлаган йўлимиздан олга кетмоқдамизми?

Биринчи ва энг муҳим ютуғимиз шу бўлдики, ижтимоий-сиёсий барқарорликни, тинчликни, миллатлараро тотувликни таъминладик. Жамиятни кўп миллатлилик асосида шаклланишига шароит яратдик. Ўзбекистон ҳудудида 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаётганидан фахрланамиз.

Мустақиллик йиллари ҳокимияти тармоқларга ажратиш асосида миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш борасида тинимсиз меҳнат қилиш даври бўлди. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими

<sup>69</sup> И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.76-77.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ҳамда унинг ҳокимият бошқарув органлари барҳам топди. Давлат ҳаётининг янги демократик, ҳуқуқий асослари яратилди.

1992 йил декабрида Ўзбекистон республикаси конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизими шаклланди ва қонун билан мустаҳкамланди.

қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов тизими – яъни ҳокимият тармоқларининг бўлиниши қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Республика ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколатлари чегараланди. Жойларда вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият институти - ҳокимлик лавозимлари жорий этилди. Халқимизнинг тарихий анъаналари ва тафаккур тарзига мувоғик, фуқаролар ўз-ўзини бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи – маҳалланинг мавқеи қайта тикланди.

Улардан ташқари энг муҳим ютуғимиз шундан иборатки, барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигини ҳамда қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам асоси яратилди.

Тўртинчидан, ҳақиқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги кўп партиявийликни шакллантириш учун жамиятимизнинг сиёсий тизимини мутлақо янгилаш асослари яратилди.

Турли сиёсий ташкилотлар, мафкура ва фикрларнинг ранг-баранглилигига асосланган, бутунлай янги сиёсий тузум яратилди ва у ривожланиб бормоқда. ҳозирги вақтда республикада тўртта сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракат фаолият кўрсатмокда, 200 га яқин жамоатчилик бирлашмалари рўйхатдан ўтган. Булар – давлат ва жамият масалаларини ҳал этишда тобора фаол иштирок этётган касаба, ёшлар, аёллар, фахрийлар уюшмалари, шунингдек, жамоатчилик жамғармалари ва ташкилотлариdir.

Шундай қилиб, ислоҳотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тизимнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тизим сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди.

Жамиятимизнинг сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ютуғимиз эса - ҳар бир инсон ва фуқаронинг тафаккури ва дунёқарashi ўзгарайпгани,

унинг сиёсий ва ижтимоий онги, умумий савияси изчил равишда юксалиб бораётганидир. Бу ҳақиқиат жамиятимизнинг турли жабҳаларида яққол намоён бўлмоқда. Буни кўрмаслик, сезмасликка олишнинг иложи йўқ.

Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш жараёни, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак. Таъбир жоиз бўлса, бу бизнинг кундалик табиий холатимизга айланиши лозим. Биз изчил, қадам-бақадам янги мэрраларни эгаллашимиз, янги вазифаларни белгилаб олиб, уларни ҳал этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак. Дасстлабки босқичда амалга оширилган ишларни қилмаганимизда, бугун келгуси истиқболлар ҳақида ўйлай олмас ҳам эдик.

Ислоҳотларнинг янги босқичида, эришилган натижаларнинг холисоно баҳосидан келиб чиқиб, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўналишларини белгилаб олишнинг аҳамияти жуда каттадир. Лўндароқ қилиб айтганда – демократлаштириш йўлидан событқадам ривожланишнинг кейинги режаларини аниқлаб олиш, уларни ҳалққа тушунарли ва яқин мазмун билан бойитиш лозим.

Бугунги кунда гап, энг аввало сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг вазифалари ва дастури тўғрисида бориши керак. Бу ислоҳотларнинг суръатлари эса, очиғини айтганда, иқтисодиётдаги ва турмушимизнинг бошқа соҳаларидағи ислоҳотларнинг кўламлари ва самарадорлигидан орқада қолмоқда.

Республикада сиёсий институтлар ва суд тизими ислоҳотларини янада чуқурлаштиришнинг айрим принципиал, айтиш мумкинки, асосий йўналишлари ва муаммолариға қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон жамиятимизни янада демократлаштириш йўлидан изчил бормоқда. Шу билан бирга, барпо этилган сиёсий институтлар шаклан демократик мезонлар ва ғ ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг жамият ривожидаги ўрни.

Мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳуқуқий давлат қуришнинг назарий асослари ва амалий муаммолари ҳамда шахснинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масалалари Ўзбекистоннинг 1992 йилги конституциясида ва президент и.каримовнинг "Ўзбекистон-келажаги буюк давлат", ""буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати" каби асарларида, олий мажлиснинг и ва VI сессияларидаги "Ўзбекистоннинг сиёсий-

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари" "хозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим вазифалари " номли маъруза ва нутқларида етарлича аниқлаб берилган.

Ҳуқуқий давлат кураш жараёнида фуқароларнинг маънавий камолотини ва ҳуқуқий онги, маданиятини, билимларини тобора бойитиб боришга ҳаракат қилинмоқда.

И.АКаримов фуқаролар ва мансабдор шахслар юксак ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий маданиятга, ҳуқуқий онглиликка эришмоғи, ҳуқуққа ҳурмат ва унга амал қилиш одат қоидасига айланиши лозимлигини алоҳида жиддий таъкидламоқца;"кенг ва фаол ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеликлр ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимиdir. ҳуқуқий онгда ҳуқуқий ҳурият ва ҳуқуқий мафкура жиддий ўрин тутади", дейди И.Каримов.

Бу муаммонинг иккинчи жиҳати шундан иборатки, талай муҳим қонунлар тегишли қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаган, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва кафолатларнинг рӯёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Бу борадаги муҳим йўналишлардан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш юзасидан муайян тадбирларни амалга оширишdir. Ушбу тадбирлар ҳам давлат томонидан, ҳам ижтимоий тузилмалар фаолииятини кенгайтириш натижасида амалга оширилмоғи лозим.

Афсуски, кундалик ҳаётда инсонни, фуқарони камситадиган кўплаб фактлар учраб туради. Бу ҳол мансабдор шахсларга. ҳуқуқтариботни муҳофаза қилиш органларига, яъни вазифасига кўра инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиши лозим бўлган кишиларга мурожаат қилинганда учрамоқда.

Навбатдаги муҳим масала – республиканинг қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришdir. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 стандарт қабул қилинган.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминловчи идоравий тузилмаларни барпо этиш ҳам муҳим вазифадир. Олий мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг, ҳуқуқпарвар жамоат ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш зарур. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд омбудсман институти, жамоатчилик фикри

институти, амалдаги қонунчилик мониторинги институти, инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотларни ривожлантириш ҳамда бошқа янги институтларни ташкил этиш лозим.

**Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни ҳам кенгайтириш зарур.**

**Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва қўнималарни шакллантириш, пиравард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиршга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир.**

**Биз одамларнинг эскича психологиясини ўзгантириб, уларни янги ҳуқуқий онгни шакллантиromoғимиз лозим. Барча ўқув юртларининг таҳсил дастурларига «инсон ҳуқуқлари» маҳсус курсини киритиш, шунингдек, таълим ва тарбиянинг бутун жараёнини инсонпарварлик ғоясига бўйсундириш зарур.**

Ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, аҳолнинг сиёсий фаоллигини ошириш муаммоларига алоҳида тўхтаб ўтишни истардим. Жамиятимизда янги мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг, акциялар, хусусий ва кичик корхоналар эгаларининг мавқеи ҳозирча анча зиф. Холбуки, улар, назаримда, жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидан ўз манфаатларини шакллантириш ва ҳимоя қилишда фаол иштирок этишлари керак.

Аҳолининг сиёсий маданияти талаб даражасида эмас. Бу холат уларнинг сиёсий, нодавлат ва жамоат тузилмаларини шакллантиришда суст иштирок этаёттанида айниқса сезилмоқда. «жамоат бирлашмалари тў/рисида» қонун қабул қилинган. қонунда ҳар кимга касаба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, сиёсий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқи берилган.

Бироқ шуни айтиш керакки, сиёсий партияларнинг шаклланиш ва қарор топиш жараёни ғоят сустт кечмоқда, уларнинг сиёсий ва иқтисодий дастурлари ҳам заифдир. Мамлакатни сиёсий ва иҳтисодий ривожлантиришнинг муқобил турларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишда улар етарлича фаоллик кўрсатмаяптилар.

Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда жамоат, нодавлат тузилмаларини ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, бундай тузилмалар замирида, назаримда, фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий

фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этиш истиқболлари мужассам.

Шуни яхши уқиб олишимиз керакки, жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, волюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди.

Биз шуни яхши биламизки, зарур базани – сиёсий, ихтисодий, ҳуқуқий базани яратмай туриб, одамларнинг онгини тегишли даражада шакллантирмай туриб, қисқа давр ичида бу мақсадларга эришишнинг иложи йўқ.

Инсон ҳукуқлари бизнинг жамиятимизда қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг ахлоқий тажрибаси, меҳр – шафқати ва сезирлиги билан ҳам мустаҳкамланади. Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳукуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Бу ҳукуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади.

Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суюнгандагина қудратли кучга айланади. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди. Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон –қардош қиласи. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион – миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам поёнига етиб ҳам бўлмайди. У – инсон учун бутун бир олам.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, ал – Хоразмий, Ибн Сино, имом Бухорий, ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Навоий, Улуғбек ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Улар ўзларини ҳақиқатга ташна ва ўзи ҳақиқат бўлган халққа бағишладилар. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойикдир.

Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч кудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт – саодат бўлмайди.

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оиласига етиб бориши учун оиласинг моддий таъминланганлигидан қатъий назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаоллигини баҳш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб – кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Бизнинг давлатимиз мутахисслар тайёрлашнинг илғор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади. X –ХІІ ва ХІІІ – ХІІІ асрларда Мовароуннаҳр маданияти гуллаб яшнаган даврда бу ердаги кўплаб шаҳарларда олий ўқув юртлари бўлиб, илмий марказлар ҳисобланар эди. ҳозирги вақтда бу қутлуғанъана тикланмоқда. Ўзбекистон ўзининг барча бойликларининг чинакам эгаси ва ҳақиқий маданий давлат бўлади.

Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг баҳт – саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади. Бизнинг кўламли ижтимоий иқтисодий ниятларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади.

Шахс имкониятлари бизда жуда чуқур ирсий асосларга эгадир. Республикаизда жаҳон фани ва техникаси, фалсафа ва ютуқларини эгаллаб олган ва шу билан бирга ўз халқига яқинликни сақлаб қолган кишилар жуда кўпdir.

«Илму фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир. Бу соҳада хизмат қиласиган одамларнинг савияси, обрўси ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, уларнинг ҳаётимизга қўшадиган ҳиссасига қараб эътибор беришимиз шарт. Ўзининг келажагини ўйлайдиган жамият, давлат, авваламбор, ўз олимларини, илм-зиё аҳлиниҳурмат қилиши керак, уларни юксак даражага кўтариши лозим. Модомики, илм-зиё аҳли биздан кўпроқ биладиган, узокроқни кўрадиган, теранроқ англайдиган кишилар экан, демак уларнинг жамиятда тутган ўринлари алоҳида диққатга эга бўлиши керак. Шундай илмий шароит, шундай ижодий муҳит яратиш лозимки, токи илм-фан соҳасидаги ноёб истеъдодларни болалик чоғидан танлаб

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

олиш, авайлаб парвариш қилиш, миллатнинг энг катта бойлиги сифатида асрашга имконият туғилсан,» - дейди юртбошимиз.

Таъкидлаш жоизки, узок тарихий жараёнда тадрижан шаклланган жамоатчилик фикрига кўра, гўёки давлат ва жамият қурилиши тўғрисидаги асосий ғоялар Ғарбий Европа мутафаккирлари, хусусан, Б.Синоза, Т.Гоббс, Д.Локк, Ш.Монтеске, Д.Дидро, П.Гольбах, Вольтер, Гельвеций ва бошқалар томонидан ривожлантирилган, деган ақидалар ҳам мавжуд эди. Республикализнинг олий ўкув юртларида Хамураппи қонунлари, "Пётр Тузуклари", "Рим ҳуқуқи" ва "Рус ҳақиқати" каби бошқа халқ ва мамлакатлар тажрибасига асосланган манбалар кўпроқ ўрганилиб келинар эди. Ҳолбуки, аллома Форобийнинг адолатли жамият, оламнинг абадийлиги ҳақидаги ғоялари, Европа уйғониш даврига таъсир кхрсатган, тарихда исботланган ҳақиқат. Юқорида номлари зикр қилинган мутафаккирлар замонида мусулмон Шарқ мамлакатларида уйғониш ва ўсиш даври ўз чўққисига чиқиб, кейинги тараққиёт босқичини Ғарбга узатди.

Давлат ва жамият қурилиши, дунё халқларининг келажаги кўп жихатдан ўша даврдаги Шарқ мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган ва яратилган илмий-назарий асос ва маънавий сиёсий-ҳуқуқий муҳитда белгилаб берилган десак бу оддий хақиқатнинг ўзи бўлади. Мутафаккир ва давлат арбоблари Ат-Термизийнинг "Дастур ал-мулк", "Ал-жомиъ-ас-саҳих"("Сунан"), Ал Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри", Низомул-мулкнинг "Сиярул-мулк", Бурҳониддин Ал-Марғинонийнинг "Ҳидоя", Амир Темур тузуклари, Алишер Навоийнинг "Ҳамса", З.М.Бобурнинг "Бобурнома" асарлари давлат ва жамият қурилишида, сиёсий-ҳуқуқий ва бошқа илм-фанда, амалиёт бобида ўзини устивор санайдиган Ғарб мамлакатларида давлатчилик ва жамият қурилишида, давлат бошқарувида, илму-фанда, ҳарбий сиру асрорларни эгаллаш ва бошқаларда энг зарур ўкув қўлланма вазифасини ўтаб, ҳамда амалиётда фойдаланиб ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

## Сиёсий ва ҳуқуқий фикрлар намунаси

Бизда минглаб йиллар давомида миллиард-миллиард одамлар орасидан етишиб чиққан буюк донишманлар тафаккурининг шундай асл мевалари мавжудки, бу буюк инсонларнинг ақл дурдоналари вақт синовига чидам бериб, галвирдан ўтиб келмоқда. Ўртамиёна нарсаларнинг бари итқитиб ташланиб, фақат ўзига хос, теран, зарур нарсаларгина қолган...

**Л.Н.Толстой**

Мен қадимги донишманларнинг ўз асарларида бизга қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечираман; агарки биз уларда нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда ортирган ҳисобланамиз.

**Суқрот**

Олга интилган ҳар бир киши ўтмиши ва ўз даври бойликларидан фойдаланиши турган гап.

**А.Дистервег**

Мен, айниқса, зиддиятли ҳодисаларга синчковлигимни уйготувчи ва ўша зиддиятларни хал этиб берувчи ҳар турли ихчам ҳикматли сўзларни қадрлайман.

**И.Гёте**

Ақлли одам доимо буюк кишилар синовидан ўтган йўлни танлаши ва энг ажойиб шахсларга тақлид қилиши керак, чунки мабодо у ўша буюклик даражасига кўтариолмаган тақдирида ҳам ҳар нечук қитттай бўлса-да, унинг ёгдусини эмади.

**Н.Макиавелли**

Жаҳон майдонида: бизнинг тузумимиз адолатли ва қулай ҳаётни, барча неъматларни капитал мулкдорга эмас, балки даҳоларни етишишига, санъат ва инсон ақлий қудратини янада тақомиллашишига қодир бўлган меҳнаткаш ҳалқа беряпти, деган ҳақиқатни амалда исбот қилаётган миллат пайдо бўлди.

**Т.Драйзер**

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Саховатнинг энг буюк жасурликлари ватанга муҳаббат туфайли юзага келган.

**Ж.Ж.Руссо**

Ким бўлишдан қатъий назар, унинг ватанпарварлиги сўзи билан эмас, иши билан исбот қилинади.

**В.Г.Белинский**

Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеши-акраболар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» отли сўзда мужассамлашгандир. Ватанга нағи теккудек бўлса, - ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланаар экан?

**Цицерон**

Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

**Г.Гегель**

Энг мақбул фазилат – ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда.

**Ж.Делиль**

Ҳар қандай миллат бошқалардан ўргана олади ва ўрганиши ҳам керак.

**К.Маркс**

Маданийлашган ваҳшийлик – барча ваҳшийликлардан ёмонроқдир.

**К.Вебер**

Ҳеч нимани қонунни билганимиздек билмаймиз.

**О.Бальзак**

Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоги лозим.

**Гераклит**

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

*Қонунни ҳимоя қилолмайдиган, журъатсиз одамлар учун қонун беҳудадир.*

**Т.Маколей**

*Қонун ортида уни қўллаб-қувватлайдиган мажбурловчи куч бўлмаса – у қонун эмас.*

**Ж.Гарфилд**

*Одатлар – бу одамлардир, қонунлар эса – мамлакатнинг ақли. Одатлар кўпинча қонунлардан кўра шафқатсизроқдир. Аксари номақбул одатлар қонунлардан устун келади.*

**О.Бальзак**

*Қонунга риоя қилмайдиган одамдек ёвуз ҳайвон йўқ.*

**Ж.Савонарола**

*Қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланади.*

**С.Жонсон**

*Ҳеч бир қонунга бўйсунмаслик ўзини најсотбахи ҳимоядан маҳрум этиши деган сўз, зеро, қонунлар бизни бошқалардангина эмас, ўзимиздан ҳам асраб турмоги керак.*

**Г.Гейне**

*Қаерда қонун тугаса, у ерда зўрлик бошланади.*

**У.Питт**

*Агар қайси ерда гариб хўрланур,  
У хил мамлакат тезда вайрон бўлур.*

**Саъдий**

*Граждан ва давлат ишларини қонун эмас, тобелар, бошлиқлар ва судьялар бошқарадиган юртнинг шўри қурсин! Уларнинг ҳар бири ўзини тенгсиз донишманд деб биладики, оқибатда «қўйичивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади».*

**М.И.Кутузов**

## СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Қонун наноҳида бирлашган одамларнинг ўз олдиларига қўйған мақсадлари шундан иборатки, айрим шахслар томнидан қилинадиган зўравонлик ваadolatсизликнинг олидини олиш ва бартараф этиши учун улар шу йўл билан ижтимоий ҳокимият тузадилар.

**Г.Мабли**

Қонунлар иллатларга барҳам бериб, яхшиликка йўл очмоги керак.

**Цицерон**

Қонунлар барчага баробар бўлиши зарур.

**Ш.Монтескье**

Гражданларнинг ҳақиқий тенглиги шундаки, улар қонунларга бир хилда итоат этмоқликлари лозим.

**Ж.Даламбер**

Мен учун қайси томон кучлилигининг аҳамияти йўқ; муҳими ҳуқуқ ким томондалигида.

**В.Гюго**

Ўзи қонунга амал қилмайдиган одам ҳам бошқалар учун қонун чиқарииши мумкин.

**Г.С.Сковорода**

Энг ёвуз зўравонлик – қонун соясига беркиниб адолат байроги остида иши кўради.

**Ш.Монтескье**

Қонуннинг ўта қаттиққўллиги – ўта адолатсизликдир.

**Цицерон**

Зулм кўрса даврингда золимдан эл,  
Ўша зулм сендан эрур, яхши бил.

**Саъдий**

Номақбул қонунчилик қўмдан тўқилган арқонга ўхшашигини, уни эшимоқчи бўлсанг, бошиданоқ сочилиб кетишини доно одамлар биладилар.

**Р.Эмерсон**

*Яхши қонунларни ҳурматламоқ, бемаъниларини эса бекор қилмоқ ёхуд ўзгартирмоқ лозим.*

**М.Русинек**

*Иложи борича кам қонун яратинг, лекин уларнинг ижросини назорат қилинг.*

**Ж.Локк**

*Қонун лўнда бўлиши керак, токи уни оми одамлар ҳам ёдда тутсинглар.*

**Сенека**

*Қонунлар оддий одамлар учун яратилади, шу боисдан улар ақл-идрокнинг оддийгина қоидаларига асосланмоги лозим.*

**Т.Жефферсон**

*Агар табиат ҳам давлатга ўхшаб шунчалик кўп қонунларга эга бўлганда эди, олло-таолонинг ўзи ҳам уни бошқаролмай қолар эди.*

**Л.Берне**

*Давлатда қонунларнинг кўплиги бамисоли табибларнинг кўплигига ўхшайди: табибларнинг кўплиги эса касаллик ва ожизлик белгисидир.*

**Ф.Вольтер**

*Одил суд барча ижтимоий эзгуликнинг пойдевори.*

**П.Гольбах**

*Судьялар ўз ишилари – қонунларни пеш қилмай, уни изоҳлаш эканини унумасликлари керак.*

**Ф.Бэкон**

*Судья – гапираётган қонун, қонун эса тилсиз судьядир.*

**Цицерон**

*Судьялик курсисини эгаллашга лойиқлигинга дилингда икрор бўлмагунингча бошқаларни судлашга журъат этма.*

**Эпиктет**

*Одил суднинг энг хатарли душмани – олдиндан ўйлаб қўйилган нотўгри мулоҳазадир.*

**Ж.Ж.Руссо**

*На оқловчи ва на айниқса судья бурчни адo этаётганида, ўз туйгуларига берилишига мутлақо ҳақи йўқ.*

**Р.Стивенсон**

*Ҳалол одам ҳакамлик курсисига ўтирап экан, шахсий майлларини унутади.*

**Цицерон**

*Адолат – давлатнинг бузилмас пойдеворидир.*

**Пиндар**

*Дўстни ҳам, душманни ҳам бир хилда суд қилиши керак.*

**Менандр**

*Агар сен одил судья бўлишини истасанг, қораловчига эмас, ишнинг ўзига қара.*

**Эпиктет**

*Одил судловда расмиятчилик ва дабдаба шунинг учун зарурки, у судьянинг бедодлигига ҳеч бир ўрин қолдирмайди, шунда ҳалқ суд бетартиб, ноҳақлик билан эмас, балки мустаҳкам қоидалар асосида иш кўраётганини англайди.*

**Ч.Бекаррий**

*Қораламоқчи бўлган одамнинг шошилишига ҳаққи йўқ.*

**Ж.Мольер**

*Холис ва сермулоҳаза одам ўз ҳукмини айтишига ҳеч вақт ошикмайди.*

**Г.Филдинг**

*Жазо беришдан аввал ҳар доим гуноҳидан ўтишининг иложи йўқмикан, дея ўйлаб кўриши керак.*

**Г.Лихтенберг**

*Ўзи йўқлар ҳар вақт айбдор бўлиб чиқадилар; ҳозир бўлганлар эса ҳамиша ўзларини оқлаш имкониятига эгадирлар.*

**Б.Франклин**

*Жазолашдан кўра кечирмаклик мардликдир. Ожиз одам кечиролмайди. Авф этиши кучилар фазилатидир.*

**М.Ганди**

*Жазолай олмайдиган судья оқибат натижада жиноятчининг шеригига айланади.*

**И.Гёте**

*Халқ олий ҳокимиятдан фойдалана олган жамиятгина эркинликнинг чинакам масканидир.*

**Цицерон**

*Эркинлик тилаган билан ўзи келмайди: эркинлик худоларнинг марҳамати эмас. У – халқнинг шундай бир фарзандики, кураш суронларида, ўлим машаққатларида тугилади, қон билан ювилади, ундан порох тутунини ҳиди анқиб туради.*

**Ф.Норрис**

*Миллат қанчалик ўсган бўлса, шахс мустақиллиги шу қадар тўла таъминланган ва айни пайтда бир шахс бошқасининг тажсовузидан шу қадар ҳимояланган бўлади.*

**Д.И.Писарев**

*Одамнинг эркинликка интилиши бамисоли қозонга қамалган бугга ўхшай: уни ҳаддан ташқари қисганлари сари хавфли бўла боради ва аксинча, агар унга равон, яхии машинадан тўғри йўл топиб берилса, манфаат ҳам келтиради.*

**В.Вейтлинг**

*Давлатда оқилона эркинликка катта йўл очилган бўлса, қонун кучи ва гражданларнинг ўз бурчларини адo этишилари ҳам шу қадар кўламлидир, зоро, эркинлик гояси ҳамиша ҳақиқат гояси билан*

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

*чамбарчас келади ва у билан биргаликда кўпчилик баҳт-саодатига интилиши бурчини тугдиради.*

**М.С.Куторга**

*Гражданин учун сиёсий эркинлик руҳий хотиржамлиқдир, шунда у ўзининг хавфсизлигига ишонади.*

**Ш.Монтескье**

*Ижтимоий эркинлик – барча учун одил ва тенг бўлган жасамият қонунларига бошдан-охир оғишмай риоя қилишидан бўлак нарса эмас.*

**К.Ботта**

*Эркинлик қонун йўл қўйган барча нарсаларни қила билиш ҳуқуқидир.*

**Ш.Монтескье**

*Ўзгаларга зиён етказмай туриб, жамики нарсаларни қила олиш ҳуқуқи эркинликдир.*

**М.Клаудиус**

*Фақат нодонларгина бебошлиқни эркинлик дейдилар.*

**Тацит**

*Эркинлик бекорчилик эмас, балки ўз вақтидан эркин фойдаланиш ва кўнглига ёққан касбни танлай олиш имкониятидир; қисқаси, эркин бўлиши бекор юриши эмас, аксинча нима қилиши ва нимани қилмасликни одамнинг шахсан ўзи ҳал этишиидадир.*

**Ж.Лабрюйер**

*Биз мустақил муллоҳаза юритиши қобилиятилизни сақлаган, зарурат бизни мајбур қилинган, маълум жаражсада ҳукм-фармойишидек бўлган фикрларни ҳимоя этишимизга зўрламаган чогдагина чинакам эркинмиз.*

**Цицерон**

*Эркинликни яхши кўрмайдиган одам йўқ; аммо ҳақгўй одам уни барча учун, ноҳақ эса фақат ўзи учун талаб қиласди.*

**Л.Берне**

Дарҳақиқат, ҳар бир моддий нарса, сўзсиз, ўз вужудига, ўзига хос бўлган мартаба энг юксак камолотга эришиши учун борлиққа келган. Инсонга хос бўлган бу камолатнинг номи энг етук баҳт-саодат деб аталади. Бу баҳт-саодат шу юксак камолотга эришиши йўлида бўлган ҳар турли жузъий нарсаларни ўзида бирлаштиради. Жузъий нарсалар энг етук баҳт-саодатга олиб борувчи фазилатли санъат (касб-ҳунар)лардир. Ҳалқлар ва шаҳар аҳларини тарбиялаш учун касб-ҳунарни эгаллашга ва камолотга эришишига ўз ихтиёrlарича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари, ҳақиқий санъат аҳлариdir.

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши ва олий дараҷадаги етукликка эришимоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тугилади... Шу сабабли яшаши учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаши ва етукликка эришуви учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашидилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди.

### **Абу Наср Форобий**

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошлангич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.

### **Абу Наср Форобий**

Ўтмишда азиз боболаримиз ҳам ўз Она-Ватанларини жону дилидан севганлар, унинг иқболи, истиқболи, озодлиги устида қайгурганлар ва фидокорона курашганлар.

Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилган азиз фарзандларнинг номи эл қалбида абадий сақланади.

Эл бошига тушган мусибатни емириб ташлаган мардларни эл-юрт ҳурмат билан тилга олади, аксинча, Ватанни қадрламаган шахсни элу юрт қадрламайди.

Одамларнинг қадр-қимматига етмай туриб, киши ҳақиқий ватанпарвар бўлолмайди. Ватан аввало, бу – ҳалқdir.

Сенинг шарафли ишларни бажаришинг учун, қаҳрамонлик намуналарини кўрсата олишинг учун халқ мададкоринг ва таянчинг бўлади. Меҳнаткаш халқ сени қўллаб-қувватламас экан, ёлгиз ўзинг ҳаёт бўстонида парвоз қилолмайсан. Сен меҳнат соҳасида зўр галабаларга эришаётган Ватан фарзандларининг ҳаётини, фаолиятини чуқур кузатар экансан, уларнинг улўгвор ишлар қила олишлари учун мадад берган, ҳаёт чўққиларига парвоз қилишлар учун куч – қудрат багишлаган меҳнаткаш халқ эканлигига тўла ишонч ҳосил қиласан. ҳалқ назаридан қолиб, шон – шуҳрат, баҳтга эга бўлган қаҳрамон йўқ. Ҳақиқий ватанпарвар инсон тақаббурликка, фақат ўз манфаатини ўйловчи шахс бўлишига мутлақо йўл кўймайди ва меҳнаткаш халқдан ўз манфаатини устун кўймайди, ҳамма вақт халқ билан бир жон, бир тан бўлади.

---

## ТЕСТЛАР

**1. Қадимда қайси диний афсоналариға кўра худолар ҳукмдорлар ҳокимиятининг манбаи бўлиш билан бирга ердаги ишлар ва кишиларнинг тақдирини ҳал қилганлар?**

- А) Қадимги Бобил
- В) Қадимги ҳинд
- С) Қадимги Юнон
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб тўғри

**2. Қадим Мисрликлар дунёning яратувчиси деб қайси маъбудни тан олишган?**

- А) Исида
- В) Сет
- С) Ра
- Д) Осирис
- Е) Митра

**3. Қадим Миср афсоналариға кўра Маат худоси...**

- А) ҳақиқат
- В) Адолат
- С) Одил судлов
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб тўғри

**4. Қадим Мисрда озод кишиларнинг табиатан тенглиги ҳақидаги тасаввурлар...**

- А) «Птахотеп ўғитлари»да мавжуд
- Б) «Ипусер мулоҳазалари»да мавжуд
- С) «Гераклеополь шоҳи ўғитлар»да мавжуд
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб тўғри

**5. «Ипусер мулоҳазалари» муаллифи Ипусер 1750 йилда рўй берган воқеалар ҳақида: « «қонунсизлар» томонидан уюштирилган «даҳшатли ўзгариш»» деб айтган. Шунда «қонунсизлар» деб кимни назарда тутган?**

- А) Аслзодаларни

- В) куйи табақа вакилларини
- С) ҳарбийларни
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб түғри

**6. Бобилнинг қайси худоси Юнонларнинг Зевс худосидек мавқега эга эди?**

- А) Шамаш
- В) Сет
- С) Мардук
- Д) Осирис
- Е) Митра

**7. Шамаш қандай маъбуд эди?**

- А) Адолат раҳнамоси ва ожизлар ҳимоячиси
- Б) Ёвузлик ва зулмат
- С) Шамол
- Д) Ақл-идрок
- Е) Дехқончилик ва чорвачилик худоси

**8. Қадимги Бобилнинг сиёсий-ҳуқуқий ёдгорлиги ҳисобланган Ҳамураппи қонунлар неchanчи асрغا хос?**

- А) мил.авв. XIII
- В) мил.авв. XVIII
- С) мил.авв. XVI
- Д) мил.авв. VIII
- Е) мил.авв. XI

**9. Ҳамураппи қонунлари...**

- А) Хуқиз терисига ёзилган
- Б) Сопол тахтасиларга битилган
- С) Тош деворларга ўйилган
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб түғри

**10. Ҳамураппи қонунларига кўра жангдан бош тортган аскар...**

- А) Сазойи қилинган
- Б) Бир умр қамоқ жазосига маҳкум қилинган
- С) Ўлим жазосига маҳкум қилинган

- Д) Бадарға қилинган
- Е) Кечириб юборилган

**11. Веда сўзининг маъноси нима?**

- А) Билим
- В) Қонун
- С) Ибрат
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб тўғри

**12. Қадимги Ҳиндистонда варнага мансублик ...га қараб белгиланган.**

- А) Туғилиш
- В) Насаб
- С) қонун
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб тўғри

**13. Қадимги ҳинд таълимотига кўра инсон зотининг дастлабки аждоди ким ҳисобланган?**

- А) Кришна
- В) Браҳман
- С) Шива
- Д) Ману
- Е) Будда

**14. Дхарма нима?**

- А) Одил суд худоси
- В) қонун
- С) Мансаб
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб тўғри

**15. «Ману қонунлари»га кўра бутун оламни ... бошқаради.**

- А) қонун
- В) Адолат
- С) Жазо
- Д) хукмдор
- Е) Худо

**16. Будда қонунлари тўплами нима деб аталади?**

- А) Веда
- Б) «Дхарма»
- С) «Шамаш стези»
- Д) «Птаххотеп ўгитлари»
- Е) «Дхаммапада»

**17. Қадимги Хитой сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи қачонга бориб тақалади?**

- А) мил.авв. I мингийилликка
- Б) мил.авв. II мингийилликка
- С) мил.авв. III мингийилликка
- Д) мил.авв. XX асрға
- Е) мил.авв. XV асрға

**18. Қадимги Хитойда мутафаккирлар ва турли таълимот асосчилари кимлар эди?**

- А) ҳокимият вакиллари
- Б) куйи табақа вакилларини
- С) ҳарбийлар
- Д) Аслзодалар
- Е) Дехқонлар

**19. Хитой сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларини пойдевори қайси таълимот ҳисобланади?**

- А) Легизм
- Б) Конфуцизм
- С) Даоцизм
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоб тўғри

**20. Қуйидаги шахслардан қайси бири ўз мактабига эга бўлган?**

- А) Конфуций
- Б) Лао-Цзи
- С) Мао-Цзи
- Д) Хан Фей
- Е) Шан Ян

**21. Конфуцийнинг асосий китоби нима деб аталган?**

- А) «Олижаноб эрлар»
- Б) «Сухбат ва мулоҳазалар»
- С) «Ўгитлар»
- Д) «Асосий қонун»
- Е) Барча жавоб тўғри

**22. Қадимги Хитой афсоналарида Императорни... деб аташган.**

- А) «Оила бошлиғи»
- Б) «Осмон фарзанди»
- С) «қуёш нури»
- Д) «Худонинг ердаги ноиби»
- Е) «Халқ отаси»

**23. Конфуцийнинг фикрича...**

- А) Жамиятни бошқаришда маърифатли кишиларга ишонмоқ зарур.
- Б) Императорга бўйсиниш лозим.
- С) Позитив қонунларни керак эмас.
- Д) А ва В
- Е) Барча жавоблар тўғри

**24. «Кекса донишманд» ким?**

- А) Конфуций
- Б) Лао-Цзи
- С) Мао-Цзи
- Д) Хан Фей
- Е) Шан Ян

**25. Қуйидаги мутафаккирлардан қайси бири давлат бошқарувида оддий одамлар манфаатларини ҳисобга олиш муҳим ўрин тутади?**

- А) Конфуций
- Б) Лао-Цзи
- С) Мао-Цзи
- Д) Хан Фей
- Е) Шан Ян

**26. Легизмнинг асосий ғоялар қайси китобда ўз аксини топган?**

- А) «Олижаноб эрлар»

- В) «Шан вилояти ҳукмдори китоби»
- С) «Ўгитлар»
- Д) «Асосий қонун»
- Е) «Суҳбат ва мулоҳазалар»

**27. «Ўтган ҳукмдорларнинг ҳар қандай қонуни ўз даври учун мухим бўлган. Вақт ва қонун бирдай ривожланмайди».**

**Юқоридаги фикрлар кимга тегишли?**

- А) Конфуций
- Б) Лао-Цзи
- С) Мао-Цзи
- Д) Хан Фей
- Е) Шан Ян

**28. Қуйидаги полислардан қай бирида бошқарувнинг Тирания усули ўрнатилган?**

- А) Афина
- Б) Спарта
- С) Сиракуза
- Д) Фива
- Е) Мегара

**29. Қуйидаги шахслардан қай бири «Етти донишманд» сирасига кирмайди?**

- А) Фалес
- Б) Питтак
- С) Периандр
- Д) Солон
- Е) Гесиод

**30. Қуйидаги мутафаккирлардан қай силариининг мистик дунёқарашида рақамлар ҳақидаги таълимотлар мухим ўрин тутади?**

- А) Пифагор
- Б) Архит
- С) Лизис
- Д) Филолей
- Е) Барча жавоблар тўғри

**31. Гераклит...**

- А) Аристократия тарафдори эди
- В) Демократияни қоралар эди
- С) Монархияни мақулларди
- Д) А ва В
- Е) А, В, С

**32. Идеалистик фалсафа йўналишининг асосчиси ким?**

- А) Фалес
- Б) Сукрот
- С) Афлотун
- Д) Арасту
- Е) Пифагор

**33. «Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан улугроқ» ибораси кимга тегишили?**

- А) Фалес
- Б) Сукрот
- С) Афлотун
- Д) Арасту
- Е) Пифагор

**34. Афинада фалсафа мактаби «Ликей»ни очган юонон файласуфи ким?**

- А) Фалес
- Б) Сукрот
- С) Афлотун
- Д) Арасту
- Е) Пифагор

**35. Эпикур ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари билан қайси файласуфнинг давомчиси ҳисобланади?**

- А) Демокрит
- Б) Сукрот
- С) Полибий
- Д) Арасту
- Е) Гераклит

**36. Машҳур римлик нотиқ ва мутафаккир Марк Туллий Цицероннинг қарашлари унинг қайси асарларида ўз аксини топган?**

- А) «Давлат тўғрисида»
- Б) «қонунлар тўғрисида»
- С) «Буюмларнинг табиати ҳакида»
- Д) А ва В
- Е) А, В, С

**37. Цицерон ўз асарларида неча хил давлат шаклини айтиб ўтган?**

- А) 5
- В) 3
- С) 4
- Д) 6
- Е) У ўз асарларида бу ҳакида сўз юритмаган

**38. Гнея Флавия ким бўлган?**

- А) Юлий Цезарнинг вазири
- Б) Апдия Клавдия Цеканинг мирзоси
- С) Тиберий Корункийнинг шогирди
- Д) А ва В
- Е) В ва С

**39. Фома Аквинский бошқарувнинг қайси турини тарафдори бўлган?**

- А) Аристократия
- Б) Демократия
- С) Монархия
- Д) Олигархия
- Е) Тирания

**40. Н. Макиавеллининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида...**

- А) Тарихийлик муҳим ўрин тутади
- Б) Ахлоқ қоидаларига катта эътибор берилади
- С) Кўпроқ давлат бошқарувига эътибор қаратади
- Д) А ва В
- Е) А, В, С

**41. Сиёсий фанда «Макивеллизм» деганда нима тушунилади?**

- А) Ахлоқ меъёрларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш
- В) Ҳокимиятни яхши қонунлар ва кучли қўшинга эга бўлиш
- С) Давлат бошқарувида ахлоқ қоидаларига катта эътибор бериш
- Д) А ва В
- Е) Тўғри жавоб йўқ

**42. «Тарихни осон ўрганиш методи», «Республика тўғрисида олти китоб» ва бошқа бир неча асалар муаллифи бўлган француз мутафаккири ким?**

- А) Макиавелли
- Б) Боден
- С) Кампонелло
- Д) Т. Мор
- Е) Тўғри жавоб йўқ

**43. XVI аср француз мутафаккири Ж. Боденни XIII асрда яшаб ўтган илоҳиётчи олим Ф. Аквинский билан қайси жиҳат бирлаштириб турган?**

- А) Улар давлат бошқарувининг Монархия типини ёқлашган.
- Б) Улар «Давлат табиий тараққиёт натижасидир» деб ҳисоблашган.
- С) Ҳар иккала мутафаккир фикрларида идеал давлат тушунчasi мухим ўрин тутади.
- Д) Уларнинг фикрича давлатни фақатгина илоҳий қонунлар билангина бошқариш мумкин.
- Е) Уларнинг фикрларида ҳеч қандай ўхшашлик йўқ.

**44. Инсонлар бир-бирига душманлик қилмасликлари учун барча инсонларни экваторга жойлашиши ҳақидаги таълимотни илгари сурган мутафаккир ким?**

- А) Томас Мор
- Б) Томазо Кампанелло
- С) Жон Бодин
- Д) Николо Макиавелли
- Е) Тўғри жавоб йўқ

**45. М. Подуанскийнинг асари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- А) “Тинчлик ҳимоячиси”
- Б) “Етти киши”

- С) “Флоренция тарихи”
- Д) “хукмдор”
- Е) “Муқаддима”

**46. Рус подшоси Николай 1 қайси донишмандга “Россия империяси қонунлари мажмуини тузишни топширган”?**

- А) П.Пестел
- В) Н.Карамзин
- С) М.Сперанский
- Д) Н.Муравьев

**47. Рус шоири Пётр Вяземский қайси рус давлат арбобини “юксак мартабали чиновник” дея тарифлаган?**

- А) Н.Муравьев
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) М.Сперанский

**48. М.Сперанский кимни ер юзининг олий қонун чиқарувчиси деб ҳисоблайди?**

- А) Монархни
- В) Думани
- С) Халқ вечасини
- Д) Тўғри жавоб йўқ

**49. М.Сперанский фикрича Россия ўзининг тарихий ривожланишида қанча босқични босиб ўтди?**

- А) 1 босқични
- В) 2 босқични
- С) 3 босқични
- Д) 4 босқични

**50. М.Сперанский қандай давлат шаклини орзу қилган?**

- А) Кинституциявий монархияни
- В) Монархияни
- С) Республика
- Д) Парламентар

**51. М.Сперанский фикрича қонун чиқарувчи ҳокимия қайси органга топширилиши керак?**

- А) Икки палатали думага
- Б) Халқ вечасига
- С) Монархга
- Д) Монарх хузуридаги кенгашга

**52. М.Сперанский фикрига кура суд ҳокимиятининг олий органи қайси?**

- А) Ҷирол суди
- Б) Олий суд
- С) Сенат ва пресяжнилар суди
- Д) Арбитраж суди

**53. “Фуқаролар ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқларга асосланиши керак, фуқаролик қонуни сиёсий қонунларсиз мавжуд бўлмайди” ушбу фикрлар кимга тегишли?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьёв

**54. “Сарой унвонлари ҳақида”, “Чиновникларни имтихондан ўтказиш тўғрисида” қонунларни қайси рус донишманди ишлаб фиққан?**

- А) П.Пестел
- Б) Н.Карамзин
- С) М.Сперанский
- Д) Н.Муравьёв

**55. М.Сперанский фикрига кура солиқларни ўрнатиш ҳуқуқи кимга берилиши лозим?**

- А) Икки палатали думага
- Б) Халқ вечасига
- С) Монархга
- Д) Монарх хузуридаги кенгашга

**56. “Россия давлатлари тарихи” асари қайси рус таълимотчисига тегишли?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьёв

**57. Рус подшоси Александр 1 қайси рус донишмандига “историограф” унвонини берди?**

- А) Н.Карамзин
- Б) М.Сперанский
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьёв

**58. Давлат ҳокимият бўлинишига қарши чиқиб, “Империядаги иккита ҳокимиятни қафас ичида бир-бирини еб кўйишга шай турган шер”га ўхшатган рус донишмандини кўрсатинг?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьёв

**59. Н.Карамзин қандай давлат бошқарувини ёқлайди?**

- А) Кинституциявий монархияни
- В) Монархияни
- С) Республика
- Д) Парламентар

**60. “Судъяларга юриспруденция асослари керак, уларга Рим ҳуқуқини ўргатишга ҳали бизнинг ватанимиз билим даражаси тайёр эмас” ушбу фикрлар кимга тегишли?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Муравьёв
- С) П.Пестел
- Д) Н.Карамзин

**61. Н.Карамзиннинг фикрича жамият табақаларга бўлиниши керак. Қайси қаторда табақалар жойлашуви тўғри кўрсатилган?**

- А) рухонийлар, дворянлар, совдогар крестьянлар, оддий халқ
- Б) рухонийлар, совдогар крестьянлар, дворянлар, оддий халқ
- С) оддий халқ, рухонийлар, совдогар крестьянлар, дворянлар

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

Д) дворянлар, рухонийлар, совдогар крестьянлар, оддий халқ

**62. Н.Карамзин, яхши давлат бошқарувини ташкил этиш учун...**

- А) Суд ҳокимиятини кучайтириш керак дейди
- Б) Марказий ҳокимият ваколатини кучсизлантириб, жойлардаги ҳокимият ваколатини кенгайтириш керак дейди
- С) Жойлардаги ҳокимият ҳокимият ваколатини кучсизлантириб, марказий ваколатини кенгайтириш керак дейди
- Д) Дума ҳокимиятини кучайтириш керак дейди

**63. Н.Карамзин давлат аппарати чиновниклари масъулиятини ошириш учун қандай тадбир қўллашни таклиф қилган?**

- А) Билимли, махсус ўқитилган кадрлар тайёрлашни
- Б) Чиновникларни жазо билан қўрқитишни
- С) Чиновникларнинг ваколатини янада оширишни
- Д) В ва С

**64. Рус подшоси Александр 1га жойларда ҳокимият губернаторлар томонидан амалга оширилиши ва бунинг учун 50 нафар ақлли ва ваколатли шахс топишни маслаҳат берган донишмандни топинг?**

- А) М.Сперанский
- Б) П.Пестел
- С) Н.Карамзин
- Д) Н.Муравьев

**65. “Қадимги ва янги Россия ҳамда унинг сиёсий ва фуқаролик муносабатлари ҳақида” мактубни рус подшоси Александр 1 га юборган донишмандни топинг?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьев

**66. Н.Карамзин қайси бошқарув шаклини танқид қилди?**

- А) Алигархия
- В) Тирания
- С) Демократия
- Д) Республика

**67. Қарамзин жамиятни табақаларга бўлган бўлиб, қайси табақани имтиёзлардан фойдаланувчи, хурматга лойиқ табақа деб ҳисоблайди?**

- А) Оддий халқ
- Б) Ҳарбийлар
- С) Крепастнойлар
- Д) Рухонийлар

**68. Ташқи сиёсат борасида Н.Крамzin ...**

- А) Тинчлик муносабатлар тарафдори
- Б) Ўзаро тенглик тарафдори
- С) Дунёга ҳукмронлик тарафдори
- Д) Тўғри жавоб йўқ

**69. Армиянинг сонини қисқартириш, ҳарбий қишлоқларни йўқ қилиш кераклиги тўғрисидаги фикрларни ким илгари сурган?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьев

**70. Н.Карамзиннинг Александр 1 га йўллаган мактуби...**

- А) Эътиборсиз қолдирилди
- Б) Қўллаб-қувватланди
- С) Қаттиқ танқидга учради
- Д) Мактуб Александр 1 га етиб бормади

**71. “Рус ҳақиқати” асари муаллифи ким?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьев

**72. П.Пестелнинг фалсафий қарашларига муофиқ у ...**

- А) Материалист ва атеист эди
- Б) Софист эди
- С) Идеалист эди
- Д) А ва С

**73. Ҳукумат халқ учун, унинг манфаати учун энг яхши воситаларни танлашга мажбурлигини ким илгари сурган?**

- А) П.Пестел
- Б) Н.Карамзин
- С) М.Сперанский
- Д) Н.Муравьёв

**74. “Давлатнинг мақсади ҳамма ва ҳар кимнинг яхши ҳолатда бўлишидир” ушбу фикрлар кимга тегишли?**

- А) М.Сперанский
- Б) П.Пестел
- С) Н.Карамзин
- Д) Н.Муравьёв

**75. П.Пестел қонунларни уч гурухга бўлади, қайси қаторда улар тўғри кўрсатилган?**

- А) Маънавий, табиий, фуқаролик
- Б) Сиёсий, маданий, ижобий
- С) Илоҳий, табиий, позитив
- Д) П.Пестел қонунларни гурухларга ажратмаган

**76. П.Пестелнинг фикрига кура давлат ўз мақсадларига қандай воситалар орқали эришади?**

- А) Кучли армияга таянган ҳолда
- Б) Қонунлар асосида
- С) Адолатли ҳукмдорга эга бўлиб
- Д) А,В,С

**77. П.Пестелнинг сиёсий идеали...**

- А) Тиранія
- Б) Алигархия
- С) Демократия
- Д) Республика

**78. П.Пестелнинг фикрига кура ижро ҳокимити қайси органга тегишли бўлмоғи лозим?**

- А) Давлат думасига
- Б) Халқ вечасига

- С) Монархга
- Д) Суд ҳокимиятига

**79. П.Пестелнинг фикрига кура ер икки қисмга...**

- А) Давлат ва жамоа мулкига бўлинади
- В) Ижтимоий ва ҳусусий мулкка бўлинади
- С) Давлат ва ҳусусий мулкка бўлинади
- Д) Черков ва давлат мулкига бўлинади

**80. П.Пестелнинг фикрича давлат думаси неча кишидан иборат бўлади?**

- А) 5
- В) 15
- С) 20
- Д) 8

**81. П.Пестелнинг фикрича олий собор кимлардан ташкил топмоғи лозим?**

- А) Боярлардан
- В) Дворянлардан
- С) Донишманлардан
- Д) Рухонийлардан

**82. П.Пестел тузган лойихага биноан энг кичик маъмурий худудни аниқланг?**

- А) Област
- В) Губерния
- С) Волост
- Д) Уезд

**83. П.Пестел “Россия ҳақиқати”да шахснинг қайси ҳуқуқ ва эркинликларига катта аҳамият берди?**

- А) Шахсий
- В) Сиёсий
- С) Мулкий
- Д) Маданий

**84. П.Пестел фикрича жамиятда партияларни тузиш...**

- А) Демократияни кучайтиради

- В) Халқ бирлигини бузади
- С) Эркинликни кучайтиради
- Д) Давлатни кучсизлантиради

**85. “Сайлов ҳуқуқидан 20 ёшга тўлган эркак жинсиға мансуб кишилар фойдаланадилар” деган фикрлар кимга тегишли?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьев

**86. Н.Муравьев сиёсий қарашлари қайси маърифатпарварлик ва сиёсий таълимотчилар таъсирида шаклланди?**

- А) Француз
- Б) Инглиз
- С) Немис
- Д) Голланд

**87. Н.Муравьев таълимотига кура энг яхши давлат бошқаруви шакли қайси қаторда кўрсатилган?**

- А) Республика
- Б) Монархия
- С) Кинституциявий монархия
- Д) Парламентар

**88. Н.Муравьев фикрича қонунчилик ҳокимияти икки палатадан иборат бўлади, улар..**

- А) Олий дума ва вакиллар палатаси
- Б) Олий собор ва давлат думаси
- С) Сенат ва вакиллар палатаси
- Д) Сенат ва халқ вечаси

**89. Н.Муравьев фикрича сайлов ҳуқуқига...**

- А) Боярлар эга
- Б) Вояга етган барча аҳоли эга
- С) Фақат крепастнойлар эга
- Д) Дворянлар эга

**90. Н.Муравьёв фикрига кура ҳарбий кучлар олий қумондони ким?**

- А) Монарх
- В) Ҳарбий вазир
- С) Бош рухоний
- Д) Дума бошлиғи

**91. Н.Муравьёв конституциясига мувофиқ, давлат қурилиши...**

- А) Унитардир
- В) Консервативдир
- С) Федеративдир
- Д) Тўғри жавоб йўқ

**92. Н.Муравьёв фикрига кура област бошқаруви икки палатага бўлинади. Булар қайсилар?**

- А) Област думаси ва сайланганлар палатаси
- Б) Собор ва маҳсус кенгаш
- С) Губернатор ва ижроия кенгаши
- Д) Област сенати ва вакиллар палатаси

**93. Н.Муравьёв фикрича област судьяси неча ёшгача фаолият кўрсатади?**

- А) Умрбод
- В) 50 ёшгача
- С) 70 ёшгача
- Д) 60 ёшгача

**94. Н.Муравьёв фикрича Олий суд судьялари устидан шикоят...**

- А) Олий суд вакиллар палатасига берилади
- В) Пресяжнилар судига берилади
- С) Монархга берилади
- Д) Думага тақдим этилади

**95. “Олий суд органи халқ вечаси томонидан бир умрга сайланади деган фикрлар кимга тегишли?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) П.Пестел
- Д) Н.Муравьёв

**96. “Сиёсий таълимотлар тариха”, “Ҳуқуқ фалсафаси” асарлари муаллифи ким?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) Б.Н.Чичерин
- Д) И.А.Ильин

**97. Б.Н.Чичериннинг фикрича қонунинг эркинликка нисбатан муносабати икки хил бўлади. Улар мажбур қилиш ва ...**

- А) ихтиёри
- В) шартномавий
- С) рағбатлантирувчи
- Д) тенглаштирувчи

**98. “Шахслар муассасалар учун эмас, муассасалар шахслар учун” деган фикрни ким айтган?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) Б.Н.Чичерин
- Д) И.А.Ильин

**99. Б.Н.Чичериннинг ҳуқуқ фалсафаси тўғрисидаги қарашлари қайси мутафаккир ғояларга асосланади?**

- А) Гегель
- В) Монтескье
- С) Спенсер
- Д) Ж.Локк

**100. “Ҳуқуқ қонун билан белгиланган эркинликдир” деган фикрлар кимга тегишли?**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) Б.Н.Чичерин
- Д) И.А.Ильин

**101. Ҳуқуқ муаммоларини инсоният тарихи ва маданиятнинг таркибий қисми сифатида талқин қилган рус мутафаккирини аниқланг.**

- А) М.Сперанский
- Б) Н.Карамзин
- С) Б.Н.Чичерин
- Д) И.А.Ильин

**102. И.А.Ильиннинг фикрича табиий ҳуқуқ билан ижобий ҳуқуқ ўртасидаги муносабат нимада намоён бўлади?**

- А) реал ҳуқуқда
- В) позитив ҳуқуқда
- С) прогматик ҳуқуқда
- Д) Тўғри жавоб йўқ

**103. И.А.Ильиннинг фикрича ижобий ҳуқуқ қандай шароитда яратилиши мумкин?**

- А) таъмагир ирода, нотўғри назария ва билмаслик
- В) адолат принципи асосида
- С) тенглик принципи асосида
- Д) эркинлик асосида

**104. И.А.Ильиннинг фикрича табиий ҳуқуқ мақсадга эришиш бўлса, ижобий ҳуқуқ...**

- А) мақсадга эришишни рад этади
- В) тўсикларни вужудга келтириши мумкин
- С) мақсадни амалга ошириш воситасидир
- Д) А ва С

**105. И.А.Ильиннинг фикрича табиий ҳуқуқнинг қонун йўли билан таъминлашга интилевчиси ким?**

- А) Монарх
- В) Ҳуқуқшунос
- С) Дворян
- Д) Рухоний

**106. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда Мисрликлар Ра (қуёш худоси)ни дунёning яратувчиси деб ҳисоблашган деган таърифни қайси тарихчи ёзиб ўтган?**

- А) Плутарх
- В) Геродот
- С) Полиен

- Д) Мао-цзи  
Е) Ариан

**107. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда Маат (Ма-ат) худоси нима тимсоли?**

- А) ҳақиқат  
Б) адолат  
С) одил судлов  
Д) А ва Б  
Е) Ҳамма жавоблар тўғри

**108. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда қайси касб эгалари ўзларини Маат худоси фидоийлари деб ҳисоблашган?**

- А) судьялар  
Б) руҳонийлар  
С) ҳокимлар  
Д) А ва С  
Е) Тўғри жавоб йўқ

**109. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотда «ма-ат» тушунчаси нимани англатади?**

- А) адолат-ҳақиқат  
Б) шафқат-раҳмдиллик  
С) бўйсиниш  
Д) А ва Б  
Е) Фақат А

**110. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотда «Птахотеп ўгитлари» қайси даврга мансуб?**

- А) Мил.авв 25 асрга  
Б) Мил.авв 26 асрга  
С) Мил.авв 27 асрга  
Д) Мил.авв 28 асрга  
Е) Мил.авв 29 асрга

**111. «Птахотеп ўгитлари»даги инсон хулқ-атворининг ка тамойили нима дегани?**

- А) фозил ва адолатли хулқ-атворнинг ўзига хос мезонига мувофиқ бўлиши зарурлиги

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

---

- В) иймонли ва тарбияли ҳулқ-атворнинг ўзига хос мезонига мувофиқ бўлиши зарурлиги  
С) оила ва жамият ҳулқ-атворнинг ўзига хос мезонига мувофиқ бўлиши зарурлиги  
Д) Б ва С  
Е) Фақат С

**112. «Мурдалар китоби»да қайси табақа вакиллари улуғланишган?**

- А) коҳинлар  
Б) доҳийлар  
С) ҳарбийлар  
Д) судьялар  
Е) ҳокимлар

**113. «Аъёнларингни ўстир (мансабда), шунда улар сенинг қонунларингни охиригача бажарадилар», юқорида келтирилган жумла ким томонидан айтилган ва қайси асаддан олинган?**

- А) Ахтой томонидан, «Гераклеопол шоҳи ўѓитлари»  
Б) Ипусер томонидан, «Ипусернинг мулоҳазалари»  
С) Ахтой томонидан, «Птахотеп ўѓитлари»  
Д) Ипусер томонидан, «Гераклеопол шоҳи ўѓитлари»  
Е) Тўғри жавоб йўқ

**114. Ипусер «даҳшатли ўзгариш» деб нимани таърифлаган?**

- А) Мил.авв 1750 йилги қўзғолонни  
Б) «қонунсизлар» томонидан уюштирилган ҳаракатни  
С) куйи табақаларнинг аслзодаларга қарши чиқишини  
Д) хамма жавоб тўғри  
Е) тўғри жавоб йўқ

**115. Сиёсий-ҳуқуқий таълимот бўйича Геродотнинг «Тарих» асарида маълумот берилишича, Мисрнинг биринчи подшоҳи давридан то Геродот Мисрга ташриф қилгунига қадар подшоҳларнинг неча авлоди ўтган?**

- А) 341  
Б) 214  
С) 415  
Д) 218

Е) 456

**116. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотда қадимги Бобилда қайси халқ ҳукмронлик қилган?**

- А) Шумер халқи
- Б) Аккад халқи
- С) Перук халқи
- Д) Тарси халқи
- Е) А ва Б

**117. Милоддан аввалги II асрга келиб Бобилда Шамаш худоси қайси сифатлар билан таърифлана бошланган?**

- А) адолат раҳнамоси
- Б) ожизлар ҳимоячиси
- С) куёш худоси
- Д) А ва Б
- Е) А,Б,С

**118. «Шамаш стези»-...**

- А) адолат, ҳақиқат ва ҳуқуқ йўлига ғов бўлиш
- Б) худога, ҳокимга қарши чиқиш
- С) ҳуқуқбузарлик
- Д) А ва Б
- Е) А ва С

**119. Ҳаммурапи қонунлари неча параграфдан иборат?**

- А) 250
- Б) 260
- С) 270
- Д) 280
- Е) 290

**120. Бобил жамиятининг ижтимоий таркибини кўрсатинг!**

- А) жамият аъзолари;
- Б) ҳуқуқий эркин, лекин жамият аъзоси бўлмаган;
- С) подшоҳлик хўжалигига хизматдаги тенг ҳуқуқсиз одамлар;
- Д) қуллар;
- Е) ҳамма жавоб тўғри

**121. Бобилда қул турлари...**

- А) подшо қуллари, руҳонийларнинг қуллари, хусусий қуллар
- Б) подшо қуллари, хусусий қуллар, ибодатхона қуллари
- С) подшо қуллари, эркин қуллар, ибодатхона қуллари
- Д) Фақат Б

**122. Ҳаммурапи қонунларида кимларнинг алоҳида мавқеи расмийлаштирилиб қўйилган?**

- А) сарой хизматчиларининг
- Б) ҳарбий жангчиларганинг
- С) озод кишиларнинг
- Д) ёрлиққа эга шахсларнинг
- Е) вилоят ҳокимларининг

**123. Ҳаммурапи Қонунларида агар жангчи юришларда қатнашишдан қандай жазо берилган?**

- А) ордалия
- Б) кўзга мил тортиш
- С) ўлим жазоси
- Д) умрбод зинданбанд қилиш
- Е) сургун қилиш

**124. «Веда» сўзининг маъноси нима?**

- А) билим
- Б) таълимот
- С) куч-қудрат
- Д) А ва Б
- Е) А,Б,С

**125. Ҳаммурапи Қонунларида ҳуқуқнинг қайси соҳалариға тўхталиб ўтилган?**

- А) мулк ҳуқуқи
- Б) мерос ҳуқуқи
- С) суд ҳуқуқи
- Д) никоҳ ва оила масалалари
- Е) ҳамма жавоб тўғри

**126. АҚШда мустақилликка бўлган ҳаракатлар даврида қандай ташкилотлар юзага келган эди?**

- А) озодлик қизлари
- б) озодлик сөгилилари
- с) озодлик оталари.

**127. Қайси йиллар Америкада мустақилликка бўлган интилишларнинг авж олган даври болди?**

- а) 1776
- б) 1778
- с) 1775

**128. АҚШнинг “мустақиллик декларацияси” қачон қабул қилинган эди?**

- а) 1776 4 июл
- б) 1997 8 июл
- с) 1776 йил январ

**129. АҚШнинг Конституцияси қачон қабул қилинган эди?**

- а) 1782
- б) 1789
- г) 1781
- д) 1787

**130. АҚШ Конституциясининг кучга киришида кимнинг ғоялари ўз тасдиғини топган эди.**

- а) Рузвельт
- б) Т. Жеферсон, Ж. Адамс
- с) Билл Клинтон,
- д) Ж.Буш

**131. АҚШнинг “Мустақиллик декларациясининг ”муаллифи ким**

- а) Т. Жеферсон
- б) Рузвельт
- с) Ж.Вашингтон

**132. Қуйидагилардан ким виждон эркинлигини табиий ҳуқуқлар тоифасига киритган эди?**

- а) Жеферсон
- б) Ж.Буш
- с) Вашингтон Ирвинг

**133. Қуидагилардан ким давлат бошқарувида кўпчилик ҳалқнинг иштирокини маъқуллаган?**

- а) Т. Жеферсон
- б) Томас Мор
- с) Теодор Драйзер.

**134. Мустақиллик учун олиб борилган ҳаракатларда ўзининг долзарб мавзулари билан ҳалқ орасида ном қозонган шахсни топинг**

- а) Ж Адамс
- б) Адам Смит
- с) Т. Пейн.

**135. Пейннинг ўз қарашлари яққол номоён бўлган очеркини топинг.**

- а) инсон ҳуқуқи
- б) инсон ақли
- с) инсон кайфияти.

**136. “Ақл асли ”кимнинг қаламига мансуб пафмлет?**

- а) Томас Адамс
- б) П. Томас
- с) рузвелт

**137. Пейннинг фикрича жамият нима?**

- А) инсонлар эҳтиёжи натижаси
- Б) ҳалқнинг манфаатлари
- С) сиёсат натижаси

**138. Пейн давлат бошқарувини неча хилга бўлади.**

- а) сайланадиган вакиллик ва мерос асосидаги
- б) фақат вакиллик
- с) мерос тариқасидаги

**139. Пейннинг фикрича республика бошқаруви қандай тоифага киради?**

- а) бундай бошқарув тури унда мавжуд емас эди
- б) сайланадиган вакиллик

с) мерос асосидағи вакиллик.

**140. У 1775-1804 йилларда яшаган ва федералистларнинг раҳбари, марказлашган федерал ҳукумат тарафдори эди” бу ерда ким ҳақида фикр юритилмоқда?**

- а) Александр Дюма
- б) Александр Гамильтон
- с) Аврилий Августин

**141. Қуйидагиларнинг қайси бирида подшоҳ ҳам ўзининг илохий ва юксак мақомига қарамай, брахманларни ҳурмат қилиши, уларнинг маслаҳатига юриши кераклиги ёзиб қўйилган?**

- а) Ману қонунларида
- б) Ведаларда
- с) Мурдалар китобида
- д) Иппусер сўзларида

**142. “Дхарма” нимани англатган?**

- а) адолатни
- б) одатларни
- с) қонунларни
- д) тартибни

**143. Илохий адолат ва ва ҳақиқат маъноларини қуйидагилардан қайси бири англатган?**

- а) Ра
- б) Маат
- с) Шамаш
- д) Мардуқ

**144. “Қонга қон, жонга жон” тамойили қайси қонунга тегишли ?**

- а) Ману қонунлариға
- б) Хаммураппи қонунлариға
- с) Шамаш стези
- д) Дхарма

**145. “Жазо - подшоҳ, у дохий ва жазоловчи” деган иборалар қайси манбада келтирилган?**

- а) Ману қонунларида

- б) Иппусер сўзларида
- с) Ҳаммураппи қонунларида
- д) Дхаммападаларда

**146. “Қонунлар донишмандлар ёмонлик қилишлари учун эмас, балки уларга бошқалар ёмонлик қилмасликлари учун яратилган” деган сўзларнинг муаллифи...**

- а) Пифагор
- б) Афлотун
- с) Епикур
- д) Полибий

**147. “Халқ одамларнинг шунчаки йигиндиси емас, манфаатлар умумийлиги ва ҳуқуқ масаласида ўзаро келишувга еришган кўпчиликнинг йигиндисидир” деган сўзлар..**

- а) Аристотелга тегишли
- б) Сукротга тегишли
- с) Цицерон
- д) Полибий

**148. Ҳуқуқшуносликнинг Римда оммавий ўрганишга асос солган инсон ким?**

- а) Гнея Флавий
- б) Цицерон
- с) Аристотел
- д) Гиберий Корунний

**149. “Халқлар ҳуқуқи – барча инсоният фойдаланадиган ҳуқуқдир” дея ўз мулоҳазаларини билдирган инсон...**

- а) Папиниан
- б) Улпиан
- с) Яволен
- д) Модестин

**150. “Ҳуқуқнинг фаолияти амр этиш, тақиқлаш, жазолаш” деб кўрсатган ҳуқуқшунос**

- а) Юлиан
- б) Павел
- с) Модестин

д) Квинтилин

**151. “Қонун –фармоиш ,денишмандлар қарори, билиб билмай қилинга жиноятга барҳам бериш , давлатнинг умумий ахдиdir” деган ғоянинг муаллифи?**

- а) Папиниан
- б) Павел
- с) Модестин
- д) Квинтилин

**152. Иеремия Бентам қайси йилларда яшаб ўтган?**

- А) 1838-1842
- Б) 1748-1832
- С) 1832- 1848
- Д) 1718-1848

**153. Утилитаризм назарияси асосчиси ким?**

- А) Бентам
- Б) Локк
- С) Гобсс
- Д) Юнг

**154. Утилитаризм назариясининг уч асосий қоидасини белгиланг.**

- А) Мавхум ҳуқуқ, одоб, ахлок
- Б) Табиий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуки, адолат ҳуқуки
- С) Фаолият, фойда, ахлок
- Д) Сиёсат, давлат, ҳуқуқ

**155. Қайси қаторда И.Бентам асарлари келтирилган?**

- А) «Қонунчилик тамойиллари»
- Б) «Ҳукумат ҳақида»
- С) А ва Б
- Д) Дентология ёки аҳлоқ хакидаги фан
- Е) Барча жавоблар тўғри

**156. «Ҳеч кимнинг сизга таъсир этишига йўл қўйманг ва бу билан сиз жамият учун зарур ишни қилган бўласиз.»**

**Ушбу сатрлар кимга тегишли?**

- А) И Бентам

- Б) Дж. С. Милль
- С) Карамзин
- Д) Форобий
- Е) Афлотун

**157. Эркинликни ўзбилармонлик билан тенглаштирган олим ким?**

- А) И.Бентам
- Б) Гегель
- С) М.Карамзин
- Д) Ж.Остин

**158. И. Бентам асос солган назария қайси қаторда берилган?**

- А) Утилитаризм
- Б) Демократизм
- С) Социализм
- Д) Позитивизм

**159. И. Бентамнинг утилитаризм назариясига кўра одамларга кўпроқ баҳтли бўлиш имконини яратувчи омил нима?**

- А) Тенглик
- Б) Эркинлик
- С) Хукук
- Д) Ахлок
- Е) Куч

**160. Қуйидаги қайси асарлар И. Бентам қаламига мансуб?**

- А) «Дентология ёки ахлок ҳақидаги фан»
- Б) «Эркинлик ҳақида»
- С) «Вакиллик бошқаруви»
- Д) «Хукумат ҳақида»

**161. «Барча давлатлар Конституциявий Кодексига бошланғич қўлланма»**

- А) 1,2,3,4,5
- Б) 5,1,2,4
- С) 1,4,5
- Д) 5,4,2

**162. «Инсоннинг манфаати, фойдаси нимадан ташкил топишини факат инсоннинг ўзигина билади ва у ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан ёрдам кутиши керак эмас.»**

**Ушбу қарашлар кимга тегишли?**

- А) И.Бентам
- Б) Милль
- С) Спиноза
- Д) Остин

**163. Қуйидаги қайси жавобда кўрсатилган олимнинг қарашлари XIX-XX асрлардаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларга салмоқли ҳисса қўшган?**

- А) Ч. Дарвин
- Б) И.Бентам
- С) Дюперрон
- Д) Ч. Ломброзо

**164. 1806-1873 йилларда яшаб ўтган либералист ким?**

- А) Джон Стюарт Милль
- Б) Спиноза
- С) Томас Мор
- Д) Адам Мюллер

**165. Қуйидаги қайси қаторда шахсий эркинликнинг чегараларини кўрсатиб берган олим кўрсатилган?**

- А) Бенжамен Констан
- Б) Дж. С. Милль
- С) Алексис де Токвиль
- Д) Стейн

**166. Қуйидагилардан қайси бири либералист бўлган?**

- А) Г. Гроций
- Б) Муссолони
- С) Остин
- Д) Дж. С. Милл

**167. Қуйидаги қайси каторда Джон Стюарт Милънинг шахсий эркинлик тушунчасига берган талқини кўрсатилган?**

**Шахсий эркинлик бу.....**

- А) Шахсинг қонунга итоат этиши
- Б) Шахсинг илохий қоидаларга буйсиниши
- С) Шахсинг ахлок қоидаларига итоат этиши
- Д) Шахсинг бошка шахслар устидан мутлак ҳуқуқи

**168. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксаклик даражаси давлатда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берган шахс?**

- А) Фома Аквинский
- Б) Цезар
- С) Милль
- Д) К.Маркс

**169. Милънинг фикрича, либерализм бу.....**

- А) Шахсий эркинликни химоя килиш
- Б) Шахсий ҳуқуқни химоя килиш
- С) Давлат механизмини демократик ва ҳуқуқий асосда ташкил этиш
- Д) А ва Б
- Е) Барча жавоблар тўғри

**170. Қайси қаторда либералистлар берилган?**

- А) Ж. Осмин, Рузвельт, Дюверже
- Б) Бенжамен, Франклайн, Рузвельт
- С) Бенжамен Констан, И.Бентам, Герберт Харт
- Д) Бенжамен Констан, Милль, Лоренц Штейн

**171. Милль давлат бошқарувининг қайси шаклини илгари сурган?**

- А) Вакиллик бошқаруви
- Б) Деспот бошқаруви
- С) Монарх бошқаруви
- Д) Аристократ бошқаруви

**172. Ҳуқукий давлат концепциясига асос бўлувчи ғоя қайси қаторда берилган?**

- А) Либерализм
- Б) Социализм
- С) Консерватизм
- Д) Марксизм

**Е. Бюрократизм**

**173. Қуйидагилар қандай асосга кўра бир гуруҳга киритилган?**

**Бенжамен Констан, Жон Стюарт Милль, Лоренц Штейн, Алексис де Токвиль**

- А) улар бир давлатнинг фуқаролари бўлган
- Б) уларнинг ғоялари утопияга асосланган
- С) улар либералистлар бўлган
- Д) уларнинг ғоялари факат давлат масаласига қаратилган

**174. Европа худудида «либерализм отаси» ким бўлган?**

- А) Б.Констан
- Б) Спиноза
- С) Гроций
- Д) Остин

## Тавсия этиладиган адабиётлар

### Ўқув дарслеклари

1. Бобоев. Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслек. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 205 б.
2. Бобоев. Ҳ.Б. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Дарслек. –Т.: Фан, 2004. – 294 б.

### Ўқув қўлланмалар

1. Бойдадаев М. Политико–правовые основы становления и развития системы государственного управления в Республике Узбекистан. Учебное пособие. –Т.: Адолат, 1996. – 172 с.
2. Исламов З.М. Проблемы власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. Учебное пособие. –Т.: ТГЮИ, 2003. – 244 с.
3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). Ўқув қўлланма. –Т.: Адолат, 2000. – 272 б.
4. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2004. – 138 б.
5. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кечаки, бугун, эрта. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 87 б.
6. Мухитдинова Ф.А. Сиёсий–ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 230 б.
7. Мухитдинова Ф.А. Сиёсий–ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 30 б.
8. Мухитдинова. Ф.А. Ўзбекистон халқларининг сиёсий–ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2004. – 208 б.
9. Тошкулов.Ж.Ў. Ўзбекистон халклари сиёсий–ҳуқуқий фикрлари тарихидан. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 128 б.
10. Шарипов.Р. Мухитдинова Ф. Ўзбекистон халқларининг сиёсий–ҳуқуқий таълимотлари. (Жадидлар). Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2004. – 295 б.

### Ўқув–услубий қўлланмалар

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

- 1.** Мухитдина Ф. Сиёсий–ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўкув–услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2003. – 30 б.
- 2.** Мухитдина Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўкув–услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 31 б.
- 3.** Сиёсий–ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўкув дастури. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 30 б.
- 4.** Ўзбекистон халқлари сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Ўкув дастури. Т.: ТДЮИ, 2005. – 31 б.
- 5.** Танирбергенов С. Сиясий ҳэм ҳуқуқый талийматлар тарийхы. Методикалық қолланба. –Н.: ҚМУ, 2005. – 58 б.

### **Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани предмети**

- 1.** Бобоев Ҳ.Б., Қаҳҳоров А. Демократик конституциянинг ижтимоий–ҳуқуқий қирралари. Рисола. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 77 б.
- 2.** Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. (Монография). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ПВ Академияси, 2001. – 46 б.
- 3.** Файзиев М.М. Мустақиллик нима? Рисола. –Т.: Адолат, 1992. – 60 б.

### **Қадимги Шарқ давлатларидағи сиёсий–ҳуқуқий таълимотлар**

- 1.** Мухитдина Ф.А Место и роль политico-правовых учений в становлении гражданского общества. Брошюра. – Т.: ТДЮИ, 2006. – с. 32.
- 2.** Мухитдина. Ф.А. Концепция законодательства и правовой культуры в трудах Фараби. Брошюра. –Т.: ТДЮИ, 2002. – 30 с.
- 3.** Мухитдина.Ф.А.Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти. Рисола. –Т.: ТДЮИ, 2002. – 125 б.
- 4.** Мухитдина.Ф.А. Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари. Рисола. –Т.: Адолат, 2002. – 56 б.
- 5.** Мухитдина.Ф.А.Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти. Рисола. –Т.: ТДЮИ, 2002. – 125 б.

## **СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

**6.** Умарова К. Политическая культура народов Узбекистана и Каракалпакстана исторический опыт формирования. (Монография). – Н.: Каракалпакстан, 1995. – 144 с.

### **Қадимги Юнонистонда сиёсий–ҳуқуқий таълимотлар**

**1.** Мухитдинова Ф.А. Қадим Юнон ҳамда Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлар, ғоялар. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 38 б.

### **Қадимги Рим давлатида сиёсий–ҳуқуқий таълимотлар**

**1.** Мухитдинова Ф.А Место и роль политico-правовых учений в становлении гражданского общества. Брошюра. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 32 с.

### **Ўрта асрларда Ғарбий Оврупада сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар**

**1.** Адилходжаева С.М. Эволюция политico-правовых идей либерализма. // Тез.док. Респ. Научно-теоретической конф. 3 декабря 2002. – Т.: ТГЮИ, 2002. – С. 16-24.

### **Шарқ сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари .**

**1.** Бойдадаев. М. Политico-правовые основы становления и развития системы государственного управления в республике Узбекистан. Т.: Адолат, 1996. – 172 с.

**2.** Мұхамедов Х.М. Мусулмон давлатчилигини тарихий ўрганиш. // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 1998. – 7-сон. – Б. 54-57.

**3.** Мұхамедов Х.М. // Халифалик. У ўзи нима?. – Ватан. – 12 апрел. – 1999.

**4.** Сайдов А. Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Рисола. – Т.: Ижтимоий фикр, 1998. – 142 б.

### **XVII асрда Голландияда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар**

**1.** Умарова К. Взаимообусловленность и взаимодействие политической и правовой культур. // Ж. Право. Ҳуқук. Law. – 1999. – № 3. – С. 19-22.

2. Мухитдинова Ф.А Место и роль политico-правовых учений в формировании гражданского общества. Брошюра. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 32 с.

**Европа маърифатпарварларининг сиёсий–ҳуқуқий таълимотлари**

1. Адилходжаева С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего. (Монография). – Т.: ТДЮИ, 2002. – 233 с.
2. Адилходжаева С.М. Система образования в Австрии. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. – 2004. – №1. – С. 12-15.
3. Адилходжаева С.М. Либерализмни ғоялари ривожланиши. // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2002. – 2-сон. – Б. 37-38.
4. Адилходжаева С.М. Либерализм – правовой и теоретический фундамент рыночной экономики. // Ж. Ҳўжалик ва ҳуқуқ. – 2002. – 6-сон. – Б. 84-87.
5. Ҳамирова М.А. // Англия жиноят қонуни. – Инсон ва қонун. – 23 апрел. – 2003.
6. Хайтбоев Ф.П. Умумий интеграция жараёни. // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2003. – 5-сон. – Б. 18-20.

**МУНДАРИЖА**

1. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ўқув фани сифатида: мавзуи, тизими, услуби.....	3
2. Қадимги Шарқ давлатларидағи сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.....	13
3. Қадимги Юнонистон (Греция) сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари.....	31
4. Қадимги Рим давлатида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар.....	53
5. Ўрта асрларда Шарқ ва Farb мамлакатларида сиёсий - ҳуқуқий таълимотлар.....	73
6. Farбий Европа давлатларида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар.....	86
7. XVII-XVIII асрларда сиёсий-ҳуқуқий қарашлар.....	98
8. XVII- XVIII асрларда немис ва итальян маърифатпарварларининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари.....	114
9. АҚШдаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар .....	131
10. XIX асрда Европада сиёсий-ҳуқуқий таълимотларлар ривожи..	159
11. XX асрнинг сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари.....	191
12. Сиёсий ва ҳуқуқий фикрлар намунаси.....	256
13. Тестлар.....	266
14. Тавсия этиладиган адабиётлар.....	299

**Қайдлар учун**

**Қайдлар учун**

**Ф.МУҲИТДИНОВА**

**СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

**ўқув қўлланма**

Муҳаррир: С.Салимова  
Техник муҳаррир: Ж.Абдужалилов

Босишига руҳсат этилди. Босма табоғи:18.8 Адади 500 нусха.  
Буюртма №.... Келишилган нархда.  
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.